

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари
асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган

**2018-4
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издаётся с 2006 года**

Хива-2018

	ТАҲРИР ҲАЙАТИ:	МУАССИС
АҲБОРОТНОМА 2006-ЙИЛДАН ЧОП ҚИЛИНИБ БОШЛАГАН	АБДУЛЛАЕВ Икрам , б.ф.д. АБДУЛЛАЕВ Баҳром , ф-м.ф.д. АБДУЛЛАЕВ Равшан , тиб.ф.д., проф. АБДУҲАЛИМОВ Баҳром , т.ф.д., проф. АХМЕДОВ Муҳаммад , арх.ф.д. БОБОЖНОВ Мақсуд , т.ф.д., проф. ДАВЛЕТОВ Санжар , тар.ф.д. ДУРДИЕВА Гавҳар , арх.ф.д. ИБРАГИМОВ Бахтиёр , к.ф.д., акад. ИБРАГИМОВ Назар , к/х.ф.д., проф. ИСҲОҚОВ Мирсадик , т.ф.д. ҚОДИРОВ Шавкат , к/х.ф.н. ЛАМЕРС Жон , к/х.ф.д., проф. Майкл С. Энжел , б.ф.д., проф. МИРЗАЕВ Сироҷиддин , ф-м.ф.д., проф. РАҲИМОВ Раҳимбой , т.ф.д., проф. РЎЗИБОЕВ Рашид , тиб.ф.д., проф. РЎЗИМБОЕВ Сапарбой , ф.ф.д., проф. РЎЗМЕТОВ Бахтиёр , и.ф.д., проф. САДУЛЛАЕВ Азимбой , ф-м.ф.д., акад. САЛАЕВ Санъатбек , и.ф.д., проф. САФАРОВ Каримжон , б.ф.д., проф. СОБИРОВ Ражаббой , фарм.ф.д., проф. ҮРАЗБОЕВ Ғайрат , ф-м.ф.д. ҮРОЗБОЕВ Абдулла , ф.ф.н. ҲАЖИЕВА Мақсуда , фал.ф.д. ҲАСАНОВ Шодлик , к.ф.н.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси Бош муҳаррир Икрам Абдуллаев Бош муҳаррир ўринбосари Гавҳар Дурдиева Ўзбекча матн муҳаррири Дилшод Рўзметов Русча матн муҳаррири Шодлик Ҳасанов Инглизча матн муҳаррири Руслан Мадаминов Жон Ламерс Техник муҳаррир Гулстан Артиқбоева Мусаҳҳих Абдулла Ўрозбоев ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ 220900, Хива, Марказ-1 Тел/факс: (0 362) 375-70-01 E-mail: mamun-ahborotnama@academy.uz  (+998) 93-569-16-70
АҲБОРОТНОМА БИР ЙИЛДА ТЎРТ МАРТА НАШР ҚИЛИНАДИ	РАҲИМОВ Раҳимбой , т.ф.д., проф. РЎЗИБОЕВ Рашид , тиб.ф.д., проф. РЎЗИМБОЕВ Сапарбой , ф.ф.д., проф. РЎЗМЕТОВ Бахтиёр , и.ф.д., проф. САДУЛЛАЕВ Азимбой , ф-м.ф.д., акад. САЛАЕВ Санъатбек , и.ф.д., проф. САФАРОВ Каримжон , б.ф.д., проф. СОБИРОВ Ражаббой , фарм.ф.д., проф. ҮРАЗБОЕВ Ғайрат , ф-м.ф.д. ҮРОЗБОЕВ Абдулла , ф.ф.н. ҲАЖИЕВА Мақсуда , фал.ф.д. ҲАСАНОВ Шодлик , к.ф.н.	Аҳборотнома Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган
2018 4(49)		ГУВОҲНОМА № 13-040
		Теришга берилди: 20.11.2018 Босишига руҳсат этилди: 03.12.2018. Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 100. Ҳажми 10 б.т. Буюртма: № 10-Т
		Хоразм Маъмун академияси босмахонасида чоп этилди. Хива, Марказ-1
		ISSN 2091-573 X
		Нашр учун масъул Ш. Ҳасанов

МУНДАРИЖА

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Alloberganova Z.B., Raximova X.M., Bekchanova M., Sharipova F.O., Sharipov Sh.X., Ibragimova S.U. Xorazm tuproq iqlim sharoitida Juglans fallax o'simligining bioekologik xususiyatlari	5
Абдуллаева А.Т. Анатомическое строение вегетативных органов краснокнижного вида <i>Allium giganteum</i> Regel в условиях интродукции	7
Аметов Я.И., Жуманов М.А. Қорақалпоғистонда хақкушнинг Nycticorax Nycticorax кўпайиш экологияси бўйича материаллар	11
АМЕТОВ Я.И., ЖУМАНОВ М.А., АРЕПБАЕВ И.М. Қорақалпоғистонда сариқ сорнинг <i>Buteo Rufinus</i> экологияси бўйича материаллар	14
Бекбергенова З.О., Розымова А. Гарпия большая - <i>Dicranura vinula</i> L.(Серура <i>vinula</i> L.) опасный вредитель тугайных экосистем Каракалпакстана	17
Бекчанов М.Х., Бекчанов Х.У., Авзметова И. Фенологических групп семейство белянки – <i>Pieridae</i> северного Узбекистана	18
Бекчанов Х.У., Бекчанова М.Х., Авзметова И., Явкачев Д.А. К фауне <i>Catocala</i> (Lepidoptera, Catocalinae) Нижне-амударьинский государственный биосферный резервата	21
ЖУГИНИСОВ Т.И., АБДУЛЛАЕВ И.И. Жанубий Орол бўйи шароитида ксилофаг-ҳашаротлар зарари ва уларга қарши профилактик чора-тадбирлар	23
РАХИМОВА Н.К., ДУСЧАНОВА Г.М. Анатомическое строение листа <i>Iris Sogdiana</i> Bunge в условиях природы и интродукции (Узбекистан)	25
ЮСУПОВА Д.М. Структурные особенности листа <i>Allium Protensum</i> Wendelbo (Amaryllidaceae), произрастающего в Кашкадарьинской области	28

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАР

Абдуллаев И.С., Аллаяров С.Ф. Минтақаларда ахоли бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасини роли	32
Астанакулов О.Т., Асатуллаев Х.С. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини ривожлантириш масалалари	35
Атаев Ж. Қишлоқ хўжалиги кичик бизнесни шакллантириш ва янада ривожлантириш зарурати	39
Матякубов У.Р., Аминова М. Туристлар хавфсизлигини таъминлашнинг баъзи жиҳатлари	44
Салаев С.К., Таджиев Б.У. Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг хусусиятлари	48
Салаев С.К., Алимов А. Устюрт платосининг табиий-ландшафт салоҳиятидан экотуристик маршрутларни ишлаб чиқишида самарали фойдаланиш	53
Худайберганов Д.Т., Базарбоев М. К., Каримова М.М. Chakana bank xizmatlarini rivojlantirishning ijtimoiy- iqtisodiy ahamiyati	59
Худойқулов С.К. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг макро ва микро даража амал қилиши ва уларнинг ўзаро таъсири	63

ТАРИХ ФАНЛАРИ

Yunusxo'jayev H. Vaqf: mohiyati, tarixi va bugungi kundagi ahamiyati	69
Абдуллаев Ў., Аллаберганов О. Xorazm vohasi arxeologik yodgorliklarining o'r ganilish tarixi tarixshunosligidan	71
Ачилова Г.М. Чингизийлар даврида Хоразмнинг иқтисодий ҳолати ва шаҳар хаётидаги ўзгаришлар	74
Исмоилов Ш.З. Араб тарихнавислигининг халқ ижодиёти, анъаналари билан узвий боғлиқлиги	78
Каримов Я.А. Хоразм алоқа йўллари тарихидан	81

Нуруллаева Ш.Қ., Алланазаров С.Б. Абу Райхон Беруний –ўрта аср Шарқ алломаларининг даҳоси	83
Рахманова Ю.М. Мозий эътиқодларида аёл зоти илоҳалари (Хоразм воҳаси мисолида)	85
Рахманова Ю.М. Хива хонлигига мусиқа ва ракс санъати	88
Сафаров Т.Т. Амударё сув йўлининг савдо алоқаларидаги ўрни (XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари)	90
Худайбергенов Ҳ. XX-аср бошларида Хоразм кулолчилигига оид урф-одатлар ва маросимлар	93

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

Авлиёқулов М.А., Дурдиев Н.Ҳ. Сув-озиқа меъёрларининг бир дона қўсақдаги пахта, 1000 дона дон ва бир бош карам, пиёзбош вазнига таъсири	96
Кушметов З.М. Соя навларининг ҳосилдорлигига экиш муддатларининг таъсири ...	98
Махкамова Д.Ю., Идирисов К.А. Жиззах чўли гипсли тупроқларининг деградацияга учраганини бўйича индикаторлари, биологик фаоллиги (БФ), умумий нисбий биологик фаоллиги (НБФ) ҳамда биодиагностик кўрсаткичлари	100
Норбоева У.Т., Холлиев А.Э. Фўза навларининг шўрланишга нисбатан мослашиш кўрсаткичлари	103
Собиров Р., Собиров Ҳ., Муродов Б. Доривор мойчечак ўсимлигини етиштириш агротехникиаси	106

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Зоиров Э.Х. Маҳдуми Аъзам асарларида онталогик масалалар: киёсий таҳлил	110
--	-----

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

Қаландаров Б. Муқобил энергетика ва унинг ривожланиш муаммолари	112
--	-----

ХОРАЗМ ТУПРОҚ ИКЛИМ ШАРОИТИДА JUGLANS FALLAX О'СИМЛИГИННИН БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЙАТЛАРИ

Z.B.Alloberanova, X.M.Raximova, M.Bekchanova, F.O.Sharipova, Sh.X.Sharipov, S.U. Ibragimova

Annotasiya. Maqolada Juglans fallax o'simligining tarqalish areali, uning uchun maqbul bo'lgan sharoitlar, bioekologik xususiyatlari keltirilgan.

Kalit so'zlar: tropik, yong'oq, mag'iz, oqsil, uglevod, глобулин, пахоща, серхосил.

Аннотация. В статье приведены данные об ареале распространения, о оптимальных условиях и биологических свойствах растения Juglans fallax.

Ключевые слова: тропический, орех, ядро, протеин, углевод, глобулин, прививка, плодородный.

Abstract. The article presents data on the area of distribution, on optimal conditions and bioecological properties of the plant Juglans fallax.

Key words: tropical, nut, core, protein, carbohydrate, globulin, vaccination, fertile.

O'zbekiston Mustaqillikka erishgandan keyingi yillari tabiatni, shu jumladan o'simlik boyliklarini ham har tomonlama o'rganish, ulardan fanga asoslangan holda foydalanish uchun keng imkoniyatlar yaratila boshlandi.

Manbalarni o'rganish va olib borilayotgan kuzatishimiz asosida shu narsaga amin bo'ldikki, O'zbekiston mamlakati tabiatan boy mamlakat, uning tabiiy xom-ashyo zahiralari xalqimizning kun-sayin o'simlik mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojlarini to'la-to'kis qondirish imkoniyatiga ega. Bu boyliklardan samarali foydalanish uchun esa ularni umumiyl holda emas, balki aniq yo'nalishlarda (cho'l, adir, tog', tur, turkum, oila) har tomonlama chuqur bioekologik muhitda o'rganish talab etiladi. O'simliklarni o'rganishda ularni foydali tomonlarini hisobga olib, bir qancha guruhlarga bo'lish umumiyl holda qabul qilingan. ULARNI OZIQ-OVQAT, dori-darmon, efir moyli, zaharli, yem-xashak deb qadimda ajdodlarimiz o'z ehtiyojlari va ishlashiga ko'ra shunday guruhlarga bo'lishgan.

Ular o'z tarkibida foydali moddalarni ko'proq yoki ozroq tutishlari mumkin. Hozirgi kunga qadar esa o'z tarkibida ko'proq foydali modda tutuvchi yaxshi o'rganilgan turlardangina foydalanib kelinmoqda va ular nisbiy holda foydali o'simliklar deb ataladi. Shuning uchun ham o'simliklarning qanchalik turlarini yaxshi o'rgansak, ularning beqiyos boyliklaridan oqilona foydalansak, xalqimizni turmush darajasi yaxshilanib, boyliklarimizga yana boyliklar qo'shilib boraveradi.

Birinchi bor yong'oqni sistematikasi Dodl tomonidan 1909- yili o'rganilgan. U yong'oqning sistematikasini o'rganishda ularning barg morfologiyasini asos qilib olgan va yong'oq turkumini 3 turga bo'lgan. 1920-yili M.G.Popov yong'onqning faqat bir turini (Juglan) tan olgan holda ikki turni ajratgan.[1]

Ularni sistemaga solishda M.G.Popov tur va turchalarni tarixi va geografik tarqalishini hisobga olmagan. Keyingi olib borilgan izlanishlar natijasida yong'oqning 2 turi ajratilgan (J.Regiah va J. follax Dode), J.follax ikkinchi turga nisbatan qadimiyligi va namli, issiq muhit sharoitda o'sganligi, barglarining yupqa, tiniqligi, ko'p tukli bargchaligi, mevasining mag'izlarini ajratib olish biroz qiyinligi (mag'izlar orasiga kiruvchi parda-tosiqlarni yog'ochlashganligi) bilan ajralib turadi. J.Gedta esa birinchi turdan keyinroq paydo bo'lganligi, nisbatan qurg'oqchil-kontinental sharoitda shakilanganligi, 600-2000 metr dengiz sathidan balandliklarda o'sishi, bargchalarini kam juftliligi, qalin va qattiqligi bilan shuningdek, endi karp va mag'iz oraliqlaridagi to'siqlarni yupqa parda shaklida bo'lishi bilan xarakterlanadi. Har ikki tur ham tabiiy tanlanish natijasida ko'p sonli shakllar va navlarni hosil qilgan. Bu navlar Fransiya, Bolgariya, Germanya, Amerika kabi mamlakatlarda yetishtirilgan navlardan bir muncha yuqori turadi. Hozirgi kunda bu ikki turning yuzdan ortiq shakl va navlari mavjud bo'lib, ular mevasining shakli, katta kichikligi, mag'zining rangi, endokarpning toshsimon, qog'ozsimon ko'rinishda bo'lishi bilan farqlanadi [2].

Mavjud yong'oq turlari uch guruhg'a bo'linadi: kuraki, qohati, g'alvirak. Kuraki yong'oqlar - yovvoyi holda tog'larda ko'p uchraydi. Ularning po'g'ochi qalin, mag'izi yopishqoq, kamhosil tupi tik o'sib bo'yи 30-40 metrga boradi. Voyaga yetganda har tupi 2-3 kilogrammdan hosil beradi. Kuraki yong'oqlar tezo'sar, hushmanzara bo'lib, u ko'kalamzorlashtirishda, o'rmonchilikda qo'l keladi.

Qohati yong'oqlar esa sermag'iz, serhosil mag'izi po'chog'idan yaxlit ajraladi. Ular madaniy holda keng tarqalgan bo'lib, bo'yи 15-20 metrgacha boradi.

O'tqazilgandan so'ng uchinchi-to'rtinchi yilda hosilga kiradi. 20-30 yillik daraxtining har tupidan 100-200 kilogramm hosil olish mumkin[4].

G'alvirak chillaki yong'oq - daraxtining bo'yи past 7-8 metrdan oshmaydi. G'alvirak yong'oq barvaqt hosilga kirishi bilan yaqqol ajralib turadi. Uning ham xili ko'p, bir-biridan hosili, mevasinint shakli, katta kichikligi, ta'mi bilan ajralib turadi. G'alvirak yong'oq besh-olti yildan keyin to'liq hosilga kiradi. O'n yildan so'ng har tupidan 10 kilogramm, 15-20 yildan so'ng 100 kilogramm hosil olish mumkin. Hozir bunday

yong'oqlar tajriba uchastkalarida o'stirilib, xususiyatlari sinab ko'rilmogda.

Yong'oqni ekish, o'stirish, parvarish qilish oson. U yer tanlamaydi, turli sharoytlarga tez moslashib (20° sovuq bilan 40° issiqda) uzoq yashaydi.

Navlariga ko'ra yong'oqning tuproq, suv, yorug'lik va haroratga talabchanligi turlichadir.

Kuraki yong'oq namsevar, tez o'sadigan daraxt, tabiiy holda tog'larning shimoliy yonbag'irlarida yoki suv bo'ylarida, qora tuproqli yerlarda o'sib, qalin yong'oqzorlar hosil qiladi. Madaniy holda sersuv yerlarda tez o'sadi. Har bir daraxt mavsumda 4000 litr suvni o'zlashtiradi. Kuraki yong'oqlarning normal o'sishi uchun issiq $+30^{\circ}$ dan, sovuq esa $-15-20^{\circ}$ dan oshmasligi kerak.

Yong'oq soz, serchirindi, qo'ng'ir nam tuproqlarda ham yaxshi mo'l hosil beradi. Quruq yoki botqoq sho'rxok yerlarda esa o'suv davri cho'zilib ketadi, hatto qurib qoladi. Yong'oq daraxti hosilga kirdguncha har mavsumda yetti-sakkiz marta sug'orishni talab qiladi. Yiliga 700- 800 millimetр yog'in tushadigan tog'lik tumanlarda u sug'orilmaydi. Daraxt voyaga yetib, ildizlari yerga chuqur tarqalganida yiliga bir-ikki marta sug'orilsa bo'ladi. Hosil yetilish davrida suv kamchil bo'lsa, magizi sifatsiz, hatto puch bo'lib qoladi. Shuning uchun hosilga kirdgancha yong'oqlar tez-tez sug'orib turilishi kerak. Hozirgi yong'oq turining qoldig'i keyinchalik ko'p marta Shimoliy Italiyaning Pleystototsen qatlamlarida topilgan. Ko'pchilik olimlar yong'oqlar kelib chiqishini Osiyo qit'asiga taalluqli deyishadi.

Yong'oqning iqlim sharoitlari keskin o'zgarib, yong'oqzorlarning tabiatini yomonlashdi, yer yuzini muz bosishi munosabati bilan yong'oqlarning areali - geografiyasi shimoldan janubga va g'arbga qarab surilib, subtropik o'rmonlarda keng tarqala boshladi. O'rta Osiyo va Kavkaz tog'larida saqlanib qoldi. Muzliklar davri chekingunicha yong'oqlar nam sharoitga moslashib o'savergan. Osiyodan Eron, Afg'oniston, Turkiya, Kavkazga qarab yo'nalgani tufayli - quruq iqlimga duch keladi. Qurg'oqchilik neogenda yanada osha boshlaydi. Bu hol kserofit — qurg'oqchil, moslashib o'sadigan o'simliklarning keng tarqalishiga imkon berdi. Binobarin, mezofit-namsevar o'simliklarni keskin qisib qo'ydi [3]. Natijada namsevar o'rmonlar ancha kamaydi, ayrimlari esa yangi sharoitga qisman moslashdi. Yong'oqlar bunday tarixiy taraqqiyot davrida keng biologik potensialga erishdi, ekologik xususiyati rivojlandi. Suv, tuproq rejimi o'zgarib yong'oqlarning murakkab-yo'llar bo'yab o'tishi natijasida xilma-xil navlari yaratilib, ular turli sharoitga moslasha bordi. Natijada har xil yong'oqlar yaratildi. Biologiya hamda ekologiyasi o'zgarib yangi yong'oqlar kelib chiqdi. Yong'oqning yangi turlarini yaratish uchun quyidagi sharoit vujudga keldi. Tabiiy tanlash yo'li bilan yangidan-yangi yong'oq turlari yaratila bordi, yovvoyi yong'oqlar orasidan yaxshilari saralanib ularni turli sharoitlarda o'stirtish imkonini tug'ildi.

Tabiat behisob yong'oqzorlarni yaratdi. Inson uning qadr-qimmatiga yetib, qadimdan foydalanib kelmoqda. Bu haqida qadimiy rivoyatlarda ham bayon qilingan. Jumladan yong'oq Podsho daraxti - Yupitera deb yuqori baholangan. Neolit davrida yong'oq po'choqlari Shveysariyada, Italiyada, Ispaniyada va boshqa mamlakatlarda qazilmalardan ko'p topilgan[1,3].

O'rta Osiyodagi yovvoyi mevalar ichida yong'oq ayniqla yuqori baholanardi. Chunki yong'oq tevarak atrofni ko'kalamzorlashtirib o'ziga xos husun berishidan tashqari, inson uchun oziq-ovqat, dori-darmon bo'lган. Shuning uchun ham ko'p mamlakatlarda yong'oq yetishtirishga katta ahamiyat berilmoqda. Masalan, hozir Ispaniyada 378 248 ga, Kaliforniyada 100 ming ga, Shimoliy Amerikada 66,4 ming ga, Bolgariyada 370 ming ga, Italiyada 11,511 ga yong'oqzor bor. Frantsiya, Xitoy Xalq Respublikasi, Italiya, Gretsya, Afg'oniston, Iroq, Yaponiya kabi ko'pgina mamlakatlarda ham yong'oqzorlar ancha katta yaylovlarda tashkil etilgan.

Davlatimiz rahbari viloyatlarga tashrifи chog'ida fermer va dehqonlar, aholi bilan uchrashib qishloq xo'jaligini tubdan isloh qilish, tomorqalardan unumli foydalanish borasida zarur ko'rsatmalar berib keladi. Xususan, hududlar tabiiy-iqlim sharoitidan kelib chiqqan holda yong'oqzorlar yaratish, ichki va tashqi bozorlarda raqobatbardosh yong'oqlar ishlab chiqarish hajmini ko'paytirishga alohida e'tibor qaratmoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 1-iyundagi "Yong'oq ishlab chiqaruvchilar va eksport qiluvchilar uyushmasini tuzish va uning faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori bu borada muhim ahamiyat kasb etmoqda. Qarorga muvofiq, yong'oq ishlab chiqaruvchilar va eksport qiluvchilar uyushmasi tuzildi. Endilikda mazkur uyushma serhosil yong'oq plantatsiyalarini yaratish, eksport hajmini ko'paytirish, yong'oq yetishtiruvchilar malakasini oshirish, investitsiyalarni jalb qilish bo'yicha tashkilish ishlarni bajaradi.

Shu munosabat bilan Xorazm viloyati sharoitida yong'oq daraxtining bir qator navlarini sinab ko'rish, uning agro- va biotexnologiyasini ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Василенко М.Т.Дикий плодовый растительный мир Южной Киргизии.Фрунзе. 1958.
2. Верник Р.С., Момотов И.Ф. Растительность дельты Амудары. Материалы по производительным силам Узбекистана, вып. 10. - Ташкент: АН УзССР, 1959.-С. 273-294. 24
3. Тўйчиев М.Т. Ёнғоқ. Тошкент.Ўзбекистон.“Фан” нашриёти. 1982.
4. Прутенский Д.И. Орех грецкий – Juglans regia. Тошкент.“Фан” нашриёти. 1961.

АНАТОМИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ ВЕГЕТАТИВНЫХ ОРГАНОВ КРАСНОКНИЖНОГО ВИДА

ALLIUM GIGANTEUM REGEL В УСЛОВИЯХ ИНТРОДУКЦИИ

А.Т. Абдуллаева Институт Ботаники АН РУз к.б.н.

Annotatsiya. Ilk bor Toshkent Botanika bog 'ining introduksiya sharoitida o 'stirilayotgan Allium turkumiga mansub

- A. giganteum turi vegetativ organlarining anatomik tuzilishi o 'rganilib, ularni mazkur sharoitga moslashgan diagnostik belgilari aniqlandi. Aniqlangan belgilarni turda mezomorflik ko 'rsatkichlari ustunlik qilishini ko 'rsatdi.

Kalit so'zlar: anatomiya, vegetativ organlar, introduksiya, Botanika bog 'i, A. giganteum.

Аннотация. Впервые определены адаптивные диагностические признаки в строении вегетативных органов *A. giganteum* – представителя рода *Allium*, произрастающего в условиях интродукции Ботанического сада. Выявленные признаки показывают преобладание мезоморфных показателей данного вида.

Ключевые слова: анатомия, вегетативные органы, интродукция, Ботанический сад, *A. giganteum*.

Abstract. For the first time, adaptive diagnostic features of the structure of the vegetative organs of *A. giganteum* - a representative of the genus *Allium* growing under the introduction of the Botanical Garden - were identified. The distinguished features show the prevalence of mesomorphic indices of a given species.

Key words: anatomy, vegetative organs, introduction, Botanical garden, *A. pskemense*.

Изучение эндемичных, редких, краснокнижных видов растений является актуальной задачей сегодняшнего дня. В связи с этим нами предпринято исследование структуры эндемика - представителя рода *Allium* L. Из-за вкусовых и ароматических качеств некоторые виды луков давно введены в культуру, но во многих местностях население употребляет в пищу и дикие виды. Чесночный запах и вкус луков обуславливается находящимся во всех тканях чесночным маслом, главная часть которого дисульфид – который содержит много серы.

Многие представители луковых являются пищевыми, лекарственными и декоративными. В пищевом репчатом луке - *A. sera* L. найдены некоторые полезные вещества: эфирное масло (до 0,05%), сахар (10-11 %), состоящий из глюкозы, фруктозы, сахарозы и мальтозы, инулин. В листьях имеются витамины – С (20 мг %), В₂ (50 мг %), провитамин – А (4 мг %), лимонная и яблочная кислоты.

Некоторые виды луков отличаются высокой декоративностью (*A. giganteum*, *A. christophii*, *A. coeruleum*) и усиленно запрашиваются заграничными цветочными фирмами.

Цель исследования: выявление адаптивных структурных признаков вегетативных органов *Allium giganteum* в условиях интродукции.

Объектом исследования является, краснокнижное, многолетнее, однодольное растение *Allium giganteum* из семейства Amaryllidaceae.

Материал собран из экспозиции редких и эндемичных, интродуцированных растений лаборатории «Интродукция древесных и травянистых растений» Ташкентского Ботанического сада имени акад. Н.Ф. Русанова при Институте ботаники АН РУз. При исследовании применены общепринятые анатомические методы. Для анатомических исследований фиксировали лист в 70%-метаноле. Эпидерму изучали на парадермальных и поперечных срезах. Поперечные срезы листа – сделаны по середине. Описания основных тканей и клеток приведены по К. Эсау [1], эпидерма – по С. Ф. Захаревич [2]. Препараты, приготовленные ручным способом, окрашивали метиленовой синью последующим заклеиванием в глицерин-желатину [3]. Микрофотографии сделаны компьютерной микрофотонасадкой цифровым фотоаппаратом марки A123 фирмы Canon под микроскопом Motic B1-220A-3.

***Allium giganteum* Regel. Строение листа.** На парадермальном срезе очертания эпидермальных клеток прямолинейные, проекция многоугольная. Устьица расположена поперечно к продольной оси листа. Форма устьиц овальная. Замыкающие клетки устьиц почти одинаковой длины, погруженные, аномоцитного типа (рисунок 1).

Лист на поперечном срезе пластинчатый. Эпидерма состоит из одного ряда клеток овальной формы. Эпидермальные клетки на адаксиальной стороне листа мелкие, на абаксиальной стороне крупные. Наружная стенка эпидермы тонкостенная, внутренняя более утонченная. Кутикула слабоволнистая. Устьица погружены до половины высоты эпидермальных клеток.

Тип мезофилла изогубчатый, состоит из 9-10 рядов губчатых клеток. В паренхиме локализованы в большом количестве друзы оксалата кальция, а также некоторые кристалловидные включения. Губчатая паренхима крупноклеточная, тонкостенная. В средней части листа, между проводящими пучками имеются крупные полости. На адаксиальной стороне под эпидермой расположены крупные проводящие пучки, на абаксиальной стороне расположены мелкие проводящие пучки. Крупные проводящие пучки

окружены крупными клетками обкладками. Проводящие пучки имеют очень крупные и мелкие сосуды, флоэму и ксилему. В проводящих пучках имеются 3 крупных и 5-6 мелких сосудов (рисунок 1).




Рисунок 1 – Анатомическое строение листа *Allium giganteum* в условиях интродукции: а – адаксиальная эпидерма; б – абаксиальная эпидерма; в – деталь; г – проводящий пучок; д – погруженное устьице. Условные обозначения: ГП – губчатая паренхима, Кс – ксилема, Ф – флоэма, Э – эпидерма.

Строение цветоноса. Цветонос на поперечном срезе окружлой формы. Эпидермальные клетки однорядные, мелкие, хлорофиллоносные, слегка тангенциально-вытянутые, реже гантеловидные, а так же разной формы и разной величины (рисунок 2).




Рисунок 2 – Анатомическое строение цветоноса *Allium giganteum* в условиях интродукции: а – схема и деталь; б – эпидерма; коровая паренхима и млечники; в – проводящий пучок и склеренхима; г – сердцевина. **Условные обозначения:** ГД – гидроцитные клетки, КП – коровая паренхима, Кс – ксилема, Мл – млечники, ПП – проводящий пучок, Пх – паренхима, СК – склеренхима, Ф – флоэма, Э – эпидерма.

Наружная стенка эпидермы утолщенная, внутренняя менее утолщенная, чем у остальных видов (это явление редкое, которое не встречается у других изученных нами видов рода *Allium*). Кутикула слабоволнистая. Устьица глубоко погруженная. Под эпидермой локализованы многочисленные, плотно расположенные между собой млечники, которые плотно прилегают к эпидермальным клеткам. Коровая паренхима многорядная, состоит из 7-8 рядов клеток, в ней имеются многочисленные гидроцитные клетки. Под коровой паренхимой локализованы группа склеренхимных клеток, образующие склеренхимное кольцо состоящее из нескольких рядов (8-9), стенки которых относительно тонкие. Над ними локализованы проводящие пучки. Центральный цилиндр обширный. Клетки его тонкостенные, крупные и мелкие, крупные преобладают. В нем по периферии локализованы проводящие пучки, которые расположены по центростремительному направлению беспорядочно (рисунок 2).

Строение цветоножки. Форма цветоножки на поперечном срезе волнисто - ребристая. Эпидерма округло - овальная, однорядная. Наружная стенка эпидермы тонкостенная (рисунок 3).




Рисунок 3 – Анатомическое строение цветоножки *Allium giganteum* в условиях интродукции: а – схема; б – деталь. **Условные обозначения:** КП – коровая паренхима, ПП – проводящий пучок, Э – эпидерма.

Эпидермальные клетки хлорофиллоносные. Под эпидермой расположена 3-4 рядная коровая паренхима, клетки которой - тонкостенные. За ними расположены несколько рядов склеренхимных клеток, которые образуют склеренхимное кольцо между коровой паренхимой и центральным цилиндром. Весь центральный цилиндр сильно склерифицирован.

Впервые в условиях Ташкентского Ботанического сада исследовано анатомическое строение вегетативных органов краснокнижного вида *A. giganteum*. При исследовании выявлены следующие структурные диагностические признаки: по листу – пластинчатая форма листа, неутолщенность кутикулы и тонкостенность наружной эпидермы, неглубокая погруженность устьиц; по цветоножке – неутолщенность и слабо – волнистость поверхности кутикулы, тонкостенность наружной стенки эпидермы, наличие включений и обилие друз в клетках коровой паренхимы, кольцесосудистость и толстостенность склеренхимы; по цветоносу – пучковое строение центрального цилиндра, кольцесосудистость и крупный размер сосудов ксилемы.

Таким образом, выявленные анатомические диагностические признаки по вегетативным органам у *A. giganteum* могут быть использованы при систематических исследованиях.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

- 1 Эсау К. Анатомия растений. – Москва: Изд. Мир, 1969. – С. 138-416.
- 2 Захаревич С.Ф. К методике описания эпидермиса листа / С.Ф. Захаревич // Вестник ЛГУ. – Ленинград. – 1954. – № 4. – С. 65-75.
- 3 Барыкина Р.П., Веселова Т.Д., Девятов А.Г. и др., Справочник по ботанической микротехнике (основы и методы). – Москва: Изд. МГУ. – 2004. – С. 6-68.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ХАҚҚУШНИНГ *NYCTICORAX NYCTICORAX* КҮЙАЙИШ
ЭКОЛОГИЯСИ БҮЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР**

Я.И.Аметов, М.А.Жуманов
Қорақалпоқ давлат университети

Аннотация. Мақолада 2007-2016 йиллари Амударёning кўйи оқимида хаққушининг экологияси бўйича тўпланган материаллар баён қилинади. Шу жумладан, хаққушининг тарқалиши, сони, уялаш биологияси ва озиқланиши ўрганилган. Бу күшини мухофаза қилиши бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Хаққуш, Амударёning кўйи оқими, кўп сонли қуш, тўқай, сув ва сув олди ландшафти, тўрангилзор, уя қурилиши, тухум кўйиши, полапонлар, уяловчи колония, тунги қуш.

Аннотация. В статье излагаются материалы по экологии кваквы собранные в 2007-2016 гг. в низовьях Амудары. В том числе изучено распространение, численность, гнездовая биология и питание кваквы. Даны рекомендации по охране этой птицы.

Ключевые слова: Кваква, низовье Амудары, многочисленные птицы, степь, водный и предводный ландшафт, строение гнезда, кладка яиц, птенцы, колония, ночная птица.

Abstract. In the article, materials on the ecology of the Night Heron (*Nycticorax*) collected in 2007-2016 in the lower reaches of the Amu Darya are presented. Including, the distribution, abundance, nest biology and nutrition of the Night Heron were studied. Recommendations on the protection of this bird are given.

Key words: Night Heron, the lower reaches of the Amu Darya, numerous birds, steppe, water and prewater-landscape, nest structure, egg laying, chicks, colony, night bird

Хаққуш *Nycticorax nycticorax* – Амударёning кўйи оқимида уя қурувчи кўп сонли қуш саналади. Лекин шунга қарамай бу күшининг биологияси ва экологияси кам ўрганилган (Кенжегулов, 1965, 1966; Мамбетжумаев, 1971; Абреймов, 1981). М.Бутлеров (1879) бу күшин Нукус шаҳри атрофидаги кўлларда кўрган, Н.А.Зарудный ва С.И.Билькевич (1918) Орол дengизининг жанубий қирғозларида, X.Салихбаев (1950) Амударёning кўйи оқимида, В.П.Костин (1956) Кўнгирот боғларида ва Амударё дельтасининг тўрангилли тўқайларида уя қуришини айтган.

Хаққушнинг 4 та кенжा тури мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда бир кенжা тури *N.p.nycticorax* яшайди.

А.К.Сагитов (1987) маълумоти бўйича хаққушнинг Ўзбекистонда баҳорги учиб ўтиши март ойининг иккинчи ярмидан бошланади ва апрель охиригача давом этади; кузги учиб ўтиши август охиридан бошланиб сентябрь охирида тугайди.

Х.С.Салихбаев, А.Н.Богданов (1961) маълумоти бўйича хаққуш Амударёning кўйи оқимида апрелнинг ўртасида, Т.Абреймов (1981) маълумоти бўйича 8-21 апрель оралиғида пайдо бўлади, кузги учиб ўтиши иссиқ келган кузда ноябрь ўртасигача давом этади.

К.Кенжегулов (1965) маълумоти бўйича 1964 йили 24 майда Каражожабах кўлида 28 жуфт хаққуш, 14 жуфт кичик қоравой ва 12 жуфт қошиқбуруннинг уяловчи колониясини учратган. Уларнинг уялари 5 м га ча бўлган қамишзорларда жойлашган.

А.Мамбетжумаев (1971) маълумоти бўйича 1962 йили 21 июлда Шакал тўқайда 2 ҳафталик полапонлари бор 8 уясини топган, шундан 5 уяда 3 тадан, бир уяда-икки, икки уяда-биттадан полапонлар бўлган. 1964 йил 8-10 июлда Шыкжамал тўқайида 0,42 га майдонда жийда дараҳтларида 300 жуфт хаққуш уялаган. 0,06 га майдондаги назорат участкада 48 та уя санаган. Уларнинг зичлиги ўртacha 7,2 ни ташкил этган. 48 та уядан 35 уяда (10,4%) полапонлар бўлган, 8 уяда (16,6%) тухумлар бўлган, 5 уядаги (10,4%) полапонлар учиб кетган.

Т.Абреймов (1981) маълумоти бўйича 1967-1973 йиллари Бадай ва Нурманбаба тўқайларида катта хаққуш колонияси уялаган. Жумладан, Нурманбаба тўқайининг 0,5 га майдонга эга бўлган қалин жийдазорлигига 340 уя санаган, шунинг 272 та уяси баҳорда күшлар билан банд бўлган.

Бизнинг маълумотимиз бўйича охирги 10 йилда (2007-2016 йй.) Қорақалпогистоннинг сув ва сув олди ландшафтларида хаққушнинг сони анча юқори бўлди. Баҳор мавсумида уларнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга 31,1 қушни, ёз мавсумида эса 20,2 қушни ташкил этган. Тўқай ландшафтида бу кўрсаткич бирмунча паст бўлган, яъни баҳор мавсумида уларнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга 6,7 қушни, ёз мавсумида эса 12,1 қушни ташкил этган.

2007 йил 17 апрель куни Кегейли тумани «Халқабад» ОФЙ да хаққушларнинг Қорақалпогистондаги энг катта уяловчи колониясини топганимиз. Айтиш жоиз, ушбу колония гўнг қарғалар *Corvus frugilegus* колонияси билан бирга баланд бўйли тўрангилзорда жойлашган эди. Колонияда биз хаққушларнинг 949 уясини санадик (1-расм).

Дараҳтларда жойлашган уларнинг сони 1 дан 18 гача. Уларнинг ичидаги дараҳтларда битта уядан жойлашган 12 та уя (1,26%), иккитадан -66 (6,95%), учтадан – 102 (10,75%), тўрттадан - 72 (7,59),


бештадан - 80 (8,43), олтитадан - 48 (5,06), еттитадан - 98 (10,33), саккизтадан - 96 (10,12), тўққизтадан - 54 (5,69), ўнтадан - 50 (5,27), ўн биттадан - 66 (6,95), ўн иккиттадан - 60 (6,32), ўн ўчтадан - 52 (5,48), ўн тўрттадан - 28 (2,95), ўн бештадан - 30 (3,16), ўн еттитадан - 17 (1,79), ўн саккизтадан - 18 (1,90) уя бор эди (Аметов, 2009).



1-расм. Хаққушнинг уяловчи колонияси. Я.Аметов олган расм.



2-расм. Хаққушнинг уяси ва тухумлари. Я.Аметов олган расм.



3-расм. Хаққушнинг полапонлари. Я.Аметов олган расм.

949 уянинг 271 таси (28,6%) кўп йиллик эски уялар эди. Бундан бошқа 10 тадан ортиқ уянинг курилиши тугамаган эди. Уялар ер юзасидан 6,8 - 11,5 м (ўртача 8,3 м) баландликда жойлашган. Уялар орасидаги оралиқ 16 см дан 3,2 м гача.

Хаққушлар уя қуришга жуда бесўнақай бўлади. Уя тўранғилнинг қуруқ шохларидан қурилади, тагига тўшак тушалмайди. К.Кенжегулов (1965) маълумоти бўйича уянинг диаметри 32,1 см, лотка диаметри – 20,1 см, уя баландлиги - 19 см, лотка чуқурлиги 6,5 см келади. Бизнинг маълумотимиз бўйича уянинг ($n=26$) диаметри 30,2-38,4 см (ўртача 34,5), лотка диаметри 21,4-26,8 (23,6) см, уя баландлиги 22,6-35,3 (28,2) см, лотка чуқурлиги 5,4-20,2 (8,4) см бўлади.

Хаққушлар уяга кўпинча 4-5, сийрак 3 ёки 6 та тухум қўяди. Тухумлар овал шаклида, очик-кўк рангда бўлади (2-расм). И.А.Долгушин (1960) маълумоти бўйича Қозогистонда яшайдиган хаққуш тухумларнинг ўлчами: 43,0-56,0x31,0-38,0 мм, ўртача 49,2x34,5 мм ни ташкил этган. Ўзбекистонда яшайдиган хаққуш тухумларнинг ўлчами А.К.Сагитов (1987) маълумоти бўйича кўйидагича: 47,0-51,0x32,0-37,0 мм, ўртача 49,2x34,5 мм; тухумлар массаси 29-39,9 г., ўртача 32,5 г.

К.Кенжегулов (1965) маълумоти бўйича Қорақалпоғистонда яшайдиган хаққуш тухумларнинг ўлчами: 44,0-54,0x33,5-37,5 мм, ўртача 47,9x35,1 мм, массаси ўртача 32,2 г. ни ташкил этган. А.Мамбетжумаев (1971) маълумоти бўйича 44,4-52,7x33,2-37,9 мм (ўртача 48,3x35,5), массаси 27,5-36,6 (ўртача 31,287) г. ни ташкил этган.

Бизнинг маълумотимиз бўйича тухумларнинг ($n=48$) ўлчами: ўзунлиги 45,3-53,7 мм (ўртача 49,4), эни 33,7-37,8 мм (ўртача 35,6), массаси 28,1-37,6 г. (32,8) ни ташкил этади. Тухум қўйиш апрель ойининг II декадасидан бошланади. Ёппасига тухум қўйиш апрель охири-май бошида кечади.

Тухум босиб ётиш жараёни 1-тухум туғилгандан сўнг бошланади ва ўртача 21-22 кун давом этади (Митропольский, 2007). Тухумларни иккаласи босиб ётади. 2-3 кун давомида тухумдан полапонлар чиқиб бўлади.

Олиб борган кўп йиллик қўзатишларимиз шуни кўрсатади, Қорақалпоғистонда полапонларнинг тухумдан чиқиши май ойининг бошидан бошланади, оммавий чиқиши май ойининг II декадаси-июнь ойи бошида кечади.

Энди туғилган полапонларнинг массаси 27,2-38,8 (ўртача 32,7) г. келади. Уларнинг кўзи ва эштиш тешиклари ёпиқ, танаси кўлранг момик патлар билан копланган бўлади (3-расм). Тана ва оёғининг ранги – очик яшил, бўйин ва кўзлари сарик, тумшуғи – қорамтириб бўлади. 2-3 кунлик полапонларнинг оғирлиги – 49 г, тумшуғининг узунлиги - 14 мм (бурун тешигигача 9,2), илик суяги – 17 мм, тана узунлиги – 12 см келади.

Полапонлар жуда тез ўсади. 2-3 кундан сўнг кўзлари, 4-5 кундан сўнг қулоқ тешиклари очилади. 10-11 куни контур патлари, катта ва рул патлари чика бошлайди. 20 кунлик ёшда полапонлар уядан чиқиб дараҳтларда тирмашиб юради. А.К.Сагитовнинг (1987) маълумоти бўйича 22-23 кунлик полапонлар уяни ташлаб кетади, лекин ҳали уча олмайди. Бир ойлик ёшда аниқ ўча олади ва мустақил озиқланади бошлайди. О.В.Митропольский (2007) маълумоти бўйича 35-40 кунлик ёшда полапонлар учса олади ва галага қўшилиб кўчиб юради.

1-жадвал

Хаққуш полапонларнинг озиқланиши

№	Озиқа тури	Озиқа сони, дона	%
I	Умуртқасизлар	29	44,61
1	Бузоқбоши	8	12,31
2	Қўнғизлар	5	7,69
3	қўнғиз куртлари	4	6,15
4	паشا куртлари	12	18,46
II	Умуртқалилар	36	55,39
5	сазан чаваги	7	10,77
6	товон балиқ чаваги	9	13,85
7	дўнгпешона балиқ чаваги	11	16,93
8	оқ амур чаваги	4	6,15
9	кўл курбақаси	5	7,69
Ҳаммаси		65	100

Хаққуш – тунги қуш ҳисобланади, табиийки полапонларини ҳам кеч кирган пайтдан бошлаб озиқлантиради. Бизнинг қўзатишнимиз бўйича хаққушлар асосан кечки соат 20.00 дан бошлаб тонги 06.30 гача интенсив холда полапонларига овқат ташайди. Лекин айрим хаққушлар кундузи ҳам полапонларига овқат олиб келади. 2007 йил 25-26 майда биз Кегейли туманида жойлашган хаққушлар колониясидаги полапонлар ва катта хаққушларнинг озиқа рационини ўргандик. Жумладан, 2 та уядаги 14-15 кунлик ёшдаги 3 та полапоннинг ошқозонини ёриб қўрдик, шунингдек уя атрофидаги озиқ колдиқларини таҳлил қиласди. Олинган натижалар 1-жадвалда берилган.

1-жадвалда кўриниб турганидек хақкуш полапонлари озиқа рационининг 55,39% ини умуртқалилар, 44,61% ини умуртқасизлар эгаллади. Бунда умуртқасизлардан пашша куртлари (18,46%), бузоқбоши (12,31%), кўнғизлар (7,69%) ва қўнғиз қуртлари (6,15%) билан полапонлар озиқлантирилган. Ўмиртқалилардан эса асосан балиқ чаваклари, жумладан дўнгпешона балиқ (16,93%), товон балиқ (13,85%), сазан (10,77%), оқ амур чаваги (6,15%) ва кўл курбақаси (7,69%) полапонлар томонидан истъемол қилинган.

Катта хақкушларнинг озиқа рационини биз 2 та қушнинг ошқозонини ёриб кўриш оркали ўргандик. Бунда хақкушларнинг ошқозонидан асосан балиқларнинг (дўнгпешона балиқ, товон балиқ, сазан) катта чаваклари, кўл курбақаси, бузоқбоши ва қўнғизлар чиқди.

Хақкушларни биологик тур сифатида ўзининг кўпайиш жойларида муҳофаза остига олиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абреймов Т. Птицы тугаев и прилегающих пустынь низовьев Амударьи. - Ташкент: Фан, 1981. - 108 с.
2. Аметов Я.И. Некоторые орнитологические наблюдения в 2003-2008 годах культурных ландшафтов Каракалпакстана. // Экологический вестник. – Ташкент, 2009. - №5. – С.35-37.
3. Бутлеров М. Орнитологическая фауна местности Нукус, лежащей между Аму-Дарьей и Куван-Джармой. Тр. СПб общ-ва естест. - 1879. - С.140-155.
4. Долгушин И.А. Птицы Казахстана. Т.1. Алма-Ата, 1960. – С. 211-214.
5. Зарудый Н.А., Билькевич С.И. Список птиц Закаспийской области и распределение их по зоологическим участкам этой страны. // Изв. Закаспийского музея. – Ташкент, 1918. Кн.1. – С. 1-48.
6. Кенжегулов К. О гнездовании кваквы, колпицы и малого баклана на озере Каражожабах. // Вестник КК ФАН УзССР. – Нукус, 1965 а. – №2. – С. 78-80.
7. Кенжегулов К. Экология и значение рыбоядных птиц в низовьях Аму-Дарьи и юга Аральского моря: Автореф. дис.... канд. биол. наук. – Ташкент, 1966. – 20 с.
8. Костин В.П. Заметки по орнитофауне левобережья низовьев Амударьи и Устюрта. // Труды ин-та зоологии и паразитологии АН УзССР. – Ташкент, 1956. - вып.8. - С. 81-127.
9. Мамбетжумаев А.М. К гнездовой биологии и питанию некоторых околоводных и водоплавающих птиц низовьев Амударьи. //Вестник КК ФАН УзССР. – Нукус, 1971. - С. 36-43.
10. Митропольский О.В. Кваква. Отряд голенастые. // Птицы Средней Азии. Т.1.Алматы, 2007. – С. 81-87.
11. Сагитов А.К. Кваква. Отряды Аистообразные. // Птицы Узбекистана. Т.1. - Ташкент, 1987. - С. 34-37.
12. Салихбаев Х.С. Охотниче-промышленные животные дельты Амударьи и меры их рационального использования. // Материалы по произ. силам Узбекистана. - вып. 1. Каракалпакская ССР. – Ташкент, 1950. - С. 124-153.
13. Салихбаев Х.С., Богданов А.Н. Фауна Узбекской ССР. // Птицы. Т.2. Ч. 3. – Ташкент, 1961. - 272 с.

УДК:598.2

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА САРИҚ СОРНИНГ BUTEO RUFINUS ЭКОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР Я.И.Аметов, М.А.Жуманов, И.М.Арепбаев Қорақалпоқ давлат университети

Аннотация: Мақолада 2009-2018 йиллари Қорақалпогистонда сариқ сорнинг экологияси бўйича тўпланган материаллар баён қилинади. Шу жумладан, сариқ сорнинг Республика ҳудудида тарқалиши, сони, уялаш биологияси ва озиқланиши ўрганилган. Муаллифлар қушнинг аҳамиятига баҳо берган.

Калим сўзлар: Сариқ сор, Устюрт, Шимоли-Гарбий Қизилқум, Амударёнинг кўйи оқими, учеб ўтувчи, уя қурувчи, кўп сонли қуш, тухум кўйиши, полапонлар, озиқа обьекти, кемириувчилар, фойдали қуш

Аннотация: В статье излагаются материалы по экологии курганника собранные в 2009-2018 гг. в Каракалпакстане. В том числе изучено распространение, численность, гнездовая биология и питание курганника. Авторами оценено значение этой птицы.

Ключевые слова: Курганник, Устюрт, Северо-западный Кызылкум, низовье Амударьи, перелетные, гнездовые, многочисленные птицы, кладка яиц, птенцы, обьект питания, грызуны, полезные птицы

Abstract. In the article, materials on the ecology of the Long-legged buzzard (*Buteo rufinus*) collected in 2009-2018 in Karakalpakstan are included. In addition, the distribution, abundance, nest biology and nutrition of the Long-legged buzzard were studied. The authors estimated the value of this bird.

Key words: Long-legged buzzard, Ustyurt, North-West Kyzylkum, Amu Darya downstream, migratory, nesting, numerous birds, laying eggs, chicks, food object, rodents, useful birds

Сариқ сор *Buteo rufinus* Қорақалпогистонда учеб ўтувчи, уя қурувчи ва қишловчи кўп сонли қуш саналади. Бу ерда кўзатувлар олиб борган орнитологларнинг маълумоти (Зарудный, 1915; Гладков, 1935; Костин, 1956; Сабилаев, Мамбетжумаев, 1969; Митропольский, Фоттелер, Третьяков, 1990) ва

ўзимизнинг кўзатишларимиз бўйича сариқ сор бутун Корақалпогистон Устюрти, Шимоли-Фарбий Қизилкўм ва Амударёнинг кўйи оқимида кенг тарқалган.

Одатда сариқ сор ўзининг озиқа обьекти саналган кемириувчиларнинг сони кўп бўлган жойга кўчиб юради. Фақат кўпайиш вақтида доимий яшаш жойига эга бўлиши мумкин. Полапонлари учирма бўлгандан сўнг кўчиб юришни бошлайди.



1-расм. Устюрт чинкида уяловчи сариқ сор. Я.Аметов олган расм.



2-расм. Сариқ сорнинг полапонлари. И.Арепбаев олган расм.

Сариқ сорнинг сони чўлда катта қумсичқон зичлигига боғлиқ бўлади. Масалан, О.В.Митропольский, Э.Р.Фоттелер, Г.П.Третьяков (1990) маълумоти бўйича Букантог тизмасида катта қумсичқон сони нормал бўлган 1979, 1980 йиллари 250 km^2 майдонда 10-12 уяловчи жуфтлар учраган, ёки 1983 йили бир ярим ойда ундан ҳам катта майдонда фақат уяловчи 2 жуфт топилган.

Ушбу олимлар томонидан қулай шароитли йиллари Учкудуқ шахридан шимолда тоғ олди текисликлардаги электр узатувчи линия бетон тянчларида 35 км оралиқда полапонлари билан 4 та уя топилган.

Аккилин бурнидаги Дев-Кескен харобасига якин Устюртнинг жанубий чинкида 5 км оралиқда 7 та уя топилган, 3 таси янги уя бўлиб, шунинг 1 тасида полапонлар топилган (Костин, 1956).

А.С.Сабилаев, А.М.Мамбетжумаев (1969) маълумоти бўйича Шимолий Устюрт саксовулзорида 1 км оралиқда 0,5-1 уя ва 2-4 қуш учраган. Бу ердаги текисликларда эса сариқ сор сони анча паст, 30-40 км масофада 1 қуш учрайди, уялари эса умуман топилмаган. Ушбу олимларнинг ҳисоби бўйича Шимолий-шарқий Қизилкўмдаги Жанадарё ўзанида 1-2 км масофада 1-1,5 уя, кум ва шлейфларда 3-5 км оралиқда 1 та уя, текисликларда эса 5-7 км оралиқда 1 та уя учраган.

Бизнинг маълумотимиз бўйича баҳор ойларида (март-май) Жанубий Устюртда сариқ сорнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга 0,8-1,2 куш, ёз ойларида 0,6-0,8, кўз ойларида 1-1,5 ва қиши ойларида 0,5-0,6 кушни ташкил этади. Шимоли-Ғарбий Қизилқум шароитида эса бу қушларнинг сони бироз юқори. Баҳор ойларида уларнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга 1,2-1,5 куш, ёз ойларида 0,8-1,1, кўз ойларида 1,4-1,7 ва қиши ойларида 0,8-1 қушни ташкил этади.

Сариқ сор уялари жарликларда, кояларда, чинқда, дараҳтларда, мозорларда, харобазорларда, электр узатиш таянчларида ва бошқада топилган (Гладков, 1935; Костин, 1956; Сабилаев, Мамбетжумаев, 1969; Митропольский, Фоттелер, Третьяков, 1990; бизнинг кўзатишимиз).

2009-2018 йиллари Устюрт ва Шимоли-Ғарбий Қизилқумда олиб борган кўзатишлиаримиз давомида биз сариқ сорнинг 18 уясини учратдик. Устюртда уялар асосан чинқда (1-расм), жарликда ва саксовул дараҳтида, Шимоли-Ғарбий Қизилқумда эса факат саксовул дараҳтида топилган. Уяни сариқ сорнинг ўзи куради, лекин айrim вақтлари бошқа қушларниг эски уяларидан ҳам фойдаланади. Биз учраттган уяларнинг 2 таси киронқоранинг, 2 таси чўл қузгунишининг уялари эди.

Бизнинг маълумотимиз бўйича дараҳтлардаги уялар дўмалоқ шаклда бўлиб, ер юзасидан 0,9-3,8 м, Устюрт чинкидаги уя эса 54 м баландликда жойлашган. Уя диаметри 70-102 см (ўртча 87,6), баландлиги 46-74 см (61), лотка диаметри 21-32 см (26,4), лотка чуқурлиги 6-9 см (7,2) ни ташкил этади. Уяларни шу жойда ўсиб турган ўсимликларнинг жумладан саксовул, юлғун, қораборақ, жузгуннинг шоҳларидан куради. Уянинг ички тарафи юқорида айтилган ўсимликларнинг майда новдаларидан қурилади, уянинг тагига эса шувоқнинг юмшоқ новдалари, латта, пахта, қофоз бўлаклари, жун ва патлар тушалади.

Сариқ сор Устюрт ва Қизилқумда март ойининг иккинчи декадасидан тухум қўйиб бошлайди. Оммавий тухум қўйиш мартнинг охири апрелнинг биринчи декадасида амалга ошади. Лекин адабиётларда (Митропольский, Фоттелер, Третьяков, 1990) Устюртда мартнинг биринчи декадасидан, Қизилқумда эса феврал ойининг биринчи декадасидан тухум қўйиши кўрсатилган. А.С.Сабилаев, А.М.Мамбетжумаев (1969) маълумоти бўйича Шимоли-Ғарбий Қизилқумда биринчи тухум 25 марта, оммавий тухум қўйиш апрелнинг биринчи саналарида амалга ошади. Устюртда эса биринчи тухум 6 апрелда туғилган.

Сариқ сор одатда уяга 1-7 тухум (Митропольский, Фоттелер, Третьяков, 1990) ёки 2-5, кўпинча 3 тухум (Сабилаев, Мамбетжумаев, 1969) кўяди.

Бизнинг маълумотимиз бўйича сариқ сор уяга 2-6 тухум, кўпинча 3-4 тухум кўяди. Тухум қўнғир доғлари бор хира рангли, айrim вақтда оқ рангли бўлади. Тухумларнинг ($n=28$) ўлчами: 58,7-63,5x44,3-48,9 (ўртча 60,9x46,7), энди туғилган тухумларнинг массаси 58,5-71,4 (ўртча 65,3) г. келади.

Тухумлар кун ора туғилади, инкубация даври 35 кун давом этади, полапонлар эса 45-47 кундан сўнг уяни ташлаб кетади (Митропольский, Фоттелер, Третьяков, 1990).

Бизнинг кузатишимиз бўйича Қорақалпоғистон шароитида полапонларнинг тухумдан чиқиши апрель ойининг учинчи декадасидан бошланади, оммавий чиқиши май ойи бошига тўғри келади. Бу – сариқ сорнинг асосий озиқаси хисобланган катта кумсичқон болаларининг ер юзига тарқалиб бошлаши вақтига тўғра келади.

Янги туғилган полапонлар кўзлари очиқ, танаси оқимтири-кулранг эмбрионал момик билан қопланган бўлиб, оёғида тура олмайди. Полапонларнинг уяни ташлаб кетиши июнь ойининг бошига, оммавий учиши июнь ойи охирига туғри келади.

Сариқ сорнинг озиқланиши орнитологлар томонидан яхши ўрганилган. В.С.Лобачев (1961) маълумоти бўйича Жанубий Қозогистонда сариқ сор асосан сут эмизувчилар (кемирувчилар, типратикон, ласка, путорак, тулки), судралиб юрувчилар, қушлар ва оз миқдорда бугимоёқлилар билан озиқланади.

А.С.Сабилаев, А.М.Мамбетжумаев (1969) маълумоти бўйича озиқанинг 50-65% ини кемирувчилар (катта кумсичқон, тушки кумсичқон, ингичка бармоқли юронқозиқ, сариқ юронқозиқ), 20% ини судралиб юрувчилар (чўл тошбақаси, чўл агамаси, хар-хил чипор илонлар ва тўр калтакесакчча) ташкил этади.

Бизнинг маълумотимиз бўйича сариқ сорнинг асосий озиқ объекти – бу катта кумсичқон хисобланади. Биз текширган уянинг барчасида уни қўрганмиз. Шунингдек кемирувчилардан Северцов қўшоғи, қизил думли кумсичқон, тушки кумсичқон, ингичка бармоқли юронқозиқ ва сариқ юронқозиқни учратганимиз. Сариқ сорнинг озиқа рационида иккинчи ўринда судралиб юрувчилар туради. Жумладан, кўндаланг-йўлли чипор илон, нақшдор чипор илон, чўл агамаси, чўл тошбақаси ва тўр калтакесакчалар. Учинчи ўринда майда чумчуқсимонлар туриб, биз сариқ сор уясида сўфитўргай ва кичик тўрғайларнинг ҳамда овланадиган қушлардан саналган каклик полапонининг танасини учратганимиз.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкин, сариқ сорнинг хаёти асосан катта қумсичқонлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу кемирувчининг сони кўп бўлган йиллари сариқ сорнинг сони ҳам қўпаяди, ва аксинча, яъни катта қумсичқонлар кам бўлган йиллари, бу қушнинг сони бирдан камаяди. Яна бир нарсага амин бўлдик, қўпайиш вақти ва уядаги тухумлар сони ҳам сариқ сорнинг сонига боғлиқ.

Сариқ сор бошқа йиртқич кушлар каби фойдали күш ҳисобланиб, у асосан вабо касалини олиб юрувчи катта қумсичқонларнинг сонини камайтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гладков Н.А. Новые данные по распространению птиц в дельте Аму-Дарьи. // Бюлл. САГУ, вып.21. - Ташкент, 1935. – С.83-91.
2. Зарудный Н.А. Птицы пустыни Кызылкум. Материалы к познанию фауны и флоры Российской империи. Отд. зоол. – вып. 14. – М., 1915. – 149 с.
3. Костин В.П. Заметки по орнитофауне левобережья низовьев Амудары и Устюрта. // Труды ин-та зоологии и паразитологии АН УзССР. – Ташкент, 1956. - вып.8. - С. 81-127.
4. Лобачев В.С. Материалы по биологии канюка-курганника (*Buteo rufinus* Cretzschmar) в Южном Казахстане. // Научные доклады высшей школы. Биологические науки. – Москва, 1961. - С. 37-43.
5. Митропольский О.В., Фоттелер Э.Р., Третьяков Г.П.. Курганник. Отряды Соколообразные. // Птицы Узбекистана. Т.1. - Ташкент, 1987. - С. 157-164.
6. Сабилаев А.С., Мамбетжумаев А.М. Материалы по экологии курганника на Устюрте и Северо-Западных Кызылкумах. // Орнитология в СССР. Матер. 5 Всесоюзн. орнитол. конф. – Ашхабад, 1969. Кн. 2. - С. 554-557.

УДК 595.7+591.9

ГАРПИЯ БОЛЬШАЯ - DICRANURA VINULA L.(CERURA VINULA L.) ОПАСНЫЙ ВРЕДИТЕЛЬ ТУГАЙНЫХ ЭКОСИСТЕМ КАРАКАЛПАКСТАНА

З.О.Бекбергенова, А.Розымова

Каракалпакский научно-исследовательский институт естественных наук АН РУз,

Нукусский филиал ТашГАУ

Аннотация. Мақолада Қарақалпогистон Республикаси тўқай экосистемаси ҳавфли заарқунандаси *Dicranura vinula* L. тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: туронги, терак, мирзатерак, тангачақанотлилар, хохлатка, катта гарпия, тухум, қурт, гумбак, капалак, табий кушандалар.

Аннотация. В статье приведены данные *Dicranura vinula* L. опасному вредителю тугайных экосистем Каракалпакстана.

Ключевые слова: туронга, тополь разнолистный, тополь сизый, чешуекрылые, хохлатки, гарпия большая, яйцо, гусеница, куколка, бабочка, естественные враги.

Abstract. The article presents information about *Dicranura vinula* L., which is considered dangerous pest of the woodland system of Karakalpakstan.

Key words: Asiatic poplar (*Populus diversifolia*), diversifolious poplar, glaucous poplar, Lepidoptera, crested insects, large harpy, egg, caterpillar, pupa, butterfly, natural enemies.

Актуальность исследования. Значение тугаев в жизни живой природы очень велико. Они как биофабрика обеспечивают окружающую среду кислородом, увлажняют воздух атмосферы защищает его от всяких загрязнений, почву от ветровой эрозии, снижает силу ветра, сохраняет берега реки от разлива. Один гектар тугая в год очищает 18 млн.куб.м. воздуха. Они уникальное, чистое место отдыха. От них получают 20 тысячи различных веществ и лекарств, изготавливают много предметов, используются как строительные материалы.

Основными лесообразующими породами тугаев Каракалпакстана являются два вида туронги – тополь разнолистный (*Populus diversifolia*), и тополь сизый (*Populus pruinosa*), два вида лоха – лох узколистный (*Elaeagnus angustifolia*) и лох восточный (*Elaeagnus orientalis*).

В последние 2013-2017 годы в тугайных экосистемах Каракалпакстана массово размножается и причиняет серьезный вред древесным растениям представитель отряда чешуекрылых (Lepidoptera), относящийся к семейству Хохлатки (Notodontidae) - Гарпия большая - *Dicranura vinula* L. (*Cerura vinula* L.). До сегодняшнего дня ареал распространения вредителя на территориях Нижне-амударинского государственного биосферного резервата доходило до 1500 га.

Цель и задачи исследований. Целью работы явилось изучение биоэкологических особенностей в условиях Каракалпакстана.

Материал и методы исследований. Материалы собирались в период с 2013 по 2017 гг. на территории Нижне-амударинского государственного биосферного резервата.

Исследования были проведены в заповедной зоне «Таллык», в заповедной зоне «Бадай тугай» и в Кипчак тугай (Назархан, Джумыртау) по всей территории Нижне-амударинского государственного биосферного резервата.

- 6 Keusgen M., Fritsch R.M., Hisoriev H., Kurbonova P.A., Khassanov F.O. Wild *Allium* species (*Alliaceae*) used in folk medicine of Tajikistan and Uzbekistan // Journal of Ethnobiology and Ethnomedicine. – 2006. N1. – P. 1-25.
- 7 Волкова Г.А., Моторина Н.А., Рябинина М.Л. Итоги интродукции среднеазиатских видов лука (род *Allium* L.) на европейском Северо-востоке // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. – Москва, – 2012. №1 (9). – С. 2195-2197.
- 8 Fritsch R.M., Abbasi M. A. Taxonomic Review of *Allium* subg. *Melanocrommyum* in Iran. – Germany: Gatersleben. – 2013. – 218 p.
- 9 Абдуллаева А.Т. Структурные особенности вегетативных органов *Allium praemixtum* Vved. в условиях интродукции Ташкентского ботанического сада // VII Международная научно-практическая конференция «Проблемы рационального использования и охрана природных ресурсов южного Приаралья». – Каракалпакстан. 2018. – С. 6-7.
- 10 Абдуллаева А.Т. Структурные особенности ассимилирующих органов эндемика *Allium pskemense* B. Fedtsch. // Хоразм Маъмун Академияси Ахборотномаси. –Хива. 2018. – № 2. – С. 7-10.
- 11 Эсау К. Анатомия растений. Москва: Изд. Мир, 1969. С. 138-416
- 12 Киселева Н.С. Анатомия и морфология растений. Минск: Изд. Вышэйшая школа, 1971. 89-119, 2015-227.
- 13 Захаревич С. Ф. К методике описания эпидермиса листа // Вестник ЛГУ. Ленинград, 1954. № 4. С. 65-75.
- 14 Барыкина Р.П., Чубатова Н.В. Большой практикум по экологической анатомии цветковых растений. – М. Тов. науч. КМК, – 2005. – 77 с.

**МИНТАҚАЛАРДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ
РОЛИ**

И.С.Абдулаев, Урганч давлат университети "Туризм ва иқтисодиёт" факультети декани,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

С.Ф.Аллаяров, "Туризм ва иқтисодиёт" факультети 2-курс талабаси

Аннотация: Уйбу мақолада минтақада аҳоли бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг роли таҳлил қилинган. Шунингдек, минтақада хизматлар соҳасини ривожлананини ҳолати комплекс таҳлил қилиниб, истиқболда уни самарадорлигини янада ошириши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: Минтақа, модернизация, логистика, тўла бандлик, хизматлар соҳаси, ЯИМ (ялпи ички маҳсулот), иш ҳақи, меҳнат бозори.

Аннотация: В этой статье анализирована роль сектора услуг в обеспечении занятости в регионе. Кроме того, был проведен всесторонний анализ состояния развития сферы услуг в регионе и выработаны предложения и рекомендации для дальнейшего повышения его эффективности.

Ключевые слова: Регион, модернизация, логистика, полная занятость, сектор услуг, ВВП (валовой внутренний продукт), заработка плата, рынок труда.

Abstract: This article includes information on the role of the service sector in providing employment in the region. Besides, a comprehensive analysis of development of the service sphere in the region has been made, and recommendations and proposals have been worked out to enhance its future efficiency.

Key words: Region, modernization, logistics, full employment, service sphere, GDP (Gross Domestic Product), salary, labor market.

Кириш. Минтақаларда аҳоли бандлигини таъминлашда хизматлар соҳаси самарадорлигини ошириш, бунинг учун кулай шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда хизматлар кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда истиқболли соҳа ҳисобланниб, бу соҳани янада модернизация қилиш ва тузилмасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 4947-сон фармонининг 1-иловасида келтирилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да "хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари хисобига тубдан ўзгартириш" вазифаси кўйилган [1].

Аҳолини иш билан таъминлаш қийин вазифалардан бири ҳисобланниб, бу масалани миллий иқтисодиётни етакчи бўғини бўлган хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш орқали ижобий ҳал қилиш мумкин. Шунинг учун, хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, уни иқтисодиётдаги мавқенини мустаҳкамлаш зарурати туғилмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Кейинги пайтларда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган хизматлар соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида катта эътибор қаратилган.

Ж.М.Кейнеснинг таъкидлашича, бандлик миқдори миллий ишлаб чиқариш ва миллий даромад даражасига боғлиқ деб ҳисоблайди. Миллий даромадни ошиши бандликни ошишини англатади. Миллий даромад қанчалик катта бўлса, бандлик даражаси ҳам шунча юқори бўлади ва аксинча. Шу сабабли Ж.М.Кейнес назарияси "бандлик назарияси" ёки "даромад назарияси" сифатида танилган. Қисқа муддатли истиқболда иш билан бандлик даражаси мамлакатда товарларга бўлган ялпи самарали талабга боғлиқ. Бу ерда самарали талаб даражаси ва иш билан бандлик даражаси ўртасида тўғри боғликлик акс этади, яъни самарали талаб қанча юқори бўлса, иш билан бандлик даражаси ҳам шунча юқори бўлади [2].

Классик иқтисодчилар фикрига кўра, мамлакатда ишсизликнинг бўлиши нормал шароит ёки вақтингчалик ҳисобланади. Бандликнинг классик назариясига кўра, ишсизлик узоқ муддат давом эта олмайди ва мамлакатда доимо тўла бандлик тенденцияси мавжуд бўлади ва улар ишсизликга қўйидагилар сабаб бўлишини кўрсатишади:

- 1.Хукумат аралашуви ёки хусусий монополиялар.
- 2.Тадбиркорлар томонидан нотўғри ҳисоблаш ва ноаниқ қарорлар қабул қилиниши.
- 3.Сунъий қаршилик [3].

А.С.Пигу ўзининг илмий ишларида, агар одамлар ишсиз бўлса, иш қидираётгандар иш билан банд бўлмагунча иш ҳақи пасаювчан кўринишда бўлади. Депрессия вақтида мажбурий ишсизлик содир бўлади, чунки иш ҳақи касаба уюшмалари ва ҳукумат томонидан юқори даражада сақланади. Шунинг учун, А.С.Пигу "депрессия вақтидаги иш ҳақини умумий қисқартириш бандлик ошишига олиб келади" деб таъкидлайди. Мукаммал эластиклик иш ҳақи сиёсати бандлик ўзгаришларини бекор килади ва тўла иш билан бандликни кафолатлайди деб ҳисоблайди [10].

Иқтисодиётнинг уч тармоқли модели асосчилари А.Фишер, К.Кларк ва Ж.Фоурастие томонидан учта фаолият соҳасига қўйидагича таъриф беришади:

- моделга кўра, иқтисодиётнинг асосий фаолият йўналиши хом ашё қазиб олиш (бошланғич), ишлаб чиқариш (иккиласмчи) ва хизматлар (учинчи) жараёнлари орқали амалга оширилади [4]. Ж.Фоурастие бу жараённи ниҳоятда ижобий деб қарайди ва "Йигирманчи асрнинг буюк умиди" (The Great Hope of the Twentieth Century) номли китобида ҳаёт сифати, ижтимоий хавфсизлик, таълим ва маданиятни юксалтириш, малакаларнинг юқори даражаси ва ишсизликдан қочиш ҳақида ёзади [5].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Қ.Х.Абдураҳмонов, Н.К.Зокироваларнинг "Мехнат бозорига янгича ёндашувлар" номли тадқиқотларида таъкидланганидек, меҳнат бозори ва иш билан бандлик назарияси унинг вазифаларида конкретлашади. Бу – меҳнат бозори ва иш билан бандлик ривожланиши қонуниятлари ва тенденцияларининг таҳлили асосида мазкур соҳаларнинг туб муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари ва усууллари юзасидан илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш, меҳнат бозори самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган моделлар ишлаб чиқиши, меҳнат ресурслари прогнозлари асосида мамлакат ва минтақани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқбол режаларига аниқликлар киритиш бўйича хуносалар тайёрлашдан иборатdir [6].

Бугунги кунда ахоли бандлигини оширишнинг энг оптималь варианти сифатида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш зарурлиги ва шунинг ҳисобига минтақаларда бўш иш ўринлари яратиш имконияти пайдо бўлаётгандагини эътиборга олиб ушбу соҳани истиқболли ривожлантириш лозим.

Тадқиқот методологияси: тадқиқотда қиёсий таҳлил, мантикий таҳлил, тизимли таҳлил, статистик гурухлаш, синтез, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Хизмат кўрсатиш соҳасига катта эътибор қаратадиган мамлакатлар орасида Кўшма Штатлар, Буюк Британия, Австралия ва Хитой юқори ўринларни эгаллайди.


АҚШ иқтисодиёти ривожланган ва технологик жиҳатдан мукаммал хизматлар соҳасига эга бўлиб, унинг ишлаб чиқариш хажмининг таҳминан 80 фоизини ташкил қиласди ва ишчи кучининг 70 фоизидан ортиғи хизматлар кўрсатиш соҳасида банд. АҚШ иқтисодиётига хизматлар кўрсатишга йўналтирилган - технология, молиявий хизматлар, соғлиқни сақлаш ва чакана соҳаларда хизмат кўрсатувчи компаниялар эгалик қиласди. АҚШнинг йирик корпорациялари глобал миқёсда катта роль ўйнайди ва Фортуне Глобал 500 ширкатларининг бешдан бир қисми АҚШга тегишилди [9].

Хозирда Буюк Британияда хизмат кўрсатиш сектори ЯИМнинг қарийб 80 фоизини ва бандлик даражасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг энг катта сектори ҳисобланади. Буюк Британияда хизмат кўрсатишнинг асосий тармоқлари қўйидагилардан иборат:

- чакана савдо саноати;
- компьютер ва информацион технологиялар хизматлари;
- меҳмонхоналар ва сайёхлик хизматлари;
- ресторон ва кафелар;
- транспорт - темир йўл, автобус, ҳаво, денгиз;
- алоқа;
- банк хизматлари;
- сугурта хизматлари;
- пенсия хизматлари;
- озиқ-овқат ва ичимликлар хизматлари;
- почта хизматлари.

Ирландиянинг тез ривожланаётган хизматлар соҳасида ишлайдиганлар сони ҳозирги кунда энг юқори даражада сақланиб турибди. Парижда жойлашган тадқиқот марказининг сўнгти чорақдаги сўровномаси шуни кўрсатадики, бу ердаги хизматлар секторида, банклардан то меҳмонхоналаргача, ҳозирда иқтисодиётда банд бўлганларнинг 75 фоизини ташкил этади [7].

Бугунги кунда, Хоразм вилоятида ахолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.



1-расм. Хоразм вилоятидаги меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони [8], (мингда)

1-расмга кўра, Хоразм вилоятидаги меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони кескин ошиб бормоқда. Жумладан, минтақада 2010 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 895600 кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йил ва 2017 йилларда 7,7 фоизга ва 11,2 фоизга ошиди.

Хулоса ва таклифлар

Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш турлари анъанавий жиҳати билан ажralиб туради, хизматлар кўрсатиш соҳасида замонавий билим ва қўнималарни ўзлаштириш бўйича дастур қабул қилинган.

Ҳудуд аҳоли сони ўсиб бораётганлигини инобатга олиб, худудларнинг ўзига хос ривожланиш хусусиятларига жавоб берадиган, алоҳида худудларнинг табиий-тарихий ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлашнинг замонавий йўналишларини шакллатиришнинг мавжуд тамойиллари ва усуулларини ишлаб чиқиш лозим:

- коммунал хизматлар (электр, сув, чиқинди йигиш ва бошқалар);
- гўзаллик парваришилаш хизматлари (косметика ва жарроҳлик клиникалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар);
- логистик хизматлар (ракамли логистика, қурилиш логистикаси, яшил логистика, тескари логистика ва бошқалар);
- озиқ-овқат етказиб бериш хизматлари (овқатни етказиб бериш, яrim тайёр овқатлар етказиб бериш, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш);
- бизнес хизматлари (бизнес режа тузиш хизмати, офисни кўчириш хизмати, профессионал офис маслаҳатчиси хизмати, қарзларни йигиш хизмати);
- компьютер ва технологик хизматлар (интернет тадқиқотлари хизмати, «веб-сайт дизайн» хизматлари, компьютер консалтинг хизмати);
- болаларга кўрсатиладиган хизматлар (болалар ўйинларини ва конкурсларини режалаштириш хизмати, болаларни парвариш қилиш хизмати, болаларни ташиб хизматлари);
- ижара хизматлари (кўчмас мулк ижараси, транспорт воситалари ижараси ва бошқа маҳсус ускуналар ижараси).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, минтақада замонавий хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш ва амалиётга комплекс тарзда татбиқ этиш аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий мезони ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Манба: www.lex.uz
2. Жон Мейнард Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. Москва. Гелиос АРВ, 2012.
3. Адам Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Москва. Эксмо, 2016. Манба : www.oocities.org.
4. Clark, Colin (1940) *Conditions of Economic Progress*. Fisher, Allan GB. "Production, primary, secondary and tertiary." Economic Record 15.1 (1939): 24-38.
5. Jean Fourastié: *Die große Hoffnung des 20. Jahrhunderts*. ("The Great Hope of the 20th Century") Köln-Deutz 1954.
6. Абдураҳмонов Қ.Х., Зокирова Н.К. Меҳнат бозори назариясига янгича ёндашувлар. “Иктисолиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. Т.: № 1, 2011 йил.- 1 Б.
7. The Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD) data. www.oecd.org
8. Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. Манба: www.xorazmstat.uz
9. www.worldbank.org
10. www.oocities.org

**МАМЛАКАТИМИЗДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

О.Т. Астанакулов – ТМИ, и.ф.н., доцент, Х.С. Асатуллаев – ТМИ, и.ф.н., доцент

Аннотация: Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини ривожлантириши масалаларига багишланган. Шунингдек, мақолада республикамида мазкур соҳани ривожлантириши бўйича турли ривожланган мамлакатлар амалий тажрибаси ўрганилган ҳамда амалий тахлиллар олиб борилган.

Калим сўзлар: хизматлар, хизмат кўрсатиши, сервис, ички хизмат, ташки хизмат, иқтисодий фаоллик.

Аннотация: Данная статья посвящена вопросам развития сфер услуг и сервиса в Республике Узбекистан. А также, в статье был сделан анализ зарубежной практики ведущих стран в развитии сфер обслуживания.

Ключевые слова: услуги, обслуживание, сервис, внутренние услуги, внешние услуги, экономическая активность.

Abstract. This article is devoted to the issues of the development of facilities and services in the Republic of Uzbekistan. As well as, foreign practices in the development of service industries are analyzed.

Keywords: facilities, maintenance, service, internal services, external services, economic activity.

Кириш. Замонавий иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан бири бу мамлакат ЯИМда хизматлар соҳаси улушини ўстириш ҳисобланмоқда. Ривожланган мамлакатларда мазкур соҳанинг улуши қарийиб 80 фоизни ташкил этиб, мамлакат иқтисодий ресурсларини тақсимлаш жараёнида ҳам сезиларли ўз таъсирини кўрсатмоқда[1]. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларда хизматлар соҳасида банд бўлғанлар сони тобора кўпайиб, бугунги кунда уларнинг улуши қарийиб 70 фоизни ташкил этади[2].

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида хизматлар соҳасининг маълум бир қисми мамлакат ички хизматларга бўлган эҳтиёжни қондира олса, қолган қисми ташки бозорларга чиқиш имкониятини беради. Бу эса мамлакат миллий иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирокини таъминлаб беради. XXI аср иқтисодиётидаги хизмат кўрсатиши соҳаси муҳим ўрин тутиши ҳамда ўсиб бораётган инсон эҳтиёжларини қондиришда мазкур соҳани янада ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиш лозимлиги таъкидланмоқда.

Маълумки, хизматлар мақсадли фаолият бўлиб, инсоннинг бозорда талаб ва таклиф обьекти вазифасини ўтайдиган муайян эҳтиёжини қондиришга қодир бўлган фойдани ифодалайди. Хизматлар тушунчаси кенг қамровлидир. Умуман олганда, хизмат деганда, яққол моддий кўринишшага эга бўлмаган турлича фаолият турлари тушунилади. Хизмат кўрсатишининг моддий кўринишдаги маҳсулотлардан фарқи биринчидан – кўринмаслиги, иккинчидан сақлаш имкони йўқлиги ҳамда учинчидан эса хизмат кўрсатиши ва хизматдан фойдаланиш, одатда бир вақтнинг ва бир жойнинг ўзида бўлишидир.

Мухтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, - “банклар энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади. Шунда одамлар боғдорчилик, чорвачилик, хунармандлик, касаначилик, хизмат кўрсатиши, сервис ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланиб, кичкина бўлса ҳам ўзининг корхонасини ташкил этиб, қонуний асосда даромад топади, ўзини ҳам, оиласини ҳам молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаб, маҳалламиз, туманимиз ва шаҳримиз, вилоятимиз ва мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади”[3].

Мамлакатимизда хизматлар бозори янги истиқболли турлар – туризм, банк–молия, сугурта, ахборот-коммуникация ва бошқа хизматларни ривожлантириш ҳисобидан такомиллашиб бормоқда. Аҳолини мураккаб майший техника, компьютер ва шахсий автотранспорт билан таъминланишининг кескин ошиши, уларга кўрсатилаётган хизматларнинг тобора кўпайишига имкон яратади.


Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мавзуга доир масалалар бўйича мамлакатимиз ва турли хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан замонавий иқтисодиётни шакллантиришда хизмат кўрсатиши соҳасининг ўрни ва уни ривожлантириш масалалари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг мазкур соҳадаги тадқиқотларида асосан “хизмат кўрсатиши” ва “хизматлар”нинг иқтисодий мазмунига бўлган қарашлари асосий ўринни эгаллаган. Шунингдек, уларнинг тадқиқот доирасида хизмат кўрсатиши соҳасининг миллий иқтисодиёт тармоқларида улушкининг ўзгариши, тармоқлардаги бандлик ва меҳнат унумдорлиги каби масалаларига алоҳида эътибор қаратилган[4].

Юқоридаги келтирилган тадқиқотларда хизмат ва хизмат кўрсатишининг назарий асослари тадқиқ этилган. Аммо, хизматлар соҳасининг республика миллий иқтисодиётидаги ўрни, тараққиётнинг асосий омили эканлигининг қиёсий таҳлили ҳамда уни ривожлантиришнинг устувор вазифалари тадқиқот обьекти сифатида тизимли тарзда тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқот методологияси. Мавзу тадқиқот методологиясини илмий билишнинг замонавий усуллари, хорижий тажриба, аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун зарурий қонуний ҳужжатлардан фойдаланилганлиги ташкил этади. Шунингдек, хорижий тажриба тадқиқот усулларидан фойдаланилган ҳолда таққослама тахлилни амалга ошириш ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатлар ижтимоий-иктисодий тараққиётига таъсири масаласи мамлакатимиз ва кўп сонли хориж олим ва мутахассисларининг тадқиқотларида ўрганилган.


Таҳлил ва натижалар. XX аср иктиносидиётининг энг асосий қонунияти–бу индустрисал иктиносидиётни постиндустриал иктиносидиётга ёки хизматлар иктиносидиётига ўзгаришидадир. Хизматлар иктиносидиётига ўтиш жараёни универсал бўлиб, барча мамлакатларга хосдир. Лекин, ушбу жараён ҳар бир мамлакатнинг ўз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иктиносидиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Хизматларнинг ривожланиши ўзининг узоқ тарихига эга эканлиги натижасида бугунги кунга келиб унинг жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибидаги улуши қарийиб 80 фоизга етди. XX аср бошларида кўрсатилаётган хизматлар доираси чегараланган бўлиб, уларнинг катта қисмини уй хизматлари, шунингдек савдо, транспорт, майший хизматлар ташкил этган. Бугунги кунда эса илмий-тадқиқотлардан тортиб тики таъмиглаш хизматларигача, таълимдан бошлаб, қария ва ногиронларга хизмат кўрсатишгача бўлган 160 та хизмат турлари мавжуд бўлиб, мураккаб ақлий меҳнатдан фойдаланиладиган соҳалар юқори ўринни эгаллайди.



1-Расм. Ўзбекистон Республикаси 2010-2017 йилларда хизматлар соҳасининг ривожланиши тенденцияси (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)[5]

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики (1-расм), 2010-2017 йилларда миллий иктиносидиётимизда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора ривожланиб бораётганлиги ҳамда 2010 йилда мазкур соҳа мамлакат ЯИМда 46,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 47,3 фоизга ўсган. Бу бевосита давлат томонидан мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.



2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иктиносидиётдаги ўрни[6]

Халқаро хизматлар бозорини ўрганиб, қиёсан таҳлил қилиб, солиширадиган бўлсак, уларнинг натижалари умумлаштирилганда қуйидаги тенденцияларни кўриш мумкин (2-расм):

- ЯИМ таркибida хизматлар соҳасининг улуши АҚШда 80,7%, Германияда 69,1%, Бразилияда 71,2%, Россияда 43,4%ни, ушбу соҳада яратилаётган иш ўринлари салмоги эса АҚШда 73,0%, Германияда 41,0%, Бразилияда 56,7% ва Россияда 41,0%ни ташкил этади;

- Жаҳон юз бераётган турли иктиносидий инқирозларга қарамасдан, хизмат кўрсатиш ва сервис


соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари – ахборот ва коммуникация технологиялари, инновацион технологиялар бозорининг вужудга келиши ва жадал ривожланиши, молия-банк секторини ривожлантиришнинг янги тартибларини шакллантириш, бошқарув тизимининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, аҳолининг замонавий хизмат турларига, шу жумладан халқаро туризмнинг турли шаклларига бўлган эҳтиёжини мунтазам ошиб боришидан иборат бўлади.

– мазкур соҳада Ўзбекистон Республикасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан мамлакатимизда иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, худудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни яқин истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши давлатимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва хуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали тартибни жорий этиш, худудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган;

– маркетинг, реклама, менежмент ва компьютер хизматларида кўп харажат талаб этадиган юқори технологияли саноат тармоқларини шакллантириш, аҳоли эҳтиёжлари билан бир қаторда, хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири хисобланади;

– ривожланган мамлакатлар учун анъанавий хисобланган молия, суғурта, аудиторлик, консалтинг ва инжиринг хизматлари муайян даражада ривожланади.

Кейинги йилларда аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш соҳаси юксалиб бормоқда. 2010-2017 йилларда у қарийиб 1,8 фоизга ўсган. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш 2010 йилда 1584,2 минг сўмни, 2017 йилда эса 2949,2 минг сўмни ташкил этган.



3-расм. 2017 йилда ялпи ишлаб чиқаршида иқтисодиёт тармоқларига қиёсан хизмат кўрсатиши соҳасининг ўсиши суръатлари[7]

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ЯИМдаги хизматлар улуши бозор мезонларига тўғри келмас ва бу соҳада етакчилик қилаётган мамлакатларда эришилган натижалар билан таққослаб бўлмас даражада эди.

Ривожланган мамлакатларда ЯИМдаги хизматлар улуши 70–80 фоизни ташкил қилиб, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизи ҳамда аҳолининг истеъмол харажатида эса бу соҳа 50-60 фоизни ташкил қилган бир пайтда, республика бўйича бу кўрсаткич 10-15 фоиздан ошмас эди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушкини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ҳамда халқаро амалиётдан келиб чиқкан ҳолда бир қатор чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, хизматлар соҳасида эришилган натижаларни янада яхшилаш ҳамда ЯИМ таркибида хизматлар улушкини ошириш мақсадида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан халқаро стандартлар асосида 2016-2020 йилларда мамлакатимизда хизматлар соҳасини

ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади: 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари; 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари; 2016-2020 йиллар даврида хизматлар соҳасини янада ривожлантириш чоратадбирлари комплекси; 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг прогноз ҳажмлари. Ушбу дастурларга асосан, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг шаҳарлар, туманлар бўйича ҳудудий дастурларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда ишлаб чиқди ва тасдиқланиб амалиётга жорий килди. Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган. Биринчидан, хизматлар соҳаси тузилмасини янада такомиллаштириш, хизматларнинг замонавий турларини жадал ривожлантириш ва бозорни улар билан тўлдириш масаласи устувор қилиб белгиланган. Иккинчидан, сервис инфратузилмасини ривожлантириш масаласи ҳам ўта устувор вазифалар сифатида белгиланган. Чунки ушбу масаланинг яхши йўлга қўйилиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида тўлиқ кондириш имконини ҳам беради. Учинчидан, қишлоқ аҳоли пунктларида хизматлар соҳаси ташкилотларини биринчи навбатда ривожлантириш, оиласи тадбиркорлик субъектларини ҳамда соҳага оид касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларни хизматлар соҳасига кенг жалб этиш масаласи ҳам тегишли тарзда ҳудудий дастурларга кийтилган. Ушбу тадбирлар нафақат хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий жиҳатини, балки ижтимоий аҳамиятини ҳам ошириши кўзда тутилган. Хусусан, ушбу ишни амалга ошириш эвазига аҳолини иш билан таъминлашни йўлга қўйиш, бандлик дастурини бажариш, аҳоли фаровонлигини ошириш каби масалалар ҳам паралел равишида ҳал қилиниб борилади[8].

Маълумки, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилган қулай ишбилармонлик мухити бугунги кунда ўрта мулқдорлар синфининг шаклланишида, мамлакат иқтисодиётининг барқарор юксалишида, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли даромадлари ортиб боришида мухим омил бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида факат углеводород хом ашёси, кимматбаҳо ва рангли металлар, уран хом ашёсини қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналарни, шунингдек, табиий монополияларнинг стратегик инфратузилма тармоқларини – темир ва автомобиль йўллари, авиааташувлар, электр энергия ишлаб чиқариш, электр ва коммунал тармоқларини тўғридан-тўғри давлат бошқарувида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарти билан «ноль» қийматида янги мулқдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар карийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим[9]. Шу билан бирга, 245 та кам рентабелли ва фаолият кўрсатмайтган ташкилот тўлиқ тутатилди. Хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган, фойдаланимайтган ва қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки обьекти бузилиб, бунинг натижасида 120 гектар ҳажмидаги ер майдони бўшади. Бу ерларнинг қарийб 80 гектари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва хизматлар кўрсатиш обьектлари қуриш учун тадбиркорлар тасарруфига берилиди. Давлат мулки шаклидаги яна 319 та ана шундай обьект инвентаризация қилиниб, хусусий мулк шаклига ўтказиш учун савдога қўйилди ва ўтган йили уларнинг 102 таси янги мулқдорларга сотилди. Мана шундай кенг қамровли мулкчилик шакллари бўйича таркибий ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг улуши тобора ўсиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш, замонавий жаҳон тан оладиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини яратиш бўйича қатор ишлар бошлаб юборилган. Айни вақтда бу ишлар юқори салоҳиятга эга бўлган ҳар бир турдаги истиқболли хомашё ва ярим фабрикат бўйича чукур қайта ишлашнинг 2020, 2025, 2030 йилларга мўлжалланган аниқ дастурига эга бўлиш учун мутлақо янги дастурий комплекс ёндашувни талаб этади.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш бир қатор ижобий ютуқлар келтириш баробарида қуйидаги хусусиятлар ва афзалликларда намоён бўлади:

- миллий иқтисодиётни ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади ва унинг барқарорлигини таъминлайди ҳамда ҳудудлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлайди;

- аҳолининг эҳтиёжининг узлуксиз ўсиб бориши орқали ички хизматлар бозорида янги турдаги хизматларнинг кўпайишига олиб келади;
- иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони ортади иқтисодий фаоллик даражасини оширади;
- аҳоли даромадларини ошириш орқали мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлик даражасига ижобий таъсир этади;
- истеъмол бозорини замонавий, янги турдаги сифатли хизматлар билан тўлдиради;
- қишлоқ жойларидағи аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси тармоқ корхоналари кўпайиб, хизмат кўрсатиш даражасини кескин фаоллаштиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Экономика и управление в сфере услуг: современное состояние и перспективы развития : XIV Всероссийская научно-практическая конференция, 7 февраля 2017 года. — СПб. : СПбГУП, 2017. — 20 стр.
2. Всероссийская научная конференция молодых исследователей «Экономика сегодня: современное состояние и перспективы развития» (Вектор-2018): сборник материалов / Министерство образования и науки Российской Федерации, Российский государственный университет им. А.Н. Косыгина (Технологии. Дизайн. Искусство). – М.: ФГБОУ ВО «РГУ им. А.Н. Косыгина», 2018. – 388 с.
3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович, Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ./Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -56 6.
4. Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.(монография) – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари асосида тайёрланган.
6. Муаллифлар томонидан қўйидаги маълумотларга таянилган ва хисоб китоб қилинган: OECD Statistics. National Accounts. Available at: <http://stats.oecd.org/>; China Statistical Yearbook. (2018). Available at: <http://www.stats.gov.cn/tjsj/ndsj/2018/indexeh.htm>
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари асосида тайёрланган.
8. Хизмат кўрсатиш соҳасини 2017-2020 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари <http://fikr.uz/>.
9. <http://aza.uz>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ШАРХ.

УДК 332.025.28

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ

Ж.Атаев Урганч Давлат университети таянч докторанти

Аннотация. Уибу мақолада кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги аҳамияти, устунликлари ҳамда афзалликлари келтириб ўтилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига кичик бизнесни янада ривожлантиришига эътибор қаратиш лозимлиги асослаб ўтилган. Амала оширилган таҳлил нитажалари ҳамда мавжуд вазиятдан келиб чиқсан ҳолда қишлоқ хўжалигига кичик бизнесни янада жадал ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифлар ҳам келтирилган.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, кичик корхона, фермер хўжалиги, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнеснинг афзалликлари, кичик бизнеснинг устунликлари.

Аннотация. В этой статье рассмотрена значения, приоритеты и преимущества малого бизнеса в обеспечении социально-экономического развития. Кроме того, обосновано необходимость дальнейшее развитие малого бизнеса в сельском хозяйстве страны. По результатам анализа и с учетом текущей ситуации разработаны научно-практические рекомендации и предложения по дальнейшему развитию малого бизнеса в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: сельское хозяйство, малый бизнес, малые предприятия, крупное предприятие, фермерское хозяйство, частное предпринимательство, преимущества малого бизнеса, приоритеты малого бизнеса.

Abstract. The value, priorities and advantages of small business in the promotion of socio-economic development are highlighted in the article. Moreover, the importance of the further development of small business in the sector of agriculture of our country is substantiated. According to the results of the analyses, as well as taking into account the current situation, scientific and practical recommendations and proposals on further development of small business in agriculture were developed.

Key words: agriculture, small business, small firms, large firms, farming, private entrepreneurship, small business opportunities, small business priorities.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётидаги асосий тармоқлардан бири бўлиб, кейинги йилларда саноат ва хизмат кўрсатишнинг юкори суръатларда ўсиши натижасида соҳани ЯИМдаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги, жумладан аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтиришдаги роли юқорилигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев соҳани мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда “...хозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Агарар соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим”[1] деб таъкидлаб ўтадилар.

Хукуматимиз томонидан соҳага қаратилаётган эътибор ҳамда янги инновацион технологияларни жорий этиш ва имкониятларни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора тадбирлар натижасида олдинги йиллардан фарқли равища қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 2017 йилда 19.2 фоизни ташкил қилиб 2016 йилга нисбатан 1.1 бирлик кўтарилид.

Қишлоқ хўжалиги азал-азалдан мамлакатимиз иқтисодиётидаги асосий тармоқлардан бири сифатида қаралиб келинган. Чунки, мамлакатимиздаги табий иқлим шароити мамлакатни соҳа маҳсулотларини етириширишда бошқа давлатларга нисбатан мутлоқ ва нисбий устунлигини, бу эса ўз навбатида бозор иқтисодиёти конун қоидалари асосида мамлакатнинг халқаро саводдаги ютуғини таъминлайди. Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб негизини бозор механизмларини шакллантириш ҳамда янада такомиллаштириш ташкил этади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналиши бозор механизмларини шакллантириш ва уни ривожланишини таъминлаш учун замин ҳамда шарт-шароитлар яратишига қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “Бирничидан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини ўтказиш, мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган шаклларига - хусусий, ҳиссадорлик, жамоа, кооператив ва бошқа шу каби турларига асосланиб, янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш йўли билан аралаш, кўп уқладли иқтисодиётни шакллантириш”[2] -деб таъкидлаб ўтадилар.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида давлат мулкини хусусийлаштириш масаласида айнан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Чунки, мустақилликнинг дастлабки йилларида, жумладан 1995 йил 1 январь ҳолатига ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизидан кўпроғи, халқ хўжалигида бандларнинг 37 фоизга яқини ушбу соҳа улушига тўғри келар эди [3].

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат мулкини хусусийлаштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик(КБХТ) танлаб олинди. Мазкур ҳолатдан кутилган натижа ҳамда айнан кичик бизнесни танланишини сабаби қўйидаги келтирилган фикрлар орқали очиб беришига ҳаракат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “Кичик тадбиркорликнинг бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж товарлари билан тўлдиришни таъминлашдаги ролини, бозор коньюнктурасининг ўзгаришига тез мослашувчанлигини, янги иш жойларни яратищдаги аҳамиятини, шунингдек, унинг фан ва техниканинг янги ютуқларини тез ўзлаштиришини ҳисобга олган ҳолда мулкчиликнинг турли шаклларидаги кичик корхоналарга бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиш зарурдир” [2] деб таъкидлаб ўтадилар.

Шунингдек кейинги даврларда КБХТнинг ЯИМдаги улушкини ошириш асосий макроиктисодий муаммолар: ишсизлик, иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда муҳим йўналиш сифатида қаралиб келинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда КБХТни ривожлантиришда уларга етарли шарт-шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил этади. Чунки, кичик бизнес бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ҳозирда бутун дунёда мазкур соҳа ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва КБХТни тадқиқ қилган хорижий олимлар унинг бир қатор ижобий натижаларга эришишдаги аҳамиятларини келтириб ўтишади.

Ҳозирда иқтисодий ўсишни таъминлаш йўналишида илмий тадқиқот олиб борувчи мутахасислар анъанавий усул, яъни йирик бизнесни турли хил солик имтиёzlари, молиявий усувлар ва бошқа йўналишлар билан қўллаб-қувватлаш фикридан воз кечишишмоқда. Улар иқтисодий ўсишни таъмилашда янгидан фаолият бошлаган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш

лозимлигини таъкидлашмоқда. Мазкур муносабатни вужудга келишида унинг иккита тўлдирувчи хусусиятини ажратиб кўрсатишади. Биринчидан, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга хизмат қиласи. Иккинчидан, инфратузилмани ривожлантириш ва кенгайтиришга, малакали, билимли ишчиларни ишлаб чиқаришга жалб қилишга ёрдам беради[4].

Дунё иқтисодчи олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларидан маълумки йирик бизнесни жалб қилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш кўп харажат талаб қиласиган ва муваффақиятга эришиш қийин бўлган йўналишдир. Чунки йирик бизнесни кенгайтириш, унга инновацияларни жалб қилиш кўп харажат талаб қиласи, бундан ташқари амалга оширилган тадқиқот натижаларини кўрсатишича у кичик бизнесга қараганда кам иш ўрни яратади[4]. Бошқа томондан кичик бизнесга инновацияларни жалб қилиш осон ва қулай бўлиб, бунинг асосида йириклишиши, янги иш ўринларини яратиши ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш имконияти юқори саналади.

1-жадвал

Кичик бизнеснинг аҳамияти ва афзаликлари ҳақидаги бўйича қарашлар

№	Муллифлар	КБХТнинг иқтисодиётдаги аҳамияти бўйича фикрлар
1.	Татьяна Власюк	Кичик бизнес бозор иқтисодиётининг муҳим элементларидан бири бўлиб, иқтисодий ўсиш, ЯИМни таркиби ва сифатига таъсири қилувчи асосий унсурлардан бири хисобланади [5].
2.	Келли Эдмистон	Бугунги иқтисодиётда кичик бизнес субъектлари муҳим инноваторлар ҳамда кўпчилик саноат тармокларининг технологик лидерлари хисобланади [4].
3.	Панасюк М.В., Сафиуллин Л.Н., Гафуров И.Р., Сафин А.Р.	Агросаноат комплексида кичик бизнес қишлоқлардаги ижтимоий ривожланиш параметрларини ошириш, қишлоқ ва шахар аҳолиси яшаш шароитларини тенглаштиришга хисса қўшади. Кичик бизнес қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, ёшлар ишсизлигини камайтиришда, қулай шароитлар яратишида аҳамиятга эга, хусусан худудий иқтисодиётдаги инқироз ҳолатларида муҳим аҳамият касб этади [6].
4	Луиз Судрез-Вилла	Ушбу жараёнлар ва уларни иқтисодий таъсири таҳлилида кичик ва ўрта ҳажмдаги саноат аҳамиятига алоҳида ургу берилган. Ушбу мақолада қабул қилинган ёндашув умумий жиҳатларга қаратилган бўлиб, узоқ муддатли иқтисодий ва индустрисал ўзгаришларнинг ҳар бир босқичида тадбиркорлик инновацияси билан кичик ва ўрта ҳажмдаги саноат корхоналари орасида боғлиқлик мавжудлигини аниклади [7].
5	Паул Ванденберг	Кичик ва ўрта тадбиркорликни аҳамиятини баҳолашда одатда тўртта кўрсаткичдан кенг фойдаланилади: Булар кичик ва ўрта бизнеснинг жами (i) тадбиркорлик субъектлари, (ii) бандлик, (iii) ялпи ички маҳсулот ва (iv) экспордаги улушки [8].
5	Hidayet KESKIN, Canan SENTURK, Onur SUNGUR, Hakan M. KIRIŞ	Кичик бизнес инновация, рақобат, тадбиркорликни кучайтириш ва ривожланаётган давлатларда самарали инновацион тизимни ташкил қилинганда ҳаётй зарур бўлган субъектлар хисобланади [9].
6		кичик бизнес тузилишига кўра ихчам, қарорлар қабул қилинганда тезкор ва ҳаракатчан, янги тартиб-қоидаларни киска муддатда ўзлаштириш хусусиятларига эга бўлиб, жаҳон ва минтақалар бозорларида талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади [10].

КБХТни иқтисодий барқарорлик, ўсиш ҳамда ривожланишни таъминлаш асосида асосий иқтисодий муаммолар, хусусан ишсизликни бартараф этиш, аҳоли даромадларини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини баҳолаш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқот ишларида кичик бизнеснинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳамда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти ва зарурлигини нималарда намоён бўлиши очиб берилган (1-жадвалга қаранг)

Амалга оширилган таҳлил натижаларидан кўринадики, кичик бизнес иқтисодиётининг негиз бўғини бўлиб, у иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ҳамда асосий иқтисодий муаммоларни ечишда асос бўлиб хизмат қиласи.

Кичик бизнесни мамлакатимизда, хусусан қишлоқ хўжалигига зарурлиги ва соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралиши уни қатор устунликларга эгалигидан келиб чиқади. Жумладан Е.Ф. Шумахер ўзининг илмий тадқиқот натижаларида кичик бизнеснинг қуидаги устунликларга эга эканлигини келтириб ўтади [11].

- Кичик бизнес бозорни, иқтисодиётни бошқарувчи куч бўлган рақобатни кучайтиради;
- Кичик бизнес анча самарали хисобланади;
- Кичик бизнес янги технология ва талабга осонроқ мослашади;

- Кичик бизнеснинг ишлаш тартиби монотон ва зерикарли эмас;
- Кичик бизнес иқтисодий қризисларга чидамли;
- Бандликни ошириш ҳамда даромадларни шакллантиришда кичик бизнес анча муваффақиятли йўналиш саналади.

Келтирилган таҳлил, фикр ва мулоҳазарлардан маълумки кичик бизнес бугунги кунда бутун дунёда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш иқтисодий муаммоларни бартараф этиш ҳамда бозор муносабатларини шакллантиришда асосий йўналиш ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, кичик бизнес ҳам бир қатор камчиликларга эга бўлиб, уларни бартараф этиш учун турли мамлакатларда ҳар хил усуллар кўлланилади. Кичик бизнеснинг афзаллик ҳамда камчиликларини таҳлилини амалга ошириш максадида кичик ва йирик бизнеснинг афзалликлари ва камчиликларини бир қатор йўналишлар кесимида қараб чиқилди (2-жадвал).

2-Жадвал.

Кичик ва йирик бизнесни афзалликлари ва камчиликлари таҳлили [12]

	Кичик корхона	Йирик корхона
Маркетинг	Тез ўзгарувчан бозор талабларига тезда мослашиш.	Муфассал тақсимот ва хизмат қўрсатиш тизими. Мавжуд маҳсулотлар бозорида юкори даражага эгалик.
Менежмент	Бюрократик тўсиклар ўйклиги. Динамик ва тадбиркор раҳбарларнинг тезкорлик билан янги имкониятларда фойдалана олиши ва кўпроқ хатарни қабул қилишга тайёрлиги.	Юкори касбий маҳоратга эга менежерларнинг комплекс ташкилотларни бошқариши ва корпоратив стратегиялар ишлаб чиқиши.
Ички алоқалар	Самарали ва норасмий ички алоқалар тармоғи мавжуд. У ички муаммоларни ҳал қилишга тезда жавоб беради: ташки мухит ўзгаришларига тезда мослашиш қобилиятига эга.	Кўпинча ноқулай ички алоқалар ва бу ташки таҳдид ва имкониятларга секин таъсир кўрсатади.
Малакали техник ходимлар	Тез-тез малакали техник мутахассисларнинг етишмаслиги. Кўп ҳолларда расмий равишда илмий тадқиқот фаолиятларини сезиларни даражада қўллаб-кувватламайди.	Юкори малакали техник мутахассисларни жалб қилиш қобилияти. Катта илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этишини қўллаб-кувватлайди.
Ташки алоқалар	Илмий ва технологик экспертизанинг мухим ва ташки манбаларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш учун кўп ҳолларда вакт ва маблағ етишмаслиги.	Илмий ва технологик экспертизанинг ташки манбаларига уланиш имконияти. Кутубхона ва ахборот хизматларини кўрсатиш имконига эга. Мухим техник ахборот ва технологияларни сотиб олиш мумкин.
Молия	Сармояни жалб қилишда катта қийинчилик, айниқса хавфли капитал. Инновациялар номутаносиб равишда катта молиявий хавфни англатиши мумкин.	Капитал бозорида қарз олиш қобилияти. Лойихалар портфели ёрдамида хавфни тарқатиш қобилияти. Янги технологиялар ва янги бозорларга диверсификацияни молиялаштиришга яхши қодир.
Масштаб ва тизимли ёндошув иқтисодиёти	Баъзи жойларда кичик корхоналар учун катта миқдордаги кириш тўсиклари шаклланади. Интеграцияланган маҳсулот ёки тизимларни таклиф эта олмаслик.	Илмий тадқиқот ишлаб чиқариш ва маркетинг соҳаларида масштаб самарасидан фойдаланиш имконияти. Бир қатор қўшимча маҳсулотларни таклиф қилиш қобилияти.
Ўсиш	Юкори ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган ташки капитални жалб қилишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин.	Ишлаб чиқариш базасини кенгайтиришни молиялаштириш. Диверсификациялаш ва сотиб олиш йўли билан ўсишни молиялаштириш қобилияти.
Патент	Патент тизимига қарши курашда муаммоларга дуч келиши мумкин. Патент масалалари билан шуғулланадиган вакт ва харажатлар қопланмайди.	Патент мутахассисларини жалб қилиш. Патентларни бузилишдан ҳимоя қилиш учун судга даъво қилиш имконияти юкорилиги.
Хукумат қарорлари	Кўпчилик ҳолларда мураккаб меъёрий тизимларга бардош бера олмайди. Меъёрий талабларга мослашиш учун қилинган вакт ва пулдаги харажатлар бирлик товар нархida юкори бўлиши.	Мураккаб меъёрий талабларни бажариш учун хукукий хизматларни маблағ билан таъминлашга қодир. Норматив харажатларни тақсимлаш имкониятига эга. Зарурий илмий тадқиқотни молиялаштиришга қодир.

Жаҳон тажрибасига кўра, қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ушбу муаммони ҳал этишининг энг самарали йўли ҳисобланади. Хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини қайта ишлаш, замонавий ўраш-жойлаш материалларидан фойдаланиш хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистондаги кичик қишлоқ корхоналари маҳсулотларининг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлай олади [3].

Биз амалга оширилган таҳлилларимиз натижаларига асосланган ҳолда мамлакат қишлоқ хўжалигига КБХТни янада ривожлантиришга хизмат қиласидан айрим таклиф ва хуносаларни келтириб ўтамиш. Жумладан:

- қишлоқ хўжалигига фермер хўжаликлари раҳбарларини тадбиркорлик қобилиятини ошириш бўйича илмий-амалий семинар трейнинглар ташкил қилиш ва уларни кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилишларига амалий ёрдам кўрсатиш;
- бюрократик тўсиқлар камайштириш тадбиркор раҳбарларни хатарини ўз зиммасига олган ҳолда эркин қарор қабул қилиш ва бозор талаблари асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишини таъминлаш;
- КБХТда малакали техник ходимлар етишмаслигини инобатга олган ҳолда илмий тадқикот институтлари билан уларнинг доимий алоқасини боғловчи тизимни шакллантириш;
- ҳудудлар кесимида фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалигига фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари фаолиятини баҳолаш ҳамда рафбатлантиришни ташкил қилиш.

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларни амалга оширилиши мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1371>
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Тошкент-“Ўзбекистон”-1996, 164 б.
3. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент-“Ўзбекистон”-1996, 164 б.
4. Kelly Edmiston. The role of Small and Large Business in Economic Development. Federal Reserve Bank of Kansas City, Economic review, second quarter 2007 (www.KansasCityFed.org)
5. Tatyana Vlasyuk. Development of small business in the sphere of rural tourism by the example of the Kirov region, “Institutions in Transition – Challenges for New Modes of Governance” IAMO Forum 2010, 16-18 June 2010 | Halle (Saale), Germany
6. Panasyuk M.V., Safiullin L.N., Gafurov I.R., Safin A.R. Role of Small Business in the Agriculture Sector of the Region. Mediterranean Journal of Social Sciences, vol 5 № 28, December 2014. MCSER Publishing, Rome-Italy. DOI: 10.5901/mjss.2014.v5n28p56
7. Luis Sudrez-Villa. Innovation, Entrepreneurship and the Role of Small and Medium Size Industries. Cuadernos de Economía Vol. 16 287-307 1988.
8. Paul Vandenberg, Pornpinun Chantapacdepong, Naoyuki Yoshino. SMEs in Developing Asia New Approaches to Overcoming Market Failures, ASIAN DEVELOPMENT BANK INSTITUTE, TOKYO, 2016. P.20
9. Hidayet KESKIN, Canan ŞENTURK, Onur SUNGUR, Hakan M. KIRIŞ. The Importance of SMEs in developing Economies. 2nd International Symposium on Sustainable Development, June 8-9 2010, Sarajeho
10. Schumacher E.F. Small is beautiful: Economics as if people Mattered, Harper & row Publisher, London, 1973.
11. XHEPA, S. (2006), Competitiveness And The SME Development In Albania, The Institute for Contemporary Studies (ISB), Tirana, [available at <http://www.western-balkans.info/upload/docs/1> Albania SMEnew.pdf]

УДК 33.379.85 (380.84)

ТУРИСТЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

У.Р.Матякубов, М.Аминова, Урганч Давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада туристлар хавфсизлигини таъминлашда ҳалқаро ҳукуқий ҳужжатлар, Ўзбекистонда туристлар хавфсизлигини таъминлашдаги ҳукуқий-меъёрлар ҳужжатларнинг мазмуни шунингдек, туристик муҳитни яхшилаш ва туристик хавфни бартараф қилиши йўллари ёритилган.

Калим сўзлар: туризмда хавфсизлик, туристик муҳит, туристик пакет, туристик маршрут, туристик маҳсулот

Аннотация: Данная статья освещает международно-правовые документы для обеспечения безопасности туристов, значимость нормативно-правовых документов для обеспечения безопасности туристов в Узбекистане, а также способы улучшение туристической среды и устранения опасностей для туристов.

Ключевые слова: безопасность в туризме, туристическая среда, турпакет, туристический маршрут, турпродукт

Abstract. The article deals with international-legal instruments for safety of tourists, significance of legal normative documents for the safety of tourists in Uzbekistan, and ways of improving touristic environment and prevention from exposing tourists to dangers.

Keywords: safety in tourism, touristic environment, a tour package, a tourist route, a tour product

Туризмда халқаро ҳуқуқий-меъёрларнинг амал қилиниши туристларнинг эркин ҳаракат қилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Аммо шу билан бирга туризм ривожланишида туристик оқимларнинг муайян давлатда ёки давлатларда кўпайиши туризмда ташкил қилинган хавфсизлик масалаларига ҳам боғлиқдир. Бу борада мамлакатимиз олимлари томонидан кенг ва кўплаб тадқиқотлар олиб борилган [1]. Чунки, ҳар бир давлатда ва халқаро миқёсда туризмни ташкил этишнинг энг мухим унсурларидан бири туристларнинг соғлиги ва ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Туристларнинг ҳаёт хавфсизлиги ва буюмларининг сақланиши кафолати халқаро миқёсда ва давлатлар худудларида ҳаракатланиш хавфсизлигидаги жуда кўп мажмуали тадбирларнинг қонун ҳимоясида таъминланишини талаб қиласди. Булар энг аввало халқаро меъёрлар бўлса, иккинчидан, шу асосда ишлаб чиқилган ва мамлакатимиз миқёсида амал қиласдан қонуний ҳужжатлар ҳисобланади.

1. Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги халқаро ҳужжатлар ва ҳуқуқий меъёрларга узоқ йиллардан буён амал қилиниб келинмоқда. Туризмда хавфсизликни таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) томонидан ишлаб чиқилган. Бу ташкилот томонидан ишлаб чиқилган қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар шу ташкилотга аъзо бўлган давлатларга кўрсатма сифатида тақдим этилади.

Саёҳатчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги Хартия 1985 йил Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош ассамблеясининг VI сессиясида қабул қилинган. Хартияниң 6-моддасида туристларнинг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга, улар буюмларининг сақланиши, ҳар бир давлат худудларида эркин ҳаракат қилишини таъминлашга қаратилган. Бу талаблар дунёдаги барча давлатларга тавсия қилинган[2]. Ҳужжатда давлатлар масъуллиги сифатида қўйидагилар белгиланган:

➤ туристларга барча имкониятлар яратиш, ўз давлати ва чет эллик туристлар учун саёҳатлар даврида БМТ, Халқаро фуқаролар авиацияси ташкилоти, Халқаро денгиз ташкилоти, Халқаро божхона ҳамкорлиги кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотларнинг халқаро туризм тўғрисидаги «Холатлар», «Дастурлар» «Ҳуқуқий-меъёрлар»ига амал қилиш;

➤ туристларнинг маҳаллий мухитга тез мослашиши ва уларнинг таассуротларини шакллантиришда ҳамкорлик қилиш ва улар ташриф буорган давлатларнинг маҳаллий аҳолиси билан бўладиган мулоқотларда, алоқаларда ўзаро тушунадиган дўстона мухитларни яратиш;

➤ туристларнинг ҳаёт хафсизлигини таъминлаш ва буюмларини сақлаш чора-тадбирларини халқаро қонунларга мос ҳолда ишлаб чиқиш;

➤ гигиена ва соғлиқни сақлаш хизматларига мурожаат қилиш, ёрдам олишнинг барча шарт-шароитларини яратиш, юқумли касалликлар ва баҳтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳақида огоҳлантириш;

➤ туризмда турли ножӯя ҳаракатларни қилиш мақсадларида қилинган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

Халқаро туризмда ва давлатлар туризмида хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ ва жиддий тавсияларни ишлаб чиқсан халқаро конференцияларнинг энг обрўлиси, деб тан олингани Бутунжаҳон туризм ташкилотининг «Туризм бўйича Гаага декларацияси»ни қабул қилиниши бўлди[3].

Бутун жаҳон туризм ташкилоти дунё давлатлари Парламентларининг туризм бўйича мазкур халқаро конференцияси ишида Парламентлараро иттифоқ (МГТС) вакиллари ҳам қатнашди. Конференция биринчи навбатда БМТнинг жаҳон давлатларида туризмни ривожланишида Бутунжаҳон туризм ташкилотини мухим мавқега эга эканлигини эътироф этди.

Иккинчидан, туризм бўйича Гаага декларацияси 10 та тамойилни қабул қилиб, дунё мамлакатларига тарқатди. Декларация жаҳонда туризмнинг ривожланишида туризм хавфсизлиги халқаро миқёсда таъминланиши шартлигини таъкидлади. Бунга эришиш учун қўйидагиларни амалга ошириш тавсия қилинди:

- туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиш ва туризмга жорий қилиш;
- жамоатчиликка аниқ ахборотларни етказиш ва тарқатиш;
- туристларнинг хавфсизлигини ўрганувчи ва таъминловчи, айниқса экстремал вазиятларда хавфсизликни таъминлашни тадқиқ қилувчи институтционал марказлар ташкил қилиш;
- туристларнинг хавфсизлигини таъминлашда халқаро, давлатлараро, худудлараро ва китъалараро ҳамкорликни ташкил қилиш ва ҳаракатлантириш.

Гаага декларациясининг туристлар соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялари: туристларни ҳурмат қилиш, қадр-қимматини, ҳукуқини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш туризм ривожланишининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тизими ишлаб чиқилган:

- туристларнинг қадр-қиммати, ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари улар ҳаракатланадиган барча туристик обьектларда, сафарда, саёхатда, меҳмонхоналарда ишлаб чиқилган ва бундай хавфлар бартараф этилган бўлиши;
- туристларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш, туристларни ва туристик обьектларни ҳимоя қилиш, уларни ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш йўналишига қаратилган эркин туризм мухитини яратиш сиёсатини шакллантириш;
- туристик обьектларга ва туристлар ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омиллар ҳақидаги барча ахборотлар, маълумотларни туристларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;
- хар бир давлатда туристларнинг эркин ҳаракат қилиши, хавфсизлигини таъминлаш ҳукуқий меъёрларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишга эришиш, ҳар бир давлатда туристларнинг ҳукуқини ҳимоя қилиш ташкилотларига ўз вақтида мурожаат қилишига, ўзининг ҳақ-ҳукукларини ҳимоя қилиш имкониятларининг яратилишига эришиш;
- туристларни ҳимоя қилиш, ҳаёт хавфсизлигини таъминлашдаги ҳукуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, хавфга қарши чора-тадбирлар тизимини яратишда ҳар бир давлатнинг БТТ билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш.

2. Ўзбекистонда туристлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги ҳужжатлар ва ҳукуқий-меъёрлар ҳақида ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистонда туризм соҳасини жадал ривожланишига оид қонунлар, ҳукуқий меъёрлар мамлакатимизда мустақиллик йилларидан кейин шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида туризм соҳасини истиқболда жадал ривожланишириш ва туристларнинг хафсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Туризмда туристлар оқимининг кучайиши ўз навбатида уларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ўта жиддий масалалар ечимини талаб қиласди. Қайд қилиш лозимки, ўз қизиқиши, дам олиши, томоша қилиши, билимини ошириши учун бир мамлакатдан ўзга, умуман нотаниш миллатлар, элатлар яшайдиган, иқлим хусусиятлари фарқланадиган, ҳалқларнинг урфодатлари, тили бутунлай бошқача бўлган мамлакатларга саёхатга чикувчи турист ўзи танлаган мамлакатдаги саёхати даврида ўз ҳаёти хавфсизлиги таъминланишининг кафолатланишини хоҳлади. Ушбу давлатда бу соҳада қабул қилинган қарорлар, қонунлар, ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар ва бошқалар аниқ бўлсагина, турист бехавотир ҳолда ишонч билан ўз ҳаракатини бошлайди.

Ўзбекистонда қабул қилинган «Туризм тўғрисида»ги қонунининг 19-моддасида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда бир қанча чора-тадбирлар белгиланган [4]. Мамлакатимизда туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, ҳолатлар ва омиллар ҳар томонлама ўрганилмоқда. Айниқса, туристик мухитда, туристик маршрутлардаги хизматларда туристларнинг ҳаётига хавф солувчи хавф-хатарлар тадқиқ қилинмоқда [5].


Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар бевосита хизматлар кўрсатиш жараёнларида, ҳар қандай туристик маршрутларда, экспкурсияларда, уларни овқатлантиришда, туб жой ахолиси билан бўладиган мулоқотларда ва бошқа шароитларда юз бериши мумкин. Бу эса мамлакатимизда туризмни ривожланишириш учун бу йўналишда аниқ тавсиялар ишлаб чиқилиши, илмий тадқиқотлар олиб борилиши лозимлигидан далолат беради.

Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини ўрганиш ва зарурый чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жуда мураккабdir. Чунки, туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар ва манбалар ҳар қадамда, ҳар бир сонияда юз бериши мумкин. Айниқса, экологик туризм, рекреация туризми, археологик туризмларда, экспкурсияларда ва бу туризм турларида хизматлар кўрсатиш жараёнларида, табиий иқлим шароитларида туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омиллар жуда қалтис, кутилмаганда ҳам келиб чикиши мумкин. Бунинг олдини олишни ҳар қандай туроператор ёки бошқа мутасадди шахс уddyлаши қийин. Шу туфайли туристлар хавфсизлигини таъминлайдиган маҳсус шахслар бўлиши, улар эса шу соҳа бўйича назарий билимларга эга бўлиши лозим.

3. Туристик мухитни яхшилаш ва туристик хавфни бартараф қилиши тадбирларига аҳамият берилганида, жамиятни ривожланиширишнинг ўзига хос хусусиятлари, уни қамраб олган «муҳит»лар жуда кўплигини инобатга олиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан: «ишлаб чиқариш мухити», «маиший мухит», «табиий мухит» ва ҳ.к. Бу мухитларда инсон фаолият кўрсатиб, ўз эҳтиёжлари учун зарурый предметларни олдиндан режалаштирилган мақсад ва вазифалар бўйича ишлаб чикаради.

Туризм соҳаси ривожланган давлатларда ҳозирги вақтда янги – «туристик мұхит» тушунчаси пайдо бўлди. Бу борада Ю.Ф.Волков[6], А.В.Квартальнов [7], А.П.Дурович [8], М.Б.Биржаков [9] ва бошқалар ўз илмий ишларида алоҳида қайд қилганлар. «Туристик мұхит» турда, туристик пакетнинг хизматларидағи элементлар ва омилларнинг таъсирлари йиғиндисидан ҳосил бўлган мұхитдир (1-расм). Туристик мұхитдаги хизматлар пакети ва бу пакетга йўл-йўлакай қўшилиб борадиган куйидаги хизматлар киради:

- туристик маршрутнинг бошланиши ва тугашидаги трансфер жараёнлар;
- туристик маршрутнинг бошланиши ва тугаши оралигидаги вақтда туристларнинг кўчиб юришлари.



1-расм. Туристик мұхитнинг ҳосил бўлиши схемаси

Манба: А.В.Квартальнов [10] шиланмалари асосида муаллиф томонидан шилаб чиқилди

Шунга мувофиқ турда туристнинг яшаш жойига қуйидагилар киради:

- тур вақтидаги яшаш жойи типи (рельеф тузилишлари);
- яшаш жойи конструкцияси ва қурилишда фойданилган материаллар;
- яшаш жойининг ички жойлашиши, хоналарнинг майдони;
- ёруғликнинг тушиши ва электр ёруғлиги;
- микроиқлим ва иситиш тизими, ҳавонинг тозалиги ва шамоллатиш усуллари, жойнинг санитария ҳолати, саноат обьектларига узоқ ёки якинилиги.

Овқатланиш ва майший хизматлар эса қуйидагиларга бўлинади:

- сифатли овқатлар ва улар сифатининг бир маромдалилиги;
- шахсий гигиена учун барча предметлар ва шарт-шароитнинг мавжудлиги;
- майший асбоб-ускуналар, телевизор, радио, фен, электр устара, микротўлқинли печь, кир ювиш машинасидан фойдаланиш имкониятлари ва бошқалар.

Экскурсия хизматлари: транспорт воситалари, томоша қилдириш ва сайд қилиш учун табиий ҳудудлар ва табиий мажмуалар, табиий кўриқхона фонди, даволаш-соғломлаштириш марказлари, спорт мажмуалари ва санитар ҳимоя зонаси ва бошқалар.


Кўрсатиладиган туристик хизматлар одатдаги тур шароитларида ҳам кутилмаган, фавқулодда ҳосил бўлган (табиий иқлимий ҳодисалар, ҳаракатлар ва бошқа) вазиятларда ҳам туристларнинг соғлиги ва ҳаётига ҳавфни пасайтириб, ҳавфсизлик даражасига тушириши, ҳавфни бартараф қилиш имкониятлари билан таъминланган бўлиши керак. Ҳавф – кутилмаган ҳодиса бўлиб, туристларнинг хоҳиш-эътиборидан четда, тўсатдан уларнинг соғлиги ва ҳаётига ҳавф солади.

Туристик ҳавф деганда, турмаксулотни, хизматлар кўрсатишни истеъмол қилаётган туристларнинг соғлиги ва ҳаётига раҳна солувчи ҳавфларни тушунамиз (2-расм). Турда туристларнинг соғлиги ва ҳаётига ҳавф солувчи вазиятлар ва омиллар туристик-экскурсия хизматлари кўрсатишнинг қуйидаги ҳисобга олинмаган шароитларида юзага чиқади:

- тур дастурини тузишда, шилаб чиқишида ҳисобга олинмаган ҳавф манбаларининг мавжудлигига эътибор бермасликдан;

- аниқ таъсир қилувчи омилларнинг кучайиб кетишидан (масалан, секин ёғаётган ёмғирнинг жалага, дўлга айланиб кетиши, санитария-эпидемиология вазиятидаги кутилмаган ахборотлар ва бошқалар);
- баъзи бир туристларнинг турдаги дастур меъёrlарига риоя қилмасдан ўзбошимчалик билан қилган хатти-ҳаракатлари оқибатида келиб чиқадиган хавф натижасида тур дастурининг бузилишидан келиб чиқади.


Қайд қилинган хавфларнинг келиб чиқшини таҳлил қилганда, тур давомида маршрутлардаги хизматлар кўрсатиш мажмуаларида, туристик пакетнинг таркибини тузганда, маршрутдаги ҳаракатланишда ва муддатларда назорат бўйича фойдаланганда, турдаги жуда кўплаб туристик хавфларнинг олдини олиш ёки туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омилларни бартараф қилиш осонлашади (3-расм).



2-расм. Туристик маҳсулот таркибида туристик хавфнинг мавжудлиги

Манба: А.В.Квартальнов [11] ишилганмалари асосида муаллиф томонидан тузилди

3-расмдаги (турдаги) туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омилларни аниқлашда туристик пакет, маршрут трассаси ва маршрутдаги хизматлар кўрсатиш дастурлари олдиндан кўриб чиқилади. Хавфларнинг белгилари ва уларнинг келиб чиқши сабаблари аниқланади ва хавфларни бартараф қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Келтирилган таҳлиллар (1,2,3-расмлар)дан маълум бўладики, туризмдаги хавф-хатарларнинг келиб чиқши қуйидаги ҳолларда рўй бериши мумкин экан: пиёда ҳаракатланганда; транспорт воситаларида ҳаракатланганда; табиий иқлим хусусиятлари бирдан ҳалокатли ўзгарганида; яшаш жойларида (мехмондорчиликда), овқатланишда (агар сифатсиз таомлар тайёрланган бўлса), спорт билан шуғулланаётганда ва бошқа ҳолларда.



3-расм. Турнинг таркиби ва турда хавфларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш назорати

Манба: А.В.Квартальнов [12] ишилганмалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Баъзи бир хавф-хатарлар давлат худудида сиёсий ва жиноий вазиятнинг вужудга келиши оқибатида кўчаларда, кўнгил очар жойларда, овқатланиш жойларида, турли ўйинларда қатнашган вақтларда, туристлар келиб тушадиган ва ватанига қайтадиган аэропортларда, темир йўл ва автовокзалларда юз беради. Бундай жойларда туристларнинг пуллари, юкларининг ўғирлаб кетилиши, савдо-сотик жараённида товарларнинг юкори нархда сотилиши, товламачилик ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар билан боғлиқ хавф-хатарлар юз бериши мумкин.

Шунингдек, эътибор бериш керакки, баъзи бир ҳолларда туристларнинг ўзи ҳам хавф-хатарларнинг, кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз беришига сабабчи бўлишади (автобус, поезд, самолётларга кечикиб келиш, кутиб оловчи ва кузатиб кўювчи турфирмалар билан шартнома тузмаслик, тунда кўчаларга ўз ҳоҳиши билан сайрга чиқиши ва бошқалар).

Туристларнинг эҳтиётсизлигидан қатъий назар, уларни таклиф қилган турфирма, меҳмонхона ёки туристик ташкилот маъмурияти туристлар ҳаёти хафзисизлигини таъминлашга масъулдирлар ва жавобгардирлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тухлиев Н., Абдулаева Т. Основы безопасности в туризме.-Т.: Гос.науч.изд-во “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2008.- 504 с.
2. Дурович А.П. Организация туризма.- Мн.: ООО “Новое знание”.2006.-500-505 с.
3. Ўша жойда, -488-494 с.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғриси”даги қонуни. 1999 йил. 20 август.
5. Ҳайитбоев Р., Матякубов У. Экологик туризм.-Самарқанд.: СамИСИ, 2010. -38-40 б.
6. Волков Ю.Ф., Введение в гостиничный и туристический бизнес.- Ростов н/Д: «Феникс», 2004.- 352 с.
7. Квартальнов В.А. Туризм: Учебник. -2-изд., перераб.-М: Финансы и статистика, 2007. -336 с.
8. Дурович А.П. Организация туризма. - СПб.: Питер, 2009. -320 с.
9. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Изд. 9-е, перераб. и доп. – СПб.: Герда, 2008. -576 с.
10. Квартальнов В.А. Туризм: Учебник.-2-изд., перераб.-М: Финансы и статистика, 2003.- 44 с.
11. Ўша жойда - 48 с.
12. Ўша жойда - 48 с.

УДК: 334.021.1

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ **С.К.Салаев, Б.У.Таджиев, УРДУ**

Аннотация. Уибу мақолада кичик бизнес ва тадбиркорликни қишлоқ жойларида ривожлантириши хусусиятлари ва Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришида фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг ўрни ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ), фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, қишлоқ тадбиркорлиги, қишлоқ жойларида тадбиркорлик, фаол тадбиркор.

Аннотация. В данной статье речь идет об особенностях развития малого бизнеса и предпринимательства в сельских местностях и роль фермерских хозяйств, земледельческий хозяйств, организации сельских хозяйств в выращивание сельскохозяйственных продуктов в Хорезмской области.

Ключевые слова: малый бизнес и частное предпринимательство (МБЧП), фермерское хозяйство, земледельческий хозяйство, сельское предпринимательство, предпринимательство в сельских местностях, активный предприниматель.

Abstract. Specific characters of the development of small business and entrepreneurship in rural areas and the role of farming, land use and agricultural organizations in producing agricultural product are discussed in the article.

Key words: small business and private entrepreneurship (SBPE), farming, agriculture, agricultural enterprise, enterprise in rural areas, active enterprise

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хусусий мулқдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари химоясини таъминлаётган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди, давлат билан ишбилиармонлар ўргасида тизимли мулоқот йўлга қўйилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)нинг ўрта синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим омили сифатида кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига ҳам жадал ривожлантириш учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегиясининг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”**да амалга оширишга оид давлат дастурида учинчи устувор йўналиш **“Иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг**

устувор йўналишлари”нинг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” йўналишида қуйидаги асосий мақсадлар белгилаб қўйилган¹:

1. Илгор хорижий давлатларнинг тажрибасига асосланган холда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;
2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
3. Ахолини экологик тоза ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг хукуқий асосларини яратиш;
4. Пахта хом ашёсини етиштириш, сотиш ва қайта ишлаш тизимида бозор механизмларини жорий этиш;
5. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш, шу жумладан, экспорт қилишда логистика тизимини ривожлантириш;
6. Ахолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш, уларнинг бозордаги нарх-наволари барқарорлигини сақлашга эришиш;
7. Фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар хажми ва миқдори ҳақида маълумотларнинг ягона базасини яратиш;
8. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув тежовчи технологиилар жорий этилган майдонлар ҳажмини янада кенгайтириш;
9. Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш.

1-жадвал

2016 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт фаолият турлари бўйича КБХТ субъектларининг сони

Фаолият соҳаси	КБХТ субъектлари сони	Фоизда
1. Савдо	61220	28,1
2. Саноат	42862	19,6
3. Курилиш	21796	10,0
4. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	18051	8,3
5. Овқатланиш бўйича хизмат кўрсатиши	15355	7,0
6. Юқ ташиш ва сақлаш	10636	4,9
7. Бошқалар	48247	22,1

Юқоридаги мақсадларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ўрни ниҳоятда катта бўлиб, асосан қишлоқ жойларида тадбиркорликни ва қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Қишлоқ тадбиркорлиги ва қишлоқ жойларида тадбиркорлик тушунчалари бир-биридан фарқ қиласди.

Қишлоқ тадбиркорлигига дехқон хўжаликлири, фермер хўжаликлири, балиқчилик ва ўрмон хўжаликлири ҳамда агрофирмаларни киритиш мумкин, улар учун асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотиш асосий фаолият тури ҳисобланади.

Қишлоқ жойларида тадбиркорлик қишлоқ тадбиркорлигига қараганда кенгрок тушунча бўлиб, қишлоқ жойларида барча турдаги ва шаклдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини назарда тутади. Булар ўз ичига якка тартибдаги, оилавий, хусусий, жамоа, аралаш тадбиркорлик шаклларини қамраб олгани ҳолда нафақат қишлоққа хос бўлган, балки шаҳар жойларида амалга ошириладиган КБХТнинг тур ва шаклларини ҳам олади ва бугунги кунда қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириш асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда.


Амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида 2017 йил 1 январ ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича 61220 та кичик бизнес субъектлари (жами субъектларнинг **28,1** фоизи) савдо соҳасида, 42862 таси (**19,6** фоизи) саноатда, 21796 таси (**10,0** фоизи) курилишда, 18051 таси (**8,3** фоизи)

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини “фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ти Фармони://Lex.uz

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида, 15355 таси (7,0 фоизи) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасида, 10639 таси (4,9 фоизи) юк ташиш ва сақлаш соҳасида ва 48247 таси (22,1 фоизи) бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда².


1-расм³

2017 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



2-расм

2017 йилда худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми⁴



1-жадвалдан кўринадики, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида фаолият юритаётган КБХТ субъектлари жами КБХТ субъектларининг 8,3 фоизинигина ташкил қилмоқда. Аммо, сўнги йилларда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносаб хаёт шароитларини яратиш, ишбилиармонлик мухитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг натижасида, қишлоқ жойларида тадбиркорликни янада ривожлантириш, қишлоқ жойларидаги иш билан банд бўлмаган аҳолини тадбиркор қилиш орқали иш билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Агарар соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб

² Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати маълумотлари.

³ Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси маълумотлари.

⁴ Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси

чикиш лозим”⁵ деб таъкидлаб ўтдилаr ва айнан қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш, қишлоқ жойларида аҳолини тадбиркорлик билан шугулланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб келмоқдалар.

2-жадвал⁶

2017 йилда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	Январь-декабрь				2016 январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	
	2016 йил		2017 йил			
	тонна	ишлаб чиқарши умумий ҳажмидағи улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқарши умумий ҳажмидағи улуши, фоиз		
Бошоқли дон	156742	62,1	160587	62,0	102,5	
шу жумладан: буғдои	155974	62,1	159897	62,1	102,5	
Картошка	28467	22,2	15540	13,0	54,6	
Сабзавот	207500	32,7	165319	26,3	79,7	
Полиз	78400	54,2	68167	49,9	86,9	
Мева ва резаворлар	103498	54,0	100120	51,2	96,7	
Узум	14354	31,9	13061	29,2	91,0	
Гўшт, тирик вазнда	4290	3,1	4508	3,1	105,1	
Сут	39850	4,3	38703	4,0	97,1	
Тухум, млн. дона	23,3	6,0	22,5	5,5	96,9	
Жун, тонна	157	12,3	53	5,3	33,8	
Коракўл, дона	580	7,2	178	2,5	30,7	
Пилла, тонна	1975,8	90,7	507,4	63,1	25,7	

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида қишлоқ тадбиркорлигини амалга оширишда фермер хўжаликлари ва дехқон хўжаликлари асосий ўринни эгаллаб келмоқда.

Республикамизда фермер хўжаликларининг юқори суръатларда ривожланиши натижасида 2000-2017 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 73,6 фоиздан 98,2 фоизга ошган⁷. Лекин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишида фермер хўжаликлари улуши дехқон хўжаликлари улусидан анчагина паст эканлигини Хоразм вилояти мисолида кўриб ўтишимиз мумкин.

Хоразм вилоятида 2017 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланишига этибор берадиган бўлсақ, қишлоқ тадбиркорлиги билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари бўлган фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва дехқон хўжаликлари улушкини 2016 йилга нисбатан ўзгаришини кузатишимиз мумкин.

1-расмдан кўринадики, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида энг катта улушкини дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари эгаллаган бўлиб, 2017 йил январь-декабрда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 66,9 фоизини ташкил қилди (2016 йил январь-декабрда – 64,5 фоиз), фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 32,2 фоизи ишлаб чиқарилган (2016 йилда 34,3 фоиз), шунингдек қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 0,9 фоизи ишлаб чиқилган.

2-расмдан кўринадики, худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишда Урганч тумани, Ҳазарасп, Ҳонка ва Гурлан туманлари етакчилик қилмоқда.

2017 йилда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1181,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилга нисбатан 88,1 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 32,2 фоизни ташкил этди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 декабр.

⁶ Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси

⁷ Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати маълумотлари.

2017 йилда ишлаб чиқарилган гўшт маҳсулотлари

<i>Маҳсулот номи</i>	<i>Миқдори</i>	<i>Ўсиши суръати, %</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	145,8	106,5
<i>Шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	4,5	105,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	140,6	106,7
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	0,7	85,4

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари буғдой, картошка, сабзавот, полиз, мева, узум, гўшт, сут ва тухум каби маҳсулотлар аҳоли томонидан кундалик истеъмол учун керакли бўлиб, ушбу маҳсулотларни қуидаги 2-жадвалда 2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгаришини кўриб ўтишимиз мумкин.

2 - жадвалдан кўринадики, буғдой, гўшт, сут, мева ва тухум маҳсулотларини етиштиришда фермер хўжаликларининг олдинги йилга нисбатан ўсишини кузатиш мумкин. Лекин, аслида гўшт, сут ва асосан тухум етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши паст бўлиб, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши юқорилигича қолмоқда.

4-жадвал⁹

2017 йилда ишлаб чиқарилган сут маҳсулотлари

<i>Маҳсулот номи</i>	<i>Миқдори</i>	<i>Ўсиши суръати, %</i>
Сут, минг тн.	973,2	105,5
<i>Шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	38,7	97,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	931,9	105,9
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	2,6	115,2

3-жадвалдан кўринадики, гўшт етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши умумий йил давомида етиштирилган жами **145,8** тонна гўштнинг **3** фоизинигина фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар эса атига **0,5** фоизни ташкил қилиб, энг катта қисмини яъни **96,5** фоизини деҳқон хўжаликлари етиштироқда.

Фикримизча, чорвачиликка асосланган фермер хўжаликларида гўшт етиштиришни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Чунки, бугунги кундаги аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотларига ошиб бораётган талабини қондиришга ва гўшт нархини арzonлашишига замин яратади.

4-жадвалдан кўринадики, сут етиштиришда йил давомида етиштирилган жами **973,2** тонна сутнинг **4** фоизини фермер хўжаликлари, **0,3** фоизини қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ва яна энг катта улушкини яъни **95,7** фоизини деҳқон хўжаликлари етиштириб келмоқда.

5-жадвалдан кўринадики, тухум етиштиришда йил давомида етиштирилган жами **408,8** млн. дона тухумнинг энг катта улушкини яъни **66,5** фоизини деҳқон хўжаликлари, **28** фоизини қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ва атиги **5,5** фоизини фермер хўжаликлари етиштириб келмоқда.

Юқоридаги 3,4,5-жадваллардан кўринадики, Хоразм вилоятida фермер хўжаликлари фаолиятида гўшт, сут ва тухум етиштириш анча паст бўлиб, ривожлантиришни талаб этмоқда.

Шу ўринда, Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “*Фермер, деҳқон хўжаликлари ва таморқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”¹⁰ 2018 йил 26 апрелдаги Қарорлари қишлоқ жойларида тадбиркорликни янада ривожланишига, фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асосан аҳоли энг кўп

⁸ Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси⁹ Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва таморқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Қарори, 2018 йил 26 апрел.

истеъмол қиласиган гўшт, сут ва тухум маҳсулотларини етиширишда улуши ортишига, дехқон хўжаликларини янада ривожланишига замин яратади.

5-жадвал¹¹

2017 йилда ишлаб чиқарилган тухум миқдори

<i>Маҳсулот номи</i>	<i>Миқдори</i>	<i>Ўсии суръати, %</i>
Тухум, млн. дона	408,8	105,9
<i>Шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	22,5	96,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	271,9	115,5
Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	114,4	89,8

Ушбу Қарорда қуидаги чора-тадбирлар ва имкониятлар кўрсатилган:

1. Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши назорат қилиб, баҳолаб бориш;
2. Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига комплекс хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этилганлиги;
3. 2018 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги, фермер хўжаликларида мажбурий, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун ихтиёрий деб белгиланганлиги;
4. “Томорқа хизмати” МЧЖлар ташкил этилиб, фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва сотища амалий ёрдам кўрсатишлари таъкидланган;
5. Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi ҳузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш таклифини маъқулланиши;
6. Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йил муддатга, шу жумладан, 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини хисобга олган холда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар берилиши ҳамда Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йил 7 июнь куни қабул қилинган “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги Қарорлари қишлоқ жойларида аҳолини тадбиркорлик билан шугулланишига, натижада, даромадга эга бўлиш орқали ўз-ўзини иш билан таъминлашга ва қишлоқ тадбиркорлигини ривожланишига замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 26 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги Қарори, 2018 йил 7 июнь.
5. Давлат статистика кўмитаси Ахборот хизмати 2010-2016 йиллар.
6. Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси 2017 йил январь-декабрь.

УДК: 379.852

УСТЮРТ ПЛАТОСИНинг ТАБИИЙ-ЛАНДШАФТ САЛОҲИЯТИДАН ЭКОТУРИСТИК МАРШРУТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

С. Салаев – УрДУ “Иқтисодиёт” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори,
А. Алимов – Қорақалпоқ давлат университети тадқиқотчisi

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақалпогистон Республикасида экотуристик маршруtlарни ишлаб чиқишида Устюрт платосининг табиий-ландшафт салоҳиятидан самарали фойдаланиши йўналишилари асосланган.

Калим сўзлар: туризм, экотуризм, турмаршрут, табиий салоҳият, ландшафт, Устюрт платоси.

¹¹ Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси

Аннотация. В данной статье обоснованы основные направления эффективного использования природно-ландшафтного потенциала плато Устюарт при разработке экотуристических направлений в Республике Каракалпакстан.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, туристический маршрут, природный потенциал, ландшафт, Устюартское плато.

Abstract. This article substantiates the main directions of effective use of the natural and landscape potential in the development of ecotourism directions in the Republic of Karakalpakstan.

Key words: tourism, ecotourism, tourist route, natural potential, landscape, Ustyrt Plateau

Маълумки, хизматлар соҳаси жаҳон ҳўжалигида йил сайин барқарор ўринларни эгаллаб келмоқда. Кўпгина ривожланган мамлакатлар учун хизматлар қўрсатиш, сервис фаолиятидан олинадиган даромад ҳажмининг, соҳада бандликнинг ошиб бориши, рақобатнинг кескинлашуви, хизматлар экспорти ва импортининг ошиши кузатилмоқда[1].

Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизмат қўрсатиш соҳаси таркибида туристик хизматларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (WTO)нинг маълумотларига кўра, 2020 йилга бориб ҳалқаро туристларнинг сони 1,6 млрд. кишига, туризмдан олинадиган даромад 2 трлн. АҚШ долларга этиши, туристик оқимнинг барқарор равишда ҳар йили 3-5 % га ошиши кутилмоқда [2]. Шунингдек, бутун дунёда анъанавий туризм турларига бўлган талабнинг уч баробарга ошиши[3] шароитида экотуризм ҳам оммалашиб жаҳон туризм бозорининг 7-10%ига тўғри келмоқда[4].

Экотуризм дунёнинг аксарият давлатларига тегишли фаолият тури бўлиб, фаол дам олишнинг бир шакли, унга кўра инсон ўз соғлигини тиклабгина қолмай балки, табиат қўйнида бирга бўлиш, флора, фауна ва атроф-муҳитдан завқланиш билан бирга бир қанча эстетик ҳиссийётлар олади. Бугунги кунда экотуризмнинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристлик йўналишда оқилона фойдаланишдан иборат. Экологик туризм деб тан олиш учун қўйидаги қоидаларга риоя қилиш керак: қўрсатилган хизмат йўналиши экологик бўлиши шарт, туристларларга хизмат қўрсатадиган транспорт экологик тоза, экологик фойдали, ичимлик ва озиқ-овқатлар экологик тоза, унинг таркибида маҳаллий маҳсулотлар бўлиши, малакали гидлар, сайдёнларни қизиқарли ва экологик тоза табиий ва маданий жойларга бошлаб бориш керак.

Бутунжаҳон туристлик ташкилоти (БТТ) таърифига кўра, экотуризм – табиий худудларга масъулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишини таъминлайди ва маҳаллий ҳалқнинг турмуш даражасини яхшилайди[5].

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида – экотуризм деганда нафакат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий худудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг амалга оширилиши ёрдамида экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бираига боғлиқ мажмуалар йигиндисини тушунамиз.

Ўзбекистонлик эколог олимларнинг умумлаштирилган фикрларига кўра, экотуризм ўз ичига маърифий-маънавий тушунчалар остида экотуристларнинг экзотик табиий худудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига, табиий худудларнинг тарихий ёдгорликларига, археологик топилмаларига, геологиясига, палеонтологик қолдиқларига саёҳатлари каби табиат билан боғлиқ мажмуаларга саёҳатлари кабиларни қамраб олади.

2005 йилда Орол бўйини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари ҳақида Ҳалқаро Оролни қутқариш жамғармаси (ХОҚЖ) Нукус филиали директори томонидан экотуризмни ривожлантириш бўйича «Кулай жойларда комплекс сервис хизматларини қўрсатадиган шаҳобчаларига, кичик меҳмонхоналарига, спорт, ов ва балиқ овлаш ҳўжаликларига эга бўлган экологик саёҳатни (экотуризмни) ривожлантириш бўйича доимий амал қиласидиган кичик ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш лозим» деган таклиф билдирилди [6].

Ўзбекистоннинг кўпгина минтақаларидаги каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам нафакат умумий туризмни, балки унинг ўзига хос бўлган экотуризмни ривожлантириш учун жуда катта туристик салоҳият мавжуд. Чунки, Қорақалпоғистоннинг ҳеч бир минтақада учрамайдиган табиати, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, даштлари, кўл ва сув ҳавзалари, Амударё этаклари, Бадайтўқай кўриқхонаси, Устюарт текислиги, Қизил қум чўли ва янги пайдо бўлган Оролкум тузли чўли, Амударё дельтаси, қолдиқ тоғлар билан Султон Увайс тоғ, Белтау, Қусханатау тепаликлари табиий-худудий экотизимларининг мавжудлиги бошқа худудларга нисбатан Қорақалпоғистон учун рақобат устуворликларини таъминлайди.

Айниқса, кейинги йилларда Қорақалпоғистоннинг шимолий-ғарбидаги жойлашган, Қозогистон, Россия Федерацияси билан чегарадош бўлган Устюрт платоси Каспий билан Орол дengизлари ўртасидаги ер шарининг сувсиз чўлистоңликларидан бири бўлиб, бу ерда дехқончилик қилиш мумкин эмас. Шундай қийин экологик табиатга эга бўлишига қарамай Устюртда Қадимги тош даврларидан бошлаб XX-асрнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олган эсдаликларни учратиш мумкин. Хусусан, Устюрт платосида фанда қурилиши сирли бўлган қалъалар мавжуд.

Устюрт платоси - Буюк ипак йўлининг бўйида жойлашган бўлиб, қадимдан стратегик аҳамиятга эга савдо йўли ҳамда Каспий дengизи билан Орол дengизлари ўртасидан ўтадиган қуруклиқдаги ягона ўтиш жойидир. Ҳозирги даврда ҳам Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий дарвозаси ва шарқ билан ғарбни боғловчи худуд ҳисобланади. Устюрт платосида жойлашган жаҳон стандартларига жавоб берадиган автомагистрал ва темир йўли иқтисодиётимиз қон томирлари ҳисобланади [7].

Бу ерда қадими ғарблар қабиласи яшаган. Орол дengизи бўйларидан бошлаб Каспий дengизи соҳилларигача бўлган оралиқда чўзилиб ётган Устюрт платоси худудида ғарблар (сардоба) қурилишлари қолган. Бу ҳамон фанда сирлигича қолмоқда. Аранларнинг узунлиги ўртача 600 метрдан 900 метргача, эни бўлса 400-600 метрни ташкил этган. Уларнинг умумий майдони 18 гектардан каттароқ бўлган. Бу қор ва ёмғир сувини йиғиш учун қурилган сув сақлагичлар ҳисобланади. Аранларда савдо карвонлари сув ичиш мақсадида тўхтаб ўтган [8]. Бундай сугориш, сув сақлаш усувлари Туркманистаннинг баъзи чорваларида ҳозиргача давом этмоқда [9].

Устюрт платоси баландлиги 300 м га етадиган туташ текислик ҳисобланади (ўртача узунлиги — 100-200 м), унда баландлиги 292 м гача бир қатор тепаликлар (Актумсиқ, Қарабаур) ва бир неча чукурликлар мавжуд, уларнинг энг йириклари Барсакелмес (- 50 м) ва Асеке-Аудан (- 29 м) киради. Текислик Орол дengизида ва Амударё дельтасида тик чинклар, яъни платонинг баландлиги ўртача 300-350 метр бўлган ернинг бирданига бўртиб чиқкан тик қоясимон баланд тепаликлари билан тугайди. Устюртнинг жанубий-ғарбидаги Сариқамис чукурлигининг шимолий қисми жойлашган.

Устюртнинг ғарбий ярими Қозогистон Республикаси худудига тегишли бўлиб, Қорақалпоғистон Устюрти 70 минг км² майдонни эгаллаган. Устюрт платоси атрофидаги текисликлардан анча баландлиги билан ажralиб туради. У барча томонларидан атрофидаги ерларга ва чукурликларга деярли тик қояликлар билан чинклар чегараланади. Бу қояларни географик адабиётларда «чинк» деб атайди. Устюрт платоси Америка ва Канададаги тик қоя тепаликлардан ҳеч ҳам қолишмайди.

Устюрт платоси чинклар, сойлар, чукурлик ва жарликлар билан кесишиб, улардан баъзилари платонинг устига чиқадиган йўл вазифасини ҳам бажаради. Устюртнинг жанубида тўлқин сингари бўлган Қоплон қирини, унинг шимол томонида Устюртнинг марказида шимолий-ғарбдан жанубий-шарқча чўзилган Қарабаур қирини учратамиз. Устюртнинг энг баланд чўққиси ҳам ўша ерда Қарабаур билан яқин жойлашган Барсакелмес чукурлиги бўйлаб Кўнғирот – Мақат темир йўли ўтади.

Қорақалпоғистон Устюртида юқоридаги қирларнинг ораларида ҳар хил кўламдаги бир неча чукурликларни учратамиз. Жумладан:

Шимолий Устюрт чукурликлари. Устюртнинг энг шимолий қисмida жойлашиб, у шимолий-шарқдан жанубий-ғарб томон чўзилган. Чукурликнинг энг тубларида ҳар хил кўламдаги шўр ерлар ва қумлар учрайди. Шулардан Жаринқудук қумлиги бизнинг республикамиз худудига тегишли.

Барсакелмес чукурлиги. Устюртнинг марказий қисмida жойлашиб, майдони 1000 км² ни ташкил килади. Чукурликнинг марказида Барса келмес шўрлиги жойлашган. Шўрликнинг чети марказнинг асосига нисбатан 40-50 метр баландликка эга бўлиб, четидан марказига борган сари пасайиб боради ва товокча тарелка шаклига эга. Унинг энг туви (ултани) Орол дengизининг юзасидан 12-15 метр баланд. Йилнинг ёмғирли ва қорлар эриган пайтида чукурликнинг айрим жойларида ҳар хил кўламдаги кўлчалар пайдо бўлади. Бу чукурлиқда қадимги даврлардан бери йиғилган жуда катта туз захираси мавжуд бўлиб, бу тузлардан инсонлар озиқланиши ва даволанишида фойдаланиши мумкин.

Шақпақти чукурлиги – узунлиги 6 километр, эни 3 километр, ёнбағирлари жуда тикдир. Чукурлиқда кум тепаликлар билан бирга шўр ерлар кўп. Шу ерда Шақпақти газ кони ишлаб турибди.

Асекеаудан чукурлиги - Сариқамис кўлининг шимолида жойлашиб, шу кўлининг давомига ўхшайди. Чукурлик кенг майдонни эгаллаб, асоси ўйли-баланд шўрликлардан иборат. Асосининг дengиз сатҳидан ўртача баландлиги 40-50 метр.

Устюрт платосида 600 га яқин турдаги ўсимликлар мавжуд бўлиб, уларнинг 70 тадан ортиғи шифобахш ўсимликлар ҳамда фармацевтика саноати учун муҳим хом ашё ҳам саналади. Устюрт текислигига 5,2 млн.га яйловлар мавжуд бўлиб, унда 200 минг бош йилқини ёки қорамолларни тўққиз ой давомида боқищ имкониятига эга. Устюртдаги қушлар фаунаси ҳам ўзига хос бўлиб, турли мавсумларда бу ерда 200 дан ортиқ куш турлари учрасада, уларнинг 52 туригина уя солади.

Устюртдаги сут эмизувчилар фаунаси одатда чўлдагидек: пегий путорак, қум сичқони, Северцов кўшоёқ сичқони ва кичкина кўшоёқ сичқон, қуён, авваллари бўлса гепард яшаган. Узун игнали типратикон ва қизил қўйруқ қум сичқони учрайди. Устюрт платосининг экотуризм учун диккатга сазовор жойлари сифатида унинг чинкларини айтсак бўлади. Ён томондан қараганда баланд тогни эслатадиган бу текислик туристларни ўзига тортади.

Кейинги 30 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси фаунасининг энг муҳим турларидан бўлмиш сайгоқлар сони 90 фоизга камайиб, сайгоқ Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Қизил руйхатига киритилди. Шу билан бирга, жайрон, қорақулок каби ноёб турлар ҳамда ноёб йиртқич кушлар турлари йўқолиб кетмоқда. Устюрт платосида сайгоқларнинг анъанавий болалаш жойлари жойлашган. Устюрт платосида оғир иқлим шароитларига мослашган, ўзига хос ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси мавжуд. Бу ерда 700 дан ортиқ ўсимликлар ҳамда умуртқали ҳайвонларнинг 300 дан ортиқ тури яшайди. Ҳар бир тур экотизимнинг муҳим бўғини бўлиб, унинг яхлитлигини белгилайди. Устюртдаги чўл ва ярим чўл экотизимлари муҳофазага муҳтоҷ.

«Сайгачий» буюртмахонаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1991-йил 29-ноябрдаги 311/12-сонли Қарори билан ташкил этилган. У 1 млн. га майдонга эга бўлиб, сайгоқларнинг Устюртдаги популяциясини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ва уларнинг сонини кўпайтириш мақсадида ташкил қилинган. Сайгоқ антилопа ҳисобланиб, уни томоша қилиш ҳаммага завқ бағишлади. Сайгоқ жайронга бир оз ўхшаб кетади, аммо баландроқ (75 смгача етади) бўлади. Оёқлари калтароқ, катта боши доим пастга қараган, бир оз ҳартумни эслатадиган бурни ҳам мавжуд. Нар сайгоқлар 50 кг.гача етадиган тана оғирлигига эга бўлишади, урғочилари эса нисбатан камроқ. Ўзбекистонда сайгоқлар асосан октябрь-ноябрь ойларида пайдо бўлади. Улар Устюрт ва Қизилкум шимолида ўтлаб юришади. Декабрь ойида кўпайиш даври бўлади. Май ойига келиб одатда 2 та, баъзи ҳолларда эса 1 та ёш сайгоқ дунёга келади. Урғочи сайгоқлар янги авлодни дунёга келтириш учун ўтсиз, тақир ерли ҳудудларни танлайди. У ердаги ер ранги туфайли сайгоқларни ҳатто бир неча метрдан аниқлаш қийин. Ёш сайгоқлар кучга тўлишгач, тўдалар республикамиз ҳудудини тарқ этиб, шимол ва шарққа кўчишни бошлашади. Кузда эса яна қайтиб келишади. Сайгоқ бошоқли ўсимликлар, эрман билан озиқланди. Сайгоқлар тўда бўлиб яшайди ва якка ҳолда учрамайди. Тўдалар ҳар хил, бир неча жонивордан ёки бир неча минг сайгоқдан иборат бўлади. Аммо, кўпинча 30-40 бошдан иборат тўдалар учрайди. Кузда, курашлардан кейин нар сайгоқлар 5-10 та урғочи сайгоқдан иборат тўда тузади. Курашлар вақтида кучсиз сайгоқлар ҳалок бўлади. Сайгоқлар 70км/соат тезликда югурга олгани учун бўлса керак, уларнинг «душман»лари нисбатан кам. Сайгоқлар сакраб Сирдарёдек дарёларни сузиди. Фақатгина кучсиз ва касал сайгоқлар бўрилар ўлжасига айланади.

Ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси фаунасининг энг муҳим турларидан бири бўлган сайгоқлар сони 90 % га камайиб кетди.

Хукумат томонидан биохилма-хилликни сақлашни таъминлашга қаратилган «Сайгачий» буюртмахонасини комплекс ландшафт буюртмахонаси сифатида қайтадан ташкил этилиши тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Устюрт платосининг Қозогистон қисмида 2015 йил май ойида сайгоқларнинг оммавий қирилиши бошланди. 2014 йилда Қозогистонда 256,7 минг сайгоқ бўлса, 2015 йил май-июн ойларида 132 минг жонивор қирилиб кетди [10].

Судочье кўли ўзининг жойлашиши бўйича Сибирь ва Тундрадан жанубга ва жануби-шарққа, илиқ ўлкаларга ва орқага учадиган трансконтинентал мигрант қушларнинг гарбий-Осиё миграцион йўлида жойлашган. 1991 йили бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi қарори билан «Судочье» давлат орнитологик буюртмахонаси ташкил этилди.

Энг катта сув ҳавзаси «Судочье» кўли Мўйноқ шахрининг жанубий-гарбидаги, Устюртнинг шарқида, Кўнғирот туманининг шимолий-гарбидаги жойлашган. 1950 йилда 40 минг гектар майдонни эгаллаган, табиий кўриниши, жўғрофий жойлашиши жиҳатидан дунёдаги жуда ажойиб ва гўзал кўл ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили 15-20 минг центнер мазали балиқ овланди. Кўлнинг суви чучук бўлганлиги сабабли ондатра сақлаш учун жуда кулагай бўлган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли бу кўлни «суви душши кўл» яъни «суви чучук кўл» деб атаган. XIX асрда Мўйноққа, Кўнғиротга кўчиб келган руслар «суви душши» деб айта олмаганликларидан «Суви душе», яъни – «Судочье» деб атаган. XX асрнинг бошларида кўлнинг узунлиги 130-135 км, эни 16-43 км, чукурлиги 0,6 метрдан 3 метргача бўлган.

Ҳар йили миграция даврида Судочье кўлида 8-10 млн. га яқин ҳар хил гурухга мансуб қушлар дам олиш ва озиқланиш учун тўхтайди. Судочье кўлининг ҳудудида ва Устюрт чинкларида 44 та оиласа мансуб қушларнинг 187 тури учрайди. Бу ерда асосан, оқ қуш, ёввойи гоз, қорабойлар, ўрдаклар, чағалайлар, куликларнинг ҳар-хил турлари ва бошқа сув экотизимларида яшовчи қушлар уя куради.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1999 йил 11 январда Нукус шаҳрида ўтказилган конференциясида «Орол денгизи бассейнинда экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ иш харакатлари дастури» қабул қилинди. Шунга асосан амалга оширилаётган «Амударё дельтасида кичик кўллар ташкил қилиш» лойиҳаси Судочьенинг истиқболида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозир кўлнинг умумий майдони 40 минг гектарни ташкил қиласи. Баликлар ва сувда яшовчи ҳайвонларни кўпайтиришга киришилди. Бугунги кунда жанубдан шимолга, шимолдан жанубга учиб ўтаётган кушлар кўлда тин оладилар. Улар орасида ҳалқаро «Қизил китоб»га киритилган товус, қўнғир соқақуш, кичик баклан, оқбош сингари жониворларни учратиш мумкин. Бу кўл республикамизнинг шимолий-ғарбида жойлашиб бир неча кўллар тизимидан (кичик ва катта Судочье, Қаратеренг, Бегдулла айдин, Омар салим, Қаражар, Ақушпа ва х.к.) иборат. У кушлар уялаш, учиб ўтиш, дам олиш, учиш олдидан озиқланиш жойи бўлиб хизмат қиласи.

Экотуристик жиҳатдан ушбу Судочье кўлида қушларни кузатиш, қуш уяларини ва тухумларини томоша қилиш, қайикда сузиш, Устюрт тогига чиқиш, балиқ овлаш, маҳаллий аҳоли турмуш тарзини ўрганиш, ўсимликларни томоша қилиш умуман олганда табиат қўйнида дам олиш имконияти мавжуд.

Трансчегаравий кўл хисобланадиган Сариқамиш кўли ҳам Туркманистон билан Ўзбекистонда қуи Амударёнинг чап томонидаги сугориладиган майдонлардан юбориладиган дренаж сувлари тўпланадиган жой ҳисобланади. Суви шўрроқ бўлган бу кўлнинг майдони 3670 кв.км ва сув сифими 59 куб.км, бу кўл – балиқ овлаш кўлами бўйича Коракалпогистонда иккинчи ўринда туради. Дарёлик орқали сув билан тўлиши ва тузланиши натижасида кўлга 30 дан ортиқ балиқ тури келиб тушган, улардан овланадиган абориген баликлардан 12-13 тури, жумладан, сила, сазан, торта, жумир балиқ, тиран шабақ, лаққа, ақ марқа ва қилич балиқ анча кўп тарқалган. Кўлнинг Ўзбекистон қисмида асосан сила ва торта балиқ овланади.

Сариқамиш кўлига томон боришида Устюрт кенгликлари узра күмликлар ва тепаликларни ошиб йўл давомида платонинг гўзал табиатини, горларни, чуқурликларни, Устюрт қўйи, кийик, кулон, рангли қалтакесаклар ва ўсимлик дунёсини кузатиш мумкин.

Судочье, Жилтирбас ва Довудкўл кўлларидан бошқа дельтанинг марказий қисмида ва дарёнинг бўйида Междуречье сув ҳавзаси, Мақпалкўл, Майпост-Домалақ тизими, шунингдек Мўйнақ кўлтиғи, Сарибас кўллари жойлашган. Бу кўлларнинг умумий майдони 200 минг гектар атрофида. Бу кўлларда сувда сузуви қушларга жуда бой бўлиб экотуризм учун, яъни туристларнинг табиат қўйнида ҳайвонотлар дунёсини томоша қилиб дам олиш учун катта аҳамиятга эга. Улар экотуризм учун катта аҳамиятга эга бўлиб, туристларга қушларни кузатиш жойи бўлиб хизмат қиласи. Айниска, фламинго, бирқозонлар, оқкушлар ва ўрдак-гозларнинг мислсиз катта тўдалари туристларда катта қизикиш ўйғотмоқда.

Худудда туризмни ривожлантириш учун қуйидаги маршрутларни таклиф қиласи:

УСТЮРТ ПЛАТОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР

1. Нукус - Судочье - Қўнғирот - Мўйноқ – Нукус

Маршрут тавсифи:

Давом этиш муддати: 2 кун, 1 тун

Умумий йўл узоқлиги: 500 км

Транспорт: автомобил (Джип, Прадо), (тажрибали ҳайдовчи билан)

Керакли нарсалар: тунаш учун палаткалар, ошхона буюмлари

Овқатланиш: маршрут давомида 4 маротаба

Тоғда юриш учун қулай ва ҳимояланган спорт оёқ кийимлари, шим ва бош кийими, баҳор ва куз ойларида қалинроқ кийимлар кийиб чиқиш тавсия қилинади.

Маршрут давомида саёҳат қилинадиган туристик обьектлар:

1. Қўнғирот шаҳри
2. Судочье кўли
3. Ҳаким ота зиёратгоҳи
4. Мўйноқ шаҳри (Кемалар қабристони)
5. Нукус шаҳри

Туристик маршрут давомида 8-12 кишилик гурухларга хизмат кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Ўзимизнинг миллӣ русумдаги автомобилларимизда олиб чиқиш мумкин. Овқатланиш учун озиқ овқат ва ётиш учун палаткалар олиб чиқиш зарур.

2. Нукус – Кўнғирот – Раушан – Устюрт – Нукус

Маршрут тавсифи:

Давом этиш муддати: 2 кун, 1 тун

Умумий йўл узоқлиги: 400 км

Транспорт: автомобил (Джип, Прадо), (тажрибали ҳайдовчи билан)

Керакли нарсалар: тунаш учун палаткалар, ошхона буюмлари

Овқатланиш: маршрут давомида 4 маротаба

Тоғда юриш учун қулай ва ҳимояланган спорт оёқ кийимлари, шим ва бош кийими, баҳор ва куз ойларида қалинроқ кийимлар кийиб чиқиш тавсия қилинади.

Маршрут давомида саёҳат қилинадиган туристик обьектлар:

1. Довуд ота зиёратгоҳи

2. Раушан ОФЙ

3. Пульжай археологик мажмуаси

4. Судочье кўли

5. Нукус

Қорақалпоғистонда Устюрт платосидан келажакда экотуризм обьекти сифатида фойдаланиш учун барча табиий имкониятлар мавжуд ва мазкур йўналишда манзилли дастурлар ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш зарур. Шу мақсадда, фақатгина маҳаллий тадбиркорларнинг фаоллиги ва туристларни ўзига жалб қилиш учун миллий ва маҳаллий ОАВларда, интернет воситаларида самарали рекламалар зарур. Айниқса, экотуризмга, хусусан, тоғ туризми, экстернал туризм, агротуризмга қизиқадиган саёҳлар Устюрт кенгликларида чорвачилик хўжаликлари билан бирга қишида Устюрт тоғи этагига, баҳорда тепалик бўйлаб ҳаракат қиласи. Чўпонларнинг ҳаёт тарзига қизиқадиган туристлар бир – икки кун ёки бир ҳафта чўпонлар билан бирга яшашга қизиқади.

Бундай туристларни қизиқтириш учун улар ҳаётидан парчаларни тасвирга тушириш, видео роликларни дунёнинг етакчи телеканаллари орқали эфирга узатиш ва интернетга жойлаштириш ва етакчи кино компанияларини фильм суратга туширишга таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Сабаби бу ерда табиий декорациялар жуда кўп. Масалан, жаҳоннинг машҳур актрисаси Жулия Робертс Монголия саҳроларида тушган видео ролиги инсонларда Монголияга бўлган қизиқишини орттириди. Устюрт платоси эса бошқа чўллардан ўсимлик дунёси, ҳайвонот олами ва тарихи билан бутунлай фарқланади. 2002 йилда рус эстрадасидаги машҳур «Рефлекс» групхи Тошкент, Нукус, Мўйноқ шаҳарлари ва Устюртда суратга туширган клипидаги Чуқурликка тушган Мерседес русумли автомобил ҳали ҳам ўша чуқурликда ётибди. Буни кўриш учун қизиқувчилар ўша ерга борадилар.

Фикримизча, Қорақалпоғистонинг Устюрт платосида, Сайгачий, Судочье буюртмахоналарида, Орол денгизининг Ақтумсиқ тепалиги, Қозоқдарё ва Жилтирбас қўлларида илмий, спорт-поход туризмни йўлга қўйиш имкониятлари мавжуд.

Тадқиқотларимиз натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, қуйидаги хуласа ва таклифларни билдириш мумкин:

- биринчидан, истиқболда Устюрт қумликлари узра худди «Париж-Дакар» пойгаларига ўхшаш моторалли, автораллиларни ташкил қилиш орқали экстремал туризмни ривожлантириш мумкин;
- иккинчидан, Устюрт платосида ва плато этагидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли турмуш тарзини ўрганиш асосида маданий туризмни кенг жорий қилиш;
- учинчидан, худудда туристик инфратузилмани ривожланмаганлиги бир томондан туристик фирмаларни камлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан маҳаллий халқнинг меҳмондўстлиги ҳисобига меҳмонхона, тунаш хизматларига зарурат камлигидандир;
- тўртинчидан, Қозогистон чегарасидан Кўнғирот шаҳригача бўлган оралиқ масофа анча узоқ бўлганлиги, Устюртнинг қаҳратон қиши ойларидағи совуқ ва ёз ойларидағи жазира маҳоратларда автоуловлар йўлда бузиладиган бўлса, ҳалокатли вазиятларнинг олди олиш мақсадида сервис хизмати кўрсатиш шоҳобчаларини очиш (автомобил таъмирлаш, ошхона хизмати, мотел, дорихона, телефон ва ҳ.з.) жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади;
- бешинчидан, мазкур худудга туристларни кенгроқ жалб қилиш мақсадида экскурсоводлар ва гидларга Устюрт тарихини, у ерда яшаб ўтган қадимий халқлар ҳақида афсона ва ривоятларни, шунингдек қадимий шаҳарлардан бири бўлган Кўнғирот шаҳри тарихини кенг ўқитиш ва ўргатиш зарур. Шунингдек, Устюрт платоси тўғрисида реклама буклетлари ёки проспектларини тайёрлаб, кўп нусхада марказлашган ҳолда чоп қилиш ҳамда республикамизнинг барча минтақаларидағи етакчи туристик агентликларга, фирмаларга, меҳмонхоналарига бепул тарқатиш лозим;
- олтинчидан, Устюрт платосида экотуризмни ривожлантириш учун мазкур худудда биринчи навбатда Россия Федерацияси ва Қозогистондан келадиган туристларни Кўнғирот вокзалида кутиб олиш ҳамда

оптималь туристик маршрутларни ишлаб чиқиш асосида қуйидаги туристик объектларга олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- «Урга» мажмуаси ва яқин атрофдаги қадимги карвон саройлар, аранларга (сардоба-сув сақлаги) саёҳат қилиш. Саёҳат давомида аранлардан қандай фойдаланганлиги, Устюртдаги бошқа қалъалар түғрисида маълумот бериш;
- Устюрт чинклари, уларнинг тузилиши ва хусусиятлари хусусида маълумот бериш;
- Судочье қўлида қушларни кузатиш, Устюрт тоғига чиқиш. Кўлда қайиқда куш уяларини ва тухумларини кузатиш, балиқ овлашнинг маҳаллий усулларини ўргатиш, Судочье қўли тарихи ҳақида маълумот бериш;
- Кўнғирот шахри - шаҳарнинг тарихи, қадимий чегаралари ҳақида маълумот бериш;
- Довуд ота зиёратгоҳи – Довуд ота тарихи ҳақида маълумот бериш, ҳалқ оғзаки ривоятларини сўзлаб бериш, Устюрт тоғига чиқиш;
- Ҳаким ота зиёратгоҳи – Хўжа Аҳмад Яссавийнинг шогирди Сулаймон Бокирғоний (Ҳаким ота) ҳақида маълумот бериш. Унинг Кўнғиротга келиши ҳақидаги ривоятларни айтиб бериш;
- Мўйноқ шахри - Мўйноқ ўлкашунослик музейи- Мўйноқ порти- “кемалар қабристони” – Учсой порти;
- Сариқамиш қўли – йўлда қадимий қалъаларни, аранларни, кийик, кулон, қуён каби ҳайвонлар ва ноёб ўсимликларни, чуқурликларни кузатиш, кўлда балиқ овлаш, қушларни кузатиш, чинкларни томоша қилиш.

Юқоридаги таъкидлаб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва янги маршрутлар асосида саёҳатларни ташкил қилиш Қорақалпоғистонда экотуризмни ривожлантиришда муҳим қадам бўлади деб ўйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Д.Р. Сайдов, Б.Д. Алланазаров, А.К. Алимов. Некоторые вопросы и особенности развития сферы услуг // Бюллетень науки и практики. №4, 2016 г. -С.422-431.
2. Boltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abdusamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyat. –T.: “Fan va texnologiya”, 2018, 6-bet.
3. Han, H., Hsu, L. T., & Sheu, C. (2010). Application of the theory of planned behavior to green hotel choice: Testing the effect of environmental friendly activities. Tourism Management, 31, 325–334.
4. Hultman, M., Kazeminia, A., Ghasemi V. Intention to visit and willingness to pay premium for ecotourism: The impact of attitude, materialism, and motivation, Journal of Business Research, Volume 68, Issue 9, September 2015, Pages 1854-1861, ISSN 0148- 2963
5. «Эркин Каракалпакстан» газетаси\ 2005 йил, 11 январ, 5-сон.
6. А.К.Алимов. Развитие экотуризма в Республике Каракалпакстан: проблемы, новые направления и перспективы // Бюллетень науки и практики. №6, 2016 г. -С.46-53.
7. Ф.Хожаниязов, Ж.Ҳәқимназов. Каракалпакстаниң әжайып жети естелиги.Нөкис, 2004, Б.30-31.
8. X. Есбергенов. Қоңырат тарийхий ҳэм мәдений естеликлери. Нөкис, 1993, Б.52.
9. www.wto.org
10. Daryo.uz /2015/06/16/

UDK:33.336

ЧАКАНА BANK XIZMATLARINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY- IQTISODIY AHAMIYATI

D.T.Xudayberganov, M.K.Bazarboyev, M.M.Karimova, UrDU

Annotatsiya. Mazkur maqolada chakana bank xizmatlari, ularning turlari, amaldagi holati va ijtimoiy-iqtisodiy holatiga doir masalalar ko`rib chiqilgan.

Kalit so`zlar: bank tizimi, chakana bank xizmatlari, SMS-banking, Mobil-banking, internet-banking, Bank-Mijoz, plastik kartalar, masofaviy bank xizmatlari

Аннотация. В этой статье рассматриваются различные банковские услуги, их типы, текущий статус и социально-экономический статус.

Ключевые слова: банковская система, различные банковские услуги, SMS-банкинг, Mobil-банкинг, internet-банкинг, Банк-Клиент, пластиковые карты, дистанционные банковские услуги.


Abstract. Issues of retail banking services, their types, current condition and socioeconomic status are discussed in this article.

Key words: banking system, retail banking services, SMS-banking, Mobile banking, internet banking, bank and client, plastic card, remote banking services

XXI asr - молиавиј глобалашув шароитида ўирік корпоратив mijozlarni jalb qilish bo`yicha banklar о`ртасидаги рақобат кучаяган bo`lib, chakana bank xizmatlari bozori bank daromadi va raqobatbardoshligini

ta'minlashning istiqbolli yo`nalishlaridan biriga aylanmoqda. Ayni paytda, bank xizmatlari bozorida chakana xizmatlar alohida o`rin tutib, ular asosan aholining moliya - bank xizmatlariga bo`lgan talabini qondirishga yo`naltirilmoqda. Ma'lumki, chakana bank xizmatlari o`zining bir qator xususiyatlari bilan ajralib turadi, xususan, asosiy iste'molchilar sifatida jismoniy shaxslar maydonga chiqadi, operatsiyalar hajmi kichik bo`lsa ham, korporativ bank xizmatlariga nisbatan xarajatlar yuqori bo`lishini kuzatish mumkin.

Chakana bank xizmatlari bugungi kunda banklar uchun foydali biznes turlaridan biri hisoblanadi. Bank chakana xizmatlari moliyaviy jihatiga ko`ra quyidagi turlarga bo`lib o`rganish mumkin:



1-rasm. Chakana bank xizmatlari tasnifi

Jamg`arma xizmatlari - bunda jismoniy shaxslarning pul mablag`larini jamg`arish va saqlash tushuniladi. Ushbu xizmat turi bank tizimi barqarorligini ta'minlaydi, shuningdek aholiga omonatlarining qaytarilishini kafolatlaydi.

Kreditlash - bunday kreditlarga iste'mol, lombard, ipoteka krediti va avtomobil kreditlarini kiritish mumkin. Bunda mijozlar mol-mulk sotib olishi uchun zarur bo`lgan mablag`ni uzoq yillar davomida jamg`arishi shart emas.

Hisob va kassa opertsiyalari - bularga jismoniy shaxslar uchun hisobvaraq ochib yoki hisobvaraq ochmasdan turib amalga oshiriladigan barcha hisob opertsiyalari kiradi. Hisob- kitob va kassa xizmatlarini ko`rsatish biznes jarayonlarda ishslashning mustahkam asosidir.

Valyuta ayirboshlash - Jismoniy shaxslar uchun naqd va naqdsiz konvertatsiyalash bilan bog`liq xizmatlar. Bugungi kunda barcha filiallarda xalqaro valyutalarni erkin konvertatsiya qilish yo`lga qo`yilgan.

Jismoniy shaxslar uchun qimmatbaho qog`ozlar bo`yicha operatsiyalar - Bunday operatsiyalarga, asosan, qimmatbaho qog`ozlar bo`yicha vositachilik operatsiyalari kiradi. Xususan banklar fond bozorida yuridik va jismoniy shaxslarga o`zining brokerlik idorasi orqali brokerlik xizmatlarini ham ko`rsatadi.

Shular bilan bir qatorda tijorat banklari chakana xizmatlarining quyidagi ijobiy imkoniyatlari mavjud:

- banklarni tez - tez almashtirishga moyil bo`Imagan mijozlarning “yuqori sadoqatliligi”ni ta'minlaydi;
- mijozlarning turli bo`g`imlarga ajralishi riteyl biznesdan yetarli darajada foizli daromad olishga imkon beradi;
- yirik korporatsiyalarga qaraganda talabning o`zgaruvchanligi kam kuzatiladi;
- ba`zi mintaqalarda yirik kompaniyalar yo`qligiga qaramay, chakana xizmatlarning kengayishi tijorat banklarini doimiy daromad bilan ta'minlaydi [1].

Chakana bank xizmatlari jozibadorligi korporativ mijozlarning deyarli barchasi bank xizmatlari bilan qamrab olinganligi va ushbu bozor segmentida raqobatning ancha shiddatli va qattiqligi bilan asoslanadi. Aholi bilan depozit opertsiyalar bankka doimiy resurslarning kirib kelishini, kreditlash esa doimiy daromadni ta'minlaydi. Ajratilgan kreditlarning muddat va mijozlar bo`yicha tabaqaqlashuvi esa kredit tavakkalchilagini diversifikatsiyalaydi.

Chakana xizmatlarda banklarning asosiy raqobatchilari mobil ilova to`lov tizimlari bo`lib, dunyo banklarining 86% ni bu tahdid juda jiddiy ekanligi va bunda banklar oldida faqat ikkita yo`l borligini, birinchisi, Fintech va texnologiya kompaniyalari startaplari bilan hamkorlik qilish, ikkinchisi, Fintech va texnologiya kompaniyalari tovar va xizmatlarni banklar tomonidan ishlab chiqish ekanligini ta'kidlashmoqda.[2]

Fintechlar nafaqat startaplar, balki Google, Facebook, Apple, Alibaba, Amazon kabi gigantlardan iborat. Bugungi kunda Alibaba o`z mijozlariga an'anaviy bank xizmatlarini (sug`urtalash, kreditlash va shaxsiy boylik

menejment xizmatalrini) ham taklif qilib, banklar xizmatini kamaytirib va ular o`rnini egallashga olib keladigan ilk ishini boshlamoqda.

Chakana bank xizmatlari turli – tuman bo`lib ushbu xizmatlarning barchasi bugungi kunda nafaqat yurtimizda, balki AQSH, Yevropa mamlakatlari, Yaponiya va bank tizimi rivojlangan boshqa davlatlarda keng ko`lamda mijozlarga taklif etilmoqda.

Plastik karta xizmatlari bo`yicha nazar tashlaydiga bo`lsak, Avstraliyada ushbu to`lov turidan yigirma yildan ortiqroq vaqt mobaynida foydalanimoqda. E`tiborlisi shundaki, Avstraliyada debet karta egalari kartadan foydalanganliklari uchun bank emitentiga 3-5 dollar miqdorida “abonent to`lovlar”ni amalga oshiradilar.

Avstraliyada debit kartalar bilan bir qatorda kredit kartalar ham keng tarqagan. Bunga sabab, aholining asosiy qatlami o`rtasida xarajatlarni asosan banklardan olingan qisqa muddatli kreditlar yordamida amalga oshirish mexanizimi ommalashgani.

Avstraliyada asosan, xalqaro “VISA”, “MasterCard”, hamda “American Express” bank kredit kartalaridan foydalilanadi.


Bank tizimi rivojlangan davlatlardan yana biri Kanada bo`lib, u yerda kredit kartalarining asosan uch turi - “Classic”, “Gold”, “Platinum” kartalari keng tarqagan. “Gold” va “Platinum” kartalari katta limitga ega bo`lib (eng kam limit qiymati – 5ming AQSH dollari), karta egasiga qo`shimcha moliyaviy imkoniyatlar beradi. Ushbu turdagidagi kartalar doimiy mustahkam daromadga ega bo`lgan shaxslarga beriladi [3].

O`zbekistonda bank tizimi amaliyotida ushbu tarmoq yangi yo`nalish bo`lib, o`tgan asrning 90-yillardan boshlab shakllantirildi va haligacha mijozlar ehtiyojini to`laligicha qamrab olgani yo`q. Ammo ushbu tarmoqni rivojlantirish maqsadida tinimsiz ishlar, sa`yharakatlar olib borilmoqda. Xususan, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldaggi PF-4947 sonli farmoni bilan tasdiqlangan “2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo`nalishi bo`yicha harakatlar strategiyasi”da bank tizimini isloq qilishni chuqurlashtirish va barqarorligini ta`minlash, banklarning kapitallashuv darajasini hamda depozit bazasini oshirish, ularning moliyaviy barqarorligini ta`minlash, ishonchlilagini mustahkamlash asosiy vazifalardan biri sifatida belgilandi. Farmonga binoan,

- pul-kredit siyosatini amalga oshirish va uni rivojlantirishning o`cta muddatli Konsepsiyasini hamda 2018-2021 yillarda konsepsiyani amalga oshirish bo`yicha “yo`l xaritasi”ni ishlab chiqish va tasdiqlash, unda bosqichama-bosqich inflyatsiyaviy targetlash rejimiga o`tish;

- Valyuta siyosatining iqtisodiyotini rivojlantirish, shu jumladan biznes va investitsiyaviy muhitni yaxshilashdagi rolini oshirish yangi tarixda “**Valyutani tartibga solish to`risida**”gi qonun loyihasini ishlab chiqish;


- Innovatsion texnologiyalarga asoslangan, bank xizmatlari sifati va ulardan foydalanish imkoniyatlarini oshiruvchi yangi bank xizmatlari turlarini, xususan “raqamli banklar”ni shuningdek, aholiga chakana xizmat ko`rsatishga ixtisoslashgan bank bo`limlarini tashkil etish nazarda tutilgan [4].



2-rasm. Masofaviy bank xizmatlaridan foydalanuvchilar soni dinamikasi 2011-2017-yil 1- yanvar holatiga ko`ra[10]

Shu bilan bir qatorda, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 9-yanvardagi “O`zbekiston Respublikasi Markaziy banki faoliyatini tubdan takomillashtirish chora tadbirlari to`g`risida”gi PF-5296-toni farmonining qabul qilinganligi amaldagi ishlarning yaqqol misolidir [5]. Ushbu farmonning 3 bandiga ko`ra [6] “jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishslash departamenti negizida, asosiy vazifasi bank

xizmatlari iste'molchilarining huquq va qonuniy manfaatlarini himoyalash, aholi va tadbirkorlik sub'ektlariga moliyaviy ochiqlikni va ularning savodxonlik darajasini oshirish bo`lib hisoblangan. Markaziy bankning bank xizmatlari iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish xizmatining tashkil etilishi davlatimizda faoliyat ko`rsatayotgan banklar mijozlar uchun chakana xizmatlarga ixtisoslashgan “raqamli banklar” va bank bo`limmalarini tashkil etish, innovatsion bank texnologiyalaridan faol foydalangan holda masofaviy bank xizmatlarini ko`rsatishni takomillashtirishga alohida e'tibor berilmoqda. Xususan, 2016 va 2017 yillar jahon moliya bozorida keskin o`zgarishlar davri bo`lib qolishiga olib kelgan kriptovalutalarning muomalasi keng tus olishi, blokcheyn tizimiga xalqaro pul o`tkazmalari, xalqaro savdoni moliyalashtirish va qimmatli qog`ozlar bozorida kriptovalutaning savdosi yo`lga qo`yilishi konservativ hamda an'anaviy yondashuvlarning tubdan o`zgarishiga olib keladi [7].



3-rasm. Kanallar bo'yicha tranzaksiyalar

Banklar amaliyotiga zamonaliviy texnologiyalarning tatbiq etilishi, yangi aloqa vositalari – internet va mobil telefondan foydalananish imkoniyatlarini kengaytirdi. Hozirda yuridik va jismoniy shaxslarga “Internet banking”, “Mobil-banking” va “SMS-banking” kabi masofadan bank xizmatlari ko`rsatishning innovatsion tizimlari izchil rivojlanmoqda. Xususan, “Fintek”lar (Fintech), ya’ni startaplar an'anaviy bank chakana xizmatlarni ixtisoslashgan “raqamli” elektron to’lov mobil ilovalari orqali amalga o’shirmoqda. Chek-chegarasiz internet tarmog’i orqali butun jahon moliya tizimida innovatsion startaplarning yangi biznes modellari ishlab chiqilib, chakana xizmat turlarini birin- ketin egallamoqda [8]. Jumladan, click, upay, payme, uiscard, mbank, Milliy va boshqa ilovalar alohida bir qator to’lov xizmatlarni ko`rsatib kelmoqda.

Zamonaliviy axborot-kommunikatsiya xizmatlaridan keng foydalangan holda ko`rasatilaytgan bank xizmatlari sifati va ko`lamining kengayishi hisobiga 2016 yilda bank xizmatlari hajmi 1,2 barobarga oshib, ularning jami moliyaviy xizmatlar ulushi 88 foizga yetgan va foydalanuvchilar soni ham o’sish dinamikasiga ega. Jumladan, “Internet-banking” va “Bank-mijoz” dasturiy majmuasi xizmatlaridan foydalanuvchilar soni 135,6 mingdan ortgan bo’lsa, “Mobil-banking” va “SMS-banking” dan foydanuvchilar soni 1906,5 mingni tashkil etgan [9].

Chakana xizmatlarni rivojlantirish yo`lida banklar innovatsiyaga qaratilgan investitsiyalar miqdorini mutazam oshirib bormoqda. Banklar asosiy innovatsiya va investitsiyani mijozlarga xizmat ko`rsatish, xizmat kanallari va xizmat jarayonini rivojlantirishga qaratgan. Smartfondagi ilovalar orqali ko`rsatilaytgan mobil banking va bank chakana xizmatlari call-center va filiallarda ko`rsatiladigan xizmatlarga nisbatan mijozlarning talabini ko`proq qondirmoqda.

Asosiy sabablardan biri inson omili bo`lsa, ikkinchisi vaqt va masofa tafavuti yo`qligidir.

Rivojlangan davlatlarda bank tizimi, xususan, bank chakana xizmatlari yangi texnologiya va prinsiplar asosida mutazam o`zgarib, mijozlar talablarini qondirish yo`lida innovatsiyalar faol tatbiq etilmoqda. 2016 yil tadqiqotlari natijasida “Onlayn” va “Mobil” kanallari orqali amalga oshirilgan tranzaksiyalar miqdori o’z navbatida 23% va 16% ni tashkil etgan. Ijtimoiy tarmoqlar va mobil operatorlari orqali amalga oshirilgan tranzaksiyalar juda kam miqdorni tashkil etadi va har bir davlatda ham mavjud emasligi sababli statistika hisobiga olinmadidi. Shuningdek bu ko`rsatkichlar ba’zi bir davlatlarning erishgan yutuqlari va salohiyatini to`liq aks ettirmagan, misol uchun, Daniya davlatida filiallar orqali amalga oshirilgan onlayn tranzaksiyalarga nisbatan 4 barobar, mobil tranzaksiyalarga nisbatan 3 barobar kam bo`lgan [12].

O’zbekistonda chakana bank xizmatlari bozorini takomillashtirishga qaratilgan strategik maqsadga erishishda bank faoliyati quyidagi yo`nalishlarga qarab rivojlantirib borilishi lozim:

- chakana bank xizmatlarini yetkazib berish jarayonini bir standartga solish va avtomatlashtirish;
- zamonaliviy raqamli tizimni joriy etish strategiyasini ishlab chiqish;
- Fintech startaplari va texnologiyalari bilan hamkorlikni kuchaytirish;
- faqat raqamli bank tizimini yo`lga qo`yish va rivojlantirish.

Xulosa sifatida ta'kidlash mumkinki, yuqorida qayd etilgan taklifalar rivojlangan davlatlarda bank hamda mijozlarga maqbul va mafaatli bo`lib xizmat qilib kelmoqda.

Bunday takliflar davr talabi, qolaversa, kelajakda soha rivoji o`zgarishlariga ham munosib zamin yaratadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:

1. Ikromova N.R. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnalni. N1, yanvar-fevral, 2014 yil
2. Djalilov A. Chakana bank xizmatlariga ixtisoslashgan “raqamli” banklar yoxud banklar endi eskicha ishlamaydi//Bozor,pul va kredit N2/2018. 14-bet.
3. www.privetcanada.com ma'lumotlari.
4. 2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustvor yo`nalishi bo`yicha Harakatlar strategiyasini “Faol tadbirkorlik, innovatsion g`oyalar va texnologiyalarni qo`llab- quvvatlash yili”da amalga oshirishga oid davlat Dasturi
5. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldaggi PF-4947 sonli faroni O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi to`g`risida//O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to`plami.- Toshkent 2017.- N6(766).-32-bet
6. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 9 yanvardagi “O`zbekiston Respublikasi Markaziy bankining faoliyatini tubdan o`zgartirish to`g`risida”gi PF-5296-soni farmoni
7. Djalilov A.S Blokcheyn texnologiyasini moliyalashtirishda qo`llashning afzalligi// Bozor, Pul va Kredit. N3, 2017- 45 bet
8. Djalilov A.S. GLOBALUZCARD – O`zbekiston Respublikasi moliya sohasida blokcheyn kabi progressive texnologiyalarni qo`llashga qarab dadil qadam// Bozor, pul va kredit. N10, 2017. – B 42
9. www.biznes-daily.uz 25.05.2017 ma'lumotlari
10. O`zbekiston Respublikasi axborot texnologiyalari va kommunikatsiyani rivojlantirish vazirligi rasmiy sayti (www.mitc.uz)
11. Efma – Infosys Finalce Innovation tadqiqoti, 2016 yil

УДК: 330.336.+ (221.5)

СОЛИҚЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ МАКРО ВА МИКРО ДАРАЖА АМАЛ ҚИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Худойқулов С.К., Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчisi, и.ф.н.

Аннотация. Давлат бюджетини тўғри тузии ва у орқали ижтимоий хизматларни бир маромда молиялаштириши асосан солиқларни прогноз қилиши ва уларни тўғри режалаштиришига боғлиқ бўлади. Солиқларни прогноз қилиши ва режалаштириши жараёнлари ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда ўзига хос фарқли хусусиятлари ҳам мавжуд. Мазкур мақолада уларнинг ўхшаши ва фарқли жиҳозлари, микро ва макро даражадаги боғлиқлик ҳолати ҳамда бюджет даромадларини тўғри шакллантиришдаги аҳамияти ёритилган.

Калим сўзлар: солиқ, солиқ ставкалари, прогнозлаши, макродаражса, микродаражса

Аннотация. Правильное составление государственного бюджета и регулярное финансирование социальных услуг тесно связан и зависит от прогнозирования и планирования налогов. Процессы налогового прогнозирования и планирования также имеют отличительную особенность. В этой статье речь идет о особенности, важности их сходства и дифференциации, на микро и макро уровне, а также, значимости при составлении бюджета.

Ключевые слова: налог, налоговые ставки, прогнозирование, макростепень, микростепень

Abstract. The correct working out the state budget and the regular financing of social services are closely connected and depended on forecasting and planning of taxes. The processes of tax forecasting and planning have also a distinctive feature. In this article, we discuss the their similarity and differentiation, dependence in micro and macro level, as well as, the importance of proper planning of budget income.

Keywords: tax, tax rates, forecasting, macro-power, micro-power

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишида белгиланганидек, 2018 йилнинг 1 апрелига қадар ишлаб чиқилган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган “Ўзбекистон Республикаси солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш концепция лойиҳаси” доирасидаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш Концепциясида Республикаизда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш, солиқ тизимида амалий жиҳатдан ўзининг самарадорлигини кўрсатган илғор хорижий тажрибаларга асосланиб, солиқка тортиш тизимида уларни қўллаш ҳамда янги нормаларни жорий этиш билан бирга ўрта муддатли солиқларни режалаштиришга ўтиш масаласи борасида сўз борган. Албатта, бу каби янги нормаларнинг киритилиши бугунги кунда жаҳоннинг аксарият давлатларида солиқ маъмуриятчилигини ташкил этишининг қулай ва содда усусларини Республикаиз солиқ тизимида жорий этилишини таъминлайди. Бироқ, кўпгина иқтисодий

адабиётларда, мутахассислар орасида соликларни прогноз қилиш ва соликларни режалаштириш жараёнларини синоним сифатида қарааш ҳолатлари мавжуд. Ваҳоланки, бу тушунчалар ўзаро ўхшаш жиҳатларга эга бўлиши бирга, бюджет-солик тизимидағи бир-биридан муайян даражада фарқланувчи жараёнларни камраб олади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётга оид илмий ва ўкув адабиётлар ҳамда бошқа манбалар ўрганилганда соликларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг мазмунини очиб берувчи ягона тушунчани учратиш қийин. Бир томондан прогноз ва режалаштириш жараёни ўта мураккаблиги бўлса, бошқа томондан бу жараёнларни мутахассислар томонидан турлича талкин қилинишидир. Талабалар соликларни прогноз қилишга оид илмий ва ўкув адабиётлари билан танишишда соликларни прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг моҳиятига оид кўплаб турли хил ёндошувларга дуч келиши мумкин. Шуларни эътиборга олган ҳолда бу борадаги асосий адабиётларда уларнинг муалифлари томонидан келтирилган айрим ёндошувларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Соликларни режалаштириш бўйича йирик илмий тадқиқотлар олиб борган Россиялик олимлар М.В. Романовский ва О.В. Врублевскаяяning фикрларича соликларни режалаштириш бюджет жараёнини мувофиқлаштиришда қатнашувчи давлат ҳокимликларини ва солик муносабатларида қатнашувчиларнинг ўзаро фаолияти бўлиб, ўзида аниқ ҳудудлар доирасида бюджеттага соликлар ва тўловларнинг ҳажмини аниқлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларидан иборат бўлади [1]. Шунга ўхшаш ёндошув В.И. Бариленко томонидан келтирилади. Соликларни режалаштириш - давлат эҳтиёжлари учун зарур бўладиган ва давлат бюджетида жамланадиган молиявий ресурсларнинг юзага келиш жараёнидир [2].

Л.А. Дробозинанинг фикрича, соликларни режалаштириш бу бюджетни режалаштиришнинг мухим таркибий қисми бўлиб, ресурсларни жалб қилиш ва тақсимлашнинг ташкилий механизми саналади [3]. Ушбулардан фарқли равища И.В. Горский ва Н.И. Малислар соликларни режалаштириш билан прогнозлаштириш тушунчаларини айнан ўхшаш сифатида изоҳлайди. Уларнинг фикрича соликларни режалаштириш соликларни прогноз қилиш натижалари асосида солик салоҳиятига баҳо беришдир. Соликларни режалаштириш бу солик салоҳиятнинг солик тушумларига нисбатидир [4]. Ўз навбатида А.Б. Паскачев, Ф.К. Садыгов и В.И. Мишинлар юқоридағилардан фарқли равища соликларни прогноз қилиш ва реажалаштиришни алоҳида категориялар ва тушунчалар деб ҳисоблайдилар. Соликларни прогнозлаштириш деганда бу мамлакат ва ҳудудларни социал-иктисодий ривожлантиришга асосланган ҳолда соликларни бюджетта жалб қилиш жараёни бўлиб, соликлар базасини аниқлаш, соликлар ва тўловларни таҳлил қилиш, соликларнинг йиғилувчанлик даражаси, солик қарздорликни баҳолаш ҳамда солик қонунчилигидаги ўзгаришларни мониторинг қилиш муносабатларидир [5]. А.Б. Паскачевнинг таъкидашчича, соликларни прогноз қилиш жараёни солик сиёсатини амалга оширишда катта роль ўйнайди, яъни соликлар бўйича тушумлар ҳажми ошириб кўрсатилса, соликларнинг йиғилувчанлик даражасига салбий таъсири кўрсатади. Ўз навбатида солик тушумларининг прогноз кўрсаткичлари камайтириб кўрсатилса, бюджет даромадларининг харажатлардан ошишига олиб келади, бюджетда даромадларнинг харажатлардан ошиши ижобий ҳолат деб баҳолансада аммо, прогноз таъсиридаги бундай ҳолат салбий деб ҳисоблайди. Бюджетни режалаштиришда хатоликлар юзага келганлигини ифодалайди. Иқтисодчи мутахассислардан Р.А. Сакаян ва Г.Ананьеваларнинг фикрича соликларни прогноз қилиш ўзида солик салоҳиятини аниқлаш асосида жамланма бюджетта солик тушумларининг келиб тушишини прогноз қилиш ва шу билан биргаликда мамлакатнинг социал-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларини аниқлашнинг мухим базасидир [6]. С. В. Барулин, Е. А. Ермакова, В. В. Степаненколар соликларни прогноз қилиш бу ҳақиқатни аниқлашга асосланган олдиндан кўра билиш жараёнидир деб ёзадилар. Прогнознинг асосий мақсади эса объектнинг у ёки бу ҳолати ҳақида аниқ ва ишончли маълумот беришдан иборат бўлиши лозим [7].

Кўп йиллардан буён соликларнинг прогнозлаштириш муаммолари билан шуғулланадиган В. А. Красницкий солик прогнози тушунчасига ёндошуви Р.А. Сакаян ва Г.Ананьевалар билан ўхшаш бўлиб, унинг моҳияти солик салоҳиятига асосланган ҳолда турли даражадаги бюджетларнинг солик тушумларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашдан иборат деб ҳисоблайди [8].

Тадқиқот методологияси. Ҳар қайси ўзаро яқин иқтисодий категорияларнинг моҳиятини ўрганишда уларнинг ўзаро фарқли ва ўхшаш хусусиятларини солиштириш аҳамиятлидир. Баъзи бир иқтисодий адабиётларда [9] ушбу тушунчаларни битта тушунча сифатида қаралсада, аммо улар бир-биридан фарқ қиласи.

Соликларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнларининг ўхшаш хусусиятлари кўйидагиларда акс этади: яъни, улар солик сиёсатининг таркибий элементи ҳисобланади, иккаласи ҳам молиявий инструментлар сифатида юзага чиқади, бюджетни режалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат

килиши билан бирга уларда асосан бир хил турдаги моделлар ва методлар қўлланилади. Шу билан биргаликда улар ўзаро фарқли хусусиятларга ҳам эга. Уларнинг бу фарқли хусусияти қўлами жиҳатидан фарқланиши (соликларни режалаштириш микродаражада асосан маҳаллий ҳокимликлар томонидан ўз ваколатлари доирасидаги солик сиёсатининг мазмуни ва корхоналарда солик тўловларини тўлашни режалаштириш шаклида кечади), бюджет-солик сиёсатидаги иштироки турличалиги (соликни режалаштириш солик сиёсатининг йўналишларини белгилашга қаратилган бўлса, солик прогнози бюджетнинг соликини даромадларини қамраб олади), жараёнда фойдаланиладиган кўрсаткичларнинг турличалиги, турли хилдаги ахборот базаларидан фойдаланиши, турлича умумий белгига эгалиги ва вазифаларининг фарқланиши, жараён натижаларини акс эттириши жиҳатдан фарқланиши ҳамда амал килиш муддатларининг турличалиги ва шу каби хусусиятлари билан фарқланади.

Соликларни режалаштиришнинг фарқли хусусияти шундаки, қабул қилинган вариант ижро учун мажбурий ҳисобланади. Соликларни прогноз қилиш ва режалаштириш солик тизими ва солик сиёсатининг самарадорлигини ифодалайди. Соликларни прогнозлаштириш ва режалаштиришга оид ёндошувларни 4 гурухга бўлиш мумкин: Биринчи ёндошувга кўра, соликларни прогнозлаштириш ва режалаштириш синоним тушунчалар ҳисобланади. Иккалasi ҳам давлат ва маҳаллий бюджетларга соликлар ва унга тенглаштирилган тўловларни максимал даражада кам харажатлар эвазига жалб қилишнинг восита ва элементларидир. Иккинчи ёндошувга асосан соликларни прогнозлаш ва режалаштириш бир-бирини тўлдирувчи категориялар саналади ва солик тизими ҳамда солик сиёсатининг элементидир. Бу ерда соликларни прогноз қилиш солик сиёсатидаги белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган солик салоҳиятини аниқлашга ва таҳлил қилиш билан боғлиқ тизимили фаолият бўлса, соликларни режалаштириш аниқ даврда солик тушумларини аниқлашга қаратилган тизимили фаолиятдир. Учинчи ёндошувга кўра, соликларни режалаштириш ўз ичига соликларни прогнозлаштиришни қамраб олади ва прогнознинг характерли хусусиятларини белгилаб беради.


Яъни, соликларни режалаштириш мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришни таъминлаш борасида бюджетнинг турли даражаларига соликларнинг келиб тушиш ҳажмини, таркибини ва динамик ҳолатини аниқлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар саналса, соликларни прогнозлаштириш режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида соликларни ундириш жарёнида иштирок этувчи органларнинг бюджетга соликларни жалб қилишга қаратилган мувофиқлаштирувчи фаолиятдир. Тўртинчи йўналиш учинчи йўналишга тескари равишда соликларни режалаштириш соликларни прогнозлаштиришнинг таркибида бўлиб, соликларни прогноз қилиш жараёнини солик тушумларини аниқлаш, солик базаси ва салоҳиятни аниқлаш жараёни, белгиланган прогноз кўрсаткичлари ва соликлар бўйича қарздорликни таҳлил қилишга қаратилган фаолият, соликларни режалаштириш эса солик сиёсатида мақсад қилиб қўйилган вазифаларни солик элементлари орқали амалга оширишга қаратилган бошқарув жараёнидир деб ҳисоблайдилар.

Аввало, соликларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнлари давлатнинг молиявий сиёсатининг энг муҳим ажралмас қисми бўлиб, бу икки тушунча кенг қамровли муносабатларни изоҳлайди. Соликларни прогноз қилиш ҳам режалаштириш ҳам давлат бюджети жараёнига хизмат қилиб улар бир-бирини тўлдирувчи иктисодий категориялар сифатида бюджет-солик сиёсатининг ядросини ташкил этади. Аммо, соликларни режалаштиришнинг иктисодий муносабатлардаги ўрни юзасидан прогноз жараёнига нисбатан бирламчи ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, **соликларни режалаштириш** давлатнинг бюджет-солик сиёсатининг асосий таркибий қисми сифатида давлатнинг солик ва фискал сиёсатининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди ҳамда у таркибий жиҳатдан соликларни жорий этиш, солик ставкаларини белгилаш, уларнинг даражаларини ўзгартириш, солик имтиёзларини бериш (бекор қилиш), соликларни ундириш, солик тўловчиларнинг солик мажбуриятлари билан ҳукуқий-меъёрий нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу жараёнларни тартибга солиш мувофиқлаштириш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Соликларни прогноз қилиш молиявий прогнознинг муҳим таркибий қисми сифатида молиявий прогнознинг бошқа турлари билан ўзаро таъсирида бўлади. Бу эса, молиявий прогноз ва солик прогнозининг илдизи битта нарсага, яъни, молиявий сиёсатнинг ўзагини ташкил қилишларини билдиради. Ўз навбатида, соликларни прогноз қилиш жараёни молиявий режалаштириш, молиявий прогнозлаштириш, бюджетни режалаштириш, бюджетни прогнозлаштириш ҳамда соликларни режалаштириш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ бўлади. Албатта, бу тушунчалар бир биридан фарқ қиласи. Молиявий режалаштириш таркиби жиҳатдан давлатнинг барча марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини режалаштириш, барча даражадаги молиявий ресурсларни режалаштириш жараёнларини қамраб олиб, молиявий прогнозлаштириш эса унинг таркибий қисми ҳисобланади ва молиявий прогнозлаштириш эса барча турдаги(марказлашган ва марказлашмаган) пул

фондларининг маблағлари ва уларни сарфлашнинг прогноз кўрсаткичларини қамраб олади. Бюджетни режалаштириш эса бюджет жараёнининг муҳим ташкилий босқичларини қамраб олса, бюджетни прогнозлаштириш эса бюджетнинг барча даромад манбалари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаб беради. Бюджетни прогнозлаштириш ва солиқларни прогноз қилиш жараёни ўзаро боғлиқ бўлиб, солиқларни прогноз қилиш эса бюджетнинг даромад манбаларининг солиқли даромадлари қисмини қамраб олади, бошқа даромад манбаларининг прогнози жараёни эса, солиқни прогноз қилиш объектига кирмайди. Солиқларни прогноз қилиш шу жиҳатдан бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш жараёнига муҳим ахборот манбаларини тадқим этиши билан аҳамиятлидир.


Солиқларни прогноз қилишнинг молия сиёсатининг бошқа бўғинлари билан боғлиқлиги ва ўзаро таъсири йўналишлари



1-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг молия сиёсатининг бошқа бўғинлари билан боғлиқлиги ва ўзаро таъсири йўналишлари (Муаллиф томонидан тузилган).

Ўз навбатида солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнлари макро ва микро даражада амал қилиб, улар нафақат бир-бирига шунингдек, қайд этилган кўрсаткич (жараён) ларга таъсир қиласи (2-расмга қаранг).

2-расмдан кўринадики, солиқларни прогноз қилиш макро даражада жамланма бюджетнинг даромадлар қисмига солиқ тушумларини прогноз қилишни қамраб олиб, мамлакат иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий прогноз қилиш ва бюджет ҳамда солиқларни режалаштириш жараёнининг асоси бўлиб хизмат қиласи ва уларнинг йўналишларини белгилашга таъсир қиласа микро даражада эса тармоқлар, худудлар, солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолашни, солиқ турлари бўйича солиқ прогнозини қамраб олади, худудларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ҳамда маҳаллий бюджетларнинг кўрсаткичларини аниқлашга хизмат қиласи ва унинг йўналишларини белгилашга таъсир қиласи.



2-расм. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг макро ва микро даражада амал қилиши ва уларнинг ўзаро таъсири (Муаллиф томонидан тузилган)

Солиқларни режалаштириш жараёни эса макродаражада солик сиёсатининг ўзаги сифатида солиқларни жорий қилиш, уларни ундириш механизмлари, солик ставкалари, имтиёзларини белгилашга оид жараёнларни қамраб олади, мамлакат иқтисодиётини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш режаларининг асоси бўлиб хизмат қиласи, бюджет жараёни ва ўз навбатида солиқларнинг ҳамда солиқларни прогноз қилиш(солик салоҳияти) жараёнига акс таъсир қиласи. Шунингдек микро даражада ҳам мавуд бўлиб, маҳаллий ҳокимликларнинг ўз ваколатлари доирасидаги мажбурий тўловларни жорий қилиш, уларни ундириш механизмлари, солик ставкалари, имтиёзларини белгилашга оид ва корхоналарда солиқларни режалаштириш билан боғлиқ жараёнларни қамраб олади, худуд

иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларининг асоси бўлиб хизмат қилади, худуднинг солиқ салоҳиятини аниқлашга таъсир қилади.

Солиқларни прогноз қилиш эса солиқ тўловчиларнинг юзага келиш жараёнлари ва давлат бюджетининг даромадлар қисми сифатида солиқларнинг турли даражадаги бюджетларга келиб тушишини прогноз қилиш (эҳтимоллигини ҳисоблаш), солиқларнинг бюджетта жалб этилиш даражаси ва солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш, шунингдек, ушбу жараёнларни ва уларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни динамик таҳлил этишга қаратилган муносабатлар ҳамда давлатнинг ваколатли органларининг комплекс фаолияти тушунилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган ёндошувларда қайд этилганидек, бу тушунча ва муносабатлар бир-бирини тўлдириш ва кетма-кетликка эга бўлади. Солиқларни режалаштириш солиқ тушумлари, солиқ базаси, солиқларнинг йигилувчанлик даражалари ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Солиқларни режалаштиришдан мақсад давлат бюджетига солиқ тушумларини максимал даражада жалб қилишдан иборат. Солиқларни режалаштириш давлат даражасида социал-иқтисодий жараёнларни прогноз қилишнинг муҳим кўриниши бўлиб юзага чиқади ва бир неча босқичлардан иборат бўлади. Давлат бюджетига солиқларни жалб этиш билан боғлиқ режалаштиришнинг олдига бир қатор вазифалар кўйилади: турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисмларига тушумларнинг келиб тушишини таъминлаш, солиқ ставкаларини оширмаган ҳолда бюджетта солиқ тушумларини ҳажмини оширишнинг қулай воситаларидан фойдаланиш ва таъминлаш, молия йили давомида солиқларнинг бюджетта келиб тушишининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, бошқарув амалиётида солиқларни максимал даражада жалб қилишнинг методларидан кенг ва самарали фойдаланиш ва шу кабилар.

Хулоса. Умумий хулоса қилиб айтганда, солиқларни прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги солиқ-бюджет жараёнларининг чегарасини белгилайди. Шу билан биргаликда солиқларни прогноз қилиш ўзида директив хусусиятларни акс эттирган тахминларга асосланса, солиқларни режалаштириш эса ўзида бажаришга қабул қилинган миқдорий кўрсаткичларни ифодалайди. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш механизмлари факат макроиқтисодий даражада фарқланади, улар бир-бирини тўлдирсада солиқларни прогноз қилиш жараёни режалаштириш жараёнидан олдин содир бўлади. Солиқларни прогноз қилишни мувофиқлаштириш асоси бюджет жараёни нормалари ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, солиқларни прогноз қилиш масаласи давлатнинг молия сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органларнинг бош вазифаларидан бири бўлиб юзага чиқади. Солиқларни прогноз қилиш ҳар бир солиқ ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича солиқ базасини аниқлашни қамраб олади, бу жараён ўта мураккаб бўлиб, бу масаланинг тўғри ҳал қилиниши бошқа кейинги жараёнларга яъни солиқ қарздорлиги, солиқларнинг йигилувчанлиги кабиларга тўғридан тўғри таъсир қилади.

Солиқларни режалаштиришдан фарқли ўлароқ солиқларни прогноз қилиш мураккаб ҳисоб-китобларга, таҳлилларга, қўлланиладиган усууларнинг хил-хиллиги, уларни комбинациялашган ҳолда қўлланилиши, ахборотлар базасининг турли туманлиги ва уни қайта ишлаш даражасининг юқорилиги, нафакат статистик, математик, эконометрик ҳисоблар, шунингдек, мантикий ёндошувларга ҳам таянилади. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш ташкилий босқичда ўзаро ўхшаш бўлади. Яъни уларни шакллантиришда қатнашувчи субъектларнинг кўплигидир. Солиқларни режалаштиришда ахборотлар билан таъминловчи органлар билан биргаликда солиқ сиёсатининг мазмунига хос таклифларни илгари сурувчи органлар ҳам иштирок этади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида эса аксарият қатнашувчи органлар асосан ахборотлар билан таъминлаш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан чекланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Финансы. Под ред. Романовского М.В., Врублевской А.В., Сабанти В.М. М.: 2004. - 504 с.
2. Анализ финансовой отчетности: учебное пособие / В.И. Бариленко, С.И. Кузнецов, Л.К. Плотникова, О.В. Кайро; под общ. ред. В.И. Бариленко. — 2-е изд., перераб. — М. : КНОРУС, 2006. — 416 с.
3. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник для вузов / Л.А. Дробозина, Л.П. Окунева, Л.Д. Андронова и др.; Под ред. проф. Л.А.Дробозиной. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 1997.-479 с.
4. Теория и практика налогообложения: Учебник / Н.И. Малис, И.В. Горский, С.А. Анисимов; Под ред. Н.И. Малис. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Инфра-М, 2013. – 432 с.
5. Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и практика / А.Б. Паскачев, Ф.К. Садыгов, В.И. Мишин, Р.А. Саакян, О.А. Бессчетная, В.Н. Засько, А.И. Новикова; под ред. Ф.К. Садыгова. М.: Издательство экономико-правовой литературы, 2004. 39 с.
6. Саакян Р.А., Ананьева Г.И.. О некоторых аспектах налогового прогнозирования и планирования. <http://www.nalvest.com/nv-articles/detail.php?ID=24593>.
7. Барулин С.В, Е.А.Ермакова, В. В. Степаненко. Налоговый менеджмент.М.: -Омега. 2007. 57 с.
8. Красницкий В. А. Эффективная реализация аспектов налогового прогнозирования и планирования в рамках развития налогового администрирования. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (2011), 10-1 (октябрь), 59 с.
9. Перов А.В. Налоги и налогообложение: учеб. пособие / А.В.Перов, А.В.Толкушкин. – 2 изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт-Издат, 2003. – 76с.; Чигракова Н.М. РИСК: Ресурсы, информация, снабжение, конкуренция, (2011), 3 (2 квартал), 274 с.

VAQF: MOHIYATI, TARIXI VA BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI
Habibulla Yunusxo'jayev – Urganch Davlat universiteti, Tarix yo'nalishi talabasi

Annotatsiya. Mazkur maqolada islom ijtimoiy qadriyatlaridan biri bo'lgan vaqf mulki, vaqf odati haqida so'z yuritiladi. Shu bilan birga maqolada vaqf qadriyatining bugungi kundagi ahamiyati xususida ham fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar. Islom dini, qadriyatlar, diniy urf – odatlar, vaqf mulki, vaqf hujjatlari, hadislar, shariat, masjid, sardoba, quduq vaqfi, yer vaqfi.

Аннотация. В этой статье раскрывается одна из социальных ценностей ислама вакуфная собственность, вакуфные традиции. Кроме этого речь идёт о значении вакуфных ценностей в современности.

Ключевые слова. Религия Ислам, ценности, религиозные традиции, вакуфная собственность, вакуфные документы, хадисы, шариат, мечеть, сардоба, колодецный вакф, земельный вакф.

Abstract. One of the Islamic social customs – waqf properties and waqf traditions is discussed in the article. Besides, there are some ideas about significance of waqf customs in present days.

Key words: religion of Islam, traditions, religious customs, waqf property, the documents of waqf, hadis, the Shariath, mosque, water basin, a waqf well, waqf lands

Islom dini yer yuzining juda katta hududlarida yashovchi xalqlar, jumladan, mintaqamizdagi xalqlar tarixida mana bir ming uch yuz yil davomida ajralmas hayotiy qadriyatlar tizimi sifatida shakllanib, ularning urf-odatlariga singib ketgan. Prezident Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek: "Biz butun jahon jamoatchiligiga islom dinining asl insonparvarlik mohiyatini yetkazishni eng muhim vazifa, deb hisoblaymiz. Biz muqaddas dinimizni azaliy qadriyatlarimiz mujassamining ifodasi sifatida behad qadrlaymiz... Islom dini bizni ezzulik va tinchlikka, asl insoniy fazilatlarni asrab-avaylashga da'vat etadi" [1]. Ammo, dastlab rus chorizmi mustamlakachilik tizimi davrida, keyinchalik sovet totalitar tizimi davrida islom dini va u bilan bog'liq qadriyatlar sun'iy ravishda yo'q qilinishga harakat qilindi yoki hatto ba'zi qadriyatlar yo'q qilindi ham. Shunday qadriyatlardan biri vaqf instituti bo'lib, O'zbekistonda u 1928-yilda tugatilgan. Lekin u tarixiy – madaniy qadriyat va o'tmishimizning ajralmas qismi sifatida tadqiq etilishi, o'rganilishi lozim. Chunki davlatchilik, ta'lim, ijtimoiy himoya, obodonchilik, qishloq xo'jaligi va iqtisodiy tizim o'tmishda vaqf mulkchiligi bilan bevosita bog'liq bo'lgan.

Tarixiy manbalarda va tarixiy hujjatlarda vaqf va vaqf yerlar to'g'risidagi hujjatlarga hamda ma'lumotlarga duch kelamiz. Sovet ittifoqi davrida haqiqiy tarixni soxtalashtirish, xalqimizning ming yillik odatlarini buzib ko'rsatish holatlari bo'lganidek, vaqf tushunchasi ham nihoyatda sust va biryoqlama talqin qilinib, faqat masjid va madrasalar yeriga nisbatangina vaqf yeri tushunchasi singdirilgan. Afsus bilan aytishimiz mumkinki, hatto ko'pgina tarixchi olimlar ham vaqf deganda faqat yuqoridagi ta'rifni, tushunchani tushunadilar xolos. Aslida esa vaqf tushunchasi keng ma'noda talqin qilinishi lozim bo'lgan diniy, ma'naviy va ijtimoiy-iqtisodiy hayotimizda juda muhim ahamiyat kasb etgan tushuncha, qadriyat yoki ijtimoiy-ma'naviy institut hisoblanadi. Shunday ekan har bir vatanini sevadigan milliy qadriyatlarni e'zozlaydigan kishida savollar paydo bo'ladi. Vaqf nima? Vaqfnii ijtimoiy hayotdag'i o'rni qanday ahamiyatga ega? Islom dini manbalarida Muhammad (c.a.v) sunnatlari va islom qonunchiligidagi vaqfning o'rni qanday bo'lgan?

«Vaqf» so'zi lug'atda «tutib turish» ma'nosini anglatadi.

Shariatda esa bir molning aslini ushlab turib, foydasini Allohga qurbat hosil qilish uchun sarflashga aytildi [2].

Vaqf qilish orqali bir narsadan keladigan foydani vaqfdan foydalanuvchilar uchun abadiylashtiriladi. Mazkur narsaning o'zi ushlab turiladi, undan keladigan foyda esa, bardavom bo'lib turadi.

Vaqf ikki xil bo'ladi:

1. Ahliy vaqf.

Unda vaqf qiluvchi o'zi vaqf qilgan narsadan o'zining ahli, qarindoshlari foyda olishlarini shart qiladi.

2. Xayriy vaqf.

Unda vaqf qiluvchi ko'pchilik foydalanishini shart qilib qo'yadi.

Islom qonunchiligi (fikh) da vaqfning quyidagi turlari keltiriladi. Masalan: yer vaqfi, quduq vaqfi, masjid vaqfi va boshqa. Islomning dastlabki davrlarida o'ziga xos shaklda ko'p bo'lgan. Keyinchalik bu vaqflar yangicha ko'rinishga ega bo'ldi.

O'zbek davlatchiligi tarixida vaqf ikki xil ko'rinishga ega:

1. Davlat tomonidan tashkil qilingan vaqflar.

2. Shaxslar tomonidan tashkil qilingan vaqflar.

O'zbekistonagi tarixiy obidalar me'moriy yodgorliklarning (Nurullaboy saroyi (XX asr), Labihovuz (1620), Islomxo'ja minorasi (1910), Muhammad Rahimxon madrasasi, Mir Arab madrasasi va boshq) qurilish tarixini o'rganganda inshootlar ma'lum bir podshohlar davrida davlat mablag'i tomonidan qurilganini ko'ramiz.

Yoki ma'lum sarmoyaga ega bo'lgan badavlat kishilar tomonidan qurilgan. Ko'pchilik foydalanishi uchun mo'ljallangan quduqlar, yo'llar, ko'priklar, saroylarni ham ko'rishimiz mumkin.

Xayriya muassasalarining eng birinchilaridan bo'lgani masjidlardir. Musulmonlar masjid qurishda qadimdan bir-birlari bilan musobaqa qilib kelganlar.

Shuningdek, madrasalar ham bu borada Islom ummatining alohida e'tiborga sazovor ishlaridan biridir.

Vaqflar haqida so'z ketar ekan, shifoxonalar, mehmonxonalar, zoviya - zikrxonalar, takyalar kabi muhtojlarga atalgan muassasalar haqida alohida ta'kidlash lozim bo'ladi.

Kambag'alligi tufayli turar-joy qura olmaydigan, uy sotib yoki ijara ola ololmaydigan oila va shaxslarga atalgan turar-joy vaqflari ham ko'p bo'lgan.

Yo'lovchi va muhtojlarga suv tarqatishga atalgan alohida vaqflar ham hamma yerlarda yetarli ravishda bo'lgan. Kishilarga turli taomlar, non, go'sht, holva va boshqa narsalarni tarqatadigan xayriya oshxonalarini ham juda ko'p bo'lgan.

Makkai mukarrama va Madinai munavvaraga haj hamda ziyyaratga kelganlarga atalgan takiyalar ham juda ko'p bo'lgan. Ulardan hozirga qadar ko'pchilik foydalanib kelmoqda.

Yo'lovchilar, ziroatlar, hayvonlar va muhtojlarni suv bilan ta'minlash niyatida hamma yerlarda quduqlar qaziyidigan vaqflari ham ko'p bo'lgan.

Musulmonlarning xayriya ijtimoiy muassasalari qatorida yo'l va ko'priklarni tuzatish bilan o'z xizmatlarini taqdim qiladigan vaqflari ham bo'lgan.

Tashlandiq va yetim bolalarga atalgan vaqflar ularni yedirish, ichirish, kiyintirish, yashash joyi bilan ta'minlash bilan birga ularni xatna qildirish bilan ham shug'ullanganlar.

Shuningdek, ko'zi ojiz, shol va ojiz kishilarga atalgan vaqflar ularning huzur-halovat ila yashashlari uchun barcha kerakli narsalarni hozir qilganlar.

Qamoqdagilarga yordam beradigan, ularga oziq-ovqat va dori-darmon yetkazib beradigan vaqflari bo'lgan.

Oila qurishda qiynalib qolgan yosh yigit-qizlarga oila qurishda kerakli barcha yordamlarni taqdim qiladigan vaqflar ham hamma yerlarda muvaffaqiyat bilan ish olib borganlar.

Islom dini manbalari Muhammad (s.a.v) sunnatlarida, yurtimiz muhaddis olimlari asarlarida ham vaqf to'g'risidagi xabarlarni ko'ramiz.

Jumladan, 1794. Anas roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

«Abu Talha Madinada ansoriylarning eng moli ko'pi edi. Uning mollarining eng mahbubi «Bayruhoo» edi. U masjidning to'g'risida edi. Rasululloh sollallohu alayhi vasallam unga kirar va undagi yaxshi suvdan ichar edilar. «O'zingiz muhabbat qilgan narsadan nafaqa qilmaguningizcha yaxshilikka erisha olmaysiz» oyati nozil bo'lganida Abu Talha Rasululloh sollallohu alayhi vasallamning huzurlariga borib:

«Alloh taolo O'z kitobida: «O'zingiz muhabbat qilgan narsadan nafaqa qilmaguningizcha yaxshilikka erisha olmaysiz» demoqda, mening uchun mollarimning eng mahbubi «Bayruho»dir. U Alloh uchun sadaqa bo'lsin! Allohning huzurida uning yaxshiligini va (savob) zaxirasini umid qilurman. Ey Allohning Rasuli, uni nimaga xohlasangiz shunga qiling!» dedi.

«Juda yaxshi. Bu foyda keltiruvchi moldir! Bu foyda keltiruvchi moldir! Uning haqida aytgan narsangni eshitdim. Menga qolsa, uni qardoshlaringga qil», dedilar u zot.

Abu Talha uni qarindoshlari va amakivachchalariga taqsim qildi».

Ikki Shayx va Termiziy rivoyat qilishgan [3].

Sharh: Abu Talha roziyallohu anhu ushbu hadisning roviyi Anas roziyallohu anhuning o'gay otasi bo'lgan.

«Bayruho» Abu Talhaning bog'larining nomidir.

Ushbu hadisdan olinadigan foydalar:

1. Abu Talha roziyallohu anhuning ansoriylar ichida eng boy kishi bo'lganlari.

2. Bog'ga nom qo'yish borligi. Abu Talhaning bog'lari «Bayruho» deb nomlanishi shuni ko'rsatadi.

3. Sahobai kiromlarning Qur'oni karimga amal qilishga ishtiyoqlari kuchli ekanligi. Matnda zikr qilingan oyati karimga amal qilib Abu Talha o'zлari eng yaxshi ko'rgan mollari — «Bayruho»ni Allohning yo'liga atashlari shuni ko'rsatadi.

4. Savobli ishni qilishdan oldin bundoq ishlarni yaxshi biladigan kishi bilan maslahat qilish kerakligi.

5. Abu Talhaning Rasululloh sollallohu alayhi vasallamga bo'lgan muhabbatlari. Bog'ni nima qilsangiz o'zingiz bilasiz, deyishlari shuni ko'rsatadi.

6. «Sadaqa» so'zi bilan ham vaqf bo'lishi.

Buni kinoya bilan vaqf qilish, deyiladi. Bir kishi sadaqa qildim desayu, vaqfning alomati sezilib tursa, undan sadaqa deganingda nimani iroda qilyapsan, deb so'raladi. Vaqfni iroda qilgan bo'lsa vaqf bo'ladi.

7. Vaqf qilingan mol-foyda beruvchi mol ekani.

8. Qarindoshlarga vaqf qilish joizligi.

Boshqa rivoyatlarda zikr qilinishicha, Abu Talha mazkur bog‘ni Hasson ibn Sobit va Ubay ibn Ka‘b roziyallohu anhum kabi kambag‘al qarindoshlariga vaqf qilgan ekanlar.

1797. Anas roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

«Nabiy sollallohu alayhi vasallam Madinaga kelganlarida va masjid bino qilishga amr qilganlarida:

«Ey Bani Najjor! Men bilan mana bu bog‘ingizni baholashinglar», dedilar.

«Yo‘q! Allohga qasamki, uning bahosini faqat Allohdan so‘raymiz», deyishdi.

Bas, u Zot uni olib, masjid qurdilar».

Uchovlari rivoyat qilishgan.

Sharh: Bu rivoyatda Bani Najjor qabilasi o‘zlariga mulk bo‘lgan bog‘ yerini masjid qurish uchun vaqf qilganlari haqida so‘z bormoqda.

Bani najjorliklarning bu himmatlari keyin ham barcha zamонлар ва makonlarning muxlis musulmonlari tomonidan qo‘llab-quvvatlanib kelinmoqda. Masjid uchun hech narsasini ayamaslik yaxshi odat bo‘lib qolgan. Faqat musulmonligini emas, balki odamiyligini ham unutganlargina boshqacha tasarruf qilishi mumkin.

1798. Usmon roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

«Rasululloh sollallohu alayhi vasallam:

«Kim Ruma qudug‘ini kovlasa, unga jannat bo‘lur, deganlarida uni men kavladim».

Buxoriy, Termizi va Nasaiy rivoyat qilgan.

Sharh: Boshqa rivoyatlarda:

«Nabiy sollallohu alayhi vasallam Madinaga kelganlarida u yerda Ruma qudug‘idan boshqa shirin suvli quduq yo‘q edi. Kim quduqni sotib olib o‘z chelagini musulmonlar chelagi bilan birga qilsa, unga jannatda yaxshiroq quduq berilur, dedilar. Shunda men uni o‘zimning asl molimdan yigirma besh yoki o‘ttiz besh ming dirhamga sotib oldim», deyilgan.

U Bani g‘iforlik bir kishining bulog‘i edi. Hazrati Usmon roziyallohu anhu uni quduq qilib kovlatdilar, qurilish qildilar va musulmonlar uchun atab, o‘z chelaklarida ular bilan bir qatorda suv olib ichib yurdilar.

Musulmonlarning xayriya tashkilotlaridan hamma barobariga foyda topar edi. Hatto qarovsiz qolgan hayvonlarga yordam beradigan xayriya tashkilotlari ham turli yerlarda o‘z xizmatlarini ado etar edi.

Vaqf so‘zi bugungi kunda iste’moldan ko‘tarilgan bo‘lsa ham, o‘tgan ota-bobolarimiz qoldirgan madaniy meroslarning bugungi kungacha ko‘pchiligi saqlanib qolgan. Vaqf mulki degan tushuncha ham hozir deyarli yo‘q. Ammo bu bilan yuqorida ta’kidlaganimizdek vaqf deganda faqat masjid – madrasalarga tegishli yerlarni va mulklarni tushunmasdan, bu tuhuncha nihoyatda keng tushuncha yoki qadriyat bo‘lganligini xalqqa yetkazish asosida bu qadriyatni tiklash nihoyatda muhim ahamiyatga molik ish hisoblanadi. Jumladan, vaqf ishi sifatida oldingi davrlardagidek quduq qazish orqali suv muammolarini hal etish o‘rniga yangi texnologiyalar asosida ichimlik suvini aholiga yetkazib berish mumkin. Zero, suvgaga ehtiyojlik bugungi kunda ham aholimiz o‘rtasida o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan. Bunga misol qilib Mo‘ynoq tumaniga suv olib borilganini aytib o‘tish mumkin. Gaz quvurlari, ko‘priklar, yo‘llar, bog‘cha, xususiy maktablar shuningdek, xususiy shifoxonalar, kutubxonalar va boshqalar tashkil qilish bugungi kunda ham o‘z ahamiyati ega.

Bugungi kunda Islom dini asosida shakllangan xayrli amallarni xalqimiz ijtimoiy hayot tarziga kirdiza olsak, molivaviy imkoniyatga ega bo‘lgan ishbilarmon va tadbirdor fuqarolarni savobli xayrli ishlarga mablag‘ini yo‘naltira olsak, yurtimizdaggi ijtimoiy ahvol bundanda rivojlanib, xalqimizning faravonligi o‘sadi. Davlatni ijtimoiy – iqtisodiy va madaniy rivojlantirishning 2017–2021-yillarga mo‘ljallangan rivojlantirish strategiyasining amalga oshishiga imkon tug‘iladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

- O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 19-sentabr kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so‘zlagan nutqi:// Xalq so‘zi. 2017 yil, 20 sentyabr.
- Maqsudxo‘ja ibn Mansurxo‘ja. Majma‘-ul Maqsd. T.: Mutarjim nashriyoti, 2005.
- Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Xadis va hayot. 11-juz. Toshkent, 2008.

UDK 94(575.1)

XORAZM VOHASI ARXEOLOGIK YODGORLIKALARINING O‘RGANILISH TARIXI TARIXSHUNOSLIGIDAN dots. O’.Abdullayev, magistr O.Allaberganov

Annotatsiya. Ushbu maqolada Xorazm vohasi arxeologik yodgorliklarining o‘rganilish tarixi bosqichlari,kimlar tomonidan o‘rganilanligi tarixi yoritilgan.Aynan qadim Turon zaminida vujudga kelgan Xorazm tarixini naqadar uzoq va serqirra, serjilo ekanligi yana bir marта o‘z isbotini topgan.Maqola Xorazm vohasi arxeologik nechta davrga bo‘lib o‘rganilanligi alohida yoritilib o‘tilgan bo‘lib,hozirgi kundagi bu tadqiqotlar muhim ahamiyatga ega ekanligi ko‘rsatilib o‘tilgan.

Kalit so'zlar: Xorazm, arxeologik yodgorliklar, tarixshunoshlik, S.P.Tolstov, Y.G'.G'ulomov, V.N.Yagodin, M.M.Mambetullaev, Amudaryo havzasi Sariqamish bo'yisi, "Avesto", M.A.Itina, A.V.Vinogradov, B.I.Andrianov, Y.Y.Nerazik, M.G.Vorobeva, Y.A.Rapoport, Y.P.Manilov, N.N.Vakturskaya, V.N.Yagodin, M.M.Mambetullaev, G'.K.Xodjaniyazov, A.Sagdullaev.

Аннотация. Эта статья даёт представление об истории изучения археологических памятников, этапов, об истории развития Хорезма, а также со стороны кого освещена и изучена. Именно в этой статьи показана, насколько история Хорезма древняя, богата, разносторонняя. В этой статье археологическая история Хорезма разделена на несколько этапов изучения и освещения. На сегодняшний день эти исследования имеют важное значение.

Ключевые слова: Хорезм, археологические памятники, историковедение, С. Толстов, Я. Гулямов, В. Ягодин, М. М. Мамбетуллаев, Сарикамыбай бассейна Амудары, Авесто, М. А. Итина, А. В. Виноградов, Б. И. Андрианов, Ф. Неразик, М. Г. Воробьева, Ю. П. Манилов, Н. Вактурская, В. Н. Ягодин, М. М. Мамбетуллаев, Г. К. Ходжаниязов, А. Сагдуллаев.

Abstract. This article gives an idea of the history of studying archeological monuments, stages of the history of development of Khorezm, and also about the people who made researches in this area. Ancience and richness of the history of Khorezm is evidenced one more time in the article. Herein, history of Khorezm is divided into several stages from the archaeological point of view, and present researches are essential in studying the history.

Keywords: Khorezm, archaeological monuments, history, S.Tolstov, Ya.Gulyamov, V.N.Yagodin, M.M.Mambetullayev, Sariqamish of the Amudarya basin, Avesta, M.A.Itina, A.V.Vinogradov, B.I.Andrianov, Y.Y.Nerazik, M.G.Vorobeva, Y.A.Rapoport, Yu.P.Manilov, N.Vakturskaya, G.K.Hodjaniyazov, A.Sagdullaev

Qadimiy davrlarda yuz bergen Turon zaminidagi turli xil siyosiy, ijtimoiy hodisalar, har xil urug‘, qabila va elatlar hamkorligini ta'minlab, etnik jarayonlarga imkon bergen Xorazm zamini jahon tamadduni markazlaridan biri bo‘lib kelgan. Uning o‘ziga xos geografik sharoiti, tabiiy iqlimi Turon zaminidan ajralib turishi bilan izohlanadi.

Aynan Turon zaminining madaniy va ma’naviy markazlaridan biri bo‘lgan Xorazm qadimgi davrlardan beri o‘zining go‘zal va betakror tarixi bilan dunyoni lol qoldirib kelmoqda. Darvoqea, O’zbekiston Respublikasining birlinchi Prezidenti I.A.Karimov o‘z asarlarda “Xorazm noyob madaniyat, nafis san’at, yuksak ma’rifat, turmushning dono falsafasi va insonparvarlik g‘oyalari bilan yo‘g‘rilgan adabiyot va imorat maskani, dunyoviy ilm o‘choqlaridan biri. Bizning millatimiz, xalqimiz ko‘hna Xorazm zaminida “Avesto” paydo bo‘lgan zamonlardan buyon o‘z hayoti, o‘z madaniyati, o‘z tarixi bilan yashab keladi”, – deb qayd qilgan edi [1].

Xorazm vohasi va unga tabiiy jihatidan ulanib ketgan Sariqamishbo‘yi, Uzboy sarhadlarida qadimgi va o‘rta asr jamiyatida kechgan ijtimoiy-iqtisodiy va etnomadaniy munosabatlarning rivojlanishi asnosida vujudga kelgan qishloq va shaharlarning vujudga kelishi, shakllanishi va rivojlanish jarayoni, ularning tarixini aks ettirgan tarixiy adabiyotlar va yozma manbalardagi ma’lumotlarning mazmun va mohiyatiga qarab quyidagi guruhlarga ajratish mumkin:

1. Sobiq Sovet tuzumi davrida chop qilingan tarixiy adabiyotlar: (S.P.Tolstov, Y.G'.G'ulomov, M.A.Itina, A.V.Vinogradov, B.I.Andrianov, Y.Y.Nerazik, M.G.Vorobeva, Yu.A.Rapoport, Y.P.Manilov, N.N.Vakturskaya, V.N.Yagodin, M.M.Mambetullaev, G'.K.Xodjaniyazov, A.Sagdullaev).

2. Mustaqillik yillarda voha tarixiga oid tarixiy adabiyotlar, maqola va tezislardagi ma’lumotlar: (V.N.Yagodin, M.M.Mambetullaev, G'.K.Xodjaniyazov, M.Turabekov, A.Sagdullaev, A.Asqarov, X.Matyaqubov, S.Baratov).

Yuqorida takidlanganidek, birlinchi guruh adabiyotlarga Sobiq Sovet tuzumi davrida Xorazm vohasi sarhadlarida joylashgan qishloq va shaharlarda turli arxeologik ekspeditsiya va arxeologik guruhlar xodimlari tomonidan olib borilgan arxeologik izlanishlar natijalarini aks ettirgan monografiya, risola, maqola va tezislarda qayd qilingan ma’lumotlar jalb qilinadi. Chunonchi, S.P.Tolstov tadqiqotlarida Xorazm vohasining ibtidoi yamiat tarixidan to Buyuk Xorazmshohlar davlatigacha bo‘lgan tarixiy jarayonda kechgan ijtimoiy-iqtisodiy va etnomadaniy munosabatlar, qishloq va shaharlarning joylashish tartibi, me’moriy-topografik tuzilishi va mudofaa tizimi, sug‘orish inshootlari tarixi yoritilgan [2]. Keyingi tadqiqotlarda esa Ya.G'.G'ulomov boshchiligida Xorazmnинг antik va ilk o‘rta asr qishloq va shaharlarning vujudga kelishi va shakllanishida sug‘orish inshootlarining tarixiy o‘rni bataysil aks ettirilgan [3]. Tadqiqotchi B.A.Andrianov esa o‘z asarida Xorazmda sug‘orilish madaniyatining vujudga kelishi va rivojlanish tarixi keng ma’noda yoritganligi bilan ajralib turadi [4]. Shular bilan bir qatorda A.S.Kes’ tadqiqotlarida Xorazm vohasining fizik-geografik tuzilishi, Amudaryo va uning irmoqlaridagi dehqonchilik vohalarini vujudga keltirishi, aholining joylashishi, antropogen landshaftning shakllanish va rivojlanish bosqichlarini qamrab olgan [5].

B. V. Vinogradov tadqiqotlarida Xorazmda neolit davrida urug‘ jamoalari a’zolarining suv to‘plangan havzalari sohilidagi hududlarda yarim yerto‘la tipidagi chaylalarda istiqomat qilib, olib borgan urug‘ jamoasi uyushmalarining turmush tarzi tarixiga oid ma’lumotlar qamrab olgan. Xorazm vohasining antik davr tarixini

yoritishda Qo‘yqirilganqal’ a yodgorligi muhim manba bo‘lib xizmat qiladi [6]. M.G.Vorobeva, M.S.Lapiro-Skoblo, Y.Y.Nerazik tadqiqotlarida Hazorasp shaharining rivojlanish tarixiga oid materiallar, Y.Y.Nerazik tadqiqotlarida Xorazm qishloq manzillarining joylashishi, me’moriy-topografik tuzilishi, ijtimoiy-iqtisodiy va etnomadaniy munosabatlar jarayoni yoritilgan [7]. Y.P.Manilov Katqal’ a (Beruniy), A.V.Gudkova To‘qqal’ a yodgorliklari tarixiga doir ma’lumotlarni ilmiy jamoatchilik e’tiboriga e’lon qilganlar [8]. Tadqiqotchilar tomonidan nashr qilingan ilmiy ishlarda, asosan, antik davr Xorazm vohasi qishloq va shaharlarining tarixiy topografiyasi, ularning shakllanish va rivojlanish bosqichlari moddiy tomondan tahlil qilinganligi yaqqol ko‘zga tashlanadi. Xorazm vohasida qadimgi davrda vujudga kelgan madaniy-xo‘jalik dehqonchilik vohalari va ularda shaharmanond va shahar-davlatlarning vujudga kelishi, joylashish tartibi, rivojlanish jarayonini yoritish soyada qolib ketgan. Shu bilan birga, Xorazm tarixi ildizlarining yanada rivojlanishiga manba bo‘lgan ijtimoiy-iqtisodiy va etnomadaniy munosabatlar tarixi yangi jamiyat mafkurasi tamoyillariga tayangan holda yoritilmagan. Ta’kidlash lozimki, xuddi shu manbalar asosida turli tarixiy davrda taraqqiy etgan qadimgi davr va o‘rta asrlar qishloq va shaharlarining rivojlanishida o‘ziga xos me’moriy xususiyatlari tahlil qilingan yakuniy ilmiy tadqiqot Xorazm tarixshunosligida ko‘zga tashlanmaydi.

Ikkinci guruhgaga mazkur tarixiy davr mazmunining o‘ziga xos xususiyatlaridan biri, vatanimiz milliy mustaqillikka erishgandan keyingi o‘tgan tarixiy yillarda mahalliy qadimshunoslar tomonidan Xorazm vohasidagi tarixiy obidalarda olib borilgan arxeologik izlanishlar natijasida olingen ashyolar asosida chop qilingan monografiya, tadqiqot, risola, maqola va tezislardagi ma’lumotlar bilan izohlanadi. Xorazmning antik davr tarixiga bag‘ishlangan maxsus tadqiqotlar ilmiy jamoatchilikka e’lon qilindi. M.Mambetullayev tadqiqotlarida Xorazm vohasining qishloq va shaharlari to‘g‘risida umumiylar ma’lumotlar, ularning joylashish tartibi, antik davr tarixining ilmiy-nazariy jihatidan ma’lum darajada tahlil qilinganligini qayd qilish lozim [9]. Xorazmning arxaik va antik davr tarixiga doir keng qamrovli ma’lumotlar G.K.Xo‘janiyozov tadqiqotida o‘z aksini topdi. Tadqiqotchi monografiyasida arxaik va antik davriga mansub qishloq va shaharlarning me’moriy-topografik tuzilishi, mudofaa inshootlari tarixi bat afsil yoritilganini qayd qilganini eslash kifoya. Tadqiqotchi A.Sagdullaev Xorazm toponomikasining Avesto Yashtida 6 marta, Ahamoni yozuvlari bo‘lgan Behustun 15 marta, Suza saroyi devorida 11 marta va Naqshi Rustam bitiklarida 7 marta qayd qilinganligiga e’tiborni qaratgan [10]. Ammo, yuqorida qayd etilgan tadqiqotlar mazmunida Xorazm sarhadlarida turli tarixiy davrda tarkib topgan madaniy-xo‘jalik markazlari tabiiy sharoiti va antropogen landshaftining vujudga kelishi, shakllanishi natijasida vujudga kelgan aniq geografik-hududiy sug‘orma dehqonchilik vohalarining joylashish jarayoni tahlil qilinmagan. Shu bilan birga, shaharmonand va shahar-davlatlarning tarixiy ildizlari, ularning vujudga kelishi va rivojlanish jarayoniga manba bo‘lgan ijtimoiy-iqtisodiy va etnomadaniy omillarni izohlash e’tibordan qolib ketganligini qayd qilish joiz. Qadimgi va o‘rta asrlarda shaharlar savdo-hunarmandchilik markazlari bo‘lganligi va bu jarayonga turli tarixiy davrlarda imkoniyat yaratgan mudofaa kompleksi, harbiy-texnika va qurol-aslahalarning ishlab chiqarilishi va takomillashishi, o‘troq aholi va chorvador qabilalar o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlar tarixi milliy mustaqillik mafkurasi mazmunida qayd qilingan masalalarni yangicha yondashuv va qarashlarga asoslangan holda ilmiy-nazariy jihatidan yoritilmagan. Shu narsani ta’kidlash kerakki, mustaqillikning ilk yillaridan 1997-yilgacha tadqiqotchilar tomonidan nashr qilingan tarixiy asarlar, risola va maqolalar mazmuni Xorazm vohasi jamiyatini qamrab olgan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar darajasining mazmuni eski jamiyat g‘oyasi girdobidan chiqib keta olmaganligini qayd qilish o‘rinlidir. XX asrning 90-yillari oxiridan boshlab Quyi Amudaryo havzasasi va uning hududiy davomi bo‘lgan Sariqamishbo‘yi havzasini qamrab olgan bepoyon sarhadlarda sodir bo‘lgan tarixiy dialektikani yangi zamon ruhi bilan sug‘orilgan tadqiqotlar paydo bo‘ldi. Xorazm vohasining eng qadimgi dunyosida ijtimoiy-iqtisodiy va etnomadaniy munosabatlar Avestoning ziroatkor xorazmiylarning Quyi Amudaryo havzasiga migratsiyasi tufayli rivojlanganligini, uning mahsuli asnosida vujudga kelgan shaharsozlik madaniyati, uning negizida ilk davlatchilik asoslari, afsanoviy siyosiy birlashma «Katta Xorazm» tarixiy-geografik atamasи tarixi yangicha qarashlar va yondoshuvlar akademik A.Asqarov tadqiqotlarida o‘z aksini topgan [11]. Tadqiqotchi S.Baratov janubiy Xorazm sarhadida joylashgan Toshqal’ a-2 va Meshekli yodgorliklarida olib borgan arxeologik izlanishlari natijasida olingen ashyolarga asoslanib vohaning qadimgi dunyosiga oid fikr-mulohazalari ilmiy jamoatchilik e’tiboriga havola qilingan [12]. Tadqiqotchilar A.Sagdullaev, U.Abdullaevlarning maqolasida Quyi Amudaryo havzasida bronza davrinining oxiri va ilk temir davrida kechgan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar jarayoni tahlil qilinganligini qayd qilish joiz [13]. Shu bilan birgalikda Quronbay Sobirovning “Xorazmning qishloq va shahar mudofaa inshootlari tarixi” nomli asari ham alohida ahamiyatga ega [14].

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, biz yuqorida qayd qilgan ma’lumotlar orqali Xorazmning arxeologik jihatdan o‘rganilishida tarix juda ham keng qamrovli arxeologik tadqiqotlari bilan bo‘qliq ekanligini, bu tadqiqotlar natijasida Xorazmning qadimgi va ilk o‘rta asr jamiyat tarixiga oid noyob ashyolar Xorazm tarixining sirli tilsimotlarini o‘rganishda muhim manbalar ekanligini ko‘rsatib o‘tishga harakat qildik. Jumladan, mil.avv. VI asr o‘rtalaridan milodiy IX asr boshlarigacha bo‘lgan tarixiy jarayonda Amudaryoning o‘ng va so‘l

sohilidagi hududlarida mavjud bo'lgan sug'orma dehqonchillik tarixiy-xo'jalik vohalarining ijtimoiy-iqtisodiy va etnomadaniy markazlari bo'lgan qishloq va shaharlarda keng miqyosda olib borilgan arxeologik tadqiqotlar natijasida olingen noyob ashyolar ajdodlarimizning xo'jalik turmush tarzi, sug'orma dehqonchilik madaniyati, ko'p tarmoqli hunarmandchilik taraqqiyoti asnosida, shaharsozlik madaniyati, davlatchilikning shakllanishi va rivojlanishi, tarixiy-siyosiy vaziyat taqozosi bilan paydo bo'lgan mudofaa inshootlarining rivojlanish tarixini o'rganishda muhim ahamiyat kasb etadi. Yuqoridagi tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, Xorazm vohasining sirli tuproqlari qarida juda uzoq tariximizga oid ma'lumotlar yashiringanligi va bu tariximizni arxeologik tadqiqotlar orqali o'rganish zarurligini anglatadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Каримов И.А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир//Бунёдкорлик йўлидан. Жилд №4, –Т.: “Ўзбекистон” 1996. 269-бет.
2. Толстов С.П. Древний Хорезм. М, «Наука», 1948. Его же. По следам древнехорезмийской цивилизации. М, «Наука», 1948. Его же. По древним дельтам Окса и Яксарта. М. «Наука» 1962.
3. G'ulomov Ya. G'. Xorazmning sug'orilish tarixi. T, «Fan», 1959.
4. Андианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. М.,«Наука», 1969.
5. Кесь А.С.. Причины изменения уровня Арала в голоцене //Известия АН СССР, серия географических наук М. 1978 №1 стр. 8-16. Он. же. Аральское море в голоцене // Этнография и археология Средней Азии // М. «Наука», 1979, стр. 19-23. Он. же. Аэропогенное воздействие на формирование рельефа аллювиально-дельтовых равнин Амудары//Культура и искусства древнего Хорезма. М., «Наука», 1981, стр. 72-80.
6. Койкрылганкалья (Памятник культуры IV в. до н. э.IV в.н.е) в древнем Хорезме. М., «Наука», 1967.
7. Воробьева М.Г., Лапиров –Скобла М.С. Неразик Е.Э. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 г.г. МХЭ, Вып. 6, М, «Наука», 1963. Неразик Е.Э. Сельское селище Хорезма. М, «Наука», 1967.
8. Манилов Ю.П. К изучению городища Кят. Вестник ККФ.АН УзССР, 2, 1965. Ўша муаллиф. Городище Кят, Т, «Фан», Ону. 7-8, 1973. Гудкова А.В. Токкалья. Т, «Фан», 1967.
9. Мамбетуллаев М. История и культура южного Хорезма античной эпохи (города и поселения в IV в.до.н. – IV в.н.е) Автореф док. дисс. –Т. 1994.
10. Sagdullaev A. Qadimgi O'rta Osiyo tarixi. –Т.: Universitet, 2004, 43-bet.
11. Asqarov A. Qadimgi Xorazm tarixiga doir ba'zi bir mulohazalar// O'zbekiston etnologiyasi: yangicha qarashlar va yondoshuvlar// Toshkent, "Fan", 2004. O'sha muallif. Новинные подходы к изучению истории древнего Хорезма// Ўзбекистон тарихи, Ташкент, №4., 2007, стр. 11-13. O'sha muallif. O'zbek davlatchiligining ilk bosqichlarida urbanistik jarayonlarning tarixiy ildizlari haqida mulohazalar (Qadimgi Xorazm misolida)// O'zbekiston tarixini o'qitish va o'rganish bo'yicha materiallar//Toshkent, "Fan", 2009, 26-31-betlar.
12. Баратов С. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма/Ўзбекистон тарихи. –Т.: “Фан”, №4, 2007, стр. 27-30
13. Сагдуллаев А., Абдуллаев У. История Хорезма в свете исследований С.П.Толстова (Эпохи поздней бронзы и раннего железа). O'zbekiston tarixi. –Т.: “Fan”, №4, 2007, 7-bet.
14. Sobirov Q. Xorazmning qishloq va shahar mudofaa inshootlari –Т.: “Fan”, 2009.

УДК: 930.2.(575.8)

ЧИНГИЗИЙЛАР ДАВРИДА ХОРАЗМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ ВА ШАҲАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Г.М.Ачишова - ЎЗР ФА Тарих Институти

Аннотация. Маъқолада XIII асрнинг биринчи ярмида катта ҳудудга эга бўлган ва ўз даврининг қудратли империяларидан бири ҳисобланган Хоразмшоҳлар салтанатининг мӯгуллар томонидан босқин олиншии ва бу босқин натижасида Хоразм ҳудудида юзага келган оғир иқтисодий танглиқ, шаҳарларнинг умумий манзараси ҳақида маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: мӯгуллар босқини, иқтисодий ҳолат, солиқ, савдо-сотиқ, ислоҳот, шаҳар ҳаёти, ихтилоф, элчилик алоқалари.

Аннотация. В статье изучены некоторые особенности завоевания монголами империи Хоразмшахов, которая являлась огромным государственным образованием своего времени, а также освещены основные стороны тяжелого экономического положения, возникшего в результате данного нашествия и описана общая картина городов того периода.

Ключевые слова: монгольское завоевание, экономическое положение, налоги, торговля, реформа, городская жизнь, конфликты, посольские связи.

Abstract. In the article, some features of the conquest of the Empire of Khorezmshaxs by the Mongols, which was a large state formation of that epoch is discussed, main aspects of difficult economic situation, arisen as a result of the Mongol invasion, is highlighted, as well as the general picture of the cities of that period is described.

Key words: the Mongol invasion, economic situation, taxes, trade, reform, urban life, conflicts, ambassadorial relations

Мўгуллар босқини ва унинг оқибатлари. Алоуддин Такаш (1172-1200) ҳукмронлиги даврида йирик империяга айланган Хоразмшохлар давлати XIII асрнинг бошларида Султон Муҳаммад (1220-1220) ҳукмронлиги йилларида ўз қудратининг чўққисига чиқди. 1217 йилга келиб бу давлат таркибига Мовароуннаҳр, Хоразм, Исфахон, Мозандарон, Карман, Мекран, Кеш, Фазна, Гур, Байман, Ўтрор, Озарбайжон, Арран, Ироқ, Сижистон, Форс, Табаристон, Журжон каби худудлар кирган [1]. Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлиги даврида мамлакат қанчалик ривожланган бўлмасин, лекин саройдаги ички зиддиятлар ва фитналар, шахсий манфатлар устунлиги учун кураш ва марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳукмдорлар ўртасида ихтилофларнинг тобора чуқурлашиб бориши оқибатида давлат ички таназзулга юз тутаётган эди. Олий ҳокимият тизимида шоҳ билан унинг онаси Туркон хотун ўртасида давом этиб келаётган чуқур ихтилоф, олий ҳукмдорнинг кўп сонли қўшин тузиб ўз худудини кенгайтириш борасида олиб бораётган урушлари, мамлакатни бошқариши ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги, маҳаллий бекларнинг бундан фойдаланиб ҳалққа зулм ўтказётганлиги Хоразмшоҳлар давлатининг бениҳоя заифлашиб бораётганлигидан яққол далолат беради [2].

Мўгулларнинг биринчи ҳужуми 1219 йилда Ўтрорга бўлади. 1220 йилнинг февралида шаҳар эгалланади ва шу билан мўгулларнинг Сирдарё бўйидаги шаҳарлар бўйлаб юриши тезлашиб кетади. Жанд 1219 йилнинг апрелида жангиз олинади, Банокат эгаллангандан кейин Хўжандга юриш бошланади [3]. Бу вақтда босиб олинган жойлардан келтирилган 50 минг аҳоли шаҳарни қамал қилиш, жангнинг оғир жойларида мўгулларнинг асосий кучлари учун пана вазифасини бажарган. Шу тарзда мўгуллар маҳаллий аҳоли кучига таяниб бирин-кетин Хоразмшоҳларга тегишли шаҳарларни эгаллай бошлаган. Хўжанд қалъаси Темур Малик бошчилигига душманга карши жиддий қаршилик кўрсатган бўлса ҳам кучларнинг тенг эмаслиги бу шаҳарни ҳам қисқа муддатда таслим бўлишига олиб келди [4]. Шу тарзда мўгуллар йўлларида учраган барча нарсани вайрон қилиб Зарнуқ, Нур орқали Бухорога ўтиб уни ҳам эгаллади. Бухоронинг эгалланиши энди Хоразмшоҳнинг қаршилик кўрсатиш учун иродаси ва кучи қолмаганлигини кўрсатарди. Салтанатнинг иккинчи пойтахти Самарқандни 110 минг аскар мудофаа қилаётганлигига қарамай қисқа вақт ичida 1220 йил март ойида шаҳар эгалланди [5]. Шу билан 100 кун ичida қудратли хоразмшоҳлар давлати мўгуллар томонидан деярли забт этилди. Туркон Хотуннинг Урганчни ташлаб кетиши ҳам мамлакат ҳалокатининг белгиси бўлди. Жалолиддин ва Темур Малик Урганч мудофаасини ташкил қилишга ҳаракат қилишган, лекин бу ҳам узоқ давом этмасдан улар шаҳарни тарк этган.

Шундай қилиб, XIII асрнинг бошларида Гурийларнинг исёнларига, Мовароуннаҳрни зулм остида эзиб келаётган Қорахитойлар ҳукмронлигига барҳам берган қудратли давлатларидан бири Хоразмшоҳлар салтанати мўгуллар босқини (1219-1221) натижасида таназзулга юз тутди. “Жаҳон сultonлари пойтахти” ва “Инсоният буюк фарзандлари бешиги” номини олган Урганч (Гурганж), Шарқдаги “ислом таянчи” Бухоро, қадимий Афросиёб ватани Самарқанд, масжидларнинг сони (1200 тага етган) билан машҳур “қуббатул ислом” Балх, ўз мадрасалари билан донғи кетган Марв, ўзининг нозиктаъб илмли қишилари билан маълум Нишопур ва кўплаб машҳур шаҳарлар талон-тарож этилган, Хоразм воҳасининг ўзида мавжуд бўлган 11 та шаҳар ва ундан ташқари Ўрта Осиёдаги Хоразмшоҳларга тегишли Кеш, Тароз, Ўтрор, Хўжанд, Термиз, Исфижоб, Ўзганд, Насаф, Банокат, Нисо ва бошқалар кўчманчилар ҳужуми туфайли бутунлай вайрон этилган.

1231 йилгача мўгулларга қаршилик кўрсатишга уринган сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддининг ҳаракатларидан ҳам натижа чиқмаган ва қудратли Хоразмшоҳлар давлати тарих саҳнасидан ўчирилган.

Сиёсий вазият. Чингизхон ҳали ҳаётлиги пайтидаёқ эгалланган ерларни ворисларига тақсимлаб беришни бошлаган. Тарихчи Муҳаммад Насавийнинг сўзларига кўра, Чингизхон катта ўғли Жўёжига мулк беришга қарор қилиб иқтисодий ва маданий жиҳатдан бой Хоразмни унинг тасаруфига ўтишини билдирган. Шу сабабли Жўёжи Хоразмнинг гўзал маркази Урганчни бузмасдан сақлаб қолишига ҳаракат қилган. У бу ерга ҳужум қилишдан аввал аҳоли билан музокара олиб борган ва уларни шаҳарни ўз хоҳиши билан топширишга кўндирган. Насавий ўзининг бу маълумотини куйидагича изоҳлайди: “Мўгул қўшиллари Урганч яқинида туриб унинг қишлоқларини талон-тарож қилишга уринмадилар, унга зўр эътибор ҳамда эҳтиётлик билан қаради ва уни йўқ қилиб юбормаслиги учун тиришди” [9]. В.В. Бартольд ҳам Урганч масаласига тўхталиб, бу борада Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой (1227-1241) билан Жўёжи ўртасида содир бўлган келишмовчиликни келтириб ўтган [10]. Мўгулларнинг одатига кўра, Чигатой эгалланган шаҳарни талон-тарож қилиш ва сўнг вайрон қилишни талаб қилган бир вақтда бу шаҳарни ўз ерларига киритишга ишонган Жўёжи, шаҳарнинг тақдирига эътиборсиз қарай олмади. Улар ўртасидаги жанжални Чингизхон бартараф этди ва урушни давом эттиришни кичик ўғли Ўқтойга топшириди. Ўқтой эса шаҳарни эгаллаган ва Урганч юкорида қайд этилган ахволга тушган.

Барча босиб олинган ерларни 1227 йилда Чингизхон ўғиллари ўртасида улус сифатида тақсимланган. У ўша пайтдаёқ Хоразмнинг жанубий қисмини Кат ва Хива шаҳарлари билан Жўёжи

улусидан ажратиб Чигатой улусига қўшиб берган. Жўжига эса Хоразмнинг шимоли-ғарбий худудлари берилган. Бу худудлар Олтин Ўрда таркибидаги энг бой ва маданий ривожланган вилоятлардан бири бўлган. Бу маълумотнинг тўғрилигини 1329-1331 йилларда тузилган ва Палладий томонидан чиқарилган Хитой харитасида ҳам кўриш мумкин. Унда Жўжи ва Чигатой улусларнинг чегараси Кэ-ти (Кат) ва Хула-цзы-му (Хоразм-Урганч) шаҳарлари ўртасида эканлиги кўрсатилган. Шу билан бирга Чигатой улуси таркибига Урганчнинг бир қисми, Қиёт ва Хива шаҳарлари ҳам кирган. Урганч шаҳри Жўжи ва Чигатойлар ўртасида доимий тўқнашув содир бўладиган қисмга айланган. Айни вақтда бу ерда савдо, хўжалик ва хунармандилик яна қайта ривожлана бошлаган. Иқтисодий ўзгариш Хоразмнинг сиёсий ҳолати яхшиланишига имкон туғдирган.

Иқтисодий ҳаёт: Хоразмда иқтисодий жонланишни XIII асрнинг 70-йилларида хоразм тангаларининг зарб қилинишининг бошланиши билан ҳам белгилаш мумкин [11]. Хоразмнинг Олтин Ўрдага қарашли қисми ушбу давлатнинг иқтисодий таянчига айланган. Хоразмликларнинг маданий жиҳатдан ривожланганини Олтин Ўрдадаги кўчманчилар орасида адабиёт ва диннинг тарқалишига олиб келган. Ислом дини Хоразмдан Поволжье орқали Олтин Ўрдага тарқалган ва мўғул хони Беркахон (1256-1266) биринчилардан бўлиб уни қабул қилган [12]. Ислом ва унинг намоёндалари бўлган йирик диндорлар, савдогарлар ва илм аҳли мўғул юқори табақа манфаатларида ҳал қилувчи ўринга эга бўлган [13].

Бу даврда Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан бошқа босиб олинган ўлкалар каби оғир ахволга тушган бўлса ҳам аввалгидек давлатларни туташтирувчи савдо йўлларининг марказида бўлиб жаҳон савдосида муҳим роль ўйнаган. Мўғуллар даврида иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан савдо муносабатларини тартибга солиш хонлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Чингизхон давридан бошланган анъянани давом эттириб унинг авлодлари ҳам мусулмон савдогарларига ҳомийлик қилган ва уларни ўз ҳимояларига олишган. Улус хукмдорлар ҳомийлиги остида савдогарлар Буюк Хон Мунка (1251-59) ёрлиғидан кўчирма олиб бутун Мўғулистон бўйлаб почта отларида айланиб юришган. Карvon савдоси йирик савдо уйларида ташкил қилинган ва у ерда катнашувчилар нафакат тажрибали савдогарлар, балки хонларнинг ўзлари ҳам бўлишган [14]. Улар савдогарларни пул билан тъминлаган ва карвонларни жўнаши учун керакли маҳсулотларни етказиб берган. Рашидиддининг берган маълумотига кўра, Ўқтойхон ҳар бир савдогарга савдо фаолиятини олиб бориши учун 200 олтин болиши (60000 динор) микдорида бу давр учун катта маблағ ҳисобланган пулни пай тариқасида берган [15]. Бу эса факат улусларни бошқарувчи хонлар эмас, балки Буюк Хоқоннинг ўзи ҳам савдо ишларига эътибор қаратганлигини кўрсатади. Чигатой улуси таркибига кирган худудлар орасида Хоразм билан бир қаторда Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳам савдо марказлари сифатида алоҳида роль ўйнаган. Хоразмнинг савдо алоқалари ҳақида қўплаб маълумотларни берган ҳамда Ҳиндистон ва Хоразм ўртасидаги халқаро савдонинг иштирокчиси бўлган Ибн Баттутанинг келтиришича, “Хоразм қовунлари Ҳиндистон ва Хитой бозорларигача етказиб берилган” [16]. Мўғуллар даврида халқаро савдо доирасида бошқа Ўрта Осиёлик савдогарлар билан бир қаторда хоразмликлар ҳам Ғарбий Европа билан савдо қилиш имконига эга бўлишган. Савдодан даромад олиш ва диний тарғиботларини олиб бориш истаги Ғарбий Европалик савдогарлар ва миссионерларни Марказий Осиё мамлакатларига келишгага унданаган. Улар Мовароуннаҳр, Хоразм ва Олтин Ўрда худудларига келиб қишлоқлар яқинидан ёки пойтахт шаҳарлар атрофидан ўзларига бошпана ташкил қилишган. Бундай жойлардан бирини европаликлар Урганч яқинида барпо қилиб шу ерда яшаган. Мўғуллар даврида Хоразмда 100 та яхудийлар ва 100 та христианларнинг уйлари бўлган. Европада асосан Ўрта Осиёда ишлаб чиқариладиган шойи-ипакка талаб кучли бўлган. Хоразмнинг XIII-XIV асрлардаги халқаро савдосини бўйича Ф.Б.Пеголоттининг маълумотларига асосланиб М.-Ш.Кдырниязовнинг ёзишича, “Ким Шарққа маҳсулот билан жўнатилса Урганчга келган ва бу ерда савдо қизғин бўлган. Бу пайтда савдо учун Осиёнинг ичкарисига киришдан фойда йўқ, Хоразмнинг ўзидан Европа бозорлари учун қизиқ ва керак бўлган барча нарсани сотиб олиш мумкин” [17].

Хоразм орқали Мовароуннаҳр, Эрон, Хитой, Ғарбий Европа ва Россияга савдо карвонлари ўтган. Хитойдан Хоразмга ипак ва фарфор идишлар олиб келинган. Хоразмнинг Урганч ва Миздахон шаҳарларида яшовчиларнинг уйларидан Хитой чинниларининг намуналари топилган [18]. Хоразмнинг мўғуллар даврида ҳам Эрон билан қизғин савдо қилганлигини урганчликларнинг уйларida Эрон ва Ироқ идишлари борлигини кўрган Ибн Баттутанинг сўзлари ҳам тасдиқлайди [19]. Хоразм ипагининг жаҳонда машҳур бўлганлигини 1289-1290 йилларда Кримда ўтказилган ярмаркада хоразмлик савдогарларнинг генуяликлар билан ипак етказиб бериш борасида тузган шартномаларидан ҳам билиш мумкин [20]. Бу даврда Хоразм иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил қилган ички савдо ва бозорлари ҳақида Ибн Баттута асарида кўплаб маълумотлар учрайди. У Хоразм бозорларининг гавжумлиги ва у

ердан ҳар қандай маҳсулотни топиш мумкинлигини, савдогарларининг инсофли ҳамда ширинсўзлигини айтиб ўтган.

Мўғуллар даври шаҳарларининг умумий манзараси ва у ердаги ҳаётни тасвирлашда ҳам Ибн Баттутанинг асари муҳим манба ҳисобланади [21]. Сайёх бу ерга мўғуллар босқинидан юз йил кейин ташриф буюрган ва бу пайтга келиб мўғуллар босқинининг оқибатларини бартараф этилиб хўжалик ишлари тартибга солинган эди. Шундай бўлсада, бу жараённи ҳукмдорлар Ўрта Осиёнинг мўғуллар босқинига қадар ривожланиши дараҷасига олиб чиқа олмаган. Сайёх шаҳарга етиб келганда бу худудни Олтин Ўрда хони Ўзбекхон томонидан тайинланган ноиб Кутлуғ Темур бошқаришини айтган. Чигатойларнинг бу ердаги бошқаруви ҳақида ҳеч қандай маълумотни ёзиб қолдирмаган. Шаҳарнинг ташқи қиёфасини батафсил тасвирлаган сайёх уни жуда гавжум, чиройли, кўпгина улуғвор биноларга эга эканлигини айтиб ўтган. Сайёх бу ерда Кутлуғ Темур томонидан курдирилган мадраса ва унинг хотини Тўрабекхоним барпо эттирган масжидни кўрган. Хоразмдан чиқаверишда улуғ шайх Нажмиддин Кубро мақбараси борлиги ва бу маскан доимий зиёратчилар билан тўла бўлишини қайд этган [22].

Мўғуллар босқини Ўрта Осиё ва Хоразм шаҳарларининг ижтимоий структурасида ҳам бир қанча ўзгаришларга олиб келди. Жумладан уларнинг ҳажми, чегаралари ва ташқи кўринишида бу яққол кўзга ташланади. XIII-XIV асрларда ҳам шаҳарлар марказидаги савдо-хунармандчилик мавзеларида муҳим жамоат бинолари ва шаҳарлик бой амалдор кишиларнинг яшаш уйлари жойлашган эди. Шаҳарларнинг марказий майдони “чорсу” деб аталиб бу ерда муҳим расмий воқеалар содир бўлган (фармойишларни эълон қилиш, оммавий қатллар каби). Бош майдонга яқин жойда бир-бирига туташиб кетган йирик амалдорлар ва ижтимоий бой табақа вакилларининг уйлари шаҳарнинг чиройини очиб турган. Хоразм шаҳарларига таъриф бериган Ибн Баттута шаҳарда ибодатхоналардан ташқари ўкув бинолари ва касалхоналар ҳам борлиги ҳақида эслатиб ўтган [23]. Шаҳарларнинг умумий белгиси уларда масжид ва мадрасаларнинг курилганлигидир. Бундан ташқари ҳар жума куни ўқиладиган номоз учун курилган номозгоҳлар ҳам бўлган. Жума масжиди учун жой шаҳарнинг одам гавжум қисмларидан ва жамоат иншоотлари яқинидан ёки шаҳар четидаги йирик диний марказлар худудларидан танланган. Диний жамоавий иншоотларнинг муҳим қисмларидан бири миноралар бўлган. Урганчда мўғуллар давридан бугунги кунгача сақланиб қолган Кутлуғ Темур минораси 1321-1336 йилларда курилган. Унинг баландлиги 60 метрни ташкил қиласди. XIII-XIV асрда шаҳарлардаги диний жамоа бинолари курилишида меъморий безак воситаларидан фойдаланилмаган.

Мавзуни мавжуд манбалар ва илмий адабиётлардаги маълумотлар асосида ёритиш орқали қўйидаги хulosаларга келинди:

Биринчидан, мўғуллар истилоси Евросиёнинг деярли ярмини эгаллаган қудратли Хоразмшоҳлар давлатининг қисқа муддат ичida парчаланиб тарих саҳнасидан ўчиб кетишига олиб келди. Натижада салтанатнинг ривожланган шаҳарлари вайрон этилди;

Иккинчидан Хоразмда ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида бўлгани каби қишлоқ хўжалигида умумий аҳвол тинимсиз урушлар, аҳолининг оммавий қириб ташланиши, қул қилиб ҳайдаб кетилиши, сув иншоотларининг бузиб ташланганлиги, оғир солиқлар ва мажбуриятлар, талон-тарожлар ҳамда зўравонликлар натижасида ниҳоятда оғирлашиб кетди;

Учинчидан, Хоразмшоҳлар давлатининг асосий марказлари бўлган Хоразм шаҳарлари Чингизхоннинг ўғиллари Жўжи ва Чигатой ўртасида бўлиб олиниб бошқарилди ва бу ҳам худудда ҳукмдорлар ўртасида кўп ҳолларда низо келиб чиқишига сабаб бўлди;

Тўртинчидан, бир қисми Чигатой улуси бир қисми Олтин Ўрда давлати таркибига кирган Хоразм XIII асрнинг иккинчи чораги ва XIV асрда ҳам жаҳоннинг савдо ва маданий маркази сифатида ўзининг аввалги ўрнини сақлаб қолди. Савдогарлар Мовароуннахрга кирмасдан ҳам Ўрта Осиёнинг барча маҳсулотларини бу ердан топиш имконига эга бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. История Хорезма. Т., 1976. С.315.
2. Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштигинидов: 1097-1231. – М.: Наука, 1986. С. 128-129.
3. Рашид ад-Дин. Сборник летописей / Пер. О.И. Смирновой. В 3-х т. – М., 1952-60. Т. 1. Книга 2. С. 200.
4. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т.1. кн. 2, с. 202-203.
5. Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштигинидов. С.146.
6. Ан -Насави Мухаммад. Жизнеописание султана Джалаля ад-Дина Манкбурны / Пер. З.М. Бунятова –Баку, 1973. С. 93.
7. Бартольд В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия / Сочинения. В 9 томах - М.: Изд. вост. лит., 1963. Т. 1. С. 308
8. Федоров-Давыдов Г.А. Нумизматика и этнографика. Вып. 4, М., 1965, 180.

9. История Хорезма. Т., 1976. С. 315.
10. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. М., 1950., С. 80
11. Кдырнязов М. Культура Хорезма XIII-XIV вв. Дисс., док. ист. наук. Нукус, 2002. С. 265
12. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т.1. кн. 2, с. 51
13. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати / Нашрга тайёрловчи Н.Иброҳимов. – Тошкент, 1996. Б. 60.
14. Кдырнязов М.Ш. О роли Хорезма в Евразийской торговле (XIII-XV вв.) // ОНУ, Т., 2000, № 1, с. 36-40.
15. Кдириязов М. XIII-XIV асрларда Хоразм ва Евроасиё савдоси (Жаҳон савдосида Хоразмнинг роли) Инсониятнинг илмий ва маданий мероси учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йилинига бағишиланган халқаро симпозиум тезислари//1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива. Тошкент, “Ўзбекистон”. 1997 йил. Б. 212- 213.

УЎК:39(575)

**АРАБ ТАРИХНАВИСЛИГИННИГ ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ, АНЬАНАЛАРИ БИЛАН УЗВИЙ
БОҒЛИҚЛИГИ**
Исмоилов Ш.З., ТДШИ, II курс магистранти

Аннотация. Уибу мақолада араб ва мусулмон халқлари тарихнавислиги халқ ижодиёти, анъаналар ва диний қиссалар билан узвий боғлиқлиги айрим тарихий асарлар маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Тафсир, тарихнавислик, илоҳиёт, Маздакийлар, хадис, нома, халифа, Куръон, сура ва оят, Дашийлар, Турк хоқонлиги, Соснийлар.

Аннотация. В этой статье анализируется история арабских и мусульманских народов, связанных с фольклором, традициями и религиозными повествованиями на основе исторических данных.

Ключевые слова: Тафсир, Историография, Теология, Маздаки, Хадиты, письмо, Халифы, Коран, Суры и Стихи, Дайры, Турецкое ханство, Сосаниды.

Abstract. In this article the historiography of arab and muslim peoples is analysed that connected with folklore, traditions and religious story on the base of information of some historical works.

Key words: the interpretation, historiography, caliph, Quran, chapter and verse, Bedouins, Sassanids, Turkish Khanate, theology, hadeeth, filing

Бизга маълумки VII асрдан бошлаб Марказий ва Кичик Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Арабистон яримороли ва Шимолий Африка минтақаларининг тарихи, маданияти, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти узоқ йиллар давомида бевосита Араб халифалиги давлати билан боғлиқ бўлган. Хаттоқи Араб халифалиги давлатига XIII аср ўрталарида мўғуллар томонидан барҳам берилган бўлсада, то XX аср бошларигача халифалик анъанаси шарқдаги мусулмон давлатларида сақлаб қолинган. Жумладан ўша пайтларда Турк сultonингнинг бутун мусулмон олами халифи деб эълон қилиниши юқоридаги фикримизни тасдиқлаб турибди. Шундай экан биз номлари юқорида саналган худудлардаги халқларининг ҳаётидаги барча соҳаларда қандайдир ўхшашликларни топишимиш қийин эмас. Бундай ўхшашликни биз тарихнавислик соҳасида ҳам учратишимиш мумкин.

Юқоридаги фикрдан биз шуни англашимиз мумкинки, ушбу худудларда яратилган барча тарихий асарларда бир-бирига боғлиқ бўлган мавзулар ва ўхшаш жиҳатларни учратишимиш мумкин. Чунки, Араб тарихшунослиги тўғридан-тўғри фолклор (халқ ижоди) ва адабий анъаналар билан, шунингдек, илоҳиёт Куръон анъаналари билан узвий боғлиқ холатда яратилганини исталган тарихий асарни ўқиб кўриб хулоса қилиш мумкин.

Арабча тарихий асарларнинг мазмуни ислом жамоалари тарихи, бу жамоаларнинг сиёсат ва ақл-идроқда фаол тоифалари вакилларининг ҳаёти, фаолияти билан боғлиқлар.

Куръон матни билан алоқадор қўпгина муаммолар акс этган филологик (адабий), тарихий, диний асарлар тасвирларда акс этган бўлиб, уларда Куръон суралари ва оятлари бирма-бир шархланади. Бундай тафсирларнинг ҳажми ва салмоғи анча каттадир. Бундай китоблар VIII аср гача бармоқ билан санарли бўлган бўлса, 750-1050 йиллар давомида элликка яқин шундай асарлар яратилди. Шулардан ҳам ярмигина бизгача сақланиб қолган. 200 йилдан зиёд вақт давомида ёзилган. Куръон тавсифлари Табарийнинг (838-923) фундаментал «Тафсир» китобида умумлаштирилган. Бу асарнинг нуфузи бизнингча, аввалги кўпчиллик асарларни муомаладан сиқиб чиқарган бўлиши мумкин. Табарий тафсири жуда катта ҳажмда (босма нашрда 30 жилд) эканлигидан қатъи назар, жуда кўп хаттотлар уни кунт билан қайта-қайта кўчириб ёзганлар. Шу туфайли бу асарнинг қўпгина нусхалари бизгача етиб келган [Халидов.А.Б. Рукописная книга в культуре народов востока. Книга I. М. С 260].

Исломгача бўлган даврдан бизгача етиб келган бир қанча фольклор намуналари мавжуд бўлиб, улар ҳам фольклор ҳам тарихий манба сифатида бизга исломгача бўлган давр ҳақида маълумот олишимизга хизмат қиласи. Бундан ташқари Мухаммад пайғамбарнинг (с.а.в.) Маккадан Мадинага ҳижрати давомида унга ҳамроҳлик қилган сафдошлари томонидан яратилган ва кейинчалик тарихчилар томонидан кўчирилган манбалар мавжуд бўлиб, бундай асар “мағозий” деб номланади. Улар нақафат

тариҳий манба сифатида, балки фольклор асар сифатида аҳамиятлидир. Чунки, бундай асарлар дастлаб ҳалқ оғзаки ижоди намунаси сифатида мавжуд бўлиб, пайғамбар сафдошлари ҳижрат давомида юз берган тариҳий воқеаларни сўзлаб бериш давомида ва уларнинг оғиздан оғизга кўчиши жараёнида бир қанча тўқима образ ёки воқеалар қўшилиши табиий ҳол [Chase F.Robinson. Islamic historiography. London.Cambridge.2003. p 18]. Араб тарихнавислиги масаласини таҳлил қилишга ўтишдан аввал ислом динига доир бир масала устида тўхташимиз лозим. Маълумки, Қуръон ва Мұхаммад пайғамбар ҳадислари ҳикматли сўзлари имон рамзи, шариат ислом ҳуқуқшунослиги ва илоҳиёт фанларини ташкил этади. А. Б. Ҳалидов, Шамсаддин Бобоҳон ва Абдусодик Ирисовлар таъкидлашича, имом Исмоил Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Довуд Сижистоний, Аҳмад ан Насавий, ибн Мадж ал-Қазвиний ва бошқа муҳаддислар тўплаган ҳадислар бир ярим миллионга етади. Булардан Абу Довуд, ат-Термизий, ибн Мадж ва ан-Насавийлар тўплаган ҳадислар («Ас-Сунан») ва айниқса Исмоил Бухорийнинг «Жоме-ас-Саҳиҳ» (ёки «Саҳиҳ») номли ҳадислар тўплами Шарқ ҳалқлари орасида машҳур бўлган. Имом Исмоил Бухорийнинг «Саҳиҳ» тўплами мўътабарлиги жиҳатидан «Қуръон» дан кейинги, яъни иккинчи ўринда туради. Гап шундаки, ал-Бухорий жаҳонга танилган, буюк муҳаддис бўлибгина қолмай, ўз замонасининг йирик тарихнавис олими ҳам бўлган. Унинг тарихга оид “Жоме ат-таворих” номли асари З қисмдан иборат бўлиб кичик, ўрга, катта тарих деб номланган [Т.С.Сайдкулов. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. I қисм. Т. “Ўқитувчи”. 1993. 18 б.].

Араб халифалиги тарихига оид асарлар орасида ўзининг қамрови ва аҳамияти билан шубҳасиз Табарийнинг “Тарихи русул вал-мулк” асари туради. Ушбу асар умумий тарихга бағищланган бўлиб, араб ва мусулмон ҳалқлари тарихшунослигига энг мухим манбадир. У дунёнинг яратилиши ҳақидаги афсона, қадимий араблар ва “Библия” китобида келтирилган афсонавий ҳукмдорлар ва пайғамбарлар ҳақидаги ҳикоялардан бошланади. Шундан сўнг, бир қанча афсонавий Эрон сосоний ҳукмдорлари тарихи ва улар ҳақидаги эртак сифат ҳикоялардан сўнг қадимий араблар ва исломнинг вужудга келиши тарихи ёритилган. Бунда ҳам пайғамбар Мухаммад с.а.в. юрушлари ва қилган ишлари ҳикоялар тарзида ёритилган. Пайғамбарнинг ўлимидан кейинги тарихий воқеаларнинг ёритилишида ҳам ғайритабии кучлар ва тарихий шахсларнинг қилган ишлари уйғунлашиб кетгандек таассурот уйғотади. Яна бир аҳамиятли томони пайғабар ўлимидан кейинги воқеалар асарда йилнома қўринишида ёритилади, яъни сиёсий ва тарихий воқеалар ҳижрий йил ҳисобида йилма-йил ёритиб борилган [Е.А.Беляев. Арабы, Ислам и Арабский Халифат в раннее средневековье. М. «Наука». С 128.].

Табарийнинг Турк ҳоқонлиги ҳақидаги ҳикояси қизикарлидир. Ўрта Осиёдан анча олисдаги Олтой ўлкасида жуда катта Турк ҳоқонлиги давлати таркиб топди (551-744 йиллар). Бу давлат ҳудудлари Кореядан то Қора денгиз бўйигача, Ўрта Осиё ва Хитойни ҳам ўз ичига олар эди. Ўша замонда Эрон ва Рум (Византия) энг йирик давлатлар бўлишига қарамай, Турк ҳоқонлиги олдида таъзим қилиб турар эдилар.

Табарий ёзишича, туркларнинг энг кучли, жасур ва қудратли ҳоқони Синнабу Ёбғу бўлиб, унинг қўшини жуда ҳам кўп эди. У жуда кўп лашкари бўлган эфталийлар билан урушиб, уларнинг подшоси Варзуни ўлдирди. У Варзунинг барча қўшинини, уларнинг бойлигини ва мамлакатини қўлга киритди. Эфталийлар юртининг илгари Хусрав I томонидан зabit этилган қисми бундан мустасно эди. Турк ҳоқонлигининг Ўрта Осиёни қўлга киритиш нияти ошкор бўлгач, эфталийлар ўзларининг турклар ва сосонийлар Эронидай икки ўт орасида қолганлигини англадилар. Эрон Хусрав I Ануширвон замонида (531-579) йириклишиб, кучли давлатга айланган ва шунинг учун эфталийларга хирож тўламай қўйган эди.

Ўрта Осиё эфталийларига қарши иккала қўшниси ким олдин ҳужум қилишга шайланиб туришарди. Чамаси, эфталийлар иккала давлатга қарши жанг қилишган. Тарихий исмларга келсак, араб манбаларидаги Синжабу, Рум-Византия манбаларидаги Салзибулга тўғри келади. Тарихий манбаларни синчилаб ўрганган Э. Гавенининг фикрича, турклар эфталийларни 563 ва 587 йиллар орасида тор-мор келтирганлар. Бу воқеани А. А. Мендельштам 563 йилга яқин, Г. Моравчик эса 560 йил атрофида деб ҳисоблайдилар.

Санаси қачонлиги жуда аниқ бўлмаса-да, бу уруш оқибатида, Фирдавсий ёзганидек, «Чочда, Теракда (Чирчикда С. Т.), Самарқанд ва Сўғдда жуда кўп жойлар вайронга бўлиб, бойқушлар маконига айланди. Чаганиён, Бомиён, Хутталон ва Балх аҳолилари бошига кора кунлар келди».

Табарийнинг ёзишича, турклар Эрондан илгари эфталийларга тўлаб турган хирожларини (Туронга) тўлашни талаб этганлар. Эрон Турон муносабатлари қанчалик кескинлашганидан қатъий назар, шундай тарихий вазият вужудга келганки, Ўрта Осиёнинг жанубидаги вилоятлар, хусусан, ҳозирги Ўзбекистоннинг жануби, Тожикистон ва Туркманистон сосонийлар Эрони қўл остида, Ўрта Осиёнинг шимолий вилоятлари эса Турк ҳоқонлиги ихтиёрига ўтиб қолди. Зарафшон водийсида қолган эфталийлар эса туркларга хирож тўлашни давом эттирудилар.

Яна бир мухим муаммо юзасидан Табарий асарининг тарихий аҳамиятини кўрсатмоқчимиз. Бу, Самарқанд ҳокими Турек (Турк, Торак) нинг ҳижрий 100 (милодий 719) йилда Хитой пойтахтига юборган мактубининг мазмунидир. В. В. Бартольд китобида шу хатнинг русча таржимаси келтирилади:

«Биз 35 йилдан бўён даший (даштий) ларга қарши тинимсиз курашиб келамиз. Ҳар йили биз жуда кўп аскар ва суворийларни жанг майдонига чиқарамиз, аммо шу вақтгача император (ҳоқон) ҳазрати олийларининг мадад кучларини олиш бахтига мусассар бўлмадик. Бундан 6 йил муқаддам дашийларнинг энг катта бошлиғи И-ми Кю-ди-бо (амир Қутайба) жуда катта лашкарлари билан етиб келди. Биз жангда душман лашкарларига катта зарар етказдик, аммо бизнинг қўшинимиздан кўпчилик ҳалок бўлди ва яраланди. Дашийларнинг пиёдалари ва суворийлари сон-саноқсиз эди, шу туфайли бизнинг лашкарларимиз уларга бас келолмади. Мен ўз истехкомларимизга қайтдим: сўнг дашийлар бизнинг шахримизни қамал қилдилар. Улар қалъя деворларини бузиш учун 300 та деворбузар курилмаларни олиб келдилар, 3 жойда катта-катта хандақ-зовур қазидилар. Улар бизнинг шахримизни ва мамлакатимизни вайрон қилишмоқчи. Факирингизнинг сиз ҳоқон ҳазрати олийларидан илтимосим шулки, тезроқ Чин лашкарларини бизга ёрдамга юборсангиз. Аммо дашийларга келсақ, уларнинг куч-қудрати фақат юз йилга етади, деган каромат бор. Бу йил ана шу муддат тугамоқда. Агар Чин лашкарлари бу ерга етиб келишса, камина ва унинг қушиналари дашийларни тор-мор келтиришимиз мумкин эди».

Биз Табарий китобида кўп марта тилга олинган Самарқанд ҳокими Турек ҳақида унинг мактубидан қандай маълумотлар олами?

1. Мактубнинг ҳақиқийлиги В. В. Бартолд таъкидлаганидек, унчалик шубҳа уйғотмайди.

2. Мухим тарихий далил шуки, Самарқанд Зарафшон водийсига араб Қутайба даврида 712-719 йилларда эмас, балки ноиб Салим ибн Зиёд вақтида 681-683 йилларда келишган. Қутайбанинг ҳарбий юриши ва Самарқанднинг араблар томонидан истилиши 712 йил кузига тўғри келади.

3. Гўрак мактубида тарихий воқеалар мавҳум ва зиддиятли баён этилса ҳам, унда Қутайбанинг Самарқандни олиши ҳақида рад бўлмаса ҳам, бу мактуб араб манбаларини, жумладан, Табарий асарини танқидий тадқиқ этишга имкон беради. Табарийдан мустақил бўлган араб манбалари (Мадоний, Балазурий, Диноварий) да эса тарихий таҳлил учун деярли ҳеч бир далил йўқ дейиш мумкин [Т.С.Сайдкулов. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. I қисм. Т. “Ўқитувчи”. 1993. 19-22 б.].

Шундай қилиб, турли воқеалар, қиссалар ва хикоялар ўзаро боғлиқ холда умумлаштирилган кенг кўламдаги тарихий асарлар IX асрнинг 2-ярмига тўғри келади. Табарийнинг ушбу асари билан араб тарихшунослигининг илк даври якунланади. Мазкур асар ўз ичига тарихий воқеалар, фольклор, афсоналарни олганлиги билан аҳамиятлиdir.

Албатта, Араб халифалиги тарихшунослиги юқоридаги асар типидаги асарлар билан чекланиб қолмайди, кейинги даврларда айрим минтақа, иқлим, давлатлар, шаҳарлар тарихига оид асарлар вужудга келади. Лекин, уларнинг барчасини яратилиш асоси айнан Табарийнинг “Тарихи русул вал мулк” асарига бориб тақалади.

Юқоридаги барча фикрларни умумлаштирган холда шундай хуносага келиш мумкинки, Араб тарихшунослиги келиб чиқиши ва ғоявий-назарий асосларига кўра, энг аввало фольклор, адабий анъаналар ва илоҳиёт-Куръон комплекси билан боғлиқ. Юқорида айтиб ўтганимиздек, тарихга бағишланган рисолалар ислом жамоасининг сиёсий ва интеллектуал жиҳатдан фаол қисми ифодаланадиган фаолияти тарихи мавзуси билан боғлиқ. Бунга исломгача бўлган Арабистон ривоятлари, қадимги пайғамбарлар, Ўрта Осиё, форс ва бошқа Шарқ подшо ва ҳоқимларининг афсонавий тарихи ҳам қўшилди. Умуман ўрта аср араб мусулмон жамияти учун тарихан ўз-ўзини англашнинг тугалланган шакллари, тарихшунослик анъаналарининг авлоддан-авлодга ўтиши хос эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сайдкулов Т.С. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар (1-қисм) Т. 1993 й.
2. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар Т. «Ўқитувчи» 1994 й.
3. Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т. «Ўқитувчи» 2001 й.
4. Ҳамидов А.Б.Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М.1985
5. Chase F.Robinson. Islamic historiography. London.Cambridge.2003.
6. Е.А.Беляев. Арабы, Ислам и Арабский Халифат в раннее средневековье. М. «Наука».

ХОРАЗМ АЛОҚА ЙЎЛЛАРИ ТАРИХИДАН

Каримов Я.А., УрДУ таянч докторант

Аннотация. Мазкур мақолада Кўйи Амударё ҳудуди қадимги аҳолисининг алоқа йўллари вужудга келиши тарихи ёритилган

Калим сўзлар: Кўйи Амударё, Турон паст текислиги, Ёнбошқалъа, Оқчадарё, мезолит, неолит.

Аннотация. В этой статье освещена история возникновения путей древних народов Нижней Амударьи

Ключевые слова: Нижний Амударья, Туранская низменность, Янбашкала, Акчадарья, мезолит, неолит.

Abstract. The given article is devoted to the history of origin of communication system of ancient people in the area of the Lower Amu Darya

Key words: the Lower Amu Darya, The Turan lowlands, Yanbashkala, Akchadarya Mesolithic, Neolithic.

Кўйи Амударё ҳавзаси Турон паст текислигининг шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий ҳудудини ташкил қилиб, ўзига хос иқлим шароит ва географик жойлашиши жиҳатидан қўшни тарихий-маданий минтақалардан ажралиб туриши билан изохланади. А.С.Кесь Хоразм воҳаси ва унга геологик жиҳатдан уланиб кетган Сариқамишбўйи, Узбой, Сирдарёнинг кўйи ва ўрта қисмини қамраб олган бепоён ҳудудда кенг камровли тарзда олиб борган геологик тадқиқотлари натижаларидан маълумки, ер геологиясининг тўртламчи давр мобайнида Узбой, Сариқамиш, Кўйи Амударё ҳавзалари вужудга келган [1]. Хоразм экспедицияси ходимларининг Кўйи Амударё, Сариқамиш ва Узбой ҳудудларида олиб борган археологик изланишлари натижаларига бағишланган нашрлари мазмунини ҳосил қилган тарихий маълумотлар ҳамда Қорақалпогистон археолог олимларининг Кўйи Амударё ҳавзасидаги археологик изланишлар натижалари аждодларимизнинг алоқа йўлларини ихтиро қилиши ва унинг шаклланиш тарихини ёритиши имконини беради.

Тадқиқотчилар нашрларида ўрин олган тарихий маълумотларга кўра, Кўйи Амударё ҳавзасида жойлашган Султон Увайс тоги этакларида овчилик билан шуғулланган ибтидоий одамлар илк бор иқтисодий мазмунга эга бўлган алоқа йўлларига асос солганлар.

Аждодларимизнинг алоқа йўллари тарихий илдизларини кўйидаги тарихий даврларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ 1-тарихий давр сўнгти тош даври - V минг йиллик охири.

Тарихий маълумотларга кўра, мил. аввалги 40-12 минг йиллар аввал Устюртнинг жанубий-шарқий ҳудудида турмуш тарзини олиб борган овчиларининг янги авлодлари янги табиий-иқтисодий маконларни излаб топиш учун Султон Увайс тоги этакларига келиб жойлашганлар. Шу тариқа, Устюрт Жанубий-Шарқий сўл соҳилдаги ўнг соҳил Султон Увайс тоги оралигини ўзаро боғлаган йўлга асос солинган [2].

Устюрт Жанубий-Шарқий ҳудудида турмуш тарзини олиб борган мезолит даври уруг жамоаларининг янги авлодлари мил.авв-ги IV- минг йилликда озиқ-овқат муаммоси вужудга келганлиги боис, аждодлари ватанини абадий ташлаб табиий-иқтисодий манбали ҳудуд бўлган Туямўйин ҳудудидаги Капарас воҳасига келиб жойлашиши натижасида Устюрт платаси Жанубий-Шарқий ва Туямўйин ҳудуди оралигини қамраб олган йўл вужудга келган [3].

Иккинчи тарихий давр мил.авв-ги IV-III минг йилликлар охири.

Мазкур тарихий даврда Султон Увайс тоги жануби-шарқий этакларида овчилик билан шуғулланган уруг жамоаларининг кейинги авлодлари Амударё сув сатҳи кўтарилиши натижасида ўнг соҳилда Қизилкум томон ажралиб чиқкан Оқчадарё ирмоғи динамикаси муносабати билан Ёнбошқалъа тепалиги атрофларидағи қумтепаликлар оралиғидаги йўлакларида вужудга келган сув ҳавзалари соҳили этакларига туташиб кетган ҳудуд ён кирига келиб, ёғоч-устунли ярим ертўла турар-жойларни куриб, ота-боболари хўжалик анъаналарини давом эттирганлар [4]. Шу тариқа, Султон Увайс тоги Ёнбошқалъа баландлигини боғлайдиган йўл вужудга келган.

Ёнбошқалъа баландлигига келиб жойлашган илк уруг жамоалари, Оқчадарё ирмоғи сув сатҳининг гоҳ кўтарилиши ва гоҳ пасайиб кетиши муносабати билан улар иқтисодий макон бўлган азалий сув ҳавзаларини ташлаб, янги вужудга келган антропоген ландшафтли сув ҳавзалари томон кўчиши натижасида узунлиги қисқа йўллар ташкил қилинган.

А.В.Виноградов тадқиқотлари натижаларига кўра, мил.авв-ги III минг йиллик иккинчи ярми биринчи чорагида калтамиорликларнинг янги авлодлари аҳоли зичлиги ва озиқ-овқат муаммоси вужудга келганлиги боис, Сариқамишбўйи, Узбой ва Жанубий-Ғарбий Қозогистон, Уралбўйилари томон миграцияси бўлган [5,6,7]. Шу билан бирга Орол денгизи жанубий, шимолий-шарқий ҳудудлари Сариқамишбўйи, Узбой ва Шимолий Оқчадарё уруг- жамоалари ўртасида географик йўлларига асос солинган. Кенгликни қамраб олган алоқа йўли ҳосил бўлган.

Учинчи тарихий давр мил.авв-ги III минг йил ўрталари II минг йилликларда мавжуд бўлган алоқа йўллари фаолияти давом этган. Тарихий маълумотларга кўра, мил.авв-ги II минг йил ўрталарида

Қозогистоннинг шимолий-шарқий томонида ярим ўтроқ кўчманчи Андроново қабилаларининг Жанубий Оқчадарёга кўчиб келиши муносабати билан Хоразм билан боғланган алоқа йўли вужудга келган [8]. Таъкидлаш лозим бўладики, Волгабўйи, Жанубий-Фарбий Сибир қабилаларининг Қозогистон чўллари орқали Оқчадарё ҳавзаси жанубига кўчиб келиши аҳоли зичлигини ҳосил қилган.

Мил.авв-ги II минг йилликка келганда Сариқамишбўйи, Узбой худудларига Амударёнинг Довдон ирмоғи суви кескин камайиши натижасида қабилалар Оқчадарё ҳавзаси томон кўчиб алоқа йўлини ҳосил қилганлар [9]. Б.И. Вайнбергнинг Сариқамишбўйи ва Узбой худудларида бронза даври қабилаларининг Жанубий Оқчадарёга кўчиши ҳақидаги фикрини тадқиқотчи Қ.Собиров қўллаб-куvvatlagan [10]. Шу тариқа, Неолит даври охирида калтаминонлик томонидан ташкил қилинган йўл сариқамишлик ва узбойликларнинг Оқчадарё ҳавзасига қайтадан кўчиши учун хизмат қилган.

Шу тариқа, юқорида келтирилган фикр-мулохазалардан қуйидаги якуний хulosани қайд қилиш мумкин:

-Султон Увайс тоги этакларида касби-корини овчилик қилиб олган одамларда вужудга келган озиқ-овқат танқислиги ва аҳоли сони микдори ошганлиги сабабли янги табиий-иқтисодий маконларни излаб топиш зарурияти вужудга келган.

Шу тариқа, Хоразмда Султон Увайс тоги этакларидаги овчиларнинг янги авлодлари яшаб тургандан Жанубий-Шарқий томон кўчиб келиб, жойлашганлар. Шу тариқа Хоразмлик овчилар илк бор иқтисодий мазмунуга эга бўлган қуруқлик йўлига асос солган. Мил.авв-ги IV минг йиллик ўрталари ва III минг йиллик охирларига келиб Жанубий Оқчадарё, Туямўйин Капарас воҳаси ҳамда Сариқамиш, Узбой худудларини боғлаган қуруқлик йўли ташкил этилган. Амударёнинг ўнг ва сўл сарҳадларини боғлайдиган қуруқлик йўли Туямўйин орқали амалга оширилганлиги эҳтимолдан йироқ эмас.

Мил.авв-ги II минг йилликларга келганда Шимолий Оқчадарё, Сариқамишбўйи, Узбой худудларидаги мавжуд бўлган йўл алоқа вазифасини мавсумий тўхтатган. Бунга сабаб Орол денгизи жанубига Оқчадарё ирмоғи ҳамда Сирдарёнинг Жонадарё ирмоғи сувларининг камдан-кам келганлиги боис, ҳаёт тарзини олиб борган қабилаларининг янги авлодлари ота-боболари асос солган йўл орқали қадимий ватанига қайтиб борганлар. Неолит, энеолит ва бронза даври аждодларимизнинг алоқа йўлларини ташкил қилиш борасидаги тажрибаси кейинги тарихий даврда хўжалик соҳаларини олиб борган қабилаларнинг йўлларни очиш баробарида назарий ва амалий манба бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Устюрт худуди ва Хоразмда сўнгти тош, мезолит даврига Султон Увайс тоги этакларида аҳоли зич жойлашган, улар ўртасида ўзаро маҳсулот турларини айирбошлаш кундалик турмушига айланган.

Неолит даврига келганда Устюрт худудидаги овчилар билан Ёнбошқалъа баландлиги ва Туямўйин худудидининг Капарас воҳасидаги овчилар ўртасида маҳсулот айирбошлаш кечган. Бу эса ўз навбатида илк алоқа йўлларининг янги тармоқларига, нисбатан узок худудларни боғлайдиган йўлларнинг шаклланишига олиб келган. Албатта илк алоқа йўлларнинг асос солиниши ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқ бўлади. Бунда биринчи навбатда худуднинг табиий иқтисодий манбага эга бўлиши, аҳоли миграцияси, флора ва фаунадаги тафовутлар сабабли озиқ-овқат ва хом ашё заҳираларини ўзаро алмаштириш ва ҳ.к., алоқа йўлларининг вужудга келишининг энг муҳим омили аҳолининг бир жойдан иккинчи табиий-иқтисодий манбали маконларга кўчишидир.

Устюрт платаси ва Қўйи Амударё ҳавзасида овчилик касби-корини белгилаб олган аждодларимиз меҳнат қуроллари оддий тош қуроллари шароитида, ибтидоий хўжалик шароитида олиб борилган алоқа йўллари- Амударё сув сатҳининг гоҳ кўтарилиши гоҳ пасайиши, доимий ва аниқ йўналишга эга бўлмаганлиги, уларнинг йўллари географик шароит, табиий-иқтисодий манба мавжудлиги билан боғлиқлиги сабабли доимо ўзгариб турган. Бу эса энеолит, бронза, архаик ва антик даврда аждодларимизнинг алоқа йўлларини ташкил қилиш борасидаги фаолиятини ҳамда ташқи дунё аҳолиси билан ўзаро алоқаларини алоҳида таҳлил қилишни тақозо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кесь А.С. Антропогенное воздействие на формирование аллювиально-дельтовых равнин Амударьи/Культура и искусство древнего Хорезма. М. «Наука» 1981, с.73.
2. Виноградова Е.А. Первые палеолитические находки Султануиздага//Приаралье в древности и средневековье. М. ИВА Ран Наука, 1978.
3. Древности Южного Хорезма. М. «Наука». 1991.
4. Толстов С.П. Древний Хорезм. М. Наука, 1948.
5. Виноградов А.В. О распространении наконечников стрел Келтеминарского типа//Этнография и археология Средней Азии. М. «Наука» 1979.
6. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья (II-начало I тыс-я до.н.э. /М.ТА.Х.1977.
7. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. М «Наука» 1981.

8. Собиров К, Абдиримов Р, Абдиримов Б. Хоразм воҳасида ибтидоий маданият ва сугорма дехкончиликнинг келиб чиқиши. Урганч. 2006.
9. Вайнберг Б.И.Экология Приаралья в древности и средневековье// Этнографическое обозрение. М. «Наука», № 1, 1997.
10. Собиров К. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. Т. Фан, 2009.

УДК: 930.85

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ –ЎРТА АСР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ДАҲОСИ

**Ш.Қ.Нуруллаева, УрДУ доценти,
С.Б. Алланазаров, УрДУ Тарих факультети талабаси**

Аннотация: Мазкур мақолада ўрта асрларда яшаб ижод қилган ва Шарқда X-XII асрларда илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўйиган буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг баракали илмий фаолияти ва қомусий олим ёзib қолдирган асарларнинг бугунги кундаги тутған ўрни таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Абу Райҳон Беруний, Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар, аллома, қомусий олим, ўрта аср.

Аннотация: В этой статье анализируется научная деятельность и роль трудов великого ученого Абу Райхона Беруни, который жил и трудился в средневековье и внесший большой вклад в развитие наук Востока в X-XII веках.

Ключевые слова: Абу Райҳон Беруний, “Памятники оставленные древними народами”, ученый, ученый энциклопедист, средневековье.

Abstract. The article analyzes scientific activities and the role of the works of great scientist Abu Rayhan Beruniy, who lived and worked in medieval times and made valuable contribution to the development of Eastern science in 10-12th centuries.

Key words: Abu Rayhan Beruniy, Chronology of ancient nations, scientist, great scientist, medieval times.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов “Заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий қашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга solaётганини фурур билан таъкидлаш лозим” [1] деган эди. Дарҳақиқат ўрта асрларда яшаб ижод қилган алломаларимизнинг илмий фаолияти ҳақида сўз борар экан, IX-XII асрларда Ўрта Осиёда вужудга келган илмий тараққиёт кейинчалик Европа илм-фани равнақига ўзининг ҳар томонлама ижобий таъсирини кўрсатганини алоҳида қайд қилиш лозим. VIII асрда Ўрта Осиёни босиб олган Араб халифалиги ўз ҳукмронлигини ўрнатиш билан бир қаторда махаллий аҳолининг асрлар оша келаётган қадриятларини йўқ қилиб, араб маданиятини олиб киришга уринди. Бунда ислом дини ва давлат тили ҳисобланган араб тилини жорий қилиш ва уни нафақат давлат, балки фан тили сифатида ҳам нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Ислом динини қабул қилиб мусулмон бўлган аҳоли муқаддас Куръон оятларини ўқиш ва шариат одоб қоидаларини билан танишиш мақсадида араб тилини ўрганишга киришди. Махаллий ҳалқ задогонлари араб халифалиги маъмурияти билан яқинлашиш ва шу асосда ўзларининг сиёсий нуфузларини сақлаб қолиш учун араб тилини қабул қилдилар. Араб тили фан ва давлат тилига айланди. Шу тариқа халифалик Ўрта Осиёда ҳукмронлигини ўрнатди. Аммо эркесвар ҳалқимиз халифалик жабр-зулмига қарши доимий кураш олиб борди ва натижада минтақада халифалик ҳукмронлиги заифлашиб, махаллий сулолалар бошқарувни ўз қўлларига ола бошладилар. Бу сулолалар даврида минтақа ҳар тамонлама ривожланди. Қишлоқ ҳўжалиги, иқтисодиёт билан бир қаторда илм-фан ҳам юксалди. Ўз мавқеи ва тутған ўрни жиҳатидан ҳалқаро майдонда катта эътибор ва нуфузга эга бўлган Ўрта Осиёдаги сомонийлар, қораҳонийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар давлатлари Аҳмад Наср, Исмоил Самоний, Алптакин, Тўғрулбек, Султон Санжар, Ўғиз, Такаш сингари давлат арбблари даврида ҳар томонлама ривожланиб, маданий тараққиётда юксак муваффакиятларга эришдилар. Чунки бу ҳукмдорлар даврида давлат ҳокимияти мустаҳкамланди. Натижада моддий ишлаб чиқариш ривож топди, хунармандчилик ва савдо тараққий этди, маданият гуркираб ўди. Бу даврда «Буюк ипак йўли»нинг ўрни ва аҳамияти ошди, хунармандчилик ва савдо-сотиклар ривож топган обод ва кўркам шаҳарлар вужудга келди [2].

IX-XII асрларда илм-фан маркази сифатида Хоразм майдонга чиқади. Урганчда ташкил қилинган “Дор ул-хикма” (Донишмандлар уйи) бу илмий фаолиятнинг асосий ўчоги сифатида эътироф қилинади. Бу илм даргоҳида кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб бордилар ва минтақанинг обрў-эътиборини ҳар томонлама ривож топишига улкан ҳисса қўшдилар. Шу ўринда Санкт Петербурглик проф. Г.Г.Леммлейн Хоразмда илм-фан тараққиёти хусусида ёзган куйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Бу даврда Европада табиат фанлари мутлақ йўқ даражада бўлган даврда Ўрта Осиё вилоятларида ва биринчи навбатда Хоразмда илмий тафаккур юксак чўққиларга кўтарилди ва антик фаннинг юқори анъаналарини саклаган ҳолда тараққий этди. Амалиётдаги турли-туман зарурат туфайли “араб фани” деб аталмиш илмнинг шуҳратини яратган экспериментал фаннинг турли соҳалари ҳам шу заминда шаклланди ва ривож топди” [3].

Ана шундай даврнинг илм-фан оламида Хоразм диёрида туғилган Абу Райхон Беруний алоҳида ўрин эгаллади. Улуғ комусий алломанинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз қашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан ортиқ илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўллэзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради [4]. Абу Райхон Беруний фаолиятини ўрганиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, бу алломанинг илмий меросини бир соҳа доирасида ўрганишнинг иложи йўқ. Чунки бу инсон география, астрономия, тарих, геология, фармакология, кимё, ботаника, минералогия ва бошқа соҳаларда бирдек баракали ижод қилган. Шу ўринда уни ўрта асрларнинг бебаҳо қомусий олими,- десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. У милодий 973-йилда, ҳижрий йил хисоби билан 362-йил Хоразмнинг ўша пайтлардаги маркази Кат шаҳрида таваллуд топган. Ёшлиқ вақтлари ўз она диёрида яшаб, шу ерда бошланғич билимларни эгаллади. Ўрта Осиёнинг буюк олимларидан бири Абдулкарим ас-Самоний ўзининг “Китоб ал-ансоб” (Насаблар китоби) асарида “Беруний деган нисба Хоразмнинг ташқари қисмига оидdir. Ким шаҳардан ташқарида туғилса “фalonчи беруний” дейдилар. Абу Райхон Беруний ҳам шундай нисба билан машҳур” деб ёзди [5]. Беруний олий насаб оиласнинг фарзанди бўлмаган. Ёшлигидан отадан эрта етим қолган бўлсада, турмуш қийинчилкларига қарамасдан илм олишга бор куч-гайрати билан киришди. Унинг куняси “Абу Райхон” (“райхоннинг отаси” ёки “райхонли киши”) ҳақида И.Ю.Крачковский бу атоқли от маъносини англатиши эҳтимолдан йироқ, бироқ “райхонли киши” деган лақабни англатган бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Балки бу куня унга табиатни севгани учун, ёки бўлмаса мажозий маънода райхоннинг нағис ифори кенг жойларга таралиб тургани учун Берунийнинг номи ҳам бутун дунёга ёйилганлиги сабабли қўлланилган бўлиши мумкин. Беруний ўз она тилидан ташқари суғд, форс, юон ва яхудий тилларини мукаммал даражада ўзлаштирган. Ҳиндистонга саёҳати давомида ҳаттоқи, санскрит (қадимги хинд ёзуви)ни ҳам ўрганганди. У қайси масала устидан изланиш олиб бормасин, ўзидан олдинги олимларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқсан. Кейинчалик уларни тажриба орқали синааб кўрган ва шундан кейингина уни қабул қилган. Ал-Беруний башарият яратилиши хусусида ҳам изланишлар олиб боради. Бу борадаги қадимги ҳалқларнинг фикрларини келтириб, улар асосан турли уйдирмалар ва афсоналарга асосланишини таъкидлаб ўтади. Сўзимизнинг исботи сифатида Берунийнинг “Қадимги ҳалқлардан колган ёдгорликлар” асаридағи қўйидаги фикрларини келтириб ўтамиз:“Уларнинг сўзларини ўз ҳолика қабул этмай, бу сўзларнинг тўғрилигини ишончли бир китоб ёки қўпчилик фикри асосида бизни ишонтира оладиган бирон хабар исбот этса, шундагина қабул этамиз” [6]. Беруний машҳур олим Абу Мансур ибн Ироқ кўлида таълим олди. Ибн Ироқ астрономия, геометрия, математикага оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Берунийга бағишилайди. Ўз илмий асарларидан бирида ёзишича, у Хоразмда яшаган даврида, 990 йиллардан бошлаб Кат шаҳрида мухим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган. Бунинг натижасида Жайхуннинг чап кирғоғида Хоразм шаҳридан жанубда қандайдир бир кишлоқ учун энг узоқ ва энг юқори эклиптика нуқтасини ва азимутсиз эклиптикани аниқлашга мусаббар бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, Беруний асарларини салмоғи катта. Қўпчилик олимлар унинг асарлар сонини 150 дан ортиқ деб ҳисоблашсада, бу аниқ факт эмас. 27 ёшидаётк “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар” сингари беназир китобни ёзиб тутгатган олимнинг умри давомида кўрган ва изланганларини оқ қоғозга қоралаганларининг саноғи бундан ҳам кўпроқ бўлгани, ҳали китоб холатига келтирилмаган юзлаб қўллэзмалар мавжуд бўлганини тахмин қилиш мумкин. Унинг бизгача этиб келган асарларидан “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Қонуни Маъсудий” ва бошқа асарланини мисол келтириш мумкин. Шарқшуносларнинг энг сўнгти маълумотларига кўра, Беруний асарлари қўйидагича тақсимланади: Астрономияга оид асари—70 та; математикага оид -20 та; география – геодезияга оид-12 та; картографияга оид-4 та; иқлим ва об-ҳавога оид-3 та; минералогияга оид-3 та; фалсафага оид - 4 та; физикага оид-1 та; доришуносликка оид-2 та; тарих, этнографияга оид-15 та; адабиётга оид асари 28 тадир [7].

Берунийга катта шуҳрат келтирган асари “Осор ал-бокия”(Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар) ҳисобланади. Ушбу асар Берунийни фаннинг ҳамма соҳасига қизиқувчи буюк олим эканини кўрсатди. “Бу китобда мен мўлжаллаган мақсад энг тўғри ва энг равшан йўл билан турли тарихлар муддатини аниқлашдир” деб ёзди Беруний ўз асари ҳақида. Асарда вақт тушунчасига алоҳида эътибор қаратилиб, турли ҳалқларнинг бу борадаги қарашлари баён қилинади. Шунинг учун ҳам ушбу асарни хронология фани бўйича мухим манбалардан бири сифатида эътироф қилиш мумкин. Шу сабабли хронология фани шарқда “осор ал-Бокия” номи билан маълум деган хulosалар ҳам олимлар томонидан эътироф қилинади. Бундан ташқари Беруний асарда Пайғамбарлар тарихи, соҳта пайғамбарлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Шунингдек, Беруний ушбу асарида мусулмонлар орасидан биринчи бўлиб қадимги яхудийлар календари хусусида қимматли маълумотларни келтириб ўтган.

Ўтган давр мобайнида Абу Райхон Беруний фаолиятини ўрганишда катта ишлар амалга оширилди. Бу борада А.А.Семеновнинг “Ал-Бируни – величайший ученый средневекового Востока и Запада”, С.П.Толстовнинг “Бируни и его время», П.Г.Булгаковнинг “Жизнь и труды Бируни”, X.

У.Садиковнинг “Бируни и его работы” каби асарларини келтириш мумкин. Беруний ҳаёти ва ижодини ўрганишда чет эл олимларидан К.Е.Захау, Р.Райт, М.Майерхоф, М.Фарук, А.З.Тўғон каби олимларнинг ҳам хиссаси катта. Мамлакатимиз мустақиллика эришгандан сўнг Беруний фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Олимларимиздан У.Уватов, Н.Комилов, Ҳ.Ҳасанов каби бир қатор олимлар мустақил тадқиқотлар олиб бориши.

2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқандда ўтказилган “Ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция ўрта аср алломаларининг ижодий фаолиятини ўрганиш ва илмий тадқиқотлар олиб боришида муҳим аҳамиятига эга бўлди. Унда мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлаб, ўрта аср шарқ алломаларининг илмий меросини ўрганишнинг замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди. “Бугун ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкин ва мен алоҳида қайд этмоқчиман, ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк қашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур катламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда” деди биринчи Президентимиз. Хусусан, Ислом Каримов ўз нутқида Абу Райхон Беруний ҳақида тўхталиб, унинг биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан олиб борган изланишларини алоҳида эътироф килади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Абу Райхон Беруний босиб ўтган баракали ижод йиллари бугунги авлод учун ҳақиқий ибрат намунасиdir. Нега деганда бу қомусий олимнинг ҳаёт йўли ва илмий изланишлари натижасида қўлга киритган билимлари, ёзиг қолдирган асарлари бугун барчамизга ҳақиқий ғурур ва ғайрат бахш қиласи. Абу Райхон Беруний ҳаётини ўрганиш жараёнида “Бешикдан қабргача илм ўрган” деган ҳадиснинг тўлиқ исботини кўриш мумкин. Шу ўринда Беруний ҳаётидан олингган ҳикояни келтириб ўтмоқчиман. Олим оғир бетоб бўлиб ўлим тўшагида ётар экан уни кўришга келган дўстидан бир саволнинг жавобини сўрайди. Шунда олим дўсти унинг бу ишидан ҳайратланиб, ундан савол-жавобнинг вақти эмаслини айтганида, Беруний шу саволнинг жавобини билмасдан жон таслим килгандан кўра, бу савол ечимини билиб дунёдан ўтганим афзал,- деб жавоб қайтаради [8].

Абу Райхон Берунийнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, у яшаган давр нуктаи назаридан қарасак, оғир, қирғинбарот уруш йиллари бўлишига қарамасдан у ҳар қандай вазиятда ҳам изланишдан тўхтамади. 1017 йилда Маҳмуд Фазнавий томонидан Хоразм диёри босиб олинганидан кейин Беруний ҳам бошқа кўпгина олимлар сингари Фазнага олиб кетилди. Фазнавийлар томонидан Абу Райхон Берунийга нисбатан қилинган адолосизликларга қарамасдан у сабот ва ирода билан изланишларини давом эттируди. Бу қомусий олимнинг ана шу қатъияти бугунги ёш авлод учун ҳаёт мактабидан сабок беради. Ўтмиш аждодларимизнинг порлоқ ҳотираси келажакда қалб йўлимизни нурафшон этиб янги мэрралар сари ундаиди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч-Тошкент: Маънавият, 2009 йил. –Б.-41
2. Шамсиддинов Р. Каримов Ш.-Ватан тарихи:-Тошкент, 2010.–508 б.
3. Веселовский И.Н, Рожанская М.И. Кой-Крылган-кала-памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н. э. -IV в.н.э. М., 1967.
4. Каримов.И.А. “Ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 16 май 2014 й.
5. The Kitab al-Ansab of Abd al-Karim ibn Muhammad al-Sam`aniy reprodused in Facsimile Leden-London, 1912,- Р.- 98
6. Беруний А.Р. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар.-Тошкент: Фан нашриёти, 1968 йил.-485 б.
7. Ҳасанов Ҳ. Сайёх олимлар.-Тошкент. Ўзбекистон. 2012.
8. Ирисов А, Носиров А, Низомиддинов И.-Ўрта Осиёлик кирқ олим:-Тошкент, 1961.-100 б.

UDC: 39(575.1)009

МОЗИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИДА АЁЛ ЗОТИ ИЛОҲАЛАРИ (ХОРАЗМ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Рахманова Ю.М., т.ф.н., Урганч Давлат университети докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада Хоразм воҳаси ҳудудида амал қилган мозий эътиқодларида аёл илоҳаларнинг мавқеи, тутган ўрни, аёл маъбудалар билан боғлиқ маросимлар ва одатлар ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Аёл маъбуда, Анахита, одатлар, маросим ва афсоналар, ҳур қизлар, қадимги ибодатхоналар, аёл тасвири, “Хоразмлик мадонналар”.

Аннотация. В данной статье освещены позиции, место женщины, обряды, связанные с богинями и обычаяи в прошлых убеждениях на территории Хорезмского оазиса.

Ключевые слова: Богиня, Анахита, обычай, обряды и легенды, гурии, древние храмы, кормилица, изображение женщины, «Хорезмские мадонны».

Abstract. This article outlines the role and place of women in ancient beliefs that was in the usage within Khorezm oasis, and the ceremonies and customs associated with female goddess.

Key words: Female goddess, Anahita, customs, ceremonies and legends, pure girls, ancient temples, depiction of woman, "Madonnas of Khorezm".

Марказий Осиёда аёл маъбудалар ҳақидаги маълумотлар қадимий диний эътиқодлар билан боғланади. Хусусан, зардустийлик динининг муқаддас китоби Авестонинг Яшт [1] қисмидан ҳосилдорлик маъбудаси Анахитага бағишлиган “Ардвисура Анахита қасидаси” ўрин олган. Кўпчилик гарб олимлари Авестодаги “Урва” шахристонини Урганч, Айръяном Вэджони Хоразм, машҳур Ворукаш денгизини Орол денгизи дея таърифлайдилар, мазкур фикрларга таянсак Анахитага бағишлиган Авестонинг энг муҳим мадҳлари Хоразм билан боғлиқ бўлиб чиқади [2]. Аслида Анахита маҳаллий илоҳа бўлиб, зардустийлик динига қадар ҳам у ҳақдаги тасаввурлар мавжуд бўлган. Ҳосилдорлик, она-илоҳа сифатида эъзозланган “Анахита” исми “покиза”, “илоҳий софлик” маъноларини англатган. Анахита манбаларда хукмронлик ато этувчи, ароба шаклидаги саккиз қисмли юзларча қимматбаҳо тошлар билан безатилган тож кийган, тўрт киррали, олтин суви юргизилган шодали, тилла шокилали илоҳа сифатида ёритилган [3].

Анахита ҳайкалчалири Амударё қирғондаги Бозорқалъя, Коракумдаги Кофирыалъя, Аёзқалъя, Бургутқалъя ва Жонбосқалъя ҳамда Сўғднинг Афросиёб ва Талли Барзу шахристонларидан топилган. Маъбуда узун кўйлак, елкасига катта рўмол ташлаган, қўлида анор ёки бошқа ашёлар ушлаган улуғвор, гўзал аёл сиймосида тасвиirlанган [4].

Эрамиздан аввалги IV асрга мансуб “шарфли илоҳа” ҳайкалчалири Хоразмдаги Қўйқирилган қалъя (эрамиздан олдинги V аср)дан топилган бўлиб, илоҳа* елкаси оша оқиб тушаётган тўлқинлар сув оқими тимсолини, кўйлагида акс этган ромб шакллари шарқ эътиқодларига кўра балиқ рамзини билдирган [5]. Тўлқин спираль шакли ҳам Анахитага хос тасвиirlардан бўлиб, унинг сув хомийси сифатида қадрланганлигини билдиради [6].

Авестода маълумот келтирилган яна бир илоҳа Амурдод бўлиб, унинг тасвири оссуарийларда кўплаб учрайди. Тадқиқотчи Ф. Гренэ мулоҳазаларига кўра ўсимлик оламининг ўлиб-тирилувчи “ҳамиша тирик ҳалоскори” ҳисобланган маъбуда Амурдод “Урвара” деб аталган илк ўсимликдан барча ўсимлик турларини ниш урдириш мақсадида фойдаланган. Диний маросим ўтказиш пайтида анор дараҳтининг шоҳлари “урвара” сифатида ишлатилган [7]. Анахитага қурбонлик маросимларида сутли хаома ичимлиги эҳсон қилинган ва бу шарбат ибодат сўнгидан сувлар кўпайиши учун қудуққа тўкилган. Авестода ушбу муқаддас ичимликни номи илоҳ исмидан келиб чиққанлиги қайд этилади. Хаома ўзга илоҳларга ният қилиб, тилак сўраганлиги Авестода қуидагича баён этилади:

Шифобаҳш, кўркам, гўзал
Олти кўзли Хаома,
Шунда тилак сўради.

Ўз навбатида одамлар, девлар ва Ахриман юборувчи гуноҳлардан сақлашни сўраб, Хаома илоҳига илтижо қилгандар.

Амударёда сузувчи ёғоч кемалар ва қайиқларнинг олд қисмига Анахитанинг ҳайкали фалокатлардан паноҳ сифатида ўйиб ишланган. Хоразмга ислом дини киритилгандан кейин кема ва қайиқлардаги Анахита ҳайкалининг бош қисми чопиб ташланади. Аммо ўйиб ишланган ҳайкалдаги икки шокила сақланиб қолади. Сиёсий вазиятлар ва диний таълимотларнинг ўрин алмашинуви натижасида Ўрта Осиёда зардустийликнинг бош илоҳаси Анахитанинг вазифалари унинг меросхўри сифатида Анбар онага ўтади. Анбар она ислом динининг тарқалишига муҳим хисса кўшган Ҳаким отанинг рафиқаси бўлиб, олимлар Анахитага мансуб сифатларнинг, ҳомийлик соҳаларининг унга ўтишини замона зайлига мослашиш деб ҳисоблайдилар. Анбар онанинг ўғли дарё тубида яшовчи Эр Хубби Амударё сувларининг хўжайини бўлган. Афсоналарга кўра Султон Хубби гўёки тирик қайтар эмиш [8].

Анбар она бир вақтнинг ўзида Эр Хуббининг волидаси ҳамда самовий сувлар илоҳаси сифатида мужассамлашади. Хоразм афсоналарига кўра Анбар она сув илоҳаси даражаси билан эъзозланиб, одамлар ёмғир чақириш маросимида унга ёрдам сўраб мурожаат этганлар. Анбар она аёллар, оналик ва ҳаёт, шу жумладан ўсимликлар ҳамда туғилиш ҳомийси бўлган. Фарзанд кўролмаган аёллар кема бошига ўтиб, Анбар она сиймосига қарата ниятлар қилгандар. Хоразмда Анбар она сиймоси билан боғланадиган одатлар, маросим ва афсоналар мавжуд бўлиб, улардан бирига кўра у ўғли Хуббини қидириб юрганида кийикни согади. Шундан кейин бу маскан Кийик соғган деб аталади ва муқаддас қадамжога айланади. Қадамжо олдида бир қўлида тарози ушлаган шайх ўтиради. Тарозининг тош қўйилган палласи пастга қараган бўлиб, зиёратчига бу сенинг гуноҳларинг дея тушунтиради. Зиёратчи бошқа паллага тош қўйиб, тарозини ағдаради, яъни яхши ишларим устун келади дейди ва эвазига шайхга ҳадя беради. Мазкур одатда зардустийлик таълимотидаги Чинвот кўпригида тарози ушлаган ҳакам тўғрисидаги тушунчалар сақланиб қолган.

Хонқа туманида Гуллибиби (Гуллар бекаси) қадамжоси мавжуд бўлиб, унинг мозоротида аёл шайхлар ўтирган. Мозоротда аёллар томонидан зиёрат маросимлари ўтказилган ва жаҳрларни ҳам

аёллар бошқарган. Бу ерда турмуш құрмасликка ахд қылған хур қызлар хизмат қилғанлар [9]. Ушбу мозоротнинг шайхи ҳозир ҳам аёл кишидир.

Хоразмда ўзини олий илоҳга хизмат этишга бағишилаган хур қызлар билан боғланадиган қадамжолар кўплаб учрайди. Анахитага ҳамроҳлик ва хизмат қилувчи жанговар қызлар сиймоси Қирқ қиз ва уларнинг Ватанни ҳимоя қилиши тўғрисидаги мавзу Марказий Осиёдаги кўплаб афсоналар билан ҳам боғланади. Анахитанинг қадимги ибодатхоналарида ҳам қызлар яшагани маълумлигини ҳисобга олсанк ушбу ишонч Анбар она орқали Анахитага бориб тақалади.

Қорақалпогистон Республикаси Беруний шахри ёнида гўзал чавандоз қиёфасида тасаввур этилган Кулли момо қабри бўлиб, ўтмишда унинг атрофида 20 ёшга тўлмаган ёш одамларни дағн қилғанлар.

Тупроққалъада “Рақс тушаётган никоблар” залига 2000 йил олдин чизилган деворий суратлар қадимий диний эътиқод маросимларини ёритиб бериши билан муҳим аҳамият касб этади. Ибодатхонанинг жанубий қисми ўлиб-тирилувчи табиат ёки ўтганларнинг рухини хотирлаш мажмуаси, айrim шоҳларнинг мотам маросимлари жойи бўлган ва бу хоналарда сўнмас муқаддас олов сақланган бўлиши мумкин [10]. Бу ердаги тасвиirlарда аюҳаннос солиб йиғлаётган аёллар, дағн маросимларида ишлатиладиган мусиқа асблори акс этган. Хоналардан бирининг марказида Хоразмга хос тобут расми ҳамда чап қўлидан ип ўтказган ва ўнг қўлида урчуқ ушлаган йигириувчи аёл тасвиirlанган. Бу маъбуда нариги дунё тақдир илоҳаси бўлиши мумкин. Чунки тўқимачилик сўриси қадимдан ўлкамиз мадғанларига тақдир илоҳасига тортиқ сифатида қўйилган.

Қадимдан барча халқлар тасаввурларида бола ушлаган она ва фарзанд кутаётган аёллар тасвири ва ҳайкалчалари сехрли кучга эгалиги, бола дунёга келтириш рамзи сифатида Улуғ Она, Анахита ёки Ер онаси эътиқодлари билан боғланган. Тупроққалъадан ва Қўйқирилган қалъадан кўплаб топилган ана шундай ҳайкалларни С.Толстов “Хоразмлик мадонналар” деб атаган.

Хоразмнинг яна бир обидаси-Қалъалиқир II дан қўлида чақалоқ ушлаган ҳайкалча қолипи топилган. Қолип ёнида топилган таглама устидаги дон янчиш ховончаси, дон солинган саватлар ва деворда ўйилган кичик тандирчаларга асосланиб, олимлар, мазкур қолипни маросим кулчаларини ёпиш учун ишлатилган деб хисоблайдилар. Бошидаги тож ва куйлагидаги Ҳаёт дараҳти тасвирига биноан, бу илоҳа ҳосилдорлик билан боғлиқ Она-Илоҳа ҳайкалчасидир [11].

Аёл илоҳаларнинг диний пешволари ҳам аёллар бўлган. Аёллар кўплаб атама ва тортиқлар билан дағн этилган бўлиб, бу ҳолат уларнинг бадавлат ёки коҳина бўлганлигидан дарак беради.

Айrim тадқиқотчиларнинг фикрича қадимда хтоник* илоҳаларга хос рамзлар орасида бронза ойналар, нилуфар гулининг тўпбарги, тўқимачилик-йигириш ашёлари муҳим ўрин тутган. Бу ашёлар турли халқларнинг мақбараларида мархумлар билан бирга қўйилгани уларнинг дағн маросимларидағи аҳамияти ва мазмунидан дарак беради. Хусусан, ойна ёки кўзгу илоҳлар билан боғлиқ буюм бўлганлиги тўғрисида тасаввурлар дунё халқларида сақланиб қолган [12]. Марказий Осиё бўйича ойна ушлаган маъбуда ҳайкалчаларининг энг қадимги нусхаси Хоразмдан топилган [13].

Хоразмда сақланиб қолган айrim эътиқодлар ва одатлар, расм-руссумларнинг илдизлари илк марта яккахудоликни тарғиб қилган зардустийлик динига бориб тақалади. Муқаддас китобларда маъбудаларнинг аёл зоти тимсолларида эъзозланиб, эҳтиром кўрсатилиши, бугунги кунимизда ҳам бу илоҳий аслиятни давом этишига замин яратган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 5-яшт, Ардвисура яшт // Авесто тарихий-адабий ёдгорлик.-Т., 2001.-Б.170.
2. Толстов С.П. Древный Хорезм.- М.,1948.- С. 200.
3. Яштлар. Ардвисура Анахита қасидаси // Авесто тарихий-адабий ёдгорлик. -Б.180.
* Амурдод-“Авесто”да “Амирмитота”, паҳлавийда “Амурдод”, форсийда “Амурдод” ё “Мурдод”. Маъноси-“умрбоқийлик”, “абадият”. Гоҳларда Ахура Мазданинг илоҳаларидан, “Янги Авесто”да илоҳа Амшосипандлардан бири // Авесто тарихий-адабий ёдгорлик. - Б. 306.
4. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации . - М.,1948.-С.123.
5. Воробьева М.Г. Хорезмские терракоты // Культура и искусство Древнего Хорезма.- М., 1981. - С. 189-191.
6. Рапопорт Ю. Некоторые вопросы сложения зороастрийской погребальной обрядности.- М.1960.- С.7-8.; Кой-кырыйлан-кала-памятник культуры Древнего Хорезма IV в. до н.э.- IV в.н.э. // ТХАЭЭ.Т.В.- М.,1967. С. - 264.
7. Гренэ Ф. Интерпретация декора оссуарииев из Бия-Наймана и Мианкаля // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. -Т, 1987.- С. 52.
8. Снесарев Г. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма. - М., 1969. - С. 208-209.
9. Снесарев Г. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. - М. 1983. -85.
10. Рапопорт Ю. К вопросу о дионасийском культе в священном дворце Топрок-Калы // Античность и античные традиции в культуре и исскустве народов Востока.- М., 1978.
11. Кальали-ғыр П. Культовой центр в Древнем Хорезме. -М., 2004. - С. 184.

* хтоник маъбудалар-боқий дунё маъбудалари.

12. Кароматов Х. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи.-Т.-2008. - Б. 376.
13. Ремпель Л. Цепь времен.-Т., 1987. – С. 93.

УДК: 39(575.1)009

ХИВА ХОНЛИГИДА МУСИҚА ВА РАҚС САНЪАТИ Ю.М.Рахманова т.ф.н., Урганч Давлат университети докторантни

Аннотация. Мазкур мақолада хонлик пойтахти Хива шаҳрида мусиқа санъатининг ривож жониши, турли мусиқа жсанрларида фаолият кўрсатган санъаткорлар, Хоразмнинг ўзига хос мусиқа услуби, мусиқа асоблари, мақомлари, мумтоз куйлари ва рақслари, санъаткор аёллар ижоди ёритиб берилган.

Калим сўзлар: мусиқа санъати, Хоразм шашмақомлари, раққос, сурнайчи, “Алиқамбар”, “Оразибон”, ижрочи аёллар, Хонимжон Сувчи халфа, Анаш Маърам.

Аннотация. В данной статье освещены развитие музыкального искусства в столице ханства городе Хива, творчество искусственных мастеров, ведущие свою деятельность в различных жанрах музыки, своеобразный музыкальный метод Хорезма, музыкальные инструменты, макомы, классическая музыка и танцы, творчество искусственных мастеров.

Ключевые слова: музыкальное искусство, хорезмский Шашмаком, танцов, музыкант, играющий на сурнае, «Аликамбар», «Оразибон», исполнительницы, Хонимжон Сувчи халфа, Анаш Маърам.

Abstract. The development of art of music, representatives of different musical genre, musical style peculiar to Khorezm, musical instruments, maqom and dance in Khiva Khanate; also the history of women-artists are revealed in this article.

Key words: Art of Music, Khorezm Shoshmaqom, dancer, “Alokambar”, “Orazibon”, Honimjan Suvchi, musical genre, musical style, musical instruments, maqom, dance, women-artists

Хива шаҳри Хоразмнинг йирик маданият марказларидан бири эди. Ўрта асрларда шаҳарда Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон Хивакий, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Махмуд каби улуғ инсонлар яшаган.

Шаҳарнинг йирик маданият маркази сифатидаги аҳамияти унинг хонлик пойтахти макомини олгандан сўнг янада ривожланиб борди. Бу шаҳарда хонлиқдаги маданий ҳаётнинг турли соҳалари марказлашган эди.

Хивада маданий ҳаётнинг муҳим соҳаси мусиқа санъати ҳам ривож топган бўлиб, унинг турли жанрларида фаолият кўрсатган санъаткорларни беш гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухни сарой мақомчилари ташкил этиб, улар фақатгина саройда мусиқа чалиб, ижро этганлар ва мусиқа ривожида муҳим ўрин туттганлар [5]. Саройдаги базм ва машваратлар вақтида доим машойихлар Хоразм мақом йўлларидан куй ва кўшиқлар ижро қилиб турганлар. Жумладан, Мухаммад Раҳимхон II саройидаги мақомчилар дастасида Толибхўжа, Шариф Мехтар, Қамбар бола, Матёкуб Харратов (Чокар), Худойберган Муҳроконий, Ҳожи Ниёз, Марасул Ниёз, Отажон Девон Абдуллаев (1876–1960) ва бошқа санъаткорлар иштирок этганлар [11]. Лаффасийнинг ёзишича “Ферузнинг хузуринда доимий етти-саккиз нафар гўяндалар соз, тамбур, ғижжак, буломон машқ этиб ўлтирадурлар. Масалан: Мухаммад Ёкуб хоррат девон ва Мухаммад Ёкуб позачи, Аваз дорчи кабилар [3]”.

Хон Феруз Хоразм шашмақомларига чолғу йўлларини боғлаб, 13 кўйдан иборат асар яратди. Хон саройдан ташқарига чиққан вақтида Феруз томонидан махсус басталангандан “Сакили Наво” (“Хон чиқар”) куйи баланд ноталарда 40 нафар чолғучилар томонидан чалиниб турилган [1].

Иккинчи гурухни турли санъаткорлар – ашулачи, раққос, сурнайчи, доирачи, танбурчи-ашулачи, масхарабоз, магалдачи (акробат), дорбоз, чодирхәёл (кўғирчоқбоз) кабилардан иборат эди. Тўй-сайлларни ҳуққачилар (уч метр узунликдаги ёғоч оёқ билан най чалиб, рақс тушувчилар), от ўйини, кўғирчоқбозлиқ каби масхарабозлик ўйинлари қизитган. Бу ўйинлар санъат даражасига кўтарилиган [11]. Хивалик Матчон кўр (1840–1910), Худойберган кўр (1845–1940), Буважон тўқ-тўқ (1870–1940), Ёпирди масхарабоз (1880–1946), Матчон бақай (1865–1930) ва бошқалар машҳур масхарабозлар эди [11].

Учинчи гурухга талқинчи ва гўяндалар кириб, улар суворалар туркуми, савтлар ҳамда куйлари хон Феруз томонидан басталангандан қўшиқлар, тасаввуфона ғазаллар, панд-насиҳатларни ижро этганлар.

Тўртингчи гурухни бахши достончилар ташкил этган. Хоразм тўйлари 20–30 кун давом этиб, машҳур достончилар тўйнинг ҳар бир кунида бир достон айтганлар. Бу достонлар жумласига негизида эртак сюжетлари ётган ишқий-фантастик достонлар: “Гўрўғли”, “Ошиқ Фарид”, “Эдиго”, “Сайёд ва Ҳамро”, “Малиқай Дијором”, “Малиқай Завриё”, “Ройи Чин”, “Хурилиқо ва Ҳамро” каби достонларни киритиш мумкин [4,12].

Бешинчи гурух санъаткорлари халфалардан иборат эди. Улар икки йўналишга бўлиниб, биринчи йўналишга сози халфалар кирган. Бу йўналиш асосан Хоразмга хос бўлиб, ижро чилар аёллардан ташкил топган. Улар гармон, доира жўрлигига “ичкарида” аёлларга хизмат қилганлар. Феруз саройидаги фаолият олиб борган Хонимжон Сувчи халфа ва шоира сифатида аёлларнинг ҳасратларини “Ўлар бўлдик бу хонларнинг дастидан”, “Умринг ийғлаб ўтгай бевафо золим”, “Найтайин армонли кетдим” каби қўшиқларида акс эттириди. Шунингдек, Шукуржон халфа, Жони халфа, Анаш Маърам каби халфалар Хивада ижод килиб, бу санъат турини ривожлантирилар [2,11].

Халфачиликдаги иккинчи йўналишда китоби халфалар бўлиб, улар “Улли пир”, “Мушкул-кушод” ва мусулмончилик удумига айланиб қолган мархумнинг маъракаларида китоблар ўқиб, аёллар қайғусини енгиллаштирганлар, маърифат тарқатганлар [4].

Хоразм ўзига хос мусика услубига эга бўлиб, бу ўзига хосликни мусика асбоблари намоён этарди. Масалан, маҳаллий буломон пулфлама чолгуси фақат Хоразмга хос мусика асбоби бўлиб, кенг қўлланилган. Буломон тут дараҳтидан ишланган кичик сурнай шаклидаги чолғу бўлиб, уни якка ҳолда ва ансамбллар таркибида ижро этиш мумкин. Хивада Ёқуб буломончилар бутун мақомларни биладиган буломончилар эди [5,7].

Хивада бутун хонликдаги каби дутор, танбур, гижжак, буломон, сурнай, қўшнай, доира, қовуз каби мусика асбоблари қўлланилган [7]. Мусика асбобларидан қўшнай ва сурнай ҳам фақат Хоразмга хос бўлиб, Ўрта Осиёning бошқа ҳудудларига Хоразмдан тарқалган. Сурнай пулфлаб чалинадиган чолғу асбоби бўлиб, нафасни бўлмасдан бир нафасда чалинган. Шунинг учун сурнай чалишни ҳамма ҳам эплай олмаган. Россия элчиси Н. Муравьев “Хиваликлар мусикани севишади. Доира овози, бир кишининг жўр овозда бутун борлиги билан кўйлаши уларга завқ-шавқ беради. Мусика ва шеър матнини энг яхши шоирлардан олишади. Мусика асбоби уларда фақат икки торли балалайка ..., тўртта тордан иборат чолғу асбоби бор” деб қайд этади [8].

XIX аср охириларида Хивада мусика санъатини янада юқори погоналарга кўтаришда Паҳлавонниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий)нинг хизматлари бекиёс даражада каттадир. Комил Хоразмий воҳадаги қўшиқ ва куйларни жуда чукур билган. Хоразмнинг миллий куйлари ва бутун шашмақомни ва уларга боғланган қўшимчаларни куляй ҳамда енгил ҳолатда барча учун тушунарли ҳолатда черта олиш мумкинлиги ҳакида кайғурган хон Феруз Паҳлавонниёз Мирзабошига “хар тариқа бўлса-бўлсун, хоннинг бу тушунчасини ўрнига гатурасан. Мусикий олатлардан танбурунинг истеъмоли ва нағмаларини ҳар кимлар тарафинан черта билурлиқ бир тадбир топасан” – деб амр қилган [7]. Таникли шоир ва таржимон Ходим: “Муҳаммад Раҳимхон Соний Полvon Мирзабошини Россияга олиб кетган вактида, у рус бастикорлари ва қўшикчиларининг чертим йўлларини ўрганди ва ёзib олди. Хоразмга қайтгач 12 мақом созининг 6 тасини нота чизигига тушириди. Мазкур ишда Муҳаммад Раҳимхон Соний, Худойберган Муҳркан, Муҳаммад Расул Мирзабошилар ҳам қатнашдилар”, – деб хабар беради [1]. Комил Хоразмийнинг ўғли Мирзо Хоразмда чалиниб келаётган олти мақомнинг ҳаммасига мусика ёзган [11], Комил Хоразмий кашф қилган нота чизиги Ўрта Осиё қўшиклари ва бой мусикий меросини абадий сақлаб қолишига мустаҳкам асос бўлди.

Хоразмнинг ўзига хос мақомлари, мумтоз, жўшқин ва ўйноқи куйлари рақслар билан бойиб борди. Ўғил болалар ижросида “Алиқамбар”, “Оразибон”, “Аравадаги ўйин”, “Мўри”, “Хўббимбой”, “Ашшадарози”, “Қовун сайли”, “Шириноввот”, “Олтин қобоқ” каби ўйинлар ўйналган [16]. Шуниси характерлики Хоразмда аёллар омма олдида рақс тушиши мумкин эмас эди. Табиийти ислом анъаналари бунга йўл қўймаган. Шу сабабдан аёллар рақсини ижро этувчи раққослар – ўғлон болалар етишиб чиқди. Карим бола, Солай бола, Қодир бола, Озод бола, Хударган бола каби устоз раққослар кўпгина шогирдлардни тарбиялаганлар [5]. XIX асрда Хивада бўлган рассом В.Верешчагин, савдогар Абросимов ва Н.С. Ликошинлар эркак раққослар аёл кийимида рақс тушганларни ҳакида ёзib қолдирганлар.

XX аср 20-йиларида Хоразмда “кокилли қаландарлар” деб аталган кичик гурухлар ўз маросимларида ўртага олов ёқиб, қўлига ўт солинган идиш ушлаган ҳолда жазавага тушиб, рақс тушганлар [5].

Шундай қилиб, қадимдан ўзбек давлатчилигининг муҳим таянчи хисобланган Хива шахри илм-фан ва маданияти тараққий этган марказлардан бири сифатида мамлакат маданий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Қарамакарши сиёсий воқеликлар натижасида мамлакатда юзага келган мураккаб шароитда маданий ҳаёт инқизоз даражасига келиб қолган даврлар Хива тарихида кўплаб топилади. Бироқ ҳалқ даҳоси асрлар давомида шаклланиб келган Хива маданияти анъаналарини ўйқ бўлиб кетишига йўл қўймади. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива маданий ҳаётида маданиятнинг муайян ривожи кузатилади. Тарихнавислик, шеърият, хаттотлик, кинематография билан бир қаторда мусика санъати ҳам ривож топди. Хива Ўрта Осиёда Хоразм куйлари илк бор нотага солинган шаҳар сифатида машҳурлик касб этди. Бу даврда яратилган нафис ва бетакрор санъат намуналари нафақат миллий маданият ривожига, балки жаҳон цивилизациясининг муносиб дурдоналарига айланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бобоҷон Тарроҳ Азизов (Ходим). Хоразм навозандалари. – Тошкент, 1994. – Б. 45–46.
2. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 219 б.
3. Лаффасий Ҳасанқори ўғли. Тазкираи шуаро / Нашрга тайёрловчи П. Бобоҷонов. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 25.
4. Матёкубов Б. Созпарвар Хива // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 1997. – № 2. – Б. 82.
5. Матёкубова Г. Офатижон “Лазги”. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1993. – 30.
6. Матниёзов М., Сотликов А. Жаҳон тарихи ва маданиятида Хоразм. – Урганч: Хоразм, 1999. – Б. 83.
7. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусикий тарихчаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б. 40,12.
8. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального штаба капитана Николая Муравьевса, посланного в сию страну для переговоров. – М., 1822. Ч. II. – С. 131.
9. Рахманова Ю.
10. Сафоев А. Комил Хоразмий ва авлодлари. – Тошкент: Истиқлол, 2004. – Б. 23-24.
11. Қиличев Т. Хоразм ҳалқ театри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б. 61. 62. 63, 71, 83, 92.117, 122, 141.
12. Хоразм достонлари. Ошиқнома. 1-китоб / Нашрга тайёрловчилар С. Рўзимбоев, Г. Эшчонова, С.С. Рўзимбоев, А. Ахмедов. Масъул мухаррир С. Рўзимбоев. – Урганч: Хоразм, 2006. – 350 б.

АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИНИНГ САВДО АЛОҚАЛАРИДАГИ ЎРНИ

(XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ XX АСР БОШЛАРИ)

Т.Т Сафаров., т. ф. н., Бухоро мұхандислик-технология институти

Аннотация. Ушбу мақолада Амударё сув йўли ва флотилиясининг Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳамда Россия ва Афғонистон ўртасидаги савдо алоқаларидағи ўрни ёритилган.

Калим сўзлар: товар, сув савдо йўли, гупсар, қайиқсозлик, пуд, эркин сузиб юриши ҳукуқи, флотилия, темир баржас.

Аннотация. В данной статье освещено место Амударьинского речного пути и флотилии в торговых связях между Бухарским эмиратом, Хивинским ханством, Российской империей и Афганистаном.

Ключевые слова: товар, речной торговый путь, гупсар, пуд, право свободного плавания, флотилия, железная баржа.

Abstract. In this article the role of the Amu Darya river way in the trade route among the Bukhara emirate, Khiva khanate, Russian Empire and Afghanistan is discovered.

Key words: product, river trade route, gupsar, shipbuilding, pood, right to free navigation, flotilla, iron barge.

XIX асрнинг ўрталарига келиб савдо-сотикда қуруқлиқдаги карвон йўллари билан бир қаторда сув йўлларининг ҳам аҳамияти ошиб борган. Ўрта Осиёнинг сув йўллари Каспий денгизнинг айrim бўғоз ва қўлтиқлари, Орол денгизига қўйиладиган Амударё ва Сирдарёдан иборат эди.

Ўрта Осиёнинг ички савдо йўлларида Амударё ўзига хос мавқега эга бўлиб, у орқали Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасида ўзаро савдо-сотик амалга оширилиб, Россиядан келтирилган товарларнинг бир қисми шу дарё орқали Бухоро ва Афғонистонга етказилган.

Бухоро амирлиги билан Хива хонлиги ўртасидаги савдода сув йўли асосий йўл бўлғанлиги боис, бу ерда Амударё бўйлаб кема ва қайиқларда юк ташилган. Амударё бўйлаб юк ортилган қайиқлар йўналиши Кўнғирот-Чоржўй, Термиз шаҳарларини туташтирган. XX аср бошларида Бухоро амирлиги билан Хива хонлиги ўртасидаги савдода 420 та Хива қайиқлари, 80 та Бухоро қайиқлари ҳаракат қилган ва уларда ўртача йилига 500.000 пудга яқин юклар ташилган [1, 1911].

Амударё бўйлаб юк ташиш имконияти чекланган бўлиб, қўпроқ хиваликларнинг юклари дарё йўли орқали ташилган. Қайиқларнинг юк кўтариш қуввати 3 минг пудгача эди. Қайиқларнинг унчалик катта бўлмаган қисми бухороликларга тегишли бўлиб, бу қайиқлар Чоржўйдан юкорироқда, Амударё бўйлаб ҳаракатланган. Панж дарёси бўйлаб Файзобод қалъаси харобасигача юклар қайиқларда ташилган. Хиваликлар эса дарёнинг қўйи оқими бўйлаб сузганлар. Сарой қишлоғидан юкорига Панж йўналишида қайиқлар суза олмаган. Дарёда ҳосил бўлган остоналар қайиқларнинг сузишига тўсқинлик қилган. Шунинг учун ҳам Саройдан то Богораккача бўлган масофада юклар гупсарлар орқали ташилган. «Гупсар» дегани – ҳаво билан шиширилган терилардан 8-20 таси бир ходага боғланадиган ва сув сатҳига тўшаб қўйиладиган (амат) сувда сузуви мослама бўлиб, 3-4 кишининг оғирлиги билан ҳисобланганда 30-40 пуд (480-640 кг) юкни ташиши мумкин эди.

Кўнғиротдан то Питнакгача Хива хонлиги аҳолисига тегишли бўлган икки мингга яқин қайиқлар Амударёда сувзган.

Амударёда юк ташиш имконияти маълум даражада чекланган бўлиб, унда ҳаракат қилувчи қайиқлар белгилаб қўйилган пристанларга (бекатларга) эга эмасди. Қайиқларнинг дарё бўйлаб қатновини махсус қайд этилмаган. Одатда юк ташувчи қайиқлар уч гурухга бўлинган: 1) катта қайиқлар -2 минг пуддан 5 минг пудгача юк ташийдиган (32 тоннадан 80 тоннагача); 2) ўрта қайиқлар-200 пуддан 1 минг пудгача (3 тоннадан 16 тоннагача); 3) кичик қайиқлар -200 пудгача юк ташийдиган қайиқлар (3 тонна-200 кг гача).

Амударё бўйлаб ҳаракат қилувчи қайиқларнинг кўпчилиги Хива хонлигига тегишли бўлиб, улар дарёнинг бутун оқими бўйлаб ҳаракатланган. Хиваликлар одатда Чоржўйгача юкларни қайиқларда олиб келишган, бу ердан юкларнинг бир қисми туширилиб, Чоржўй-Қоракўл-Бухоро йўналишида Бухорога етказилган.

Савдогарларда моддий имкониятига қараб битта ёхуд иккитадан қайиқ ва кема бўларди. Хива хонлигидан карвонларнинг дарё бўйлаб Бухорога бориши учун Хонқада дарёни кесиб ўтадиган асосий йўл бўлган. Янги Урганч, Гурлан шаҳарларининг қаршиисида Юмур шаҳрининг пастроғидаги Қипчок, Хўжайли, Кўнғирот шаҳарлари яқинидан кемалар нариги соҳилга юк олиб ўтган. Амударё бўйлаб қайиқларнинг юк ташиши учун йилнинг ҳамма вақти ҳам қулай бўлавермаган. Энг нокулай пайт кузнинг иккинчи ярми ва қиши, яъни ноябрь, декабрь, январь ва февраль ойлари ҳисобланган. Ана шу ойларда дарёнинг суви камайган, дарёнинг ўзанларида саёзликлар, қумликлар пайдо бўлиб сузишни

кийинлаштирган, иккинчи томондан, кучли шамоллар ҳам сузишга халақит берган. Сув йўли орқали савдо-сотик ривожи қайиқсозлик соҳасига ҳам ўзининг таъсирини ўтказган [2, 1965].

Манбаларда Бухоро амирлигининг Керки, Келиф ва Шеробод бекликларида қайиқ ясовчи усталар бўлганинги қайд этилган.

Хоразмда эса ўзбек уругига мансуб Қарамаз уруги вакиллари қайиқ ясаш билан машғул бўлишган ва битта қайиқни ясаш учун 6-7 хунарманд бирга меҳнат қилган. Одатда қайиқлар тол дараҳтидан ясалар, битта қайиқ ясаш учун эса 80-85 дона тол ишлатилган. Қайиқ ясаш учун хондан расмий рухсат олиш шарт эмасди, асосан буюртмачининг хошишига кўра қайиқлар ясалган. Қурилган кеманинг катталиги ҳар хил бўлиб, узунлиги 10 саржинга борадиган кеманинг эни 2,5 газ, баландлиги 1,5 газни ташкил этган. Узунлиги 12 саржин ва ундан ҳам ортиқ бўлган, 700 пудгача юк кўтара оладиган кемалар ҳам мавжуд эди. Бундай кемалар билан устига юк ортилган 10 та туя ёки 100 кишини бир йўла ташиш мумкин бўлган. Кемалар бир газ чамасида сувга ботиб турган ва ҳаракат қилган.

Хоразмда катта қайиқ ясаш учун усталарга 45 рубл, ўртача қайиқ ясаш учун 27-30 рубл, кичик қайиқ ясаш учун эса 10-12 рубл миқдорида маош тўланган. Умумий ҳисобда катта қайиқнинг қиймати - 225 рублни, ўртача қайиқ 150 рублни, кичик қайиқ 60 рублни ташкил қилган.

Одатда қайиқлар юк ташиш қувватига қараб ўзининг ташки кўриниши ва тузилишига эга бўлган. Катта қайиқларнинг ўлчами: узунасига 60 футдан 80 футгача, энига 10 футдан 13 футгача, бортининг баландлиги 3 футдан 3,5 футгача, катта қайиқнинг вазни 300 - 400 пудни (4800 кг дан 6400 кг гача) ташкил этган. Бухоролик савдогарларнинг ўрта қайиқлари ўлчами: узунасига 40 футдан 60 футгача, энига 7 футдан 10 футгача, бортининг баландлиги 3 футгача бўлган. Шунингдек қайиқлар турли хил ўлчамга эга эди [3, 1886].

Йилдан йилга Амударё бўйлаб ҳаракат қилувчи, юк ташувчи қайиқлар сони кўпайиб борган, уларнинг бошқарилиши мураккаблашиб, юк ташиш қуввати ҳам ортган. XIX асрнинг охирларига келиб Амударё бўйлаб ҳаракат қиласидаган қайиқларнинг йиллик умумий юк ташиш ҳажми 500 минг пудгача бўлган. Хоразм-Бухоро савдосида асосий сув йўли Амударё қайиқчилиги билан боғлик бўлиб, бу йўл Россия-Бухоро ва Россия-Афғонистон ўртасидаги савдо муносабатларида жуда муҳим аҳамият касб этган. Амударё Хива хонлиги бўйлаб, аввал шимолий гарб томонга, сўнгра Ҳузий шахри ёнидан шимолга бурилиб, Қўнғирот шахри олдидан шимолий шарққа қараб оққан. Дарё суви соатига 6 верстъ тезлик билан оқиб, тошқин пайтларида бу тезлик янада ошган. Дарё оқими бўйлаб елкансиз ва эшқаксиз сузиб ўтаётган қайиқ билан баробар кетиш учун кирғоқ бўйлаб отда бориш лозим бўлган.

Бухоро амирлигига тегишли бўлган қайиқларда Амударё бўйлаб сузилганда қўйидаги йўналишда ҳаракат қилинган:

Сарой қишлоғидан Термизгача -214 верстъ;

Термиздан Керкигача -200 верстъ;

Керкидан Чоржўйгача – 200 верстъ. Демак, Сарой қишлоғидан то Чоржўйгача қайиқларда молларни ташиб келтириш учун 614 верстъ сув йўлини босиб ўтиши керак бўлган. Ёз ойларида Хоразмдан кемаларда Термизга сузиб келиниб бу ердан ғалла олиб кетилган. Бу учун сув оқими бўйлаб кемаларда 10 кун сузишга тўғри келган.

Хива хонлигига кемачилик ва қайиқчилик XIX асрнинг иккинчи ярмида ривожланиб, улар факат Шовот ва Полвон каби каналлардагина қатнамасдан, Амударё бўйлаб Бухорога ва Орол денгизи бўйлаб Сирдарёнинг қўйилиш жойигача борган. Юк ташувчи кемалар Хивадан чиқиб Амударёнинг қўйилиш жойидан Орол денгизига тушган ва денгизнинг шарқий соҳили бўйлаб сузиб, Сирдарёнинг қўйилиши жойига ғалла ва бошқа молларни олиб борган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгач, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, энг аввало саноат учун муҳим хом ашё бўлган паҳтага эҳтиёжнинг ортиши туфайли Ўрта Осиёда савдо йўлларини таъмирлашга ва кенгайтиришга эътибор кучайган. Энг аввало, азалдан мавжуд бўлган қуруқлик ва сув йўлларидан имкони борича кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилинган. Муҳими шундаки, сув йўлларида талончилик қуруқлик йўлларига нисбатан камроқ эди. Иккинчи томондан, карвон йўлига қараганда, сув йўли билан олиб келинган моллар нисбатан арzonроқ бўлган. Шу нуқтаи назардан, Россия Ўрта Осиёни эгаллаб олганидан кейинги дастлабки йилларда сув йўлларига кўпроқ эътибор бера бошлаган. Чунки ҳали темир йўллар қурилмаган бир шароитда, ҳарбий-стратегик мақсадларни амалга ошириш учун, биринчи навбатда кўп сонли қўшинни силжитиш ва уни эҳтиёжини таъминлаш билан етарли даражада шуғулланиш учун сув йўлларидан имкони борича унумлироқ фойдаланиш зарур эди.

Россия империясининг ҳукмрон доиралари бу ўлкага қўшин тортиб келишларидан анча олдинроқ ушбу дарёлар ҳақида маълумотлар тўпланиб, уларнинг пароходчилик учун қай даражада яроқли эканлиги билан қизиқишган эди. Ҳарбий ҳаракатлар даврида ҳам ушбу дарёлардан фойдаланишга катта

эътибор берилган. Юқоридаги сабаблар туфайли 1873 йилда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан тузилган шартномада Амударё орқали ўтадиган сув йўли масаласига алоҳида эътибор қаратилган. 1873 йил 12 августда Россия ва Хива хонлиги ўртасида тузилган ва имзоланган шартноманинг 5,6,7-пунктларига асосан «Рус пароходларига ва бошқа сузувчи кемаларига, улар хоҳ давлатга қарашли бўлсин, хоҳ хусусий бўлсин, Амударёда эркин сузиб юриш ҳуқуқи берилади», «Амударёнинг чап қирғоги бўйлаб, қаерларда қулай имконият мавжуд бўлса, руслар ўз пристанларини қуриши мумкин», «бу пристанлардан ташқари, рус фуқаролари Амударёнинг чап соҳили бўйлаб ўз омборхоналарини, факторияларини барпо этишлари мумкин эди».

1873 йил 24 сентябрдаги Россия билан Бухоро амирлиги ўртасида тузилган шартноманинг 3,4-пунктларига мувофиқ, «Амударёнинг Бухоро амирлигига қарашли бўлган қисмida Бухоро кемалари билан бир қаторда, русларнинг давлат ёки хусусий кемаларига бемалол сузиб юришга эркин ҳуқуқ берилади», «дарёнинг қулай жойларида русларга ўз пристан ва омборхоналарини қуришга рухсат берилади». Юкорида келтирилган манбаларга таянган ҳолда таъкидлаш жоизки, Россия империяси ўзининг катта стратегик мақсадларини амалга ошириш учун, Ўрта Осиёнинг янада ичкарисига кириб бориш мақсадида, Афғонистон ва Ҳиндистон бозорини забт этиш учун Амударёдан фойдаланишга зўр бериб ҳаракат қилган. Кейинрок Туркистон генерал-губернатори айтган эди: «Амударё флотилиясининг ташкил этилиши бизнинг Амударёга бўлган тўла ва ажralmas ҳукмронлигимизни ҳар кимга ва барчага англатиб туриши керак» [1, 1911].

Амударё флотилияси рус ҳарбий гарнizonларининг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш, Ўрта Осиёдаги темир йўл магистралари билан узвий боғланиш мақсадларида ташкил этилади. Дастлабки пайтларда пароходлар Керкигача сузган, кейинчалик Термизгача ва ундан нарига ҳаракат қилиш йўлга кўйилган. Пароходларда асосан оғир бўлмаган юклар, яъни ҳарбий мақсадлар учун зарур бўлган юклар ташилган. Амударёнинг тезкор сув оқими пароходларнинг нормал ҳаракати учун тўсқинлик қилган. Шунинг учун ҳам пароходлар билан бир қаторда темир баржалар (баржа-шатакка олиб юриладиган таги ясси юк кемаси) ҳам ишлатилган. Амударё бўйлаб ҳарбий гарнizonлар жойлашган пунктлар атрофларида бирин-кетин кичкина шаҳарчаларнинг, посёлкаларининг ташкил топиши, у ерларга тадбиркорларнинг кўчиб келиб иш бошлиши дарё бўйлаб юк ташишни анча юқори савияда ташкил этишни, пароходчилик билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам давлат йўли билан, ҳам хусусий йўл билан қайта кўриб чиқишини талаб этган. Янги аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши туфайли тадбиркорлик ривожланди ва Бухоро амирлиги билан савдо-сотикни кенгайишига имконият вужудга келди. Россия товарларига энг аввало Бухоронинг ўзида, кейинчалик Афғонистонда талабнинг тобора ортиб бориши билан Амударё флотилияси орқали бўладиган савдо ҳам ривожлана борган. Аста-секинлик билан рус ҳукумати маҳаллий шарт-шаротларни ўрганиб, маҳаллий бозорларни бирин-кетинликда забт эта бошлаган.

Россиянинг савдо фирмалари Керки ва Термизда ўзларининг идораларини очиб, савдо омборхоналари ва дўконларини ишга туширади. Керки ва Термиз шахри савдо факториясига айлантирилади, яъни рус товарларини атрофдаги пунктларга тарқатувчи марказ сифатида ривожланади. Савдо-сотик ривожлана бориши билан, молларни экспорт қилиш масаласи ҳам кун сайин ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бирига айлана борган. Шу туфайли дарёда юк ташишнинг хилма-хил усусларини излашга ҳаракат қилинди. Бироқ бу воситалар ҳамма вақт ҳам самара беравермасди. Амударёнинг чап қирғоги бўйлаб Чоржўйдан Керкигача араваларда ва карвон йўли билан товарларни ташиш йўлга кўйилади. Аммо зарур бўлган товарларни оммавий суратда бир пунктдан иккинчисига ташиш кутилган самарани бермаган ва яна юклар сув йўли билан ташила бошланган.

Амударёда юкларни пароходларда ташишни йўлга кўйиш мақсадида 1876-1879 йилларда «Самарқанд» номли пароход қатнови йўлга кўйилади. Бу пароход билан Петро-Александровскдан юқоририққа дарё бўйлаб 700 верстгача сузиб борилган ва пароходнинг сувдаги чуқурлиги 5 футни ташкил этган [4, 2005].

Амударё флотилияси асосан дарё бўйлаб юк ташувчи транспортларни тортиб юриш, йўловчилар ҳаракатини йўлга кўйиш, давлатга тегишили бўлган ва хусусий савдогарларнинг юкларини Амударё оқими бўйлаб Петро-Александровск, Чоржўй, Керки ва Термизга олиб боришни таъминлаш, шунингдек тинчлик вақтида ва ҳарбий ҳолатда Туркистон ҳарбий округи учун зарурий бўлган аслаҳаларни Каспийорти темир йўлига ташиб бериш мақсадида Россия ҳукумати томонидан ташкил этилади. Шунчалик катта вазифаларни ўз олдига кўйган бўлса-да, флотилия дастлабки даврда, яъни 1888 йилда бор-йўғи иккита: «Царь» ва «Царица» пароходлари билан ўз фаолиятини бошлаганди. 1895 йилда эса улар сафига учинчи бўлиб – «Царевич» пароходи кўшилди. Бироқ бу пароходлар ҳам дарё бўйлаб юк ташиш эҳтиёжларини тўла қондира олмаган. Шунинг учун кейинги йилларда ҳам пароходлар қурилиб ишга туширилди: 1897 йилда «Великий Князь», 1899 йилда «Великая Княжна Ольга», 1901 йилда

«Император Николай II» ва ҳоказо. Кўриниб турибдики, ҳамма пароходларнинг номланиши империя-чилик, буюк давлатчилик шовинизми сиёсати тарғиботига асослангандир.

XX асрнинг бошларига келиб Амударё флотилияси ихтиёрида 6 та пароход, 2 та буг билан юрадиган катер, 13 та баржа, шу жумладан 2 та нефть сақловчи баржа, 1 та буг билан юрадиган катта қайик, 2 та темир қайик бор эди. Амударё оқими бўйлаб ташкил топган рус манзилгоҳларида яшовчи тадбиркорлар, рус савдо фирмаларининг вакиллари, шунингдек, маҳаллий савдогарлар дарёда хизмат қилувчи хусусий, акционерлик жамиятига қарашли бўлган кемалар қатновини йўлга қўйилишидан манфаатдор эдилар. Аммо ҳукумат бу ҳолат давлат флотилияси фаолиятига катта иқтисодий зарба беришини рўйкач қилиб барча таклифларни рад этган. Вақт ўтиб борган сари ҳукуматнинг бундай бир ёқлама сиёсати асоссиз эканлиги кўпроқ сезила борган. Далиллар шуни кўрсатмоқда эдики, Амударё флотилияси ҳаттоқи ҳарбий эҳтиёжларни қондириш учун ҳам яроқсиз бўлиб, миллионлаб пуд юкларни маҳаллий қайиқларда манзилига етказишга тўғри келарди [5, 17].

Сув йўли орқали маҳаллий савдогарлар Хива ва Бухоро ўртасида, иккинчидан эса, Россия, Бухоро амирлиги ва Афғонистон ўртасида савдо муносабатларини олиб боришган. Ўрта Осиё хонликлари билан Россиянинг савдо муносабатлари XIX асрнинг охирига келиб 7,5 миллион рублга етган ва кейинги йилларда бу рақам янада ортиб бораётганлиги инобатга олинса, бу минтақада, хусусан Бухоро амирлиги ҳудудида, Амударё савдо шаҳобчалари учун қулай юқ ташиш тизимини барпо этиш муҳим аҳамиятга молик бўлиб, унинг ҳал этилишига давлат даражасида ёндашиш керак эди.

Аммо Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва вассалга айлантирилиши ушбу масалага мустақил давлатчилик нуктаи-назаридан ёндашишни саробга айлантириб қўйди. Хулоса қилиб айтганда Амударё сув йўли орқали савдо-сотиқни ривожлантириш, бу ердаги аҳолини фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган эмас, балки тез ривожланиб бораётган Россия саноатини, энг аввало енгил саноат корхоналарини сифатли ва арzon хом ашё билан таъминлаш мақсади кўзланган эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб.: В. Березовский, 1911.
2. Зиёев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. – Тошкент: Фан, 1965.
3. Гинтелло. Интендантские сведения о Бухаре 1885 г. //Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI.
4. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2005.
5. Ўзбекистон Марказий давлат архиви. И-1Фонд 29-рўйхат, 17-иши.
6. Ўзбекистон Марказий давлат архиви. И-1Фонд 22-рўйхат, 832-иши.

УДК: 930.85

XX-АСР БОШЛАРИДА ХОРАЗМ КУЛОЛЧИЛИГИГА ОИД УРФ-ОДАТЛАР ВА МАРОСИМЛАР Ҳ.Худайбергенов, ТТА Урганч филиали катта ўқитувчиси

Аннотация. Хоразм воҳасининг нафақат моддий ва маънавий маданияти узоқ асрларга бориб тақалади, балки унинг тарихи, этник марқиби, урф-одатлари, анъаналари ҳам ранг-барандор ва ўзига хослиги билан ажralиб туради. Воҳа ҳунармандчилигининг анъанавий кулолчилик соҳаси тарихан чуқур ва қадимийдир. Айниқса кулолчилик билан боғлиқ бўлган урф-одатлар, маросимлар, анъаналар ўзининг тарихийлиги ва илмийлиги билан кишини ҳайратга солади.

Калим сўзлар: Устахона, кулолчлик, этник, Туркистон, кошин, қадими, Урганч, хумбуз, низом.

Аннотация. Не только материальная и духовная культура Хорезмского оазиса восходит к векам, но его история, этнический состав, традиции и обычаи разнообразны и оригинальны. Традиционное керамическое искусство Хорезма исторически глубока и древняя. Традиции, ритуалы связанные с керамикой особенно впечатляют своей историей и научностью.

Ключевые слова: Мастерская, керамика, этническая, орнамент, древний, Ургенч, печь, устав.

Abstract. Not only the material and spiritual culture of the Khorezm oasis dates back to centuries, but its history, ethnic composition, traditions and customs are varied and original. The traditional ceramic art industry of Khorezm is historically deep and ancient. Traditions, rituals, traditions and ceramics are especially impressive with their history and science.

Key words: Workshop, ceramics, ethnic, ornament, Urgench, bake, ancient, charter

Хоразмнинг кулолчилиги тарихи, унинг анъанавий технологияси ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш тарихий негизига оид маълумотлар [1] жуда чуқур ва қадимийдир. Собиқ Иттифоқ ФА Хоразм археология-этнография экспедицияси маълумотларига кўра кўп йиллик илмий изланишлар таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, Хоразмнинг кулолчик тарихи, унинг келиб чиқиши ибтидоий давларга

бориб тақалиши фанга маълум қилинди, шунингдек Хоразмнинг кулоллари яратган маҳсулотлари ўзининг нағислиги ва бетакрорлиги, шунингдек ўзига хос ишлаб чиқариш техналогияси билан дунё эътирофига сазовор бўлди.

Хоразмнинг кулолчилик соҳаси ўша давридаги мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тараққий этиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Марказлашган феодализм даврида, айниқса XV–асрдан бошлаб, то XIX – асрларгача Хоразм ўз бошидан иқтисодий тараққиётни ва ўз навбатида иқтисодий инқирозни ҳам кечирганлиги тарихий маълумотлардан маълум, лекин Хоразмнинг (Хива) кулолчилик ишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ ҳаёти ўша давр нуқтаи-назаридан иқтисодий ҳаётни янада кўтарилишига туртки ҳам бўлган [2].

Хива хонлигининг Россия вассалига айланиши натижасида (1874 йилда) хунармандчиликнинг кулолчилик соҳаси бироз ўз мавқейини йўқотгандай бўлди, чунки Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган чинни маҳсулотлари янгидан қурилган темир йўллар орқали бизнинг худудимизга кириб кела бошлади ва ўз-ўзидан маҳаллий бозорларни ушбу маҳсулот турлари билан таъминлади, натижада кулолчилик усталари яратган маҳсулотлар кучли рақобатга тўқнаш келди [3].

Кулоллар Хоразмда ва Ўзбекистоннинг бошқа районларида “кулол” ва “хумбузчи”лар деб номланган [4]. Октябр инқилобигача ва совет ҳокимияти даврида ҳам кулолларнинг анъанавий кулолчилик ишлаб чиқариш устахонлари сақланиб қолган эди. Хоразм хунармандлари ва фаолият тури ўхшаш ҳамда бир-хил касбга мансуб бўлган усталар ўзларини “улпагар” деб номлашган [5].

Бу термин, икки маънода ишлатилган, жумладан арабчада “улфат” дўстлик, биродарлик, форсчада эса бир касб билан банд, умумий маънода бир бутун, касб бўйича дўстлик, маъноларини англатган. Кулоллар алоҳида улпагарларни ташкил этган ва йиллар давомида амалий дастурлар ва устахона одатларини ҳамда тартиб-қоидаларини ҳурмат қилиб келишган.

Тарихий маълумотга кўра Хоразм хунармандчилигига, айниқса кулолчилик маҳсулотларида кўп вақт “иерархик” устахона қуриш сақланиб қолган [6], шунингдек ҳар бир устахона бошида, унинг бошлиғи турган, у шахс “қалантар” деб юритилган, унга уста бўйсунган, устанинг ишчиси (“халпа” дейилган) ва шогирдлар биргаликда фаолият юритишган [7].

Қалантар ёки устахонанинг бошлиғи умумий устахонанинг мажлисларида сайланган ва бу одатий маросимлар кулолчилик устахонасининг асосчисига бағишилаб ўтказилган. Бунда цех бошлиқларига ҳалпалар томонидан, уста номзоди кўрсатилади ва бунга қалантар номи берилади. Хива кулоли Якубов Ортиковнинг маълумот беришича, қалантар сайловларида унинг номзодини тайинлашда, ҳаттоқи Хива хонлиги ҳокимиятининг тўғридан – тўғри таъсири бўлган [8].

Устахона бошлиғи қалантар, кулолларнинг олий қатламидан, кучли уста тажриба маҳоратига эга бўлган шахслар орасидан танлаб олинган. У нафақат ташкилий масалаларни, балкий суд ҳокимияти тўғрисидаги қўнималарга эга бўлиши талаб қилинган, негаки қалантар ёрдамчилари баъзи бир мажбуриятларни ҳам бажарганлар, биринчи навбатда мажлис тадбири масалалари бўйича қалантар томонидан “пейкал” тайинланган. У ёш, камбағал усталар орасидан сайлаб олинган. Агар уларни юриштуришида, аҳлоқида бирор – бир ҳатолик сезилса, улар қайтадан сайланган, улар алоҳида мукофотланмаган, ўзларининг хизматлари эвазига устахона аъзолари томонидан ҳурматга эга бўлганлар ва тадбир пайтида уларга совғалар берилб турилган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятида асосий ролни усталар ва шогирдлар эгаллаган, улар ҳамма цех низомларида асосий ўрин эгаллаган. Эски низомларда на қалантар, на уста ёрдамчиси (халпа) тилга олинади, фақатгина XIX – XX асрларда уларнинг бирозгина мавқейи ўсган.

Хивалик уста-кулол Артиқ Якубовнинг айтишича, устахона анъаналарида, ўтган XX аср бошиларида кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ёлланма ишчилар кучидан фойдаланилган, бу албатта кулолчилик тараққиётига салбий таъсир кўрсатган, чунки уларда бусоҳага қизикиш ҳам, тушинча қўникма ҳам бўлмаган, ёлланма ишчилар ишга кўпроқ иссиқ пайтларда жалб қилинган, хизмат ҳаққи эса, ўз навбатида келишилган нархда тўланган [9].

Кулолчилик соҳасини ўрганиш учун хунармандлар ўз болаларини таълим олишга, яъни шогирдликка беришган. Шогирдликка қабул қилинаётган болалар бирма–бир текшириб олинган ва ёшига алоҳида эътибор берилган, асосан ёш болалар қабул қилинган. Дастрлаб болалар усталарнинг уй-рўзгор ишларида ёрдамлашган ва сал кейинроқ устахона ишларига ҳам жалб қилинган [10].

Ота – оналар усталарга ўз болаларини шогирдликка бераётган пайтда, “эти сизники–суги бизники” деган фикрни билдиришган [11], чунки боланинг келажаги тўлалигича устага боғлиқ бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. В основу данной работы положен полевой материал автора, собранный во время двух кратной поездки в города Ургенч, Хива, Ханка, Хазарасп и Ташауз в составе Хорезмской археалого-этнографической экспедиции АН-СССР 1952-53 гг)
2. См. Калмыков Хива “Протоколы заседаний и сообщений Туркистанского кружка любительской археологии” XII. Тошкент 1908 стр 59.
3. Фольклерный архив инст. Языка АН. УзССР № 897 хат XII
4. Соврем кишлак Сред. Азия вып. Стр.84
5. Современный кишлак Средний Азии вып 2 стр 90.
6. Г.П. Гельмерсен в нынешнем своем состоянии “Отечественные записки” 5 отд, 2, 1840, стр. 115
7. Кальмыков Указ. Стр. 59
8. Фонд музей историй АН Уз ССР, коллек № 12, № 175 – 289.
9. В. Разводовский Опыт исследований гончарного ремесла.
10. Калмыков Указ. Стр 59
11. Я.Г. Гулемов Памятники города Хивы “Труд Уз ФАН ССР Ташкент 1941 стр 34 – 55.

**СУВ-ОЗИҚА МЕЬЁРЛАРИНИНГ БИР ДОНА КЎСАҚДАГИ ПАХТА, 1000 ДОНА ДОН ВА БИР
БОШ КАРАМ, ПИЁЗБОШ ВАЗНИГА ТАЪСИРИ**
**М.А.Авлиёқулов, Н.Х.Дурдиев қ.х.ф.ф.докторлари, (Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тошкент)**
М.А.Авазова, (ТошДАУ Термиз филиали талабаси)

Аннотация. Уибу мақолада Ўзбекистоннинг жанубида ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлар шароитида сугориши ва озиқлантириши тартибларининг бир дона кўсакдаги пахта, 1000 дона дон, бир бош карам, пиёзбош вазнларига таъсири маълумотлари келтирилган.

Калит сўзлар: сув-озиқа меъёрлари, бир дона кўсакдаги пахта, 1000 дона дон, бир бош карам, пиёзбош вазнлари.

Аннотация. В данной статье приведены материалы о влияние водно-питательных режимов на вес одной коробочки хлопчатника, 1000 шт. зерен, одного кочана капусты, одной луковицы в условиях тақирсими почв с признаками олуговения в южной зоне Узбекистана.

Ключевые слова: водно-питательный режим, вес одной коробочки хлопчатника, 1000 шт. зерен, одного кочана капусты, одной луковицы.

Abstract. This paper presents materials related to the investigation of the impact of irrigation scheduling and mineral fertilizer application on the weight of one cotton ball, 1000 grains of wheat, a cabbage and onion on the condition of bare soils changing into meadow soils in the southern areas of Uzbekistan.

Key words: water and nutrition application scheduling, weight of one cotton ball, 1000 grains of wheat, a cabbage and onions.

Аҳолини озиқ-овқат хавфсизлиги билан таъминлаш борасида жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазиятнинг юзага келаётганлиги, бугунги кунда мазкур муаммони жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритишга ундайди. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб озиқ-овқат масалалари муҳим ўрин тутган. Аҳоли сонининг кўпайиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши имкониятлари ўртасида тафовут юзага келмаслигини олдини олиш барча мамлакатлар қатори Ўзбекистон учун ҳам муҳим масала ҳисобланади. Бу борада эса қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишининг ўрни бекиёсдир.

Бирлашган миллатлар ташкилоти берган маълумотларга кўра 2050 йилга келиб дунё аҳолиси 9 млрд. га етиши таҳмин қилинаётган бир пайтда озиқ-овқат ва уни ишлаб чиқаришга бўлган талаф ҳозирда энг юқори кўрсаткичга чиқди [4] ва глобаллашув натижасида 70 % дан 100 % гача озиқ-овқат ўсиши талаб этилмоқда [5]. Биргина дунё бўйича 840 млн. дан ортиқ кишининг очарчилиқда яшаётганлиги, ҳар 8 одамнинг 1 таси тўйиб овқатланмаётганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Статистик маълумотларга кўра ҳар 15 йилда дунё бўйича аҳоли сони 1 млрд. га кўпаймоқда. Биргина Марказий Осиё аҳолиси 1980 йилдан ҳозирги қунга келиб икки баробар кўпайганлиги озиқ-овқат, ер-сув ресурсларига бўлган талабнинг ҳам икки ҳисса ортганини кўрсатмоқда [6].

Озиқ-овқатнинг мавжуд бўлиши, унинг етарлилиги ва сифати бўйича Иқтисодий тадқиқотлар маркази (Center for Economic Research, CER) ва Бирлашган миллатлар ривожланиш дастури (UNDP) тадқиқотларига кўра мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари 2025 йилга қадар зарур ҳажмда мавжуд бўлишини таъминлашда ҳосилдорликни 47% ошириш ва уларнинг экин майдонларини 20 фоизга кўпайтириш талаб этилади [3].

Мамлакатимиз дехқончилигига жанубий минтақа Сурхон-Шеробод воҳаси худудий (географик) жиҳатдан Сурхондарё вилоятига мансуб бўлиб, 2016 йил маълумотларига кўра мамлакатимиздаги 3706,7 минг гектар қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг 7,7 фоизи (яъни 285 минг гектари) мазкур вилоят улушига тўғри келади. Қашқадарё вилоятидаги эса жами 493,9 минг гектар экин майдони бўлиб (Республика бўйича жами қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг 13,3 фоизи), уларнинг 81,1 фоизи сугориладиган ерлар ҳисобланади [2].

Экинлар ҳосилдорлиги 1 дона кўсакдаги пахта, 1000 дона дон ва бир бош карам, пиёзбош вазнларига бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса ҳосилдорлик ҳам шунча юқори бўлади. Тадқиқотларимизда ушбу кўрсаткичлар ўзгаришига экин навларининг биологик хусусиятлари билан бирга сугориш тартиблари ва ўғитлаш меъёрлари ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди.

Ўтлоқлашиб бораётган сугориладиган тақирсимон тупроқлардан йил давомида самарали

фойдаланишда гўза навлари бир дона кўсақдаги пахта вазни, кузги буғдой, арпа ва бошоқли дон экинларидан сўнг парваришланган маккажўхорининг 1000 дона дон вазни, бир бош карам ва пиёзбош вазнлари ўзгаришлари динамикасини тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотларимиз Сурхондарё вилояти Термиз тумани ПСУЕАИТИ Сурхондарё ИТС далаларида 2007-2013 йиллар давомида ўтказилди. Барча тахлиллар ПСУЕАИТИ услугий кўлланмаларига асосланиб ўтказилди [1].

1-жадвал

Ўрганилган зироатларнинг битта кўсақдаги пахта, 1000 дона дон, бир бош карам, 1 та пиёзбош вазни, г (такирсимон тупроқлар)

Вар. т/р	ЧДНСга нисбатан сугориш тартиби, %	Маъдан ўғит меъёрлари, кг/га с.х.			Ўргача битта кўсақдаги пахта, 1000 дона дон, бир бош карам, пиёзбош вазни, г	
		N	P	K		
		«Бухоро-102», «Термиз-49» гўза навлари 2007-2009 йиллар ўртача				
1	65-65-65 (назорат)	220	154	110	6,3	3,1
2	65-65-65	220	132	88	6,5	3,3
3	65-65-65	220	100	66	6,4	3,2
4	70-75-65	220	132	88	6,7	3,5
5	70-75-65	220	110	66	6,6	3,4
Иккинчи дала						
Кузги буғдойнинг «Чиллаки», арпанинг «Болғали» нави 2007-2008, 2009-2010, 2011-2012 йй						
1	75-75-70 (назорат)	180	126	90	43,7	43,9
2	75-75-70	180	108	72	45,3	44,6
3	75-75-70	180	90	54	44,8	43,5
4	80-80-70	180	108	72	47,6	46,3
5	80-80-70	180	90	54	46,7	45,9
Маккажўхорининг «Нарт», «Ўзбекистон-306AMB» навлари, 2008, 2010, 2012 йй						
1	70-70-60 (назорат)	220	154	110	215,7	204,8
2	70-70-60	220	132	88	218,1	213,1
3	70-70-60	220	110	66	216,4	209,5
4	75-75-60	220	132	88	228,2	223,5
5	75-75-60	220	110	66	224,0	219,9
Карамнинг «Шарқия», «Ўзбекистон-133» навлари, 2008-2009, 2010-2011, 2012-2013 йй						
1	75-75-70 (назорат)	200	140	100	1043	1072
2	75-75-70	200	120	80	1168	1190
3	75-75-70	200	100	60	1119	1143
4	80-80-70	200	120	80	1226	1257
5	80-80-70	200	100	60	1209	1248
Пиёзнинг «Сумбула», «Зафар» навлари, 2008-2009, 2010-2011, 2012-2013 йй						
1	75-75-70 (назорат)	200	160	80	121	117
2	75-75-70	200	140	60	136	131
3	75-75-70	200	120	40	126	127
4	80-80-70	200	140	60	142	141
5	80-80-70	200	120	40	139	135
«Бухоро-6», «Бухоро-8» гўза навлари, 2009, 2011, 2013 йй						
1	65-65-65 (назорат)	220	154	110	6,6	6,9
2	65-65-65	220	132	88	7,1	7,5
3	65-65-65	220	100	66	6,9	7,3
4	70-75-65	220	132	88	6,8	7,2
5	70-75-65	220	110	66	6,7	7,0

Ушбу тадқиқотларда ерни бўш қолдирмаган ҳолда юқорида номлари тилга олинган экинлар кетма-кетлиқда парваришланди. Тадқиқотларда сугориш тартиблари, маъдан ўғит меъёри бир дона кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона дон вазни, бир бош карам ва пиёзбош вазнларини ўзгаришига сезиларли таъсири кўрсатди. Ўртача бир дона кўсақдаги пахта вазни «Бухоро-102» навида 6,3-6,7 г, «Термиз-49» навида 3,1-3,5 г гача ўзгарди. Кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави 1000 дона дон вазни 2007-2012 йиллар давомида ўртача 43,7-47,6 г, арпанинг «Болғали» навида 43,5-46,3 г бўлганлиги, юқори сугориш тартиби, маъдан ўғит меъёrlарида юқори натижалар олинди. Маккажўхорининг «Нарт» навида

ўртача 215,7-228,2 г, «Ўзбекистон-306AMB» навида 204,8-223,5 г, маккажўхоридан сўнг 2008-2013 йилларда парваришланган карам навларида бир бош карам вазни «Шарқия» навида 1043-1226 г, «Ўзбекистон-133» навида 1072-1257 г, пиёз навларида 1 та пиёзбош вазни «Сумбула» навида 121-142 г, «Зафар» навида 117-141 г, карам, пиёздан сўнг парваришланган ўрта толали «Бухоро-6» ғўза навида 6,6-7,1 г, «Бухоро-8» ғўза навида 6,9-7,2 г гача ўзгариб турди. Карам, пиёздан сўнг экилган ғўза навларида сугориш тартиблари оширилиши бир дона кўсакдаги пахта вазни камайишига олиб келди (1-жадвал).

Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларда асосий экин сифатида экилган ғўза навларида битта кўсакдаги пахта вазни ЧДНСга нисбатан 70-75-65% сугориш тартибида, маъдан ўғитлар (NPK) 220:132:88 кг/га с.х. «Бухоро-102» навида назоратга нисбатан 0,3-0,5 г, «Термиз-49» навида 0,3-0,4 г юқори бўлиши, энг юқори 1000 дона дон вазни ЧДНСга нисбатан 80-80-70% сугориш тартибида, маъдан ўғит (NPK) 180:108:72 кг/га с.х., назоратга нисбатан «Чиллаки» навида 3,3-4,6 г, «Болғали» навида 1,8-2,3 г юқори бўлиши, маккажўхорининг 1000 дона дон вазни ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % сугориш тартибида, маъдан ўғит (NPK) 220:132:88 кг/га с.х. назоратга нисбатан «Нарт» навида 10,8-13,4 г, «Ўзбекистон-306AMB» навида 14,3-21,0 г юқори бўлиши, бир бош карам вазни, энг юқори ҳосил ЧДНСга нисбатан 80-80-70 % сугориш тартибида, маъдан ўғит (NPK) 200:120:80 кг/га с.х., назоратга нисбатан «Шарқия» навида 123-126 г, «Ўзбекистон-133» навида 116-119 г юқорироқ бўлиши, 1 та пиёзбош вазни ЧДНСга нисбатан 80-80-70% сугориш тартибида, маъдан ўғит (NPK) 200:140:60 кг/га с.х. «Сумбула», «Зафар» навларида назоратга нисбатан 19-22 г, 24-25 г юқори бўлиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда сугориладиган тақирсимон тупроқлардан йил давомида самарали фойдаланишда мақбул сув-озиқа меъёрларида бир дона кўсакдаги пахта, 1000 дона дон, бир бош карам ва пиёзбош вазнлари юқори бўлиши исботланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ, Тошкент, 2007, б. 1-146.
2. Авлиёкулов М.А. Жанубий минтақа ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларидан йил давомида самарали фойдаланишда экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси. //Монография. – Тошкент., Наврӯз нашриёти. – б. 1-400.
3. CER, UNDP "Озиқ-овқат хавфсизлиги: 2025 йилда озиқ-овқатнинг мавжуд бўлиши, унинг етарлилиги ва сифати". – Тошкент, 2013., -б. 1-7.
4. EP, 2008. Addressing the challenge of water scarcity and droughts in the European Union. European Parliament resolution of 9 October 2008 on addressing the challenge of water scarcity and droughts in the European Union (2008/2074(INI)).
5. Food and Agriculture Organization, 2009a. How to Feed the World in 2050 – Paper Prepared for the High Level Expert Forum. Food and Agriculture Organization, Rome.p. 1-13.
6. Karimov A. Kh., Avliyakulov M.A., Abdurakhmanov B., Anarbekov O., Mukhammedova N. Improving water use efficiency of dry land systems with high potential for intensification (Fergana Action Site). CRP 1.1. "Dryland Systems in Central Asia" Program IWMI Report, 2014. 1-53.

УЎТ: 633.853.52

СОЯ НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

З.М.Кушметов

Хоразм Маъмун академияси, докторант

Аннотация: Мақолада соя навларининг Хоразм вилояти шароитида ҳар хил муддатларда экиб, уларнинг ҳосилдорлигига экииш муддатларининг таъсирини ўрганиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижалари тўхрисида мулоҳазалар келтирилган.

Калим сўзлар: соя, муддат, қатор ораси, туп, сон, ҳосилдорлик

Аннотация: В статье приведены данные о влиянии сроков посева на урожайность разных сортов сои при условии Хорезмского вилоята

Ключевые слова: соя, срок, междурядия, рассада, количество, урожайность

Abstract: The article gives a comment on the results of research on the effects of soybean varieties in the Khorezm region in terms of sowing time and their yield.

Key words: soybean, time, line spacing, bush, number, productivity

Бугунги кунда дунё бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва барқарорлигини сақлаш, ресурстежамкор агротехнологияларни кенг жорий этиш, ахолини сифатли экологик тоза ўсимлик оқсилилари ва ёғлари билан таъминлаш ҳамда экспорт қилиш ва мамлакат иқтисодиётида юқори самарадорликка эришиш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Сўнги маълумотларга асосан соя етиштирувчи АҚШ, Бразилия, Аргентина каби давлатлар 122 млн.гаектарга яқин майдонларда экиб келмоқдалар. Дунё бўйича соянинг ялпи дона ҳосили 220,64 млн. тоннани ташкил этади.

Дунёда соя етиштирувчи қатор давлатларда оқсилли, серҳосил ва экологик тоза маҳсулот олиш учун муайян тупроқ-иқлим шароитларига мос навларни танлаш, экиш муддатлари ва агротехник усусларни кўллашни илмий асослаш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Шу боис ҳар хил соя навларини маҳаллий шароитларда синаш, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш, жадал ва тежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш долзарб масала хисобланади.

Ўзбекистонда соя дони етиштиришнинг янада ошириш тўғрисида Республикаиз Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2832-сонли “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори[3] ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш масаланинг ўта долзарблигини таъкидлайди.

Шу мақсадда Республикаизда соянинг тезпишар, эртапишар, ўртапишар, кечпишар серҳосил донининг таркибида тўйимли оқсил миқдори юқори бўлган, навларни танлаш ва сифатли дон етиштириш бўйича ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Хоразм вилояти шароитида соя янги навларини ҳосил структураси жиҳатларини экиш муддатларига боғлиқлигини ўрганиш ва шу асосда соя етиштириш бўйича ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш учун илмий тадқиқотлар олиб борилди.

1-жадвал

8-апрелда экилган соя навларининг ҳосилдорлиги т/га

Тадқиқотларнишлар	Навлар							
	Нафис		Арлета		Селекта-201		Селекта302	
	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриб а	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриб а
I	4,3	4,5	3,9	4,1	6,9	6,1	3,9	4,1
II	4,2	5,1	4,1	4,1	6,8	5,7	4,0	3,9
III	4,0	4,9	4,1	4,0	7,1	6,0	4,2	4,2
IV	4,3	4,9	4,1	4,0	7,0	5,9	4,0	4,1
Ўртacha	4,3	4,9	4,1	4,0	7,0	5,9	4,0	4,1
Статистик кўрсаткичлар	Ўртacha арифмети	Ёйиқлик (дисперси)	Анлоза оғиш	Ўзгарувчанл ик	Кузатувла р	Ишончилил ик	Нисбий хато	
	4,50		0,6	0,8	17,3	0,1	4,5±0,1	3,1

2-жадвал

18-апрелда экилган соя навларининг ҳосилдорлиги т/га

Тадқиқотларнишлар	Навлар							
	Нафис		Арлета		Селекта-201		Селекта302	
	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриб а	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриб а
I	5,2	5,7	4,4	4,3	5,3	5,0	4,3	4,5
II	4,9	5,1	4,6	4,6	5,2	5,4	4,2	4,7
III	5,2	5,5	4,2	4,1	5,5	5,5	4,3	4,6
IV	5,3	5,2	4,3	4,3	5,2	5,3	4,1	4,6
Ўртacha	5,2	5,4	4,4	4,3	5,3	5,3	4,2	4,6
Статистик кўрсаткичлар	Ўртacha арифмети	Ёйиқлик (дисперсия)	Анлоза оғиш	Ўзгарувчанли к	Кузатувла р	Ишончилил ик	Нисбий хато	
	4,8		0,25	0,50	10,40	0,09	4,8±0,09	1,84

Тадқиқотлар соянинг Нафис, Арлета, Селекта-201 ва Селекта-302 навларини 2018 йилда Хоразм вилояти Хонқа тумани “Шоҳидабону-Шерзод” фермер хўжалигига қарашли 4 контурида уч варианти; 8, 18 ва 28 апрелда ва 4 тадқиқотларнишда, қатор ораси 60 см, туп ораси 4 см, ҳар бир нав 4 ва 1 назорат қаторда, қатор узунлиги 5 п.м. дан, тажрибани 12 м² майдонга экиб, ҳосил уч муддатда; Нафис навидан 25, 30 август ва 6 сентябрда, Арлета навидан 15 июль, 4, 7 августда, Селекта 201 навидан 20 июль, 8, 10 август, Селекта 302 навидан 2, 10 ва 23 августда йиғиштриб олинди.

Статистик таҳлиллар “Миқдорий ўзгаришларнинг асосий статистик кўрсаткичлари” ни хисоблаш бўйича Microsoft Excel дастурида амалга оширилди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Кузатувлардан шу нарса маълум бўлди, 8 апрелда экилган, 25, 30 ва 6 сентябрда ҳосили йигиштириб олинган; Нафис навида ҳосилдорлик 4,9 т/га., Арлета навида 4,0 т/га., Селекта 201 навида 5,9 т/га ва Селекта 302 навида 4,1 т/га.ни ташкил этиб, бу муддатда экилган навлар орасида энг паст кўрсаткич Арлета навида 4,0 т/га. га тенг бўлганлиги кузатилди (1-жадвал).

Иккинчи муддат 18 апрелда экилган соя навларининг ҳосилдорлиги тубандагича. Такрорланишлар бўйича ўртacha: Нафис навидан 5,4 т/га, Арлета навидан 4,3 т/га, Селекта 201 навидан 5,3 т/га, Селекта 302 навидан 4,6 т/га ҳосил йигиштириб олинди. Бу муддатда энг кўп ҳосил микдори Селекта 201 навида, энг кам ҳосилдорлик Арлета навида кузатилиб 4,3 т/га ни ташкил этди (2-жадвал).

Учинчи муддат 28 апрелда экилган соя навларининг ҳосилдорлики кўйидагича бўлди. Ўртacha бир гектардан Нафис навининг ҳосили 7,1 т/га ни, Арлета навининг ҳосили 6,1 т/га ни, Селекта 201 навининг ҳосили 6,3 т/га ни ва Селекта 302 навининг ҳосили 7,1 т/га ни ташкил этиб, ҳосилдорлик жиҳатидан энг юқори кўрсаткич Нафис ва Селекта 302 навларида, энг паст кўрсаткич эса Арлета навида кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

28-апрелда экилган соя навларининг ҳосилдорлиги т/га

Такрор- ланишлар	Навлар							
	Нафис		Арлета		Селекта-201		Селекта302	
	Назор	Тажриба	Назорат	Тажри	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажри
I	6,9	6,9	6,0	5,9	5,9	6,4	6,7	6,8
II	7,1	7,2	5,7	6,2	6,1	6,1	6,9	7,1
III	6,5	6,8	6,1	6,3	5,7	6,4	7,2	7,2
IV	6,9	7,4	5,8	6,1	5,9	6,3	7,6	7,4
Ўртacha	6,9	7,1	5,9	6,1	5,9	6,3	7,1	7,1
Статистик кўрсаткичлар	Ўртacha арифмет	Ёйиқлик (лисперси)	Анлоза оғиши	Ўзгарувчанл ик	Кузатувл ар	Ишончилил ик	Нисби й	
		6,7	0,3	0,6	8,6	0,1	6,7±0,1	1,5

Ҳосилдорлик кўрсаткичларини экиш муддатларига боғлиқлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибалар натижаларининг статистик таҳлиллари шуни кўрсатадики тажрибалар жараёнида деярлик хатога йўл қўйилмаган.

Демак соя навларининг Хоразм вилояти шароитида апрель ойининг учинчи ўн кунлигига экиш ундан юқори ва сифатли дон маҳсулотлари олиш имкониятини яратар экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Ёрматова Д.Ё. Ўсимликунослик-Тошкент, 2001.- Б110-121.
- Жуманиязов А., Аннамуратова Д.Р., Сафарова Н.К., Сафаров А.К. Хоразм Маъмун академияси тажриба даласи тупроқларининг агрокимёвий тавсифи// Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари: Тез.докл. илм-амал. Конф.- Тошкент, 2007.-168-169 б.
- Рязанова Л.Г., Проворченко А.В., Горбунов И.В Основы статистического анализа результатов исследований в садоводстве. –Краснодар, 2013. –С 6-8.

УЎТ: 631.4;630.114.442.5/445(575.1)

ЖИЗЗАХ ЧЎЛИ ГИПСЛИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАНЛИГИ БЎЙИЧА ИНДИКАТОРЛАРИ, БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ (БФ), УМУМИЙ НИСБИЙ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ (НБФ) ҲАМДА БИОДИАГНОСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Д.Ю.Махкамова, К.А.Идирисов

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Аннотация. Ушибу мақолада Жиззах чўли гипсли тупроқларининг биологик фаоллиги, нисбий биологик фаоллиги ҳамда индикатор мезонлари келтирилган. Деградацияга учраган гипсли тупроқлар индикатор мезонлари тупроқларнинг хосса-хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузилган. Ушибу индикатор кўрсаткичлари қишилоқ ҳўжасалик экинларини жойлаштириши, тупроқлардан оқилона фойдаланиши имконини беради.

Калит сўзлар: Гипс, шўрланиши, тупроқ, биологик фаоллик, индикатор мезонлари.

Аннотация. В этой статье описывается биологическая активность, относительная биологическая активность и критерии индикаторов Джиззакской пустынной гипсовой почвы. На основе почвенных свойств, был составлен индикатор критериев деградированных гипсированных почв. Показатели этого индикатора позволяют размещать сельскохозяйственные культуры, рационально использовать почвы.

Ключевые слова: Гипс, засоление, почва, биологическая активность, критерии индикаторов.

Abstract. This article describes the biological activity, relative biological activity and indicator criteria of Djizzakh desert gypsum soil. On the basis of soil properties indicator of criteria of degraded gypsum soil were worked out. Measures of these indicators give opportunities to place agricultural crops and rational use of soils.

Key words: Gypsum, salinity, soil, biological activity, biodiagnostic indicators.

Сўнгги йилларда, тупроқ унумдорлигини пасайиши натижасида турли ҳудудларда бир қатор деградация жараёнлари кузатилган. Шу муносабат билан гипсли тупроқларни бу борада ўрганиш жуда ўринли бўлиб, тупроқ ва турли иқлим шароитларида унинг деградацияси фаол намоён бўлади. Шунинг учун, тупроқ хусусиятларининг умумий ахволи ва унинг унумдорлигини баҳолашда диагностика ва кўрсатилган биологик усулдан фойдаланиш зарур. Тупроқ таркибида хаёт кечиравчи кенг кўламдаги ва мураккаб тирик организмлар оламисиз тупроқ қатлами мавжуд бўлиши мумкин эмас ва шунингдек, айнан тупроқ қобигисиз Ерда биосферанинг ривожланиши ҳакида фикр юритиш хам мумкин эмас, шундай қилиб тупроқ қатлами Ернинг ўзига хос, ягона планетар қобиги сифатида ўрин тутади [7].

Тупроқ қатлами таркибида микроорганизмлар популяциясининг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш, тупроқ микрофлорасининг экологик тизимлардаги асл ролига аниқлик киритиш ва шунингдек, у ёки бу табиий шароитларда экологик тизимларда амалга ошувчи биокимёвий фаоллик кўламини, ушбу жараёнларнинг жадаллигини баҳолаш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга [1].

1-жадвал

Жиззах чўли гипсли тупроқларининг биологик фаоллик (БФ) кўрсаткичлари

Каталаз а, 5 мин. давоми да 1 г тупроқ	Полифенолоксид аза, 10 г тупроққа нисбатан мг/пуптур-галин	Пероксида за, 10 г тупроққа нисбатан мг/пуптур- галин	Аммонификатор лар, КОEx 10^3	Нитрификаторл ар, КОEx 10^3	Целлюлоза парчаловчил ар, КОEx 10^3	Актиномицетл ар, КОEx 10^3	Замбур уг лар, КОEx 10^3
Гипс миқдори 2% дан кам тупроқлар							
13,2	8,6	7,3	5000	110	110	200	98
Гипс миқдори кам тупроқлар							
10,0	7,5	6,8	1800	30	40	180	82
Гипс миқдори ўртача тупроқлар							
6,3	4,8	5,2	910	16	30	110	62
Гипс миқдори кўп тупроқлар							
4,0	3,4	2,6	760	16	20	80	60
Гипс миқдори жуда кўп тупроқлар							
2,4	1,8	1,2	250	1,5	0,5	43	15

Микроорганизмларнинг фаолияти тупроқлар унумдорлигини узлуксиз ошириб боришида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, одамнинг хўжалик фаолияти таъсирида тупроқ қатлами мининг потенциал ресурсларини ҳақиқий унумдорликка айлантирилиши ва юқори хосилдорлик кўринишида рўёбга оширилиши мумкин [6,8]. Ўрганилган агроценозларда бактериал жамланмалар таксономик таркиби аниқлигини белгилайдиган энг муҳим омил ўсимлик қолдиқлариdir. Маълумки, ўсимликни ўсиш жараённида эккристотроф бактериаларни гидролитик айланиши кузатилади [5]. Тупроқ унумдорлигини ошишида ва тупроқ хосил бўлиш жараёнларида иштирок этувчи микроорганизм гуруҳлари катта роль ўйнайди. Бунда, айниқса, ўсимликларнинг ўсиши ва тупроқ унумдорлигини ошиши учун зарур бўлган озиқа моддаларининг хосил бўлиш жараёнлари муҳим ҳисобланади. Микроорганизмлар миқдори бўйича ўрганилган тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини ва унда кечеётган биологик жараёнлар йўналишини тавсифлаш мумкин [2,3,4]. Маълумки, тупроқнинг замонавий диагностикасида морфологияси, кимёси, физикаси ва тупроқларнинг минералогияси маълумотларидан фойдаланиб, тупроқшуносликнинг барча бўлимларида фойдаланади. Тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятлари, тупроқ бир "хотира" сифатида, нисбатан консерватив тўпланган хусусиятлари билан ажralиб туради. Тупроқ биологияси ("тупроқвакт", "тупроқ-хаёт") динамик хусусиятлари кўрсаткичларига эга ва тупроқ замонавий режими кўрсаткичи ҳисобланади. Инсон таъсири туфайли табиий экотизимларнинг деградациясини аниқлаш учун мақбул усувларни ишлаб чиқиши зарурлигига олиб келди.

2-жадвал

Жиззах чўли гипсли тупроқларининг умумий нисбий биологик фаоллиги (НБФ) (максималга нисбатан % ҳисобида)

Каталаза	Полифено локсидаза	Пероксидаза	Аммони фикаторлар	Нитрификаторлар	Целлю лоза парчалов чилар	Актиноми цетлар	Замбуурғ лар	НБФ
Гипс миқдори 2% дан кам тупроқлар								
100	100	100	100	100	100	100	100	100
Гипс миқдори кам тупроқлар								
76	87	93	36	27	36	90	84	66
Гипс миқдори ўртача тупроқлар								
48	56	71	18	15	27	55	63	44
Гипс миқдори кўп тупроқлар								
30	39	35	15	15	18	40	61	31
Гипс миқдори жуда кўп тупроқлар								
18	21	16	5	2	1	21	15	12

Тупрок унумдорлигини чуқур ўрганиш тобора кўпроқ эътиборни тортмоқда. Деярли барча кўрсаткичлар-морфогенетик баҳо, кимё, физика, биология, минералогия ва тупроқларнинг биологик омиллар асосларини ривожлантиришдаги асосий ҳолатида тупроққа замонавий ташхис ишлатилади. Шу муносабат билан, тупроқ биологик хусусиятлари билан "тупроқ-ҳаёт", деб номланувчи динамик хусусиятлар каби кўрсаткичларига эга ва тупроқнинг ҳозирги ҳолати нозик кўрсаткичларидан ҳисобланади. Гипсли тупроқларни биологик фаолиятини ўрганиш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, биологик асосларини ривожлантириш имконини беради. Шунинг учун, тупроқга ташхис қўйишида биологик тадқиқотларда ва микробиологик даражасини баҳолашда биокимёвий усуллар ишлатилади. Гипсли тупроқларда биологик фаоллик (БФ) даражаси баҳоланди 1-2 жадвал), мажмуавий-солишиштирма таҳлилларни амалга ошириш ва тупроқ асосий хоссаларининг, айрим гипс даражасининг тупроқлар нисбий биологик фаоллигига (НБФ) таъсири ўрганилди.

3-жадвал

**Жиззах чўли гипсли тупроқларининг деградацияга учраганлиги
бўйича индикаторлари**

Кўрсаткичлар	Деградацияга учрамаган тупроқлар	Кучсиз деградацияга учраган тупроқлар	Ўртacha деградацияга учраган тупроқлар	Кучли деградацияга учраган тупроқлар	Жуда кучли деградацияга учраган тупроқлар
Гумус, %	>1,8	2,3	1,6	1,5	1,3
Қуруқ колдик, %	<0,6	0,6-0,9	1,0-1,8	2,0-3,0	>3
Гипс миқдори, % $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	>2	2-9	10-19	20-29	30-41
Захарли тузлар, тупроқ қатлами бўйича, %	>1,33	1,182	1,936	1,592	3,661
Ер ости сувларининг минерализацияси, г/л	2,4	8,4	12,6	16,4	25,1
Шўрланиш даражаси бўйича	Шўрланмаган	Кучсиз	Ўртacha	Кучли	Шўрхок
Нисбий БФ	100	82	62	60	15
Гипс миқдори бўйича	Гипс миқдори 2% кам тупроқлар	Гипс миқдори кам тупроқлар	Гипс миқдори ўртacha тупроқлар	Гипс миқдори кўп тупроқлар	Гипс миқдори жуда кўп тупроқлар

Турли хил физик-кимёвий, микробиологик ва биокимёвий хоссаларга эга бўлган, шунингдек тупроқ кесими бир хилда тузилишга эга бўлмаган, гипсли тупроқларнинг БФ қийматини мажмуавий равишда ўрганиш орқали уларнинг экологик-генетик хоссалари шунингдек, табиий-экологик омилларнинг тупроқлар унумдорлигига таъсири даражасига ойдинлик киритиши мумкин. Олинган натижалар асосида гипсли тупроқлар учун деградация индикатор меъзонларилари тавсия этилди (3-жадвал).

Амалга оширилган мажмуавий тадқиқотлар тупроқларнинг умумий биологик фаоллиги нафакат тупроқнинг алоҳида хоссаларига боғлиқ бўлиши, балки уни ўраб турган тизимлар ва жараёнлар билан ўзаро алоқадорликда ва ўзаро боғлиқликда бўлиши ҳам қайд қилинди. Шундай қилиб, барча ўрганилган

тупроқлар ўзининг алохиди боғлиқлик тизимиға эгалиги билан характерланади. Натижада Жиззах чўл зонасида тарқалган гипсли тупроқларнинг баъзи умумий қонуниятларини аниқлаш учун имконият яратади. Тупроқдаги гипс миқдори бўйича нисбий биологик фаоллик (НБФ) қийматининг 80% оралиғида ўзгариши, нисбий биологик фаоллик (НБФ) қийматининг камайиши (100-66-44-31-12), гипс миқдорининг ортиб бориши, гипс миқдорига кўра гипс миқдори 2% дан кам-ўртача-кўп-жуда кўп йўналиш бўйича тупроқларда биологик фаолликнинг камайиши кузатилди.

Гипсли, деградацияга учраган тупроқлар индикатор мезонлари тупроқларнинг хосса-хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, тупроқлардан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишида илмий асос бўлиб хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аристовская Т.В. Микроорганизмы как особый компонент экосистемы //Труда X Межд.конг.почвоведов. М.,1974.-Т.3. С.15-21.
2. Гафурова Л.А., Сайдова М.Э. Почвы Приаралья и их биологическая активность: Монография.-Ташкент, 2015. С.53-54.
3. Гафурова Л., Ахмедов А., Ямнова И., Рамазанов А. Особенности засоления гипсированных почв подгорной равнины Голодной степи// «Вестник аграрной науки Узбекистана», №1-2, Т., 2007. С. 24-29.
4. Гафурова Л.А., Кадирова Д.А. Эродированные почвы Туркестанского хребта и их биологическая активность. Автореф.канд.дисс. Т, 2014, 150 с.
5. Добровольская Т.Г., Хуснетдинова К.А, Манучарова Н.А., Балабко П.Н. Структура и функции бактериальных сообществ в агроценозе //Почвоведение. 2016. 79 с.
6. Железова А.Д., Тхакахова А.К., Ярославцева Н.В., Гарбуз С.А., Лазарев В.И., Когут Б.М., Кутовая О.В., Холодов В.А. Микробиологические показатели агрегатов типичных черноземов в многолетних полевых опытах//Почвоведение. 2017. С.711-717.
7. Звягинцев Д.Г., Бабьева И.П., Зенова Г.М. Биология почв. –М.: Изд-во МГУ, 2005. 445 с.
8. Полянская Л.М., Пинчук И.П., Степанов А.Л. Сравнительный анализ методов люминесцентной микроскопии и каскадной фильтрации для оценки численности и биомассы бактерий в почве: роль разведения почвенной суспензии//Почвоведение. 2017. С. 1216-1219.

УЎТ 581.1:633.51+633.51

ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ШЎРЛАНИШГА НИСБАТАН МОСЛАШИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ У.Т.Норбоева, А.Э.Холлиев (БухДУ)

Аннотация. Мақолада ғўза навларининг шўрланишига нисбатан мослашиши кўрсаткичларидан барглардаги боғланган сув, боғланган хлорофилл, қолдиқ сув танқислиги ва альбуминлар қийматига тупроқ шўрланиши таъсири натижасида олинган маълумотлар келтирилган. Навлар кесимида ўрганилган ушибу кўрсаткичлар қийматининг ўзгариши ва мослашиши даражаси навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган.

Калим сўзлар: шўрланиши, боғланган сув, боғланган хлорофилл, қолдиқ сув танқислиги, альбуминлар, мослашиши.

Аннотация. В статье приводятся такие адаптационные показатели к почвенному засолению как содержание связанной воды, связанного хлорофилла, остаточного водного дефицита и содержание альбуминов в листьях сортов хлопчатника. Определено изменения величин этих показателей и адаптационная степень в пределах сортов в зависимости от их биологических особенностей.

Ключевые слова: засоление, связанная вода, связанная хлорофилл, остаточный водный дефицит, альбумин, адаптация.

Abstract. The article includes information about the influence of soil salinity on the indices of adaptation in the leaves of cotton plant, as the content of bound water, bound chlorophyll, residual water deficiency and content of albumins. There were defined changes of size indications and adaptive levels are depended on the biological features of the sorts.

Key words: salinity, bound water, bound chlorophyll, residual water deficit, albumins, adaptation.

Ўсимликшунослиқда ўсимликларнинг шўрга чидамлилик муаммосини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Тупроқ шўрланишининг йилдан-йилга ошиб бориши қишлоқ хўжалик ўсимликларида юқори ва сифатли ҳосил олишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ер шарининг 25 фоизини эгаллаган тупроқ шўрланиши ва бошқа ноқулай абиотик омиллар ўсимликларда сув танқислиги ва ионлар дисбалансини келтириб чиқаради [1]. Тупроқ шўрланиши таъсирида агро ва биоценозларнинг маҳсулдорлиги пасаяди, биохилма- хилликнинг генетик таркиби ўзгариши ва жиддий иктиносидий йуқотишлар кузатилади [2].

Тупроқ шўрланишининг ўсимликларга салбий таъсири қўйидагилардан иборат: тупроқ эритмасида сув потенциалининг пасайиши ҳисобига илдизнинг сувни шимиш фаолияти қийинлашади; тупроқ структурасининг ўзгариши, яъни унинг сув ва ҳаво ўтказувчанлиги пасаяди ва хужайра ичидаги

ноорганик ионлар концентрациясининг ошиши эвазига ўсимликлар метаболизмига заҳарли таъсир қиласи [3].

Ҳатто кучсиз концентрацияларда нейтрал бўлган тузлар ҳам қуюқ концентрацияларда заҳарли ҳисобланади. Шу боис ғўза навларининг қиёсий шўрга нисбатан чидамлилик даражаси ва мослашишининг физиологик жиҳатларини ўрганиш амалий аҳамиятга эга.

Кўпчилик қишлоқ хўжалик ўсимликлари шўрланишдан таъсирланади. Лекин, улар орасида заҳарли ионларнинг нокулай таъсирига нисбий чидамли бўлган экинларнинг тур ва навлари ҳам учраб туради[4,5].

Ўсимликларнинг мослашиш механизмларини аниқлаш орқали уларнинг шўрланган мухитда яшашини бошқариш- чидамлилик физиологиясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади[6].

Ғўза навларининг тупроқ шўрланишига мослашиш кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида тажрибалар ўтказилди.

Ғўза навларининг шўрланишга нисбатан айrim мослашиш кўрсаткичлари
(тупроқ шўрланиши ўртача)

Навлар	Тажриба вариантлари	Боғланган сув, %	Боғланган хлорофилл, %	Қолдик сув танқислиги, %	Альбумин лар, мг%
Бухоро-6	назорат	35,5±0,53	33,3±0,20	1,6±0,05	0,08±0,006
	тажриба	37,3±0,47	34,7±0,24	2,2±0,07	0,25±0,009
	назоратга нисбатан, %	105,0	104,2	137,5	312,5
Бухоро-8	назорат	36,0±0,31	34,8±0,30	1,7±0,04	0,07±0,004
	тажриба	40,1±0,39	37,5±0,19	2,0±0,05	0,28±0,007
	назоратга нисбатан, %	111,3	107,7	117,6	400,0
Бухоро-10	назорат	35,8±0,32	33,9±0,22	1,8±0,06	0,06±0,008
	тажриба	37,5±0,27	35,7±0,20	2,3±0,07	0,20±0,007
	назоратга нисбатан, %	105,6	105,3	127,7	333,3
Бухоро-102	назорат	36,3±0,25	33,5±0,17	1,6±0,03	0,07±0,005
	тажриба	39,9±0,34	36,8±0,22	1,8±0,05	0,31±0,009
	назоратга нисбатан, %	109,9	109,8	118,7	442,8
С-6524	назорат	33,7±0,19	33,0±0,24	1,9±0,04	0,05±0,003
	тажриба	35,1±0,23	32,2±0,20	2,8±0,07	0,11±0,002
	назоратга нисбатан, %	104,1	102,4	147,3	220,0

Тадқиқот объектлари ва услублари. Тажрибаларнинг обьекти сифатида ўрта толали ғўза навлари гурухига мансуб бўлган Бухоро-6, Бухоро-8, Бухоро-10, Бухоро-102, С-6524 навларидан фойдаланилди. Бу навлар ҳозирги вактда ҳам республикамизнинг қатор вилоятларида кенг майдонларга экилмоқда. Тажрибалар учун ўтлоқи аллювиал тупроқдан фойдаланилди. Бундай тупроқлар Бухоро вилоятининг асосий майдонларини ташкил қиласи. Вегетацион тажрибалар учун олинган тупроқнинг намлиги ва нам сифими аниқланди. Шу иккала кўрсаткич асосида тупроқнинг намлиги, тўлиқ нам сифими (Т.Н.С.)га нисбатан 70 % даражасида сақланди. Идишларда тупроқнинг ҳавода қуритилган массасига қараб хлор иони бўйича турли даражадаги тупроқ шўрланишлари ҳосил қилинди. Дала тажрибаларини ўтказишдан олдин тупроғи турли даражада шўрланган далалар белгилаб олинди. Барча дала тажрибаларида суғоришдан олдинги тупроқ намлиги, унинг ҳажмий оғирлиги ва дала нам сифимини аниқлаш йўли билан тупроқнинг сув танқислиги ўрганилиб, суғориш ишлари амалга оширилди.

Тадқиқотлар давомида ғўза навларининг шўрланишга мослашиш даражасини белгилайдиган қуйидаги физиологик кўрсаткичлар аниқланди: барглардаги боғланган сув микдори [7], боғланган хлорофилл микдори[8], қолдик сув танқислиги [9] ва альбуминлар микдори[10].

Тадқиқот натижалари ва унинг мухокамаси. Бухоро вилоятининг тупроғи шўрланган худудларида районлаштирилган ғўза навларининг тупроқ шўрланиши даражаларига бўлган реакция нормаси қатор физиологик кўрсаткичларни ўрганиш асосида аниқланди.

Тупроқ шўрланиши натижасида боғланган сув миқдори, боғланган хлорофилл, қолдиқ сув танқислиги ва альбуминлар миқдорига таъсир кўрсатиши қайд этилди. Тупроқ шўрланиши ўртача бўлган мухитда ўрганилган барча навларда айрим физиологик мослашиш кўрсаткичларининг ўзгариши қайд этилди. Ўрганилган барча мослашиш кўрсаткичларининг назоратга нисбатан тажриба варианtlарида ошиши кузатилди. Барча мослашиш кўрсаткичларнинг ҳар хил даражада ўзгариши навлар кесимида ҳам фарқ қилиши кузатилди.

Ўрганилган гўза навларининг сув алмашинув жадаллиги тупроқ шўрланишига боғлиқлиги аниқланди. Бунда барглардаги умумий, метаболитик ва боғланган сув миқдори ўртасида нисбатлар ҳам кескин ўзгарди. Шўрланган шароитда умумий ва боғланган сув миқдорининг ошиши, метаболитик сув миқдорининг камайиши кузатилиб, айни пайтда, баргларда қолдиқ сув танқислиги қиймати ҳам ошиб борди.

Бухоро-6 навида боғланган сув миқдори назоратга нисбатан 105,0 фоиз, боғланган хлорофилл миқдори 104,2 фоиз, қолдиқ сув танқислиги 137,5 фоиз, альбуминлар миқдори эса 312,5 фоизни ташкил қилди. Бухоро-8 навида боғланган сув миқдори назоратга нисбатан 111,3 фоиз, боғланган хлорофилл миқдори 107,7 фоиз, қолдиқ сув танқислиги 117,6 фоиз, альбуминлар миқдори эса 400,0 фоизни ташкил қилди. Бухоро-10 навида боғланган сув миқдори назоратга нисбатан 105,6 фоиз, боғланган хлорофилл миқдори 105,3 фоиз, қолдиқ сув танқислиги 127,7 фоиз, альбуминлар миқдори эса 333,3 фоиз бўлди. Бухоро-102 навида боғланган сув миқдори назоратга нисбатан 109,9 фоиз, боғланган хлорофилл миқдори 109,8 фоиз, қолдиқ сув танқислиги 118,7 фоиз, альбуминлар миқдори эса 442,8 фоизни ташкил қилди. С-6524 навида боғланган сув миқдори назоратга нисбатан 104,1 фоиз, боғланган хлорофилл миқдори 102,4 фоиз, қолдиқ сув танқислиги 1147,3 фоиз, альбуминлар миқдори эса 220,0 фоизни ташкил қилиши қайд этилди.

Боғланган сув миқдорининг ошиши ғўзанинг Бухоро-8 навида энг юқори бўлди. Қолган учта кўрсаткич қиймати бўйича юқори натижалар ғўзанинг Бухоро-102 навида кузатилди. Ғўзанинг С-6524 навида юқорида ўрганилган барча кўрсаткичлар бўйича бошқа навларга қараганда энг паст натижалар қайд этилди.

Ғўза навлари баргидаги қолдиқ сув танқислиги қиймати бўйича ўрганилган навлар ўртасида ҳам фарқлар кузатилди. Энг юқори қолдиқ сув танқислиги барча тажриба варианти ўсимликларида қайд этилди. Қолдиқ сув танқислигининг шўрланиш таъсирида кескин ошиши (147,3 фоиз) С-6524 навида, энг кам ўзгариши эса (117,6 фоиз) Бухоро-8 навида қайд этилди. Боғланган хлорофилл ва альбуминлар миқдори Бухоро-102 навида энг юқори бўлди.

Тупроқ шўрланиши барча навларда боғланган хлорофилл миқдорининг ошишига сабаб бўлди. Барглардаги альбуминлар миқдори ҳам барча тажриба варианtlари ва навларда тупроқ шўрланиши таъсирида ошди. Фотосинтез жадаллигининг эса шўрланган мухитларда секинлашиши қайд этилди.

Тупроқ шўрланиши ғўза баргларидаги альбуминлар миқдорининг ошишига сабаб бўлди. Барча тажриба варианtlарида унинг миқдори назоратга нисбатан юқори. Навлар кесимида юқори қийматлар назоратга нисбатан (442,8 фоиз) Бухоро-102 навида, энг паст натижалар (220,0 фоиз) С-6524 навида қайд қилинди.

Хулоса. Тупроқ шўрланишига нисбатан мослашиш кўрсаткичларини ўрганиш шунни кўрсатдики, шўрланиш таъсири барча ғўза навларининг сув балансига салбий таъсир қилиб, навларда биологик ва хўжалик ҳосил салмоғининг камайишига сабаб бўлди. Айни пайтда ҳосил билан биргаликда унинг сифат кўрсаткичлари ҳам пасайди. Ғўза навларининг айрим мослашиш кўрсаткичлари қиймати тупроқ шўрланишининг таъсири натижасида навлар кесимида ҳар хил бўлиши уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқлиги қайд этилди. Олинган маълумотлар асосида Бухоро-8 ва Бухоро-102 навларининг шўрга нисбатан мослашиш хусусиятлари юқорилиги қайд этилди ва бу навларда шўрланиш таъсирида ҳосил миқдори ва сифатининг пасайиши бошқа навларга нисбатан камроқ бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Ефимова М.Ф., Савчук А.Л., Хасан Дж. А.К., Литвиновская Р. П. Физиологические механизмы повышения солеустойчивости растений рапса брацциностероидами// Физиология растений, 2014.-Том 61.- №6.- С.778-789.
- 2.Kuznetsov Vl. V., Shevyakova N.I. Polyamines and plant adaptation to saline environments // Desert Plants / Ed. Ramawat K.A. Heidelberg; Dordrecht; London; New York; Springer-Verlag, 2010. P.261-298.
- 3.Shahid S.A., Rahman K. Soil salinity development, classification, assessment, and management in irrigated agriculture// Handbook of Plant and Crop Stress / Ed. Pessarakli M. Boca Raton: CRC Press, Taylor & Francis Group, 2011. P.23-38.
- 4.Балнокин Ю.В., Куркова Е.Б., Мясоедов Н.А., Луньков Р.В., Шамсутдинов Н.З., Егорова Е.А., Бухов Н.Г. Структурно-функциональное состояние тилакоидов у галофита *Suaeda altissima* L. в норме и при нарушении водно-солевого режима под действием экстремально высоких концентраций *NaCl* //Физиология растений. – Москва. 2004. - №6 (51). - С. 905-912.

- 5.Балнокин Ю.В., Котов А.А., Мясоедов Н.А. Участие дальнего транспорта Na^+ в формировании градиента водного потенциала в системе среда-корень-лист у галофита *Snaeda altissima*//Физиология растений. – Москва. 2005. - №3 (52). С. 549-557.
- 6.Веселов Д.С., Шарипова Г.В., Кудоярова Г.Р. Сравнительное изучение реакции растений ячменя (*Hordeum vulgare*) и пшеницы (*Triticum durum*) на кратковременное и длительное действие натрий хлоридного засоления//Агрохимия.-2007.-№.-С.867-875.
- 7.Третьяков Н.Н., Карнаухова Т.В., Паничкин Л.А. Практикум по физиологии растений .-М.: Агропромиздат, 1990. -271 с.
- 8.Маслова Т.Г. К вопросу о состоянии хлорофилла в пластидах зеленых растений // Ботанический журнал. – 1958. – Т. 43. – №1. – С. 103-106.
- 9.Кушниренко М.Д., Гончарова Э.Л., Курчатова Г.П. Методы сравнительного определения засухоустойчивости плодовых растений//Методы оценки устойчивости растений к неблагоприятным условиям среды:-Тр. ВАСХНИЛ. - М.: Колос, 1986.-С. 87-101.
- 10.Третьяков Н.Н., Карнаухова Т.В., Паничкин Л.А. Практикум по физиологии растений . –М.: Агропромиздат, 1990. -271 с.

УДК: 635.49

ДОРИВОР МОЙЧЕЧАК ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Р.Собиров, Х.Собиров, Б.Муродов Хоразм Маъмун академияси

Аннотация. Мақолада дориворлик хусусиятига эга бўлган, воҳамиизда ёввойи холатда учрайдиган доривор мойчечак ўсимлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушибу ўсимликдан юқори ҳосил олиши учун қўлланиладиган агротехнологиялари, ўсимликнинг доривор қисмларини йигиш ва қайта ишилаша ёритилган.

Калит сўзлар: мойчечак, экши санаси, ўғит меъёри, сугории режисми, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье приводятся данные о лекарственной ромашке, обладающей лечебными свойствами и встречающемся в нашей области в дикорастущем виде. Определены агротехнологии позволяющие получать высокий урожай, методы сбора и переработки лекарственных частей растения.

Ключевые слова: ромашка, дата посева, нормы удобрений, режим орошения, урожайность.

Abstract. The article presents data on medicinal chamomile, which has healing properties and is found in our area in the wild. Agrotechnologies have been determined that allow obtaining high yields, methods of collecting and processing medicinal parts of the plant.

Key words: chamomile, sowing date, fertilizer rates, irrigation regime, yield.

Доривор мойчечак — **Chamomilla Recutita (L.)** астралдошлар — **Asteraceae** (мураккабгулдошлар — **Compositae**) оиласига киради.

Доривор мойчечак бўйи 15—40 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви, сершох, ичи ковак. Барги икки марта патсимон ажралган, сегментлар ингичка чизиксимон, ўткир учли. Поя ва шохчалари узун бандли давлатчага тўпланган гул билан тамомланади. Саватча четидаги гуллари оқ, тилсимон, ўртадагилари эса икки жинсли, сариқ, найчасимон. Меваси — қўнғир-яшил писта. Май ойидан бошлаб гуллайди.

Географик тарқалиши. Доривор мойчечак кенг тарқалган бўлиб, у асосан ўтлоқларда, экинзорларда (бегона ўт сифатида), йўл ёқаларида ўсади. Асосан Россиянинг Европа қисмининг жанубида, Кавказ, Крим, Украина, Сибирнинг жанубий туманлари ва Ўрта Осиёда учрайди. Мойчечак жуда тез кўпайди.

Кимёвий таркиби. Саватчага тўпланган гуллар таркибида 0,22—0,8% эфир мойи, апиин, кверцимеритрин, кверцетин, лютеолин ва бошқа (35 тача бирикмалар) флавоноидлар, гвайянолид гурух лактонларидан матрикарин ва матрицин, гетероциклик ҳалқали полиин лактонлар, прохамазулен, қумаринлар (умбеллиферон, герниарин), диоксикумарин, каротин, витамин С, шиллик, аччик ва бошқа моддалар бўлади. XI ДФ га кўра, доривор мойчечак гули таркибида 0,3% эфир мойи бўлиши керак.

Эфир мойи кўк суюқлик бўлиб, таркибида 1,64—8,99% хамазулен, 20% гача сесквитерпен спиртлари, кадинен, трициклик спирт, бисаболен ва унинг оксидлари, каприл, нонил, изовалериан кислоталар ҳамда бошқа терпен ва сесквитерпенлар бор. Эфир мойи таркибидаги сесквитерпенларнинг умумий миқдори 50% гача бўлади. Хамазулен эфир мойининг асосий таъсир этувчи қисми ҳисобланади.

Ишлатилиши. Мойчечак ичакларнинг ёпишиб қолиши (ичаклар спазми) га, микробларга, аллергияга ва яллигланишга қарши ҳамда яраларни даволовчи таъсирга эга. Шунинг учун унинг доривор препаратлари меъда-ичак (ичак ёпишиб қолганда ва ич кетганда) ва гинекологик касалликларни даволашда ҳамда тер ва ел хайдовчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, мойчечак гули юмшатувчи, антисептик ва яллигланишга қарши (огиз, томоқни чайқашда, шифобахш ванна ҳамда клизма қилишда) восита сифатида қўлланилади.

Мойчечак гули таркибидаги кимёвий бирикмалар комплекси (хамазулен, матрицин, апигенин, герниарин ва бошқалар) таъсир этувчи қисм ҳисобланади. Хамазулен тинчлантирувчи хоссага ҳамда

и чакларнинг ёпишиб қолиши, аллергияга ва яллиғланишига қарши таъсирга эга. Апигенин, апиин ва гериаринлар ҳам и чакларнинг ёпишиб қолишига қарши таъсир қилади.

Доривор препаратлари. Мойчечак гулидан (саватчалардан) дамлама тайёрланади. Саватчалар меъда касалликларида, томоқ чайқашда ишлатиладиган ва юмшатувчи йифмалар — чойлар таркибига ҳам киради.

Етиштириш агротехникаси. Нихолларни биологик хусусиятлари: мойчечак уруғларини униши 6—7°C дан бошланса-да, оптимал ҳарорат 20—25°C ҳисобланади. Агар уруғлар экилгандан сўнг намлик етарли бўлмаса, уруғлар узоқ вақтгача унмаслиги мумкин. Бу вақтда уруғ экилган майдонлар суғорилади.

Нихоллар униб чиққандан сўнг (намлик ва ҳавонинг ҳарорати нормал даражада бўлганда) 20—40 кунда ҳар бир нихолда 6—10 тадан розетка барглари ўсиб чиқади. Кузда экилган нихоллар шу ҳолда кишлайди.

Эрта баҳорда экилган нихоллардан апрель ойининг биринчи ўн кунлигига 7—9 тадан розетка барглари ўсиб чиқади. Март-апрель ойи даврида баҳорнинг сел ёмғир келиши натижасида розетка барглари тез ўсиши ва йириклиши натижасида ўсимлик ўртасида пояни ўсиб чиқиши ва шохланиши кузатилади. Ўсимликнинг намлик билан яхши таъминлаб борилса, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши натижасида май ойининг биринчи ўн кунлигига дастлабки гуллар очилади. Умуман олганда баҳорда экилган уруғлардан 30—50 кунда дастлабки гулларни очилишини кўрамиз. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўсимлик пояларида эндигина пайдо бўлган гунчалардан 10—12 кунда гуллар очилиши мумкин. Шубҳасиз бунга ҳавонинг ҳарорати, тупроқ намлиги ва тупроқдаги озиқ элементлар муҳим роль ўйнайди.

Кунларнинг иссиқлиги ва тупроқ намлигига қараб, ўсимлиқдаги битта саватча 5—6 кун очилиб туриши мумкин. Ҳавонинг ҳарорати ўртacha 19—21°C бўлганда гулларни яхши очилиши кузатилган. Ҳароратнинг 30°C дан ортиши гулларнинг очилишига салбий таъсир этиши билан бирга уларнинг майдалашишига олиб келади. Гулларни очилишида ёруғлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳавонинг булутиз очиқ бўлиб туриши гулларни тез очилишига ёрдам беради.

Мойчечак ёруғсевар, намсевар ва уни унумдор ерларда ўстириш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли аввало уруғларни сепишдан олдин ҳар гектар ерга 20—25 тоннадан маҳаллий ўғит (гўнг) ва суперфосфат солиб, тупроқ 25—30 см чуқурликда хайдалади. Ўсимлик ўсиши ва ривожланиши учун тупроқда минерал моддалар етарли бўлиши керак. Мойчечак ўсимлигини 2—3 йил экиб, сўнг ўрнига бошқа доривор ёки қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Акс ҳолда йил сайн ҳосилдорлик пасайиб бориши мумкин. Мойчечак баҳорги-ёзги ўсимлик бўлгани сабабли, июль ва август ойларида ундан бўшаган майдонларга кечки экинлар экиб улардан қўшимча ҳосил олиш ҳам мумкин.

Мойчечак экиладиган майдонлар иложи борича ёруғлик яхши тушадиган, дараҳтзорлар бўлмаган ва унумдор тупроқ бўлгани маъқул.

Нихоллар ўсиш даврида бегона ўтларни кўпайиб кетишини ҳисобга олган ҳолда 4—6 см чуқурликда культивация ўтказилиши, бегона ўтларни йўқолишига сабаб бўлади. Ўсимликни йиғишириб олгандан кейин ҳам тезлик билан шудгор қилиниши, шу майдонларни бегона ўтлардан тозаланишига, ўсимлик қолдиқларини тупроқ остида чиришига ёрдам беради.

Ўғитлаш тизими. Мойчечак ўсимлиги Европа давлатларида ва Россия Федерацияси ҳудудларида ўстирилганлиги сабабли бу ўсимликнинг биологияси ва ўғитлаш тизими қисман ўрганилган. Ўзбекистонда доривор ўсимликларни дехқончилиги энг ёш йўналиш бўлганлиги сабабли барча доривор ўсимликлар каби мойчечак ўсимлигининг биологияси ва ўғитлаш тизими бизнинг шароитда тўлиқ ўрганилмаган.

Мойчечак экиладиган ерларни механик таркиби, ўртacha шўрланиш даражаси жуда паст бўлиши лозим. Ўсимлик экиладиган майдонлар кузда гектарига 25—30 тонна гўнг ва фосфорли ўғитларни йиллик нормасини 70% солиниб хайдалиши керак.

Тажриба даласида экилган доривор мойчечак ўсимлигини этиштириш агротехникасининг тақвимий иш режаси

Ишлар	Биринчи йил		
	Кузги	Қишики	Баҳорги
Кузги шудгор олдидан гектарига 30-40 тонна гўнг солиш	10.X гача	20.X гача	20.03 гача
Кузги шудгор ва кетма-кет молалаш	15.X гача	25.X гача	25.03 гача
Экиш	18.X	5.XI	05.IV
Эгат олиш	20.X	10.XI	25.03
Суғориш	21.X	11.XI	26.03
Культивация, ўтоқ, ягана	30.X	20.IV	5.04
Эгат олиш, азот солиш	25.IV	25.IV	8.04

Суғориш	10.V	10.V	10.04
Тўпгул йиға бошлаш	15.V	25.V	5-20.V
Суғориш	20.V	20.V	20.V
Культивация	25.V	25.V	25.V
Эгат олиш, азот солиши	28.V	28.V	28.V
Суғориш	30.V	30.V	30.V
Суғориш	10.VI	10.VI	10.VI
Суғориш	20.VI	20.VI	20.VI
Культивация, йирик бегона ўтларни ўташ	25.VI	25.VI	25.VI
Суғориш	30.VI	30.VI	30.VI
Суғориш	10.VII	10.VII	10.VII
Суғориш	20.VII	20.VII	20.VII
Суғориш	30.VII	30.VII	30.VII
Бахорги экин хосилини йигиштириш			15-28VIII
Кеч кузда ер устки қисмини (ўтни) ўриш ва даладан олиб кетиш	20.X	20.X	20.X
Гектарига 80 кг.дан фосфор солиши ва эгатларни чукур ҳайдаш	25-30.X	25-30.X	25-30.X

Мойчечакни ўсиб ривожланиши давомида икки марта: биринчиси — майса ҳосил бўлган даврда (март ойининг биринчи ўн кунлигига), иккинчиси фунчлаш даврида (апрель ойининг учинчи ўн кунлигига) гектарига 30—40 кг ҳисобида азотли ўғитлар берилади. Азотли ўғитларни ўсимликни суғоришдан олдин берилади. Ўсимликни азотли, фосфорли ва органик ўғитлар билан яхши озиқлантирилганда мойчечак гулларини гектарига 1,5—3,0 центнерга ошганлиги аниқланган

Касалликка қарши курашиш. Мойчечак ўсимлиги вегетация давомида барча маданий ўсимликлар каби ун шудринг касаллиги билан касалланиши мумкин. Айниқса соя ерда экилган ўсимликлар тез касалланади. Ун шудринг касаллигини олдини олиш ва даволаш мақсадида фуницидлардан — топас препаратидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Касалликни олдини олиш мақсадида 100 литр сувга 25 мл топасни эритибиш пуркалади. Касаллик белгилари пайдо бўлганда эса 100 литр сувга 30 мл дан препарат эритибиш пуркалади. Профилактика мақсадида май ва июнь ойида бир мартадан пуркалса, касалликни даволашда 7—14 кун оралигига такрорлаб турилади.

Ердаги кўпчилик ҳашарот личинкалари ва лавлаги узунбурун, колорадо кўнфизи, каналар ва кўнфузларни йўқотиш мақсадида каратэ препаратини пуркаш ёки унинг ўрнига 3 кг/га хлорофос препаратидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Бу хилдаги препаратларни иложи борича март ойи охири ва апрель ойида ўтказган маъқул.

Замбуурғ касалликларига асосан грозан препарати, айрим ҳолларда ун шудринг касаллигига қарши олтингугурт кўлланилади.

Касаллик ва заарали ҳашаротларга қарши курашнинг яна бирдан-бир йўли алманиб экишини йўлга қўйиш билан бирга бегона ўтларга қарши курашишдир.

Маҳсулот тайёрлаш. Маҳсулот ўсимлик кийғос гуллаганда тайёрланади. Саватчалардаги гуллар гуллай бошлаганда тилсимон гуллар юқорига қараган бўлиб, тўлиқ гуллаган даврида горизонтал ҳолатга ўтади. Гуллаб бўлгандан сўнг тилсимон гуллар пастга қараб йўналади. Айни шу вақтда найчасимон гулларда мева ҳосил бўла бошлайди. Саватчалардаги гуллар кийғос гуллаган даврда, яъни тилсимон гуллар горизонтал ҳолатга ўтган вақтида саватчалар таркибида эфир мойи энг кўп йигилади. Шунинг учун маҳсулотни шу даврда тайёрлаш тавсия этилади. Саватчалар қўл билан юлиб ёки халтачали маҳсус қайчи билан қирқиб, ёки халтали маҳсус хокандозга ўхшаган тароқ ёрдамида юлиб олинади. Йигилган саватчалар аралашмадан тозалангандан сўнг соя ерда ёки куритгичларда 40 дан ошик бўлмаган ҳароратда қуритилади.

Илмий изланишлар натижалари асосида тайёрланган тавсияларни халқ табобатига, анъанавий ва замонавий тиббиётга, фармацевтика соҳасига ҳамда қишлоқ хўжалигига ва бошка соҳаларга жорий қилиш натижасида Хоразм воҳасида мавжуд доривор ўсимликлардан олинадиган ҳосилнинг ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш ва шўрга чидамли янги доривор ўсимликларни интродукция қилиш имкониятлари яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- ГОСТ Р 50247-92 Цветки ромашки. Тех. Условия. Государственный стандарт Российской Федерации М: Из-во стандартов, 1998
- Ляшенко З.Д. Основные элементы технологии выращивания ромашки аптечной в Саратовской области //Аграрные реформы в России: опыт, проблемы, перспективы Саратов, 1995.
- Мурдахаев Ю. М. Лекарственные культуры в Узбекистане, Ташкент, 2001.

4. Мурдахаев Ю. М. Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар. Тошкент, 1995
5. Носырев В.И., Дроздовская Л.С., Бушковская Л.М. Интегрированная защита лекарственных культур важный фактор повышения их урожайности //сборник научных трудов «Защита лекарственных культур от вредителей»1981.-С.3 б.
6. Холматов Х.Х., Ҳабибов. Ўзбекистон доривор ўсимликлари. Тошкент,
7. Р.Сабиров, У.Абдураҳимов, Д.Явқачев Доривор мойчечак – *Chamomilla recutita* (L.) ўсимлигини етиштириш агротехникаси //Хоразм Маъмун академиясининг ахборотномаси 3 (27)/2013 й.

МАХДУМИ АЪЗАМ АСАРЛАРИДА ОНТАЛОГИК МАСАЛАЛАР: КИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ф.ф.н. Э.Х.Зоиров, Бухоро муҳандислик технологияси институти

Аннотация: Махдуми Аъзамнинг аввало Инсон ким? Нега яралган? Уни яратишдан мақсад нима? каби масалаларни ёритиб, кейин тана ва руҳ алоқадорлигига тўхтаган. Махдуми Аъзам инсон танасига икки хил руҳ борлигини айтади. Биринчи ҳайвоний руҳ, иккинчи илоҳий руҳ. Мутасаввиф “Рисолай вужудия” асарида инсон муаммосини тўғри ечиш ва тана ва руҳга меъёрда бўлиши каби ижсобий бунёдкор гояни баркамол инсон тарбияси учун фойдаланиши зарурлигини таъкидлаб ўтган.

Таянч сўзлар: вахдат ул – вужуд, қалб, сўз, тана ва руҳ, ҳайвоний руҳ, илоҳий руҳ, тупроқ, восита, вужуд дехқони, нафс.

Аннотация: Махдум Азам разъясняет проблему: «Во-первых, кто такой человек? Почему он создан? Какова цель его создания?», затем останавливается на связи тела и души. Махдум Азам говорит, что человеческое тело имеет два типа души. Первый животный дух, второй божественный дух. В своей книге «Рисолай Вужудия» Махдум Азам подчеркивал необходимость конструктивного творца, такого как способность решать человеческие проблемы и балансировать с телом и духом ради совершенствования человеческого понимания.

Ключевые слова: вахдат ул-вужуд, душа, слово, душа и организм, животный дух, божественный дух, земля(почва), средство тела, истина, духовный путь,

Abstract. Maxdum Azam clarifies the issue: “Firstly, who is the human being? Why were they created? What is the purpose of creating them?” the body and soul. Maxdum Azam says that the human body has two types of souls. The first is animal spirit and the second is divine spirit. In his book “Risolai Vokhdiyiya”, Maxdum Azam emphasized the need for a constructive creator, such as the ability to solve human problems and to balance himself with the body and spirit, for the sake of the perfection of human comprehension.

Key words: vahdatul-vujud, soul and organism, animal soul, mysterious soul, land, passion, the truth, law, a spiritual way

Борлиқ, унга муносабат масаласи фалсафий қарашларда марказий ўринни ташкил этади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, борлиқ муаммоси фалсафадаги ҳар қандай дунёқараш ва методологик муаммоларнинг асоси хисобланади.

Буюк мутасаввиф, Махдуми Аъзам “Рисолай вужудия”, “Рисолай фаноия”, “Рисолай баттихия”, “Гул ва Наврӯз”, “Рисолай букоийя”, “Нафаҳату ус-соликин”, “Рисолай шайбийя” асарларида борлиққа оид фикр юритган. Лекин “Рисолай вужудия” асари бевосита онтологик масалаларни ёритувчи асардир.

Асарнинг бошидаёт Махдуми Аъзам ўқувчига савол беради, ки “эй содик толиб вужуд неча хилдир?”. Кейин ўзи жавоб беради: “Вужуд икки хилдир”[1] ва уларни тахлил этади.

1.Ҳақиқий, боқий, сармадий вужуд.

2.Оразий, мажозий, фоний вужуд.

Оразий, мажозий, фоний вужуд ҳар бир мавжудот борлигининг сабабидир. Бола туғилди, у вужудидан фойдаланиб, йиллар ўтиб илм эгаси бўлди. Муллолик уни хурмат ва иззат этишнинг сабаби бўлди ва шу билан рўзгорини майшати ўтади. Илм шу гўдак зотига оразийдир чунки у унинг вужуд борлиғидир. Оразий касб қилинган вужуд. Бундай вужуд ҳақиқий, боқий, сармадоний вужуддага тўсик, ҳижоб бўлганлиги учун гуноҳ саналади.

Махдуми Аъзам ёзадики: “Бидан эй толиби содик, ки ҳама саодатҳо ва давлатҳо дар мақоми фанову нести ҳаст. Рафиториҳову бесаодатҳо дар вужуди ҳости аст” [2].

Мазмуни: “Эй содик толиб, билгилки, барча саодат ва давлатлар фано, яъни йўқлик мақомидадир. Саргардонлик ва саодатсизлик, яъни бадбаҳтлик вужуд борлиғидадир”. Бу ерда мақсад оразий, мажозий, ўткинчи вужуд асл вужуд, ҳақиқий, боқий, сармадоний вужуддага гарқ бўлиб, йўқ бўлган бўлса, фано мақомига етса икки олам саодатига этади.

Бу гояни Махдуми Аъзам “Рисолай Фаноийя”(Фано рисоласи) сида ҳам батафсил ёритиб, дунёнинг бебақолиги, ундаги барча нарсаларнинг фонийлиги, инсонга умр ҳам ўлчаб берилганлиги, шунинг учун дунёга ортиқча муҳаббат қўймаслик, балки боқий ҳаёт маскани саналмиш охират учун кўпроқ хайрли ишлар қилиш зарурлиги ҳақида даъват этади [3].

Бақо ва фано тушунчасига кўра дунё абадий, бу дунё эса фоний дунёдир. Инсон абадий дунё умидида яшамоғи, бу фоний дунё икир – чикирлари билан ўралашиб қолмаслиги, гафлат ва ғоғилликни тарқ этиши, вақтинча хузур – халоватлар, хою ҳаваслар илинжида, инсонни ёмонлиқдан завқлантирадиган нафс – нафси аммора тузогига тушиб қолмасдан, Аллоҳ амрига бўйсуниши лозим бўлади. Фано бўлиш ибораси, аслида, мутасаввиф кишиларнинг ўткинчи ҳаёт ташвишларидан озод

бўлишини, маънавий ахлоқий покланишни, илоҳий амрни тўла – тўкис ва бажонудил бажарилишини билдиради.

Мутафаккир фикрича, ҳақиқий вужудга қарши, орада оразий, мажозий фоний вужуд бор бўлса бу саодатдан маҳрум бўлади. Бундай саодат Мухаммад (с.а.в.) пайғамбарга етди. Чунки у киши факирлик мақомида бўлиб, “Факирлик мени фаҳрим ва ифтихорим” деганлар. У кишида оразий вужуд йўқ эдикси ҳижоб бўлса. У киши ўз вужудларини ваҳдат дарёсига фоний-йўқ қилган эдилар.

Байт:

Дар мақоми хонаи ваҳдат, ки кўйи нести аст,
Ошиқони дарди ў аввал хешро дар боҳтанд.[4]

Мазмуни:

Ваҳдат уйи мақомида ким йўқлик ҳолатидадир,
Унинг (Ҳақнинг) ошиқлари аввал ўзлиқдан воз кечдилар.

Бундан шундай мантикий хулоса чиқадики Маҳдуми Аъзам асл, боқий, ҳақиқий вужудни ягона деганлар. Лекин ўша Кулнинг жузвлари бўлиб оразий вужуд ҳам бор бўлади. Лекин у аслини билса боқий, абадиятга боғланади. Савол туғилади мадомики оразий вужуд гуноҳ экан, ҳужоб экан нега у яратилди?

Маҳдуми Аъзам таълимотининг диний ва дунёвий аҳамияти шундаки, у инсон борлиги вужудини кераклиги, зарурлиги, охират ва икки дунё саодатига мушарраф бўлиш воситаси эканлигини исботлаган.

Мутафаккир таълимотининг дунёвийлиги яна шундаки, вужуд (инсон танаси назарга олинмоқда) воситасида киши ҳар нимаки истаса шуни қилиши мумкин. Вужуд ёрдамида нимани эшитмоқчи бўлса эшитади, нимани кўрмоқчи бўлса кўради, қаерга бормоқчи бўлса боради. Ҳар қандай файзким бу оламга етади, инсон шу вужуди билан амалга оширган яхшилиги туфайлидир.

Халқ қилинган маҳлуқотга нима ризқеки етса, шу шариф вужуди воситасида етади. Осмондан келадиган ёмғир ва балолар ҳам ер юзидан шу шариф вужуд воситасида дафъ қилинади.

Вужуднинг жидду жаҳди туфайли қалб ойинаси туфайли барча тааллукотлар зангидан покланади ва Оллоҳ лутфу назари маконига айлантиради. Шу шариф вужуд туфайли илоҳий файз олади. Маҳдуми Аъзам маҳлуқот вужудини, бир томондан, унинг камолоти учун восита деб билса, иккинчи томондан марқаб (инсон руҳи учун от, тую каби) бўлиб, инсонни бир жойдан иккинчи жойга боришига, бир ишни қилишга ёрдам беради деган. Инсон илм олиш учун мактабга, академик лицей, касб – хунар коллежи ва институт, кейинчалик ундан юксакроқ жойларга боришига вужуд ёрдам беради. Маълум касб – хунарни эгаллаш учун ҳам инсон вужуди билан устоз, корхоналарга бориш керак. Марқаб – танани ҳайвоний руҳ ёрдамида ейди, ухлайди ва бошқа талабларини меъёрда бажарилади. Демакки, вужуд қувватлари бошқарилса инсон камолоти учун заруратга айланади.

Инсон дунёда факат мавжуд бўлиб колмасдан, балки у ўз – ўзини англайди, ўзи яшаётган дунёни билади ва унга таъсир қиласди; дунёни ва ўзини ўзлаштириб, ўзгартириб боради; маънавий ижодиётда иштирок этади. Инсон бунда, аввало ўз борлигини билиш учун, ўз борлиги учун қайғуради. У бир бутун борлиқ тизимида ўзининг зиддиятли ролини англаб олиши, ўз борлиги ва дунё борлиги олдида ўз маъсулияти, жавобгарлигини сезиши, ҳис қилиши муҳимdir.

Нақшбандия тариқати, жумладан Маҳдуми Аъзам меросини ўрганиш ҳалқимиз маънавияти, фалсафий тафаккури тараққиётини ўрганишга ёрдам беради. Чунки, буни ўз ўрни, салоҳият ва аҳамияти бор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 1.Йулдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Кадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси.Т.: Шарқ 2003й. 33 бет.
2. 2.Абдулҳаким Шаръий Жузжоний Тасаввуф ва инсон. Тошкент. Адолат. 2001 й.Б.20.
3. 3.Хожагий Аҳмад Косоний. Рисола - йэ вужудия. Қўлёзма. Муаллифнинг шахсий кутубхонасидан.
4. 4.Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний.Тасаввуф ва инсон.-Т.:Адолат.2001.– 206.
5. 5.Хожагий Аҳмад Косоний. Рисола - йэ вужудия. Қўлёзма. Муаллифнинг шахсий кутубхонасидан.
6. 6.Хожагий Аҳмад Косоний. Рисола - йэ фаноийя. Қўлёзма. Муаллифнинг шахсий кутубхонасидан. – 7 в.
7. 8.Рисола - йэ фаноийя. Қўлёзма. Муаллифнинг шахсий кутубхонасидан. – 9 в.
8. 9.Рисола - йэ фаноийя. Қўлёзма. Муаллифнинг шахсий кутубхонасидан.–12 в.

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

УДК: 621.31(072)

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ**Б.Қаландаров, доцент, т.ф.н., УрДУ**

Аннотация. Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиши мумкин бўлишига қарамасдан, улар жсаҳон энергетикаси балансида бир неча фоизни ташкил қиласди. Мамлакатимизни иқтисодий ривожланиши ва энергия билан таъминланиши даражаси энергетик стратегияни танлаши билан боғлик.

Калит сўзлар: Қайта тикланувчи, энергия, ёқилги, баланс, самарали, фоиз.

Аннотация. В настоящее время, несмотря на интенсивное использование возобновляемых источников энергия (ВИЭ), их доля в общем мировом топливно-энергетическом балансе составляет несколько процентов. Огромное значение для обеспечения энергобезопасности имеет устойчивое развитие и стабильность государств-производителей в сфере энергетики.

Ключевые слова: Возобновляемые источники, энергия, топливо, баланс, интенсивный, процент.

Abstract. At present, despite of intensive use of renewed energy sources (RES), their share in the general world fuel and energy balance makes some percent. Huge value for maintenance of energy safety has steady development and stability of states - manufacturers and sphere of energetics.

Key words: Renewed sources, energy, fuel, balance, intensive, percent

Бугунги кунда дунё мамлакатларининг ривожланиши унинг энергия билан таъминланганлик даражасини белгилайди. Аммо энергия истеъмолининг кундан-кунга ортиб бориши ҳамда ишлаб чиқариш учун органик ёқилғилардан фойдаланиши табиий ресурсларни камайиб кетишига ва атроф-муҳитни глобал ифлосланишига олиб келмоқда. Шу сабабли ҳозирги кунда энергетиканинг муҳим масалаларидан биттаси экологик тоза, қайта тикланувчи, ноанъанавий ва арzon энергия манбаларидан фойдаланишдир. Булар қуёш энергияси, шамол ва дарё сувлари энергияси, аммо булардан фойдаланиш учун юқори технология ва замонавий анжомлар ҳамда юқори малакали мутахассислар, булар мұхандислар, мұхандис технологлар, юқори малакали чилангирлар керак.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши ҳам дунёнинг бошқа мамлакатлари каби муайян даражада якин 50 йиллик энергетик стратегиясини танлаш билан боғлик. Ишлаб чиқариш корхоналарини жадал ривожланиши, янгидан ишга туширилаётган завод ва фабрикалар ҳамда аҳоли сонини ўсиб бориши энергияга бўлган талабни кундан-кунга ўсиб боришига сабаб бўлади. Бу эса мавжуд энергия манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланишни ва янги энергия манбаларини излаб топишни тақозо қиласди. Энергия тежаш бўйича чора-тадбирларни оддий истеъмолчилар даражасида ўтказиш каттароқ самара берган бўлар эди.

Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқариладиган электро энергиянинг 85% органик ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқлик электростанцияда ишлаб чиқарилади, 14,5% эса гидроэлектростанциялар ёрдамида ишлаб чиқарилади. Ваҳоланки Ўзбекистон қуёшли мамлакат ҳисобланади, йилига 250-270 кун қуёш чараклаб туради, қуёш энергиясининг максимал қиймати 1100 вт/м² га етади. Қуёш энергетикасининг потенциали мамлакатнинг энергиясига бўлган эҳтиёжидан тўрт баробар кўпdir, фақат уни олиш ва ишлатиш меҳанизмини таъминлаштириш лозим.

Энергиянинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланишда корхонларнинг раҳбарларида ҳам, оддий фуқароларда ҳам энергия олишнинг бошқа муқобил йўллари ва энергиядан самарали фойдаанувчи асбоб-анжомлар ва дастгоҳлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар етарли эмас, шу сабабли иқтисодий ва ижтимоий қизиқиши юзага келмайди. Аҳолининг асосий қатлами бу менинг ишим эмас, менга нима эди деган фикр билан яшайди.

Яна битта салбий таъсир кўрсатувчи фактор бу рағбатлантиришнинг йўқлигидир, бунда аҳолининг моддий рағбатлантириш шарт эмас (бу хорижий давлатларда субсидиялар кўринишида бўлиб, субсидиялар ноанъанавий энергетика асбоб-анжомлари ва технологиялардан фойдаланиши рағбатлантиради).

Маъмурий тўсиқлар ҳам мавжуд бўлиб булар асосан бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлиқ тизими қолдиқлари билан боғлик. Бу ишда топшириқ ва буйруқ бериш орқали муваффакиятга эришиб бўлмайди, аҳолининг барча қатламлари энергия тежамкорлигини, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш афзалликларини, ундан фойдаланиш технологиясини ўзида ҳис қилиши лозим.

Бугунги кунда юзлаб янги, замонавий технология, курилмалар сотиб олинмоқда, уларда ишни ташкил қилиш учун хорижий мутахассислар жалб қилинмоқда. Аммо сотиб олинган технология ва курилмалар 15-20 йил ишламайди, чунки технология тез эскириб бормоқда ва жаҳон бозоридан орқада

қолиб кетилади. Шунинг учун мамлакат ўзини олимлари, муҳандислари, технологларининг ақли-заковатига таяниши лозим. Республикамиз олий таълим муассасалари уларни етказиб бериши мумкин, аммо уларни ишлаши ва ижод қилиши учун шароит яратиш лозим. Юқори сифатли мутахассис учун онгни ва ижодини чегараламайдиган шароит бўлиши керак, бу эса ҳар доим ҳам бўлмайди.

Муқобил энергия манбаларини айрим олинган қисмларини эмас, балки тўлиқ якунланган комплекс кўринишида намойиш эта оладиган тажриба-синов участкаларини ташкил қилиш лозим. Бундай тажриба-синов участкалари айрим илмий текшириш институтлари ва олий таълим кафедраларининг лабораториялари қошида ташкил қилинган бўлиб, замон талабига жавоб берадиган даражада эмас.

Хозирги кунда энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг хужжатлари ва улардан фойдаланиш тажрибаси истеъмолчи ҳак-хукуқларини ҳисобга олмайди, уларнинг хукуқларини химоя қилиш механизмлари тўлиқ шаклланган эмас. Бу эса ҳар қандай янтиликка, берилаётган таклифларга ишончсизликни келтириб чиқаради. Энергиядан фойдаланишини ёмон кўриниши бу қишлоқ аҳолиси томонидан дараҳт ва буталарни кесиб ёқилғи сифатида ишлатишидир, бу қишлоқ хўжалигига, айниқса пиллачиликка катта зарап келтирмоқда. Дараҳтларни кесилиши, ерларни деграцияга учраши ва биохилма-хилликни йўқолишига олиб келади.

Бундан ташқари республикамизда муқобил энергия асбоб-анжомлари ва технологиялари бозори ҳозирча етарли даражада шаклланмаган ҳамда аҳборот етишмаслиги сабабли истеъмолчиларда муқобил энергия манбалари ҳакида салбий фикрлар юзага келмоқда ва бу ушбу соҳани республикамизда ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ҳам айрим уй-жойлар ва маъмурий биноларнинг кириш-чиқиш майдончаларини ёритиш учун 100 Вт қувватли чўғланма лампалардан фойдаланилмоқда. Агар битта тўрт қаватли, саккиз кириш-чиқишли турар жой зинапоя майдончаларини ёритиш учун 32 та ана шундай лампа ишлатилса, улар бир соатда 3,2 кВт., кунига 76,8 кВт., йилига 28000 кВт./соатдан кўпроқ энергия истеъмол қилинади. Бу лампаларни замонавий светодиодли лампаларга алмаштирилса 50 баробар энергия тежалган бўлар эди.

Бу соҳани ривожлантириш учун давлат органларининг фаол аралашуви, аҳоли ва ишбилармон доираларни, айниқса раҳбар ҳодимларнинг фаоллиги зарур.

Электр энергияси ва табиий газ таъминоти ёмон бўлган узоқ қишлоқларда аҳолининг қўпчилик қисми шаҳарларга кўчиб келмоқда. Айниқса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг чекка қишлоқларида бу холат кўплаб кузатилмоқда. Бу регион ер майдони жихатидан Ўзбекистонни 38,4 % майдонини ташкил қиласи, аҳолини 11,5 % шу регионда яшайди, ушбу регионда бу муаммо ечимни кутаётган асосий масалалардан биттаси бўлиб қолмоқда.

Бир қанча ривожланган мамлакатлар кўчаларни ва хиёбонларни ёритишида қуёш батареяларидан фойдаланишга ўтмоқда, бу ҳам электр энергияни тежашга ёрдам берган бўлиб, аҳоли эҳтиёжини таъминлашни яхшилаган бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хаджаев М. Тоза энергиянинг самарадорлигини ошириш//Экология хабарномаси, маҳсус нашр, 2011 йил, №4-Б., 4-7 б.
2. Тошбоев Т. Қайта тикланувчи энергия манбалари//“Маърифат” газетаси, 2014 йил 12-март.
3. Кўшчанов Э. ва бошқалар, Физикавий экология -Тошкент, “Минхож”, 2005 йил.
4. Алексеев В.В. Экология и экономика энергетики.- Знание, Физика, №6, М., 1990, 63с.
5. Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг иқлим ўзгаришини олдини олиш бўйича Муваққат конвенцияси бўйича миллий аҳбороти, Тошкент, 1999 йил.

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси 2006 йилдан буён бир йилда 4 (3 ойда бир) марта чоп қилинган. 2019 йилдан бошлаб Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси йилига 6 (2 ойда бир) марта чоп қилинади. Ахборотномада илм-фанинг барча соҳалари бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида мақолалар нашр этилади. Ахборотномага мақолалар қўйидаги тартибда қабул қилинади: мақола ҳажми 0,25 босма табоқ (4 сахифа) дан кам бўлмаслиги, 1 б.т. (16 сахифа) дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Мақола таҳририятга Times New Roman шрифти, 14 ўлчовда, 1,5 катор оралиғида, чап томондан 3 см, юқори ва паст томондан 2,5 см, ўнг томондан 1,5 см қолдирилган ҳолатда А4 форматли стандарт қофознинг бир томонига чоп этилган ва муаллиф(лар) нинг шахсий имзоси билан тасдиқланган ҳолда бир нусхада топширилиши зарур. Электрон шакли Word 2000-2016 дастури, doc ёки docx форматида **xma_axborotnomasi@mail.ru** ёки **mamun-axborotnoma@academy.uz** электрон почта манзиллари ҳамда **+998935691670** рақамли телеграмм сахифаси орқали қабул қилинади. Мақола тегишли фан соҳаси бўйича фан доктори ёки илмий унвонга эга фан номзоди тақризи ва ИТМ ёки ОТМ томонидан эксперт хулосасига эга бўлиши талаб қилинади.

Мақола расмийлаштирилганда, дастлаб юқори чап томондан УЎТ (УДК) қайди, бир оралиқдан сўнг бош ҳарфларда мақола мавзуси, кейинги сатрда муаллиф(лар)нинг исми, шарифи, отасининг исми, илмий даражаси ва илмий унвони, иш жойи ва лавозими тўлиқ ёзилади. Кейин ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар келтирилади. Аннотация 2-3 жумладан иборат бўлиб, ўзида мақола мазмунини ифодалashi лозим. Калит сўзлар мавзуни очиб берадиган 10 дан ошмаган сўз ва иборалардан иборат бўлиши керак. Мақолада кириш, мавзунинг долзарблиги, масаланинг мазмуни, ечим ҳамда тегишли хулоса ва тавсиялар келтирилиши, сўз, ибора ва формулалар аниқ ифодаланган, гап ва жумлалар тизимли бўлиши талаб қилинади.

Таҳририят мақолаларни таҳrir қилиш ва қисқартириш хукуқига эга. Талаб даражасида расмийлаштирилмаган мақолалар ахборотномада эълон қилинмайди. Мақола муаллифларига таҳририят қўлёзмаларни қайтариш ва ёзма жавоб бериш мажбуриятини олмайди. Мақолани таҳrir қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп қилиш учун кетадиган ҳаражатларни қоплаш учун 1 сахифага 20 минг сўм микдорида бадал пули тўланади.

Эндиликда “Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” нинг мавжуд сонлари билан Хоразм Маъмун академияси расмий сайти: **mamun.uz** да танишишингиз ва юклаб олишингиз мумкин.

Таҳририят

Хоразм Маъмун академияси

Манзили: Хива, Марказ-1

Тел: +998942306575; xma_axborotnomasi@mail.ru, mamun-axborotnoma@academy.uz

Обуна индекси: 8030

ШХ/Р: 4001 1086 0332 2679 5010 0043 001

СТИР 202463612 ОКОНХ 95110

Ғазначилик бўлинмасининг номи: Молия вазирлиги ғазначилиги

ЭКС: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ

МФО 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси (обуна ёки мақола чиқариш) учун